

№1(1) 2023



AYNIY VORISLARI

**XALQARO ELEKTRON JURNAL
INTERNATIONAL ELECTRONIC JOURNAL**



<https://buxdu.uz/>

ISSN
E-ISSN

“AYNIY VORISLARI”
xalqaro elektron jurnal

«НАСЛЕДНИКИ АЙНИ»
международный электронный
журнал

“AYNIY’S SUCCESSORS”
international electronic journal

№1(1) 2023

Jurnal haqida

Jurnalga O'zbekiston Respublikasi Prezidenti administratsiyasi huzuridagi axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan ommaviy axborot vositasi davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida 072250 raqamli guvohnoma berilgan.

"Ayniy vorislari " xalqaro elektron jurnali

"Sadriddin Ayniy saboqlari " xalqaro elektron jurnaliga taqdim etilgan ilmiy maqolalarga qo'yiladigan asosiy talablar falsafa doktori (PhD), fan doktori (DSc) dissertatsiyalarining asosiy ilmiy natijalarini xalqaro standartlar va O'zbekiston Respublikasi "Oliy attestatsiya komissiyasi to'g'risidagi Nizom" talablari, shu jumladan elektron ilmiy-texnik jurnallarga qo'yiladigan talablar tizimi hisoblanadi.

«Наследники Айни» международный электронный журнал

Основные требования к научным статьям, представляемым в международном электронном журнале «Наследники Айни» являются научные труды, рекомендованные для публикации основных научных результатов докторских (PhD), (DSc) диссертаций в соответствии с международными стандартами и «Положением о Высшей аттестационной комиссии» Республики Узбекистан, в частности требования к электронным научно-техническим журналам.

About the magazine

"Aini's Successors" international electronic journal

The main requirements for scientific articles submitted to the international electronic journal "Aini's Successors" are scientific publications recommended for the publication of the main scientific results of doctoral (PhD), (DSc) dissertations in accordance with international standards and the "Regulation on the Higher Attestation Commission" of the Republic of Uzbekistan, including from templates in the system of requirements for electronic scientific and technical journals.

BOSH MUHARRIR**OBIDJON XAMIDOV,**

iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor (O'zbekiston)

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI**DILRABO QUVVATOVA,**

filologiya fanlari doktori (DSc), professor (O'zbekiston)

MAS'UL KOTIB**NAFOSAT O'ROQOVA,**

filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) (O'zbekiston)

TAHRIR HAY'ATI:**DARMONOY O'RAYEVA,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

JUMAQUL HAMROH,

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

NURBOY JABBOROV,

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

NURALI NUROV,

filologiya fanlari doktori, professor (Tojikiston)

SHAVKAT HASANOV,

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

SHAMSIDDIN SOLIHOV,

filologiya fanlari doktori, professor (Tojikiston)

NURETTIN DEMIR,

Pr. Dok. (Turkiya)

NAFAS SHODMONOV,

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

ALFIYA YUSUPOVA,filologiya fanlari doktori (DSc), professor
(Rossiya)**SHOHIDA SHAHOBIDDINOVA,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

G'AYRAT MURODOV,filologiya fanlari doktori (DSc), professor
(O'zbekiston)**SHOIRA AXMEDOVA,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

MEHRINISO ABUZALOVA,filologiya fanlari doktori (DSc), professor
(O'zbekiston)**DILSHOD RAJABOV,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
(O'zbekiston)**HUSNIDDIN ESHONQULOV,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
(O'zbekiston)**MA'RIFAT RAJABOVA,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
(O'zbekiston)**QAHRAMON TO'XSANOV,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
(O'zbekiston)**MALOHAT JO'RAYEVA,**filologiya fanlari doktori (DSc), professor
(O'zbekiston)**ZUBAYDULLO RASULOV,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
(O'zbekiston)**SHODMON SULAYMONOV,**

filologiya fanlari nomzodi (O'zbekiston)

MAQSUD ASADOV,filologiya fanlari doktori (DSc), professor
(O'zbekiston)**HILOLA SAFAROVA,**

filologiya fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

SAIDA NAZAROVA,

filologiya fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

BAYRAMALI QILICHEV,

filologiya fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

DILOROM YO'LDOSHEVA,pedagogika fanlari nomzodi, professor
(O'zbekiston)**ZILOLA AMONOVA,**filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
(O'zbekiston)**OTABEK NOSIROV,**filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
(O'zbekiston)**MEHRINIGOR AXMEDOVA,**filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
(O'zbekiston)**YARASH RO'ZIYEV,**filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
(O'zbekiston)**SADOQAT MAXMUDOVA,** filologiya fanlari
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
(O'zbekiston)

JAMOATCHILIK KENGASHI

Jamoatchilik kengashi raisi:**TO'LQIN RASULOV,**

fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (O'zbekiston)

Jamoatchilik kengashi raisi o'rinbosari:**ERGASH QILICHEV,**

filologiya fanlari nomzodi, professor (O'zbekiston)

Jamoatchilik kengashi:**IBODULLA MIRZAYEV,**

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

МУСЛИХИДДИН МУҲИДДИНОВ,

filologiya fanlari doktori, professor (O'zbekiston)

МАҲМАЙУСУФ ИМОМЗОДА,

filologiya fanlari doktori, akademik (Tojikiston)

ШАВКАТ ҲАЙТОВ,

filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent (O'zbekiston)

GULMUROD ZARIPOV,

texnika fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

TAVAKKAL CHORIYEV,

filologiya fanlari nomzodi, professor (O'zbekiston)

BIBISH JO'RAYEVA,

filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent (O'zbekiston)

LAYLO SHARIPOVA,

filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent (O'zbekiston)

NAZORA BEKOVA,

filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent (O'zbekiston)

ATOULLO AXMEDOV,

filologiya fanlari nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

GULI TOIROVA,

filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent (O'zbekiston)

LOLA NE'MATOVA,

filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent (O'zbekiston)

BASHORAT JAMILOVA,

filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent (O'zbekiston)

SUMAYRA HAVAZ,

PhD (Kanada)

NOZIMA XOLIQOVA,

filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) (O'zbekiston)

MUHARRIRLAR:**SHOHSANAM DAVRONOVA,**

filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

RA'NO RAJABOVA,

filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

IXTIYOR KAMOLOV,

filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

MEHRIGIYO SHIRINOVA,

filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

TEXNIK MUHARRIRLAR:

NASIMA Qodirova, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

NIGORA Sayfullayeva

AZIMJON Qalandarov

MUSAHHIHLAR:

RO'ZIGUL Qodirova

DILDORA Nazarova

SARVINOZ Raximova

Muassis: Buxoro davlat universiteti

BOSH MUHARRIR MINBARI

Xamidov Obidjon Xafizovich,
jurnal bosh muharriri,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

SADRIDDIN AYNIY YURTIDA ADIB NOMIDAGI XALQARO ELEKTRON JURNALGA ASOS SOLINDI

Buxoroyi sharif juda ko‘plab ulug‘ insonlarga beshik bo‘lgan. Sadriiddin Ayniy ham shu zotlar qatorida zullisonayn ijodkor, tarixchi olim, adabiyotshunos, o‘zbek va tojik xalqlarining atoqli farzandi sifatida yurtimiz nomini dunyo sarhadlariga olib chiqdi. Uning ma‘naviyatimiz, adabiyotimizni yuksaltirishdagi xizmatlari hamisha xalqimiz tomonidan qadr etib kelinmoqda. Darhaqiqat, Buxoro davlat universiteti rahbariyati, filologiya fakulteti jamoasi ham shu jihatdan xayrli bir ishga qo‘l urdi. Universitetimizda “Ayniy vorislari” nomli xalqaro elektron jurnal o‘z faoliyatini boshladi. Jurnal tahrir hay‘ati va jamoatchilik kengashi tarkibi respublikamizning taniqli filologlari, Tojikiston, Rossiya, Turkiya, Kanada kabi xorijiy davlatlarning mutaxassis olimlari asosida shakllantirilgan. Unda “**Sadriiddin Ayniy hayoti va ijodiga doir tadqiqotlar**”, “**Sadriiddin Ayniy va filologiya masalalari**”, “**Folklorshunoslik va adabiyotshunoslik masalalari**”, “**Tilshunoslik muammolari**”, “**Tarjimashunoslik masalalari**” kabi ruknlarda o‘zbek, fors-tojik, rus, ingliz, fransuz, nemis, turk tillarida ilmiy maqolalar chop etiladi. Shu bilan birga “**Retro**” sahifasida ustod Ayniyning donishmandona fikrlari, hikmatlari; “**Ilmdagi yangi qadamlar**” ruknida filologiya sohasida universitetimizda erishilgan yutuqlar, “**Qutlov**” sahifasida muhim sanalar haqidagi xabarlar berib boriladi.

САДРИДДИН АЙНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАР

Қиличев Эргаш Ражабович,
филология фанлари номзоди, профессор

САДРИДДИН АЙНИЙ – СЎЗ САНЪАТКОРИ

Аннотация: Устод С.Айнийнинг ўзбек тилида нашр этилган саккиз жилдлик “Асарлар”ида ишлатилган лексик, фразеологик бирликлар ҳамда халқ мақолларининг семантик-стилистик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Жумладан, архаизм, историзм ҳамда жаргонларнинг маънолари очиқ берилган ва уларнинг услубий хусусиятлари кўрсатилган. Ҳар бир лексик бирликларга далилий мисоллар келтирилган. Фразеологик бирликлар ҳамда халқ мақолларига хос семантик-стилистик хусусиятлар, уларнинг персонажлар нутқини индивидуаллаштиришдаги роли эмоционал-стилистик хусусиятлари далилий мисоллар билан исботланган. Шунингдек, тилдаги фоностилистик воситаларнинг бадиий тасвирдаги имкониятлари очилган. Адибнинг “Қуллар” романининг инглизча таржимаси ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: архаизм, историзм, жаргон, фразеологизм, халқ мақоллари, семантик-стилистик, нутқий индивидуаллик, эмоционал-экспрессив.

Аннотация: Ведется размышление о семантико-стилистических особенностях лексических, фразеологических единиц и народных пословиц, использованных в восьмитомнике «Произведения» С.Айни, изданном на узбекском языке. В том числе, раскрыты смыслы и стилистические особенности архаизмов, историзмов и жаргонов. По каждой лексической единице приведены конкретные примеры с доказательствами. С помощью примеров доказана эмоционально-стилистические особенности, свойственные фразеологическим единицам и народным пословицам, а также роль речей их персонажей в индивидуализации эмоционально-стилистических особенностей. А также раскрыты возможности фоностилистических средств языка в художественном изображении. Ведется рассуждения о переводе романа «Рабы» писателя на английском языке.

Ключевые слова: архаизм, историзм, жаргон, фразеологизм, народные пословицы, семантико-стилистический, речевая индивидуальность, эмоционально-экспрессивный.

Abstract: S.Ayni's eight-volume “Works” published in the Uzbek language contain comments on the used lexical and phraseological units and the semantic-stylistic features of folk proverbs. In particular, the meanings of archaism, historicism and slang are revealed and their stylistic features are shown. Evidence examples are provided for each lexical unit. Phraseological units and semantic-stylistic features specific to folk proverbs, emotional-stylistic features of their role in the individualization of characters' speech are proved by evidentiary examples. Also, the possibilities of phonostylistic tools in the language in the artistic image are revealed. Comments were made about the English translation of writer's novel “Slaves”.

Key words: archaism, historicism, slang, phraseology, folk proverbs, semantic-stylistic, speech individuality, emotional-expressive.

Қириш. Ўзбек адабиёти ва маданиятининг ривожланиш тарихи улкан сўз санъаткори Садриддин Айнийнинг табаррук номи билан чамбарчас боғлиқдир. С.Айний нафақат ўзбек ва тожик адабиёти балки жаҳон адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган ёзувчидир. Унинг асарлари қатор хорижий тилларга ҳам таржима қилинган. Ватанга чексиз

муҳаббат билан, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги, ватанпарварлиги ғоялари билан чуқур суғорилгандир.

Ёзувчининг бой адабий мероси ўзбек ва тожик олимлари томонидан атрофлича ўрганилган. Булар жумласига Н.Рахимов [8], М.Ҳасанов [10], Қиличев Э [5], Маъсуми Н [6] ва бошқаларнинг диссертация ва монографияларини киритиш мумкин. Шунга қарамай, унинг тил материалларидан фойдаланишдаги маҳорати: сўзни образ яратувчи қалитга айлантирганлиги, ҳар бир сўзнинг маъно ва этимологиясига, қўлланиш ўрнига, эмоционал-экспрессив хусусиятларига эътибор берганлигини янада чуқурроқ ўрганиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ушбу мақолада адибнинг ўзбек тилида нашр қилинган 8 томлик “Асарлар”ида [9] қўлланилган архаизм, историзм, жаргонлар, фразеологик иборалар ҳамда халқ мақолларининг қўлланиши билан боғлиқ семантик-стилистик хусусиятлар ҳақида фикр юритилади. Юқорида номлари қайд қилинган, нутқ воситаларининг барчасига муаллиф Э.Қиличевнинг “Сўз сеҳри” китобида ҳар томонлама тўлиқ маълумот берилган [14]. Биз улардан унумли фойдаландик.

Асосий қисм. Устод С.Айнийнинг деярли барча асарлари эски феодал Бухоросининг ижтимоий-сиёсий ва маданий воқеаларини акс эттиришга бағишланган бўлиб, уларда ҳозирги тилимизга нисбатан эскириб истеъмолдан чиққан бир қанча сўзлар ва иборалар учрайди. Уларнинг сони 1500 дан ортиқ. Бундай сўзларнинг маъносини аниқлаш бадий асарнинг тилини тушуниш ва ёзувчининг ўзига хос услубини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Архаизмлар эскириб истеъмолдан чиққан, аммо ўз синонимларига эга бўлган сўзлардир: битик (китоб), хома (қалам), мирза (секретарь), шўро (совет), фирқа (партия) ва бошқалар. С.Айний ўз асарларида нафақат лексик архаизмлар балки грамматик архаизмлардан ҳам унумли фойдаланган. Жумладан, жўналиш келишигининг -ға, -а, -я, чиқиш келишигининг -дин шакллари; феъл формаларидан -ур, -ған, -ғай кабилар ҳам ишлатилган.

Историзмлар эскириб истеъмолдан чиққан, аммо ўз синонимига эга бўлмаган сўзлардир: мингбоши, помсод, маҳзар, қози, тарака хати, ғазот, халифа ва бошқалар.

С.Айний асарларидаги эскирган сўзлар давр руҳини бериш, персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, воқеликни реал акс эттириш каби стилистик мақсадларда қўлланган.

Жаргон ва арголар. С.Айний асарлари тилини таҳлил қилиш жараёнида турли лексик воситалар билан бир қаторда жамиятнинг тор, кичик гуруҳларигагина тушунарли бўлган жаргон ва арго сўз ҳамда иборалар ҳам учрайди. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Чунончи, юқори аристократия, бой феодаллар нутқига, дин аҳллари, руҳонийлар нутқига, судхўрлар ва савдогарлар нутқига, оддий кишилар, чўпонлар нутқига, ўғри, киморбоз ва қаландарлар нутқига хос жаргон, арго сўз ва иборалар.

Ёзувчи персонажлар характери беришда, нутқларини индивидуаллаштиришда, воқеаларни типиклаштириш жараёнида сарой доирасига мансуб юқори мансабдорларнинг дидига мос дабдабали, жим-жимадор, баландпарвоз сўзларни улар нутқида қўллайди. Автор китобхонни фақат ўтмиш давр воқеалари билан таништириб қолмай, балки ўша давр тили, персонажлар овози, уларнинг нутқи билан ҳам тўлиқ таништиришга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан “Дохунда” романидаги Имомқул Тўқсоба нутқи характерлидир. Унинг нутқида жаргонлар ишлатилган: “кимё асар назар” – олтин, ялтироқ, юз, кўриниш; “фикри олий” – сўз, маслаҳат; “шакар-бор тил” – ширин сўз; “марҳаматлари” – рухсати, ижозати, жавоб бериш; “каронат қилдилар” – ажойиб ва тўғри сўзладилар; “шарафёб бўлмоқ” – эришмоқ, етишмоқ маъноларида қўлланган. Сарой ва дин аҳллари бундай ясама, ялтироқ нутқ сўзлаш билан ўзларини оддий халқдан юқори тутганлар.

Жаргон сўзларнинг маъноси шартли ва субъектив характерга эга. Фақат бир гуруҳ кишиларгагина тушунарли бўлади [17]. Бунга биргина амирнинг ўзи турли баландпарвоз номлар билан аталиши мисол бўла олади: жаноби олий, давлатпаноҳ, ҳазрати олий, зоти олий, зоти ҳумоюн, олам паноҳ ва бошқалар. Ёзувчи бундай жимжимадор жаргон сўзларни

контекстда устма-уст кўллаш орқали амир амалдорларининг лаганбардорлигини, хушомадгўйлигини сатира остига олади.

Бадий асардаги персонаж нутқи индивидуаллик билан бирга, типиклик хусусиятига ҳам эга. Нутқни индивидуаллаштиришда персонажнинг психологияси, ақли, қилиғи, нутқ манераси ҳисобга олинса, типиклаштиришда эса персонажнинг ўзи мансуб бўлган группага, тўдага хос умумий белгиларини бирлаштириш керак бўлади. Масалан, С.Айний Бухоро мадрасаларидаги ҳаёт, ўқиш ва яшашни тасвирлар экан, фақат шу мадраса ичида тушунилиши мумкин бўлган айрим жаргон сўзларни кўллайди: Хужра эшиги тақиллаши билан Махсум сўздан тўхтади.

– Хўш! – деди Ҳайит эшикка қараб. Бу Бухоро мадрасалари истилоҳича “Марҳамат кираверинг” деган гап эди. Аммо тақиллатувчи бу сўзнинг маъносини тушунмаган бўлса керак, эшикни очмасдан такрор тақиллатди.

– Марҳамат кираверинг! – деди хужра эгаси. Яна бир мисол: Ош ейилиб бўлган вақтда хужра эшиги тақиллади.

– Рухсат йўқ, парҳез, – деди Бўри.

Келтирилган парчага диққат қилинса, “хўш” ва “парҳез” жаргон сўзлари мадраса ҳаёти воқеаларини типиклаштириш учун хизмат қилганлигини кўрамай.

“Судхўрнинг ўлими” повестидаги қори Ишкамба йирик судхўрлардан, бунинг устига ўлгудек хасис. У фойда олиш шарт билан кишиларга қарз беради. Берган пулининг танидан орттириб олган фойдасини пулнинг “боласи”, пул фойдасининг фойдасини “невараси”, неварасининг фойдасини эса “эвараси” деб атайди:

– Ҳовлига бориб-ку “невараси” деб ошни ейсиз, энди бу ошни нима деб ейсиз?

– Бу “эвараси” бошингиздан айланай, – Қори деди кулиб.

Қори Ишкамба ўйлаб топган сўзлар ёзувчи учун тасвирлаш воситаси бўлган, яъни бундай жаргон сўзлар айна замонда образлилик, таъсирчанликни таъминлаган.

“Одина” повестида Арбоб Камолнинг ёнини олиб, унга судхўрлик қилишида кўмаклашаётган кишлоқ муллasi Мулла Ҳақирах нутқидаги жаргон сўзлар ҳам характерли. Мулла Ҳақирах мўйсафиднинг сўзини кесиб:

– Фойда дема, – деди. Фойданинг маъноси, масалан, рибо (процент – судхўрлар оладиган фойда) бўладики, бу шариатда ҳаромдир, танзил де, танзил!

Кўринадики, Мулла Ҳақирах оддий халққа тушунарли бўлган судхўрликни бевосита акс эттирадиган “фойда” сўзини шариатга тўғри келмайди деб ишлатишни лозим кўрмайди. Унинг ўрнига арабча “танзил” сўзини ишлатиб, меҳнаткашлар кўзини бўяшга ҳаракат қилади.

Бухоро қиморбозлари, маддоҳ ва қаландарлари, безори ва ўғриларининг ҳақиқий образини яратишда ёзувчи уларнинг ўзларига хос бўлган сўзлари – арголардан керакли ўринларда усталик билан фойдаланади: “сут” – пора; “шер” – иш бажарувчи, кўркмас; “тулки” – фирибгар, юлғич; “сув қилмоқ” – ўзлаштирмақ, емоқ; “кишт” – таъқибланган, қочқин одам; “томошага чиқмоқ” – ўғриликка чиқиш, мол излаш; “лай” – семиз; “дегжўша” – даромад, пора; “тагдон” – жосус, шпион.

С.Айний асарларидаги жаргон ва арголар бадий таъсирчанликни, эмоционал-экспрессивликни оширишда, нутқ индивидуаллигини таъминлашда сатирик, комик образлар яратишда, давр руҳи – колоритини беришда муҳим стилистик восита бўлиб хизмат қилган [14, 74-77].

Фразеологизмлар икки ва ундан ортиқ сўзлар лексик-семантик жиҳатдан бирикиб, кўчма маъно ифодалашидир [16, 146]. Тилда фаол ишлатиладиган фразеологизмлар билан бир қаторда эскирган фразеологик иборалар ҳам учрайди. Жумладан, устод С.Айнийнинг асарлари тарихий мавзуларда ёзилганлиги учун уларда эскирган фразеологик иборалардан унумли фойдаланилган. Бу ўринда улардан баъзи бирларини семантик-стилистик хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

С.Айний прозасидаги эскирган фразеологик ибораларнинг асосий қисми асарда тасвирланаётган давр руҳини бериш учун ишлатилган: *Энди ўз хўжайинингдан фотиҳа олиб, бошқа бирорта шининг пайиға туш, беш-ўн танга орттириб, онангнинг эшигини оч, отангнинг чирогини ёққин*. “Одина” повестида Ойшабиби айтган юқоридаги гап

таркибидаги *фотиҳа олмоқ* ибораси жавоб олиш, мустақилликка эришиш, кулликдан озод бўлиш маъноларини ифодалаган. Шунингдек, *онангинг эшигини оч, отангинг чирогини ёқ* иборалари бир-бирига синоним сифатида ота-онасининг ишини давом эттирмоқ, эсламоқ, ёдга олмоқ маъноларини ифодалаган. Ҳар иккала ибора ҳам Ойшабиби нутқини индивидуаллаштириш учун хизмат қилган.

Араб ва форс тилларидан кирган баъзи сўзлар иштирокида тузилган *тасаддуқот қилинмоқ* (ўлдирилмоқ) типдаги айрим иборалар ҳам эскириб, истеъмождан чиққан: *Жаноби олийнинг соғликлари учун тасаддуқот қилинадир, деб буйруқ берди*.

Юқоридагилардан англашиладики, бирор иборанинг эскирганини, у билан мувозий қўлланиладиган синонимик ибора билан қиёслаш орқали билиш мумкин. Аммо бундай мувозий ибора ҳамма вақт мавжуд бўлавермайди, кўпинча архаик иборага унинг синоними бўлган одатдаги сўз тўғри келади.

Ўзи ифодалаган нарса, воқеа-ҳодисаларга боғлиқ ҳолда эскириб, актив қўлланишдан чиққан, ўз эквивалентларига эга бўлмаган иборалар фразеологик историзмлар саналади. Ҳақиқатан ҳам, *мадраса тупроғини яламоқ, иссиқ-совуқ қилмоқ, пирга қўл бермоқ, пешонаси шўр, оппоқхўжам урсин, таги наст, тарки дунё қилмоқ, сўфи қилмоқ, пирига мири ҳам бўлмайди, сочи сунурги, қўли косов, эти сизники, суяги бизники, пайшанба нони билан суяги қотган* каби иборалар ўтмиш давр тушунчалари ва воқеа-ҳодисалари билан боғлиқдир. Бу иборалар ифодалаган тушунчалар ҳозир эскириб, ўз қимматини йўқотган.

С. Айний асарларида жонли халқ тилидан келтирилган ва ўтмиш ҳаёт билан боғлиқ бўлган иборалар ҳам кўп учрайди. Автор тилида ҳам, персонажлар нутқида ҳам ишлатилган бундай ибораларнинг кўпчилиги асар тилининг ифодалилигини, образлиликни кучайтириш билан бирга, айрим социал группа вакиллариининг маънавий қиёфаси, билими, жамиятда тутган ўрнини ҳам яққол ифодалайди. Масалан, йигирма-ўттиз йиллаб мадрасада таълим олган, аммо етарли маълумотга эга бўлмаган, ҳатто оддий бир хатни ёза олмаган мулланинг ҳолатини *“ўттиз йил мадраса тупроғини ялаган”* ибораси билан баён этади: Бухоро мадрасаларининг энг каттаси бўлган Кўкалдош мадрасасида Маҳмудараб деган бир ошнам бор, - деб гап бошлади Ҳайдарча... бир вақт мен учун бир хат ёздириш керак бўлганда, унинг ўзи ёза олмаса керакки, бошқа бир кишини чақиртириб ёздириб берди. Лекин унинг ўз гапига кўра, у ўттиз йил мадраса тупроғини ялаб ётган пешқадам бир мулла... Худди шу ибора “Қуллар” романида ҳам келтирилиб, Муллонаврўзнинг саводсизлиги сатира остига олинади: – *Нега мен унча мулла эмас эканман? Мен бир неча йил мадраса тупроғини ялаган бўлсам, ҳали ҳам муллалар қаторига кира олмайманми?* Мисоллардаги бу ибора эскича ўқитиш системасининг бекор қилиниши билан эскириб историзмга айланди.

С. Айний «Қуллар» романида ҳам персонажлар характери, ички дунёсини очишда хилма-хил фразеологик иборалардан ўринли фойдаланган. Масалан, ўттиз йиллик меҳнати эвазига ҳеч нарса олмасдан қувғин қилинган Турди Қилич Халифанинг ўғли Қўшатга ранжиб гапиради. Бунга жавобан Қўшат: *Бунақа сўзларни отамга айта кўрма, у тарки дунё қилган, тангрига яқинлашган бир киши, унинг дуоси ганимат, олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми? – деганлар азизлар. Агар у ранжиб қараса-чи? Икки дунёнинг қуйиб кетади.*

Бу мисолдаги *тарки дунё қилган* ибораси моддий дунё лаззатларидан воз кечмоқ, *икки дунёнинг қуяди* ибораси доимо азоб-уқубатда яшамоқ маъноларида ишлатилгандир.

Адиб асарларида бу каби ибораларни кўплаб учратиш мумкин: *сўфи қилмоқ, чилла ўтирмоқ, иссиқ-совуқ қилмоқ, Худо бандасининг нонини бутун қилсин* кабилар.

Бундай иборалар дин қобиғига ўралиб, меҳнаткаш халқни зулукдек сўрган маҳаллий бойлар ва руҳонийларнинг ярамас кирдикорларини очишда муҳим стилистик восита бўлиб хизмат қилган.

Ижтимоий тузумнинг ўзгариши билан архаиклик тусини олган *бобо олиб неvara сотадиган* ибораси (бунинг тожикча варианты *падар харид неvara фуруш* шаклидадир) ўзининг инқилобдан аввалги умумхалқ хусусиятини йўқотган. Бу ибора дўконда сотилмай қолган молга нисбатан ишлатилган. Яъни «бу молни бобоси олган, аммо сота олмаган, отаси ҳам сота олмаган, мана энди невараси ҳам сота олмай юрибди» маъносидадир. «Судхўрнинг ўлими» повестида қўлланилган бу ибора орқали дўкондорларнинг очкўзлиги ва бошқа белгилари тасвирланган: – *Дўконим кичкина, молларим бўлса бобо олиб неvara*

сотадиган моллар, бу ҳолда авараси бундан катта бўлмайди.

Саллали ҳинди ибораси ҳам автор кўзлаган мақсадни янада ифодали қилиб беришда муҳим роль ўйнаган. Эски замонда Ҳиндистондан Бухорога келиб судхўрлик, савдогарлик қиладиганларни *ҳинди* дер эдилар. Бу ҳиндиларда салла боғлаш одати бўлмай, улар махсус тикилган бўрк кийиб юрганлар. Шу муносабат билан халқ раҳмсиз маҳаллий судхўрларни кинояли равишда *саллали ҳинди* деб атаган. С.Айний бу иборани Раҳими Қанд тилидан исқирт Қори-Ишкамбага нисбатан қўллаган: – **Салла ўраган ҳинди, ўтакетган судхўр, исқирт, мумсик бир одам, – деди Раҳими Қанд.**

С.Айнийнинг тарихий-бадий асарларида синфий характерга эга бўлган фразеологик бирликлар ҳам кенг ўрин олган. Бу иборалар ўтмиш тарихий даврдан қолган бўлиб, ўзида синфий антагонизм элементларини акс эттиради. Шу билан бир қаторда, турли ижтимоий гуруҳ, синфий табақаларнинг дунёқарашини ўрганишда материал бўлиб хизмат қила олади: *Шошмақул ҳам босмачиларнинг ташиқлотларида бўлган Полвонарабнинг иш бошиси ва кўрна кўтардиси*. Бу ўриндаги *кўрна кўтардиси* иборасида хизматкор, хўжайиннинг ҳар қандай юмушини бажарувчи маънолари ифодаланган. Синфий табақаланишнинг йўқолиши бу иборанинг истеъмолдан тушишига сабаб бўлди.

Шунингдек, хонлик давридаги қийнов усули билан боғлиқ *бошида янгоқ чақмоқ* ибораси «Одина» повестида Арбоб Камолнинг ўта золимлигини фош этиш воситаси бўлган: *Агарда Одинадан бирор камчилик сезилса, у камчилик унинг ихтиёрисиз содир бўлган бўлса ҳам, унинг бошида янгоқ чақилар, унинг кўзида ёруғ кун қоронги тунга айланар эди.*

С.Айний эскирган ибораларни қўллашда моҳир санъаткор сифатида иш кўрди. Шубҳасиз, унинг асарларида бугунги китобхонларга англашилмайдиган ёки тушунилиши қийин бўлган айрим арабча иборалар ҳам учрайди. Чунончи: *Арзи рози ниёз қилиб ўтирмақ, ал-аёзи билло, ақиқа қилиш фарз* кабилар асар тилининг кенг китобхонлар оммасига тушунарли бўлишига тўсиқлик қилиши равшан. Чунки бу иборалар жуда тор доирага хос бўлиб, омманинг тилида йукдир.

Хулоса қилиб айтганда, С.Айний эскирган фразеологик ибораларни адабий-бадий тасвирга олиб кириш орқали ўз асарларига халқ тили руҳини сингдира олган. Шунингдек, эскирган фразеологик иборалардан ўринли фойдаланиш ёрқин миллий руҳ яратишга, асар қаҳрамонларининг ўзига хос фикрлаш усули ва психологиясини тўла акс эттиришга ёрдам берган. Бу борада устод С.Айний барча ёзувчиларимизга намуна бўла оладиган моҳир сўз санъаткори саналади [14, 146-150].

Халқ мақоллари адабий асар тилининг бурро ва таъсирчан бўлишида, бадийлигини оширишда катта роль ўйнайди, бадий асар тилининг кучли воситаларидан ҳисобланади. Образли қилиб айтганда, узукка кўз қандай безак бўлса, мақол ҳам нотикнинг нутқига, ёзувчининг тасвирига ана шундай ҳаётийлик бағишлайди. Мақолларнинг бундай хусусиятидан С.Айний моҳирона фойдаланган. Бу ўринда ёзувчи томонидан қўлланилган, ҳозирги даврга келиб эскирган айрим мақолларнинг семантик-стилистик хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

Даврлар ўтиши билан ижтимоий-иқтисодий формацияларга, ҳаёт образига боғлиқ бўлган ҳолда баъзи мақоллар эскириб, истеъмолдан чиқиб боради. Дарҳақиқат, ўтмишда ҳоким синф вакиллари меҳнаткаш омманинг миясини заҳарлаш ва уларни ўз ғояларига бўйсундириш мақсадида қатор мақоллардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келган бўлса, кенг меҳнаткашлар оммаси бунга қарши минглаб мақоллар яратиб, ўз ният ва ғояларини ифодалаб келганлар. Масалан, куйидаги мақолларнинг ишлатилиш ўрнига бир диққат қилинг: *Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин; Етим бола сақласанг юрак-бағринг доғ этар, етим кўзи сақласанг, оғзи-бурнинг мой этар; Камбағални сийласанг, чориғи билан тўрга чиқар; Амирнинг ошидан фақирнинг мушти яхши ва ҳоказо.* Бу каби мақолларнинг маълум даражада эскириб бораётганини қайд этишга тўғри келади. Умуман ўтмиш жамиятнинг, жумладан, амирлик Бухоросининг иқтисодий ва сиёсий тузуми билан боғлиқ бўлган шунга ўхшаш мақолларни С.Айний прозасида кўплаб топиш мумкин.

Ёзувчи “Дохунда” романида туман қозисининг мол-дунёга ўч эканлиги, очкўзлигини “Мўминнинг моли – мўминнинг қони” мақолини келтириш билан ифодаланган. Бу унинг Азимшоҳ билан қилган суҳбати (диалог)да яққол кўринади:

Қози бахтсизликка ачингандан кейин:

– Қанча пулни ўғирлатдингиз? – деб сўради.

– У қадар катта маблағ эмас эди. Шундай бўлса ҳам, бир нарсани ўғирлатиш одамга алам қилар экан.

– Албатта, албатта “Мўминнинг моли – мўминнинг қони” деганлар, – деб қози хўжайиннинг гапини қувватлади.

Худди шу мақолнинг тожикча варианты “Одина” повестида юқоридагидек мол-дунёга ўчлик маъносида қўлланган.: “Моли мўмин – хуни мўмин” деганлар. Сен арбобнинг молини ўлдириб, гўё қонини тўккансан, арбоб тўғри гапиради. Бу гуноҳнинг учун сени уриб ўлдирмоққа ҳам унинг ҳаққи бор, – деди қишлоқ имоми мулла Ҳақирах.

“Подшонинг ақли – ақлларнинг подшоси” мақоли давр руҳини беришда, сарой аҳлининг лаганбардорлигини фош этишда муҳим стилистик роль ўйнаган. Масалан: Қози калон ўрнидан туриб таъзим қилган ҳолда:

– “Подшонинг ақли – ақлларнинг подшоси” деганлар китобларда. Шунинг учун бу ердаги қуллари ва дуоғўйлари бу тўғрида аввал зоти Хумоюннинг фикрларини эшитиб, сўнгра гапирмоқ бўлиб турибдилар, – деди.

Ўтмиш давр руҳи билан боғлиқ архаик деб ҳисоблаш мумкин бўлган айрим мақоллар асар қаҳрамонларининг онги ва тушунчасини, характер ва психологиясини белгилашга хизмат этади. “Сочи узун, ақли қисқа” мақоли ўтмиш даврда хотин-қизларга нисбатан паст назар билан қараш, уларни менсимасдан хўрлаш, ҳақорат қилиш билан боғлиқдир. Бу мақол “Қуллар” романида онги паст, жафоқаш, ҳар қандай гапга ишонувчи Содик томонидан хотинига айтилгандир:

– Хотин, – деди Содик, – “Сенинг сочинг узун, ақлинг қисқа”. Сен билмайсан, бугун-эрта колхоз бўлиб қолса, бу товукларнинг ҳаммасини бизнинг қўлимиздан олиб кетадилар. Қўлдан чиқаришдан кўра, ўзимиз сўйиб есак яхшироқ эмасми? Коллектив тузумдан қўрқиб қолган Содик хотинини “ақли қисқаликда” айблаб товукларни сўяди. Орадан бир неча кун ўтгач, 12 коса сут берадиган сигирни ҳам хотинининг ялиниб-ёлборишига қарамай, уни яна бир марта “ақли қисқаликда” айблаб, қассоб кўлига топширади. Натижада ўзи ҳам йиғлаб қолади: Қассоб молни дарвозадан етаклаб олиб чиқаётганда қаро қундузнинг думини бир кўли билан сийпалаб, иккинчи кўли билан кўзидан оқаётган ёшини артаётган Содик ичкари ҳовли раҳравида туриб: “Вой сигиргинам, эссиз сигиргинам, уч ойда туғар эди, ўн икки коса сут берар эди, – деб йиғлаётган хотинининг товушини эшитиб, тезлик билан дарвозани беркитиб, унинг олдига келди:

– Жим бўл, сочи узун ақли қисқа. Хотин, келган бало ўшанга урсин, деган ҳолда ўзи ҳам хўнграб йиғлаб юборди.

Персонажлар характериға мослаб ишлатилган мақоллар у ёки бу образнинг ижобий ва салбий тип эканлигини яққол кўрсатади. Бу жиҳатдан юқорида қайд этилган мақолнинг “Дохунда” романидаги Алимардонбек тилидан ишлатилганлиги характерлидир:

Шу вақтда бир киши етиб келиб у хотинга:

– Ҳой жинни, ҳой аҳмоқ, сочи узун, ақли қисқа! Бу қандай ҳаёсизлик?! Мени расво қилдинг-ку! Қайт йўлингдан! Бўлмаса ҳозир қонингни тўкаман! – деди.

Асар қаҳрамони тилини индивидуаллаштириш ёзувчининг ўзи яратаётган образ характериғини унинг тили орқали очиб бериш демақдир. Бу жиҳатдан “Қуллар” романидаги жадид Шокирғуломнинг нутқи ва бу нутқнинг асосий мазмунини ташкил этган қуйидаги мақол ўз вақтида, ўз жойида қўлланган бўлиб, унинг ният ва тушунчасини очишга хизмат қилган:

– Мен, – деди Шокирғулом, – мунақа бойларни яхши одамлар демавдимку, лекин амир ва унинг одамлари яхши бўлсалар, булар ҳам яхши бўлар эдилар. “Халқ подшонинг динида бўлади” деганлар эски китобларда. Агар подшоҳ одил бўлса, унинг қўл остидаги бой, мулла, арбоб ва оқсоқоллар ҳам одил бўладилар. Шунинг учун у фурсат топилганча, ҳаммадан бурун амирға қарши сўзлаш, унга қарши кўтарилиш, уни ва унинг одамларини тузатиш керак, унда ҳамма бузуқликлар тузалиб кетади.

Ёзувчи С.Айний тарихий мақолларни ишлатишда уларнинг мазмуниға алоҳида эътибор беради, яъни тасвир вазиятиға қараб ҳар бир мақолни бирор синфнинг мақсад ва

интилишларини ифодалаш учун қўлайди. Масалан, “Туя қанча катта бўлса, яғири ҳам шунча катта бўлади” мақоли “Дохунда” романида Ёқуббойнинг хасислиги, молпарастлигини фош этишда муҳим роль ўйнаган: Икки деҳқон юк ортилган беш эшакни ҳовлига етаклаб кириб келдилар. Юки бўшатиш эшаклар бойнинг бостирмасидаги сомонни еганда, бой: - Назар! Эшакларни нариги бостирмага ҳайда, – деди.

– Эшакларимиз давлатингиздан бир ҳовуч сомон еса, нима бўпти, хўжайин? – деди Назар.

– “Туя қанча катта бўлса, яғири ҳам шунча катта” деганлар, – деди хўжайин, – сомоним кўп бўлса, молим ҳам кўп. Бир ҳовуч сомонни ҳисобга олмасам, бунча молни қандай боқаман?

“Юртда ўғри топилмаса, тарозидорни тут” деганлар, – деб яна бир деҳқон кулгини қиздириб юборди. Мисолдаги мақол тарозидорларнинг ўғри, ноинсоф, қаллоб эканликларини очишга хизмат қилган. “Камбағални туяни устида ит қопади” деган камбағаллик ва фақирликни ифодаловчи тарихий мақол орқали камбағал кишиларнинг аҳволи оғир эканлиги, уларнинг оғир кун кўришлиги акс эттирилади.

Юқорида қайд этилган мақоллар кишилар ўртасидаги тенгсизликнинг йўқолиши билан истеъмолдан чиқиб кетмоқда. С.Айний эксплуататор синф вакиллари – бой-феодаллар, дин ахли, эшон ва муллаларга қарши яратилган ўткир сатирик мақоллардан ҳам уларнинг хийла-найранглари ва жирканч кирдикорларини фош этишда моҳирлик билан фойдаланган. Шунинг учун ҳам “Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма!” деганларда, – деб Қурбон девона Ҳайдарчанинг сўзини бўлди.

– Менимча, – деди Рўзи сарнаса, – мулланинг айтганини ҳам қилма, қилганини ҳам қилма! Чунки агар айтганини қилсанг, амирдай жаллодбоши бўласан, агар қилганини қилсанг, Қори Ибоддай ифлос, мурдор бўлиб юрасан.

Ёзувчи С.Айнийнинг асарларида мақоллардан фойдаланиш ҳар хил кўринишларга эга: унинг дастлабки асарлари “Бухоро жаллодлари”, “Одина” повестларида мақол ва ҳикматли сўзлар йигирма беш-ўттиздан ошмаса, “Дохунда” романида буларнинг сони икки юздан ортади.

Шундай қилиб, С.Айний классик адабиётда кўп йиллар мобайнида давом этиб келаётган мақол ва ҳикматли сўзлардан фойдаланиш традициясини ривожлантирди. Унинг асарларида ишлатилган тарихий мақоллар тематик жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини реал ёритишга хизмат қилган. Ҳар бир эскирган мақол персонажларнинг характер ва психологиясига мос тушган, уларнинг дунёқарашини тўлиқ ифодалаган. Давримиз нуқтаи назаридан эскириб, архаиклашиб бораётган бир қатор мақоллар ўтмиш давр ҳаётини реал тасвирлашда стилистик восита бўлиб хизмат қилган [14, 46-51].

Устоз С.Айний ўз асарларининг бадийлигини оширишда нафақат лексик-стилистик воситалар балки фоностилистик воситалардан ҳам ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланган.

Фонетик воситаларга персонажлар нутқида унли ва ундош товушларни чўзиб ёки қисқартиб айтиш, сўзлар олдидан бир товуш орттириш ёки тушириб қолдириш, турли сўзларни бўғинлаб айтиш, нутқда интонацияни ўзгартириш каби қатор воситалар киради [18]. Ёзувчи асарларида қўлланилган бундай воситалар адиб асарлари тилини янада жозибадор бўлишини таъминлаган. Устознинг фонетик воситалардан фойдаланишдаги бадий маҳоратини алоҳида монографик тарзда ўрганиш ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Юқорида қайд қилинганидек, улкан сўз санъаткорининг кўпгина асарлари хорижий тилларга ҳам таржима қилинган. Жумладан, адибнинг “Қуллар” романи “The Slaves' dream” номи билан инглиз тилига ўғирилган [20]. Ушбу китобни ўқир эканмиз, энг аввало “Қуллар” романининг ғоявий мазмуни ва бадий хусусиятлари тўлиқ акс эттирилганлигига гувоҳ бўлдик. Шу билан бир қаторда биз юқорида таҳлил қилган ўзбек тили лексик воситаларининг бадий ифодаси, экспрессив-эмоционал хусусиятлари ҳам инглиз тили луғавий бирликлари воситасида тўлиқ акс эттирилган. Айрим архаизм ва историзмлар, жаргонлар ва этнографизмлар ўз ҳолича таржимасиз берилган. Аммо уларнинг маъноси тасвирий йўл билан ифодаланган. Бу таржима асари инглиз тили китобхонларига эстетик

завқ бера олади.

Хулоса. Буюк сўз санъаткори С.Айний ўзбек тили луғат бойлигидан ўринли ва унумли фойдаланган. Юқорида таҳлил ва тадқиқ этилган луғавий ва фразеологик бирликлар ҳамда халқ мақоллари эмоционал-экспрессив хусусияти билан бадий тасвирни янада кучайтирган. Шунингдек, бадий асарларда персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, маҳаллий ва тарихий колорит яратиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Буюк сўз санъаткорининг асарлари тили ва услубини ўрганиш, унинг ижодий маҳоратини кенг китобхонларга намуна сифатида тарғиб қилиш Айний ворисларининг мукаддас бурчи деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1966.
2. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. – Т., 2000. – Б. 10.
3. Долимов С. 5-синфда С.Айний ва А.Қаҳҳор ҳикояларини ўрганиш. Тошкент. 1965.
4. Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. Тошкент. 1962.
5. Киличев Э. Архаизмы и историзмы в прозе Садриддина Айни. АКД. Ташкент, 1969. –24 с.
6. Маъсуми Н. Очеркҳои оид ва инкишофи забони адабии тоҷик. Душанбе, 1959.
7. Норова М.Ф. Фоностилистика. Монография. – Бухоро: Дурдона нашриёти, 2021. – 120 б.
8. Рахимов Н. Мастерство Садриддина Айни. АДД. Ташкент. 1972. – 48 с.; Рахимов Н. Садриддин Айний ва миллий адабий традициялар. Тошкент. 1969. – 250 б.
9. Садриддин Айний. Асарлар. 8 жилдлик, Тошкент. 1965, 1967.
10. Хасанов М. Идеино-художественные особенности публицистики Садриддина Айни. АКД. Ташкент. 1969. – 26 с.
11. Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси. I-II қисм. Тошкент. 1974.
12. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент. “Фан”, 1995. – 270 б.
13. Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. Тошкент. “Фан”, 1982. – 86 б.
14. Қиличев Эргаш. Сўз сеҳри. – Тошкент. Муҳаррир нашриёти, 2022. – 235 б.
15. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. – 320 б.
16. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент. 1985.
17. Fayzulloyevna, N. M. (2023). LINGUISTIC STATUS OF PROFESSIONAL JARGONISMS. *International Journal Of Literature And Languages*, 3(03), 17-23.
18. Fayzulloyevna, N. M. (2023). PRAGMATIC VALUES IN PRONUNCIATION OF PHONETICALLY CHANGED WORDS. *International Journal Of Literature And Languages*, 3(02), 63-67.
19. Kili chev B.E., Safarova O. Study of toponyms in the language of the work//Galaxy International Interdisciplinary Research Journal (GIIRJ) ISSN (E): 2347-6915. Vol.10/ Issue 1, Jan. (2022) 92–95.
20. Sadriddin Ayniy. The slaves' dream. Tarjimon Tahmina Azizova. Routledge British press. – 2019.

УСТОД АЙНИЙНИНГ МУСИҚА ВА САНЪАТ АҲЛИГА МУНОСАБАТИ

Аннотация: Мақолада Садриддин Айнийнинг болалигиданоқ санъатни чин дилдан яхши кўриб, санъатни севиб улғайганлиги, мурғак қалби билан мусиқада эзгуликни хис этганлиги, ундан ҳадсиз завқ-шавқ олиб қалбини, туйғуларини ўстирганлиги, мусиқа ва ашуланинг комил инсон шахсияти ва маънавиятини шакллантириш ҳамда юксалтиришда бекиёс ҳодиса эканлигини идрок этиб камол топганлиги мусиқа ва санъат аҳлига бўлган муносабати ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: Садриддин Айний, “Савти ушшоқ”, “Савти калон”, “Шашмақом”, “Эсдалиқлар”, Қори Камол, Қори Нажм, Ота Жалол, Левича Ҳофиз, Ҳомид Савтий, Эргаш ашулачи, Искандар ашулачи, Тоҳиржон дуторчи, Карим танбурчи, Латифжон Махдум.

Аннотация: В статье Садриддин Айний искренне любил искусство с детства и вырос на любви к нему, он глубоко сердцем чувствовал добро в музыке, вырос сердцем и эмоциями, получая от этого огромное удовольствие, он постигает, что музыка и пение ни с чем не сравнимое явление в становлении и возвышении совершенной человеческой личности и духовности, зрелость которого отражается в его отношении к музыке и искусству.

Ключевые слова: Садриддин Айний, «Савти Ушшақ», «Савти Калон», «Шашмақом», «Эсдалиқлар», Қори Камал, Қори Наджм, Ота Джалал, Левича Ҳафиз, Хамид Савти, певец Эргаш, певец Искандар, Таҳирджон дуторчи, Карим танбурчи, Латифджон Махдум

Abstract: In the article, it is said that Sadriddin Ainyi loved art from his childhood and grew up loving it, he felt goodness in music with a deep heart, he grew his heart and emotions by taking immense pleasure from it, he realized that music and singing are an incomparable phenomenon in the formation and elevation of a perfect human personality and spirituality. His attitude towards music and art is expressed.

Keywords: Sadriddin Ainyi, «Savti Ushshaq», «Savti Kalon», «Shashmaqom», «Esdaliklar», Qori Kamal, Qori Najm, Ota Jalal, Levicha Hafiz, Hamid Savti, Ergash singer, Iskandar singer, Tahirjon dutorch, Karim tanburchi, Latifjon Mahdum

Устод Айнийнинг ёшлиги кечган XIX асрнинг сўнги чораги амирлик салтанатида феодал бошбошдоқлик ҳукмронлик қилган Бухорода маънавий -маданий ҳаётда санъат ва унинг аҳлига муносабатда икки хил қараш тамойилга айланган эди. Бири – санъатни инсон маънавий камолотидаги аҳамиятини теран англаш ва эътироф этиш тамойили бўлиб, санъатга ва унинг аҳлига муҳаббат ва ҳавас билан қарашдан иборат эди. Бу қарашнинг ҳаётлигини меҳнат аҳлининг асрлар давомидаги турмуш тарзига хос анъаналарнинг ўзи шакллантирган ва чуқур илдиз отишини таъминлаган эди. Айний бу жараён моҳиятини “Эсдалиқлар”нинг “Вабо вақтида ато-онамнинг ўлими” бобида кўшчилар кўшиғига муносабати замирида тубандагича изоҳлаган эди: “Шу вақтда ер ҳайдашга чиққан кўшчиларнинг классик шоирлар ғазалларини “Шашмақом” ҳавосида куйлашлари мусибат ва мотам остида қолган кишини ўзига жалб этмасдан қўймасди.

Айниқса, бир кўшчи томонидан “Савти ушшоқ”, “Савти калон” ҳавосида куйлаган Бедилнинг куйидаги байти билан бошланадиган бир ғазалнинг мазмуни менинг ўша вақтдаги аҳволимга мос келиб, мени беҳуш этар даражада таъсир қилди. У ғазалнинг бошланғич байти “кўз ёши карвонининг йўлбошчисиман, совуқ “оҳ” га ўхшайман. Мен “доғ” таъсири билан тарбияланганман; дард аҳлининг сўзига ўхшайман” мазмунида бўлган шу байт эди:

Далели карвони ашкам, охи сардро монам,
Асарпарварди доғам, ҳарфи соҳибдардро монам!

Кўшчилар “авж”ларда бир-бирига ёрдамлашиб, навбат билан “Шашмақом” куйларида Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Навоий ва Ҳилолий ғазалларидан куйлашда давом қилдилар...” (Қаранг: Асарлар. 8 томлик, 5-т., Т, 1965, 143-бет. Бундан кейин шу манбадан олинадиган иқтибосларнинг қайси жилдданлиги ва саҳифасини қавсда кўрсатиш билан чекланамиз – О.С.)

Иккинчиси – хурофий бидъатчилик негизида санъатнинг макруҳ саналиб, санъат аҳлига паст назар билан қараш тамойили бўлиб, устод бу қарашнинг асосизлигини “Эсдалиқлар”нинг “Аҳмад Маҳдумнинг ҳовлисида” бобида ифодаланган хотиралар орқали шундай шарҳлайди: “Болоҳонанинг тоқчаларида доира, танбур, дутор ва рубоб каби мусиқий асбоблар бор эди. Муллалар буни шайтон ўйинлари асбоби деб санадилар. Уларча, у асбоблар Аҳмад Маҳдумнинг бидъатчилигидан далолат қилар эмиш.

Ёш бўлсам ҳам уларнинг бу гаплари менга кулгили туюларди. Чунки қишлоқда ҳар вақт бирор ҳовлида базм бўлса, отам мени кўтариб олиб борарди ва унда ашула ҳамда музикага диққат билан кулоқ соларди. Ашулачиларни, чолғучиларни ва раққосларни баланд овоз билан: “офарин”, “балли”, “барака топ”, “ўлма”, “яша!” – деб олқишларди. Отамни у замондаги одамларнинг ақллиларидан билганим учун мен ҳам унга эргашиб музика асбобларини яхши нарсалар ва базмни яхши иш деб билардим. Шунинг учун бу нарсаларнинг Аҳмад Маҳдум уйда туришини муллаларнинг уни ёмон ишларидан санаганлари менга маъқул бўлмасди”. (Ўша манба, 213-бет).

Устод шу йўсинда болалигиданоқ санъатни чин дилдан хуш кўриб, санъатни севиб улғайди, мурғак қалби билан мусиқада эзгуликни туйди, ундан ҳадсиз завқ – шавқ олиб қалбини, туйғуларини ўстирди, мусиқа ва ашуланинг комил инсон шахсияти ва маънавиятини шакллантириш ҳамда юксалтиришда беқиёс ҳодисалигини идрок этиб камол топди. Шу тариқа санъатга ва унинг аҳлига муносабатда тўғри ва халқона йўл топа билди. Унинг бундай муносабати шунчаки санъатсеварлик чегарасида қолиб кетмади, балки санъатпарварлик даражасигача кўтарилди. Шундан бўлса керакки, у ўзига замондош аксар санъаткорлар билан ижодий мулоқотларга беҳад иштиёқманд эди. “Эсдалиқлар”нинг, айниқса, “Бухоро базмлари”, “Арбоб Лаби ҳовуздаги мадрасача ва унинг одамлари”, “Самарқандлик Ҳожи Абдулазиз билан биринчи учрашувим”, “Сохта маҳдумларнинг саёҳати”га оид боблари ғоят эътиборли. Уларда адиб ўз замонасининг донг қозонган Қори Камол, Қори Нажм, Ота Жалол, Левича Ҳофиз, Ҳомид Савтий, Эргаш ашулачи, Искандар ашулачи, Тохиржон дуторчи, Карим танбурчи каби ўнлаб ҳофизлари ва созандалари билан учрашувлари тафсилотларинигина баён қилиш билан чекланмайди, балки уларнинг санъаткорлик маҳоратларига, феълу атворларига муносабати жараёнида ўзининг эстетик қарашларини ҳам ифодалайди. У нафақат мусиқа санъати ва унинг аҳлига, балки ўз замонасидаги халқ амалий санъати намояндалари ҳаёти ва ижодиётига ҳам шу нуқтаи назардан қараб, моҳир санъатшунос сифатида фаолият кўрсатади. Ўша замондаги санъатнинг тадрижий тараққиётига хос хусусиятлар ва тамойилларни ойдинлаштирувчи хулосаларни ўртага ташлайди. Шу тариқа у санъатга ва унинг аҳлига муҳаббат билан қарашдан айрича лаззат олар ва шу кайфиятини гоҳ шеърга солиб, гоҳ хотираларида эслаб, асарлар ёзишдан толмасди.

“Базм” – ана шундай кайфият ҳосиласи ўлароқ битилган ғазалдир. Устод уни Кўкалдош мадрасасида яшаган кезларида, аниқроғи, 1904 йилда ёзган, ҳозиргача шоирнинг турли даврларда чоп қилинган тўпламларида бир неча марта қайта-қайта эълон қилинган. Булардан ташқари, айнийшунос И.Брагинский ҳам унга йўл-йўлакай муносабат кўрсата туриб, дастлаб 1959 йилда Москвада нашр қилинган “Жизнь и творчество Садриддина Айни” асарида Т.Стрешнёва таржимасида русча тўла матнини келтиради. (Қаранг: 37-б. Яна шу асарнинг тўлдирилган 2 нашрида ҳам уни айнан такрорлайди. Қаранг: Садриддин Айний. 1978, 40-41 б.). Сўнгра шу асарнинг Душанбеда 1968 йилда босилган тожикча вариантыда ғазалнинг тожик тилидаги тўла матнини келтирса-да, уни батафсил таҳлил қилмайди, шунчаки асарнинг инқилобий кўзғолишлар арафасида нафақат сиёсат ва иқтисодий фанларда, балки фалсафада ҳам илғор фикрларни излаш натижаси ўлароқ

исёнкор рухнинг шеърий ва муסיқадаги инъкоси сифатида битилганини таъкидлаш билан чекланади.

Ўзбек адабиётшуноси Н.Раҳимов мазкур ғазалнинг устод ижодида айрича аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, “унда шоир 17 таниқли ҳофиз ва созанданинг номини ҳурмат билан тилга олади ва ҳар бирининг ўз санъатига хос бўлган нозик томонларини кўрсатиб” ўтганлигини, бинобарин, бу “шеър ғазалчилик традицияларини ҳаётийлик билан қўшишга кучли интилишнинг илк самараси” (қаранг: Садриддин Айний, Т.: “Фан”, 1970,12-б.) бўлганлигини таъкидлайди.

Ҳар иккала мулоҳазадаги муштарак нуқта – илмий жамоатчиликда шу ғазалга нисбатан муносабат уйғотишнинг кўзланганлигидир, албатта. Шунга қарамай, И.Брагинский ва Н.Раҳимовларнинг бу ғазалга оид таъкидлари бир-бирини тўлдирувчи дастлабки мулоҳазалар сифатида эътиборлидир.

Ниҳоят бу ғазал санъатшунослар эътиборини ҳам қозона бошлади. Чунончи, ўзбек санъатшуноси О.Матёкубов 2004 йилда нашрдан чиққан йирик монографик тадқиқоти – “Мақомат” китобида Бухоро шашмақоми баҳси баёнида бу ғазалнинг тожикча матнини тўласинча келтириб, батафсилроқ тавсифлашга уринган. Бироқ тожикча матнни қатор услубий ғализликларга йўл қўйган ҳолда кўчирган. Чунончи, биринчи байтнинг иккинчи сатрини “ки мебарад мўйи (?) ёрони мо зи айши (?) навид” тарзида хато кўчириб, аслиятдаги “сўи” сўзи ўрнида “мўйи” ва “айш навид” иборасида асосиз равишда “–и” ни орттириб “айши тараф” шаклида ёзган. Натижада “томон” маъносини англлатувчи “сўи” сўзи ўрнида “сочи” маъносидаги сўзни қўллаб, мантиксизликка ва иборада бир унлини кўпайтириш эвазига вазни бузишга йўл қўйилганини пайқаманган. Бунинг устига сатрдаги сўроқ оҳангини сезмаганлиги туфайли иккинчи сатри ҳам хато кўчирилган. Аслиятда муболаға санъати қўлланиб “ҳазор дойра” – “минг дойра” дейилса, кўчирмада у “ҳазора дойра” шаклида берилиб, “ҳазора” – уруғ номи бўлганидан муболаға қилинаётган дойралар миқдорини англлатмай қўйган, аксинча мантиксиз иборага айланиб, ғазал бадиий қийматига путур етказган. Ундаги имловий ва пунктуацион хатолар бу жараёни чуқурлаштирган эса-да, ҳар қалай ғазалда тилга олинган санъаткорларга тўғри тавсифлар беришга муваффақ бўлинганини эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Арузнинг мужтасси мусаммани маҳбуни марбуъб (мафоилун, фаилотун, мафоилун, фаал) баҳрида ёзилган бу ғазал ўн икки байт (24 сатр)дан иборат бўлиб, анъанавий аа, аб, ав... шаклидаги қофияланиш тизимига эга. Матлаъ ва мақтаъ оралиғидаги ҳар бир байт ўзича мустақил поэтик фикрни ифодалайди, барчаси силсилавийлик касб этган ҳолда ғазалнинг ғоявий мунларижасини бир бутун ҳолда очишга бўйсундирилганлиги туфайли композицион яхлитлик таъминланган.

Матлаъ дастурий моҳиятига эга:

Ба кунжи узлати мо ин замон, ки ёр расид

Кй мебарад сўи ёрони мо зи айш навид?

V - V - VV- - V - - V - V - V-

Мафоилун фаилотун мафоилун фаал

Мазмуни:

Хилватхонамиз бурчига бул замонки ёр келди етиб,

Ўшал ёрларимизга хуррамлик муждасин ким етказгай?

Ҳамма гап ана шунда: аввало, хуррамлик муждаси етказилиши лозим бўлган ўшал “ёрон” – дўстларнинг ўзлари кимлар? Кейинги байтлар ана шу дўстларни тавсифлаш ва шарафлаш мақсадини кўзлайди. Ҳар бир байтда шоир қалбига яқин санъаткор дўстларига муносабатини турли тасвирий санъатлар воситасида ифодалашга айрича эътибор беради. чунончи, иккинчи байтда муболаға санъати асосида Қори Камол ва Қори Нажмининг савтхонликдаги маҳорати юксак баҳоланади. Уларнинг дилўртар хонишлари олдида булбулнинг ҳам ўз нағмаларидан хижолат чекиши шу юксак баҳони тасдиқлайди. Қолаверса, С.Айний бу улуғ хонандалар билан улфатлиги ҳали унинг мадрасадаги қашшоқона турмуш кечираётган пайтларида бошланганини “Эсдалиқлар”нинг IV қисмида

яна бир бор эслатишни ҳам унутмаган: “Қори Камол ҳофизнинг ҳовлиси аввал шу маҳаллада (Арбоб Лаби ҳовузида – О.С.) бўлган. У ҳам меҳмондорчиликка бирон жойга бормаган кечалари шу ерга келар, дўстларни ғазал ва қўшиқ айтиб шод этар эди. У гоҳо ўзининг касбдоши бўлиб бир бойнинг хизматида юрган бошқа маҳаллалик Қори Нажм ҳофизни ҳам бирга олиб келарди. Буларнинг иккаласи ғиждувонлик машҳур савтхон мулла Ҳомид савтийни ҳам бирга олиб келишарди. Шундай пайтларда бу мадрасанинг қашшоқона ўлтириши “базми жамшид”га айланар эди”. (Қаранг, 7-том, 48-бет). Байтда ана шунга ишора қилинган ва қаршилантириш асосида гўзал муболаға яратилган.

Учинчи байтда эса икки санъаткорнинг ўз касбу корига муносабати бир-бирига қарама-қарши қўйилиб тазод яратилган.

Дилам сиёҳ шуд аз гиру дори Ҳожихон,
Кужост нағмаи жон парвари Ҳалими сафед?

Мазмуни:

Юрагим қора бўлди Ҳожихон кирдикоридан,
Ҳалими сафеднинг жонпарвар нағмалари қайда қолди?

Байтда ғоят гўзал, чиройли ва оқ юзли бўлгани туфайли эл орасида Ҳалими сафед лақаби билан шуҳрат қозонган Домла Ҳалим Ибодовнинг ҳаммага манзур жонўртар хонишлари ўзининг номақбул қилиқлари билан шинавандалар табиатини хира қилувчи Ҳожихонга зид қўйилиб, санъат аҳлининг бу икки тоифасига мансуб вакиллари муносабатини шоир яширмайди. Домла Ҳалимни ёқлаб, уни ҳамиша интиқлик билан эшитмоққа тайёрлигини сездириб турса, Ҳожихон феъл-атворини маъқулламаслик билан чекланади. Аслида шунинг ўзи ҳам унинг фаолиятига берилган баҳодир.

Хулоса. Тавре гуфта омад, ин достони тулонӣ аст ва идомаи он асосан ба шарҳу тафсири ҳолу ҳавои ҳуди устод Айнӣ дар ин сайргоҳи наврӯзӣ ихтисос дорад. Дар рафти мутолеа маълум мегардад, ки дар сайргоҳи Ширбадан низ чун Файзобод дар айёми наврӯз баробари манзур намудани ҳар гуна ғизоҳои наврӯзӣ, ҳаргуна бозиҳо, аз чумла, асбдавонӣ, гуштӣ, симбозӣ, инчунин маросимҳои ғазалхонӣ, рақсу суруд, ва амсоли ин баргузор мешуданд, ки ҳамагӣ новобаста ба омилҳои номатлуби он аз идомаи суннат ва оинҳои наврӯзӣ паём мерасонанд. Устод Айнӣ дар баробари зикри суннатҳои наврӯзӣ дар ҳамин рӯзҳо ҳамроҳ шудани намоиш ва унсурҳои санъати навин, аз чумла доир шудани сирк низ сухан мекунад, ки баҳше аз барномаҳои симбозон дар доираи онҳо чараён мегирифт ва ин як навъ аз омезаҳои фарҳанги қадиму қадид дар барномаҳои наврӯзии замони нависанда дарак медиҳад. Тафсилоти тамошои барномаи сирк ва ҳатто аз он ба илҳом омадаву ғазале дар васфи русдухтари Нина навиштани устод Айнӣ навъе хотимабахши достони «Сайри ширбадан» маҳсуб меёбад. Дар маҷмӯъ, баҳсу баррасии суннатҳои наврӯзӣ ва бозтоби онҳо дар «Ёддоштҳо»-и устод Айнӣ ин нуктаро мусаллам мегардонад, ки ин асари безаволи ин нависандаи чирадаст яке аз муҳимтарин сарчашмаҳо дар шинохти вазъи оину маросимҳои наврӯзӣ ва шеваҳои баргузори он дар Бухорои асри нуздаҳ ба шумор меравад. Маҳз, мутолеаи ин китоби ҷовидона ба он далолат мекунад, ки новобаста ба бархе маҳдудиятҳои сиёсии замони ва сӯиистифода аз баргузори чунин маросимҳо беҳтарин суннатҳои наврӯзи кӯҳан дар замони нависанда идома ёфта, ҳатто онҳо бо унсурҳои фарҳанги замони нав омезиш касб намудаанд. Фузун бар ин, дар истиқбол аз «Шоҳнома»-и Фирдавсӣ ба қалам омадани достони «Сайри Ширбадан»-и устод Айнӣ, ки маҳз сурати такмил ва таҳрирӣфтаи он дар «Ёддоштҳо» аз сӯи ҳуди нависанда ҷой дода шудааст, шорехи он аст, ки ин нависандаи чирадаст анъанаи деринаи наврӯзномасаройиро, ки гунаи шеърӣ он маҳз бо зикри достони чамшед ва кашфи Наврӯз оғоз ёфта баъдан дар адабиёти форсу тоҷик бо касби мухтассоти муайяни худ роиҷ гардид, бо шоистагӣ идома додааст.

ПАЙНАВИШТ:

1. Айнӣ С. Ёддоштҳо. Чаҳор қисм. Иборат аз як китоб. – Душанбе. Сарредаксияи илмӣ Энсклопедияи миллии Тоҷик. 2009. – 680 с.
2. Айнӣ С. Куллиёт. Ҷ.12. – Душанбе: Ирфон, 1976. – 565 с.
3. Айнӣ С. Ёддоштҳо. Чаҳор қисм. Иборат аз як китоб. Ба кӯшиши Саидаи Сирчонӣ. Техрон, Огоҳ. 1327. – 1030 с.
4. Шакурӣ Муҳаммадҷон. Равшангари бузург. – Душанбе: Адиб, 2006. – 240 с.

Хасанов Шавкат Аҳадович
Самарқанд давлат университети
профессори, филология фанлари доктори

ИЖОДКОР ШАХСИЯТИ ВА ВОҚЕЛИК ТАЛҚИНИ

Аннотация: ушбу мақолада XX аср бошлари адабиётимизнинг энг йирик намоёндаларидан бири Садриддин Айнийнинг ижоди, асарларида тасвирланган воқелик талқини ҳамда уларда кўринадиган ижодкор шахсиятининг муҳим элементлари ҳақида сўз боради. Қолаверса, адиб асарларини унинг биографиясидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш ижодкорнинг асл мақсадини тўлиқроқ англашга ёрдам беради. Мақолада шу борада сўз юритилган.

Калит сўзлар: Садриддин Айний, “Судхўрнинг ўлими”, жадид адабиёти, биографик метод, “Дохунда”, шўро даври адабиёти, “Куллар”.

Аннотация: в данной статье рассказывается о творчестве Садриддина Айни, одного из крупнейших представителей нашей литературы начала XX века, трактовке действительности, изображенной в его произведениях, и усматриваемых в них важных элементах личности творца. Кроме того, изучение произведений писателя на основе его биографии помогает полнее понять истинное предназначение писателя. В статье об этом говорится.

Ключевые слова: Садриддин Айни, «Смерть ростовщика», джадидская литература, биографический метод, «Дохунда», советская литература, «Рабы»

Abstract: This article describes the work of Sadriddin Ayni, one of the largest representatives of our literature of the early 20th century, the interpretation of reality depicted in his works, and the important elements of the creator's personality seen in them. In addition, the study of the works of the writer on the basis of his biography helps to better understand the true purpose of the writer. The article talks about it.

Key words: Sadriddin Ayni, «Death of a usurer», Jadid literature, biographical method, «Dokhunda», Soviet literature, «Slaves».

Кириш. Адабиётшуносликка оид ишларда ижодкорни шакллантирган омилларга, дунёқарашига, шахсиятига, воқеликка муносабатига алоҳида эътибор қаратилади. Оламни объектив ё субъектив талқин этишда ижодкорни вояга етказган ижтимоий, рухий-психологик жараёнларнинг таъсири ўз изини қолдиради. Холислик ижодкор учун яхши фазилат. Ҳар қанча холисоналик бўлса-да, тарихий воқелик барибир ижодкор характери, тафаккури ва қалби “таҳрири”дан ўтиб, муайян бир асар шаклига киради. Ижодкорнинг характери, тафаккури, қалби эса уни қуршаб келган муҳит ва шароитнинг “ҳавосидан нафас олади”.

Асосий қисм. XX аср бошларида шаклланиш босқичига кирган адабиётшунослигимиз иккинчи яримида катта ютуқларга эришди. Мумтоз ва етук замонавий адибларимизнинг асарлари поэтикасига оид йирик тадқиқотлар яратилди, яратилмоқда. С.Айний, А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, кейинчалик Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ҳ.Олимжон ва бошқа адибларимиз ижоди ҳар томонлама илмий-назарий тадқиқ этилмоқда, янги талқинларга тортилмоқда. Шу билан бирга адабиётшунослигимизда янги тадқиқ методларининг қўлланилаётгани ҳам қувонарли ҳолдир. Шу нуқтаи назардан бу йил таваллудига 140 йил тўлган Садриддин Айний ижодини биографик усул тамойиллари асосида кўздан кечириб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

Садриддин Айний амирлик замонида вояга етди, танилди. Эски мактаб, мадраса таълимини олди. Отасининг “мулла бўлма, қози бўлма, одам бўл” ўғити таъсирида камол топди. Мактабнинг, мадрасанинг чаламуллагликка йўналтирилган таълимоти, амирликнинг

мутассибликка таянган тартиботи маърифатли ота ўғитига амал қилган ёш Садриддинда кониқмаслик, норозилик, кейинчалик чексиз нафрат ҳиссини оширди. Илк шеърларида имо-ишоралар, рамзлар воситасида кўринган бу туйғу насрий асарларида очиқ-ойдин кўрина бошлади. Атрофдаги ночорлик, зулм ва зўравонлик, амир жаллодлари томонидан акасининг қатл этилиши, ўзининг дарра билан калтакланиши каби объектив, субъектив факторлар бу нафрат туйғусини алангалатганлиги, шубҳасиз.

Ёзувчи мадрасада ўқиб юрган чоғлари муқим турар жойга эга бўлмаган. Баъзан акасининг, дўстларининг, танишларининг хужраларига кўчиб юрган, умуман, бошпанасиз қолган пайтлари ҳам бўлганки, унинг ўз таъбири билан айтганда, “қўйлагининг ичида” яшаб юрган. Ўша пайтларда ёзган шеърлари амир Абдулаҳадхонга маъқул бўлиб, саройга ишга таклиф қилинади. Аммо Айний турли сабабларни рўқач қилиб, бу таклифни рад қилади. Ёш бўлишига қарамай бу дунёнинг пасту баландини, оқу қорасини эрта англаган ёзувчида шахсий сифатлар шакллана бошлаган эди, мабодо “мадҳиягўй”ликка рози бўлса, келгусидаги воқеалар оқими уни қайси томонларга оқизи кетиши мумкинлигини шоир Шамсиддин Шохин қисмати мисолида тушунган эди.

Натижалар ва муҳокама. Маълумки, С.Айний ижодини шеър ёзиш билан бошлайди. Аҳмад Донишнинг шафқатсиз реализм намунаси бўлган “Наводирул вақое” асари билан танишгач, унда ёзувчиликка ҳавас уйғонади. Асарлари тилининг содда, равон, халқона, жумлаларнинг пишиқ, фикрларининг мантиқан бир-бирига боғланиши устида сабот билан меҳнат қилади. 1920-1921-йилларда носирликка жиддий киришади.

Психологларнинг аниқлашича, инсонда характер хусусиятлари 22-25 ёшлар атрофида шаклланади. Октябрь инқилоби рўй берганда Садриддин Айний 40 ёшда эди. Адибнинг идеаллари, қарор топган характери, жумладан, ижтимоий адолатсизликка мурасасизлиги янги тузум ғояларига мос келди. Шу боис адиб амирнинг тахтдан ағдарилишини (1920) мамнуният билан қаршилайди.

Яна бир жиҳати – шўро ҳукуматига ҳам байроқ қилиб кўтариш учун Садриддин Айнийга ўхшаган таниқли, эътироф этилган шахс керак эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 20-йилларига қадар бўлган Бухоро тарихида сохталаштирилган, холисона ўрганилмаган нуқталар кўп. Тарихий ҳужжатлар, дарсликлар, маълумотномалар ўз даврининг сиёсат ва мафкураси таъсирида бир ёқлама ёритилган бўлиб, бугунги кун Садриддин Айний асарларининг нафақат бадий, балки тарихий аҳамияти нечоғлик баланд ва муҳимлигини кўрсатиб турибди. Бу борада “Эсдаликлар” жуда қимматли манба ҳисобланади.

Садриддин Айний поэтик услубини белгиловчи бош асос бу – тарихий ҳақиқатга содиқлик ва ростгўйликдир. Ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Шайх Саъдий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Муқумийлар ҳақидаги илмий тадқиқотларида ҳам шу хусусият етакчилик қилади. Туркий, форсий, арабий манбаларни таққослаб, олим илмий қарашларини тарихий факт, далил, ҳужжатлар билан асослайди.

Адибнинг “Эски мактаб”, “Эсдаликлар” асарларида ўзи иштирок этган тарихий давр ҳодисалари ҳикоя қилинади. Бошқа бадий асарларининг сюжетида ҳам тарихий шахслар ҳаёти, тарихий воқелик, ҳаётининг макон ва замон асос бўлиб хизмат қилган. “Мактаб”, “мадраса”, “масжид”, “бозор”, “идора”, “карвонсарой”, “арк”, “обхона” каби микромаконлардан ташқари, биргина Шофиркон туманидаги “Маҳаллиболо”, “Мамадбоқи” (бугун “Маҳаллибоқи”) “Денав”, “Сўғд” (бугун “Суғут”) каби қишлоқлар ҳам тарихий жой номлари бўлиб, ёзувчи тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга айлантиришда кўпам “муболаға”га йўл қўймаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. “Маҳаллиболо” тоғаларининг қишлоғи бўлиб, болалигида ёзувчи бу қишлоқларда анча пайт яшаган, шу ерлик камбағал, чоракор, етим-есир, бой-амалдорларни яхши таниган. “Қуллар” сюжетининг таркибий қисмлари асосан ана шу қишлоқларда кечади.

Садриддин Айнийнинг 20-йилларда ёзилган асарларида унинг янги тузумга хайрихоҳлиги аниқ кўриниб туради. Адиб асарларини хронологик тартибда кўздан кечирадиган бўлсак, бу хайрихоҳлик аста-секинлик билан хушёрликка, сўнг таҳликага,

кейинчалик кўркувга айлана борганлиги сезилади. 30-йилларга келиб, амир салтанатидан кўркмаган одам шўро сиёсатидан даҳшатга тушади. Чунки 20-йилларнинг охиридаёқ катагон булутлари парканд-парканд бўлса-да, кўк юзини қоплаётган эди. Синчков, воқеликнинг ички жараёнларини теран тушунадиган ижодкорнинг булардан беҳабар қолиши мумкин эмас эди. Шу боис ўтмиш мавзуида ёзилган бўлса-да, “Дохунда” (1930), “Куллар” (1934) романларида Октябрь инқилоби арафаси ва ундан кейинги давр воқеалари атрофлича ёритилади. Ўша давр адабиётшунослиги тили билан айтганда, “ёт унсурлар”, “босмачилар” ҳаракатларига муносабат билдирилади. Албатта, бу ҳаракатга қўшилганлар орасида мол-мулкидан жудо бўлган, ерлари мусодара қилинган аламзадалар кўпчиликти ташкил қиларди. Буларнинг аксарияти саводсиз, узоқни кўролмайдиган кишилар бўлиб, миллий озодлик, Ватан мустақиллиги ва дин равнақи учун курашга киришганлар жуда озчиликти ташкил қилган. Оломончилик кайфиятига асосланган бу оқим шу учун миллий ҳаракат тусига айланмаган. Қолаверса, жамиятдаги мавжуд табақаларни бирлаштирадиган ягона бир ғоя, мақсад, манфаатлар бирлиги йўқ эди.

Ўтган тузумда “босмачилар ҳаракати” деб ном олган сиёсий ҳаракатнинг Фарғона ҳудудидаги вакиллари фаолиятига доир манбалар анчагина. Бироқ Бухоро музофотидаги бу ҳаракат вакиллари ҳақидаги маълумотлар фақатгина Айний асарларидагина сақланиб қолинган. Ушбу ҳаракатга Садриддин Айний хайрихоҳ бўлмаган, лекин энг муҳими – бу фактлар беиз йўқолиб кетмаган, тарихий ҳодиса сифатида қайд этилган.

1928 йил “Маориф ва ўқитувчи” журналинда ёзувчининг “Кулбобо” ҳикояси чоп этилади. Акмал Икромовнинг маслаҳати билан шу ҳикоя асосида “Куллар” романи яратилади. Ёзувчи партия ва давлат арбоблари Ф.Хўжаев, А.Икромов, Н.Тўракуловлар билан яқин муносабатда бўлган. Асарларининг ёзилишида уларнинг тақлиф-мулоҳазаларини ҳисобга олган. Ва табиийки, муайян масалалар замона мафкурасига мувофиқ тарзда талқин этилган. Яна шуни таъкидлаш керакки, романга ўхшаш йирик эпик асарда ҲОЗИР БЎЛАЁТГАН воқеликни объектив ёритиш душвор. Эпик асар табиатан БЎЛИБ ЎТГАН воқеаларни қаламга олади. Чунки у вақтнинг чиғиригидан ўтиб, муайян бир якунга етган бўлади. Шу сабаб “Дохунда” ва “Куллар” сюжетининг кульминация ва ечимида ғоявийликнинг мақоми ошади.

Тарихий воқеаларни бадиий талқин этишда баъзи масалаларда ижодкорнинг субъектив қарашлари устунлик қилганлигини ҳам қайд этиш жоиз. Шундай – масалалардан бири жадиализм – ёш бухороликлар ҳаракатидир. Шўро сиёсати аввал жадиличлик ғояларини қўллаб-қувватлаб, ҳар томонлама кўмак бериб туради. Янги тузум ўз асосини мустаҳкамлаб олганидан сўнг жадидаларга эҳтиёжи қолмайди. Бу ҳаракат иштирокчилари таъқибга олинади, қамалади, катагонга учрайди.

Файзулла Хўжаев Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида жадиализмга нотўғри ва мавҳум баҳо берилганлигини қайд этар экан, “Айнийнинг жадиализм билан большевизмни, яхлит, бузилмас, бир-бири билан боғланган бир бутун ҳаракат тариқасида талқин қилишга уринганлиги ҳаммадан ҳам қизиқроқ бўлиб чиқди”, деб ёзади.

Кейинчалик ёзилган “Дохунда”, “Куллар” асарларида жадиличликка муносабат бир қадар ўзгаради – улар жамиятдан ажралиб қолган ҳаракат сифатида тасвирланади.

Бундан ташқари ҳар иккала романнинг охириги бобларида совет воқелигига бағишланган тасвирлар чўзилиб кетгандек туюлади. Агар ана шу совет воқелигига бағишланган ўринларга диққат қилинса, асар бошларидаги объектив, табиий ва айниёна тасвир ўрнини публицистик оҳанг, ташвиқот услуби эгаллаганлигини илғаш қийин эмас. Ўзликни ҳимоя қилиш инстинкти ишга тушади, ҳар иккала асарнинг сўнгги фасллари соцреализм методи тамойилларига мувофиқлашади.

Ушбу романлар ёзилганда ёзувчи 53-56 ёшлар атрофида бўлган. Инсон ёши ўтган сари вазминроқ, мулоҳазакорроқ бўлиб бораверади. Асарларида янги воқеликни тараннум этса-да, ёзувчи ҳар қандай кутилмаган вазиятга руҳан тайёрланиб, ҳадик ичида қамалишини кутиб яшаган. Бу бежиз эмас эди. Асарларида айтилиши керак бўлмаган баъзи гаплар

учрардики, айнийшунослар ҳам бу масалаларни четлаб ўтишган. “Куллар” романининг ўн еттинчи фаслида татар бойининг Абдурахимбой уйида меҳмон бўлиш эпизоди бор. Шу меҳмондорчилик асносида Чоризм сиёсатининг моҳияти теран таҳлил қилинади.

“... Татар бойи суяниб ўтирган пар ёстикдан тикланиб, совиезган чойидан икки хўплам ичди ва жисмоний қарилги устига қандайдир рухий бир тушкунлик сездириб ўтирган Абдурахимбойга қараб:

– Бой оға, – деди, – бизни бундай ҳурматлаб сийлаганингизга раҳмат, лекин не учун гапирмайсиз ёки уйқунгиз келдими?

– Дунё бузилди, юртни рус олди. Энди қандай қилиб мусулмон кишининг гапиришга тили, қувонишга кўнгли боради, – деди Абдурахимбой.

– Да... шулай шул, – деди татар бойи олдиға қўйилган қайноқ чойдан бир-икки қошиқ ичгач, – мусулмон юртига кофирларнинг оёқ босишига, мусулмон давлатига ғайридин бир давлатнинг қўл суқишига ҳеч бир мусулмон хафа бўлмасдан тура олмайди. Лекин худонинг тақдирига кўнмаслик, ёзмишдан ризосизлик ҳам мусулмон кишининг иши эмас...

– Оре, қазоға ризо бўлиш керак, – деб имом татар бойининг сўзини қувватлади”

Ўша даврда қалтис ҳисобланган бу мавзулар талқини персонажлар тилидан бўлса-да, бошқа асарларида ҳам учраб турарди.

Амирликда жиноятчилар зиндонга ташланган, камдан кам ҳоллардагина ўлимга ҳукм этилган. Арзимас сабабларга кўра отувга ҳукм қилинаётганлар қисмати ёзувчини изтиробга солган, қайғуга чўмдирган. У ҳам оддий бир инсон сифатида инсон ҳаётининг нақадар омонатлигини, қатли кушнинг залворини чуқур ҳис қилган. 1936-1938-йилларни адиб ижодида рухий тушкунлик даври дейиш мумкин.

1939 йилга келиб қатағон қутқуси батамом битмаган бўлса-да, дунё янги бир бало – иккинчи жаҳон уруши арафасида эди. “Судхўрнинг ўлими” шу йили ёзилган. Асар тез ёзилиши мумкин, бироқ уни ёзишга тайёргарлик бир пасда амалга ошадиган жараён эмас. Қисса сюжети ёзувчининг талабалик даврларидаги воқеаларга асосланган. Асар тилининг марокли, сюжет ва композициянинг пишиқ, ғоявий-бадий хусусиятларининг баркамоллигини эътиборга оладиган бўлсак, бу пайтга келиб ёзувчи қамалиш хавфидан тамоман қутулмаган бўлса-да, ўзини эркин ва хотиржамроқ ҳис қила бошлаганлиги сезилади. Чунки бу асарда замонага ортиқча “офаринбозлик” ўқилмайди.

Садриддин Айний хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, тилда бир гапни айтиб, амалда бошқа иш қилишлари туфайли уч тоифани жуда ёмон кўрган. Биринчиси – бойлар, иккинчиси – дин пешволари, учинчиси – салтанат амалдорлари. Айнийнинг асарларидан асарларига кўчиб юривчи бу тоифа вакиллари ҳаёлий, уйдирма ё ўйлаб топилган кишилар эмас. Уларнинг авлодлари – неvara, эваралари бугун турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Бойлар текинхўрлиги ва ҳасислиги учун, дин пешволари – риёкорлиги ва жоҳиллиги учун, амалдорлар – золимлиги учун ёзувчининг асарлари сюжетидан муқим жой оладилар. Айнийнинг ўсиб-улғайишида, ижодкор бўлиб етишувига, уни маънан ва моддий қўллаб-қувватлаган бойлар, уламолар, қозилар ҳам бўлган. Ёзувчи асарларида улар ҳақида қисман тўхталса-да, бироқ батафсилликка ўрин бермайдикки, боиси маълум, сиёсат кўтармасди.

Бойвачча талабалардан фарқли ўлароқ ҳали ўсмир ёшига етмаган бўлғуси адибнинг суяги меҳнатда қотади. Тирикчилик кўйида отбоқарлик қилади, кир ювади, супуриш-сидириш ишларига қарашади, бозор-ўчарга қатнайди, қор курайди, Латифжон Маҳдумнинг ҳовлисида хизматкорлик қилади, мадрасада кимларгадир дастёрлик қилади, касалларга қарайди, вабога йўлиқади... Ҳаётнинг неки машаққати бор – баридан “баҳраманд” бўлади. Шу сабаб қора меҳнат қилиб бири икки бўлмайдиган, хорлик ва зорликка гирифтор бўлган оч-юпун бечораларнинг аҳволини яқиндан билган, дарду аламларини тушунган, уларга раҳми келган. Жамиятда бирор табақа йўқки, унинг назаридан четда қолган бўлсин. Ёзувчи теваракда рўй берадиган ҳар бир ҳодисанинг сабаб ва оқибатларини теран таҳлил қилади, унинг ўткир нигоҳи ҳамиша масаланинг моҳиятига қаратилади.

“Эсдаликлар”нинг учинчи қисмида мансабдорлар авлодидан бўлган Яхёхўжа исмли дарвешсифат, чапани бир киши ҳақида ёзувчи мароқ билан ҳикоя қилади. У ўзига маъқул бўлмаган кишиларни қабих сўзлар билан ҳақоратлаб ном чиқарган экан. Катта муллалар, сарой аҳли уни кўча-кўйда кўрсалар, ҳақоратларини эшитмаслик учун ўзларини пана-пастқамга уриб кетишади. Бир куни Яхёхўжа қози калон Бадриддиннинг ҳузурига киради. Қози ҳақорат эшитмаслик учун аввал тилёғламалик қиладию, сўнг дуо қилишини сўрайди.

“Яхёхўжа бунга жавобан дуо қилган одамлар сингари қўлларини ҳавога кўтариб:

– Худоё худовандо, қози Бадриддинни ўз ўрнингга худо қил, - деган.

Қози бу дуодан ҳайратда қолиб,

– Эй... эй.. эй! Қабоҳат бўлди-ку – дебди.

– Ҳеч қандай қабоҳатга ҳам, таажжубга ҳам ўрин йўқ, – дебди Яхёхўжа, – сен шу кунларда Бухорода амирдан ҳам каттасан, Бухоро мамлакатадаги барча одамларнинг ҳаёт-мамоти сенинг қўлингга, истасанг кишини куйдирасан, истасанг кишини одам қиласан, ҳеч ким сенга, нега ундай қилдинг, нега бундай қилдинг, деёлмайди. Энди сен етишни орзу қилган мартабалардан худолик мартабаси қолди, холос...

... Худо бўлиш сенинг учун фойдали; чунки хонавайрон бўлган деҳқонлар, ота-онасиз қолиб, мол-мулкларини сен тортиб олган етимлар, эрлари ва оталари сенинг зиндонингда ётган тул хотинлар ва тарбиясиз қолган гўдакларнинг қора кунлари учун сен жавобгарсан. Эҳтимол худонинг ғазабидан кўрқиш айш-ишратингга ҳалал бераётгандир. Агар худо бўлсанг, ҳамма жиҳатдан хотиржам бўлиб, билган номаъқулчилигингни қила берасан. Қиёмат сўроғидан кўркмай, хазина устига хазина тўплай берасан, чунки худо ҳеч вақт ўзини ўзи қиёматда сўроқ қилмайди”.

Бу парча ижтимоий адолатсизлик ҳукм сурган тузумдаги ҳақиқий аҳволни ва унга бўлган ижодкор муносабатини кўрсатувчи характерли мисолдир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлигига кўра, XIX асрда хонликлар ўртасидаги парокандалик, бир-бирига нисбатан адоват нафақат сиёсий жиҳатдан, шу билан бирга маданий ва маърифий жиҳатдан ўлканинг хароба бир аҳволга келиб қолганлигини тасдиқлайди.

Чор армияси 1865 йил Тошкентни, 1868 йил Самарқандни истило қилди. Орадан 52 йил 4 ой ўтгач, ярим мустамлака бўлса-да, ўзича сиёсат юритаётган амирликни тугатишга қарор қилинади. Ўз вақтида Шарққа юриш бошланган икки катта империя Рус Чоризми ва Англия ўртада ихтилоф чиқмаслиги учун Бухоро ва Афғонистон амирликларининг мустақиллигини “буфер” худуд сифатида вақтинча сақлаб қолган эдилар. Бироқ ҳар икки империя амирликни ўз таъсир доирасига тортиш учун турли хил ислохотлар воситасида зимдан ҳаракат қиларди. С.Айний жадидчиликнинг татар, А.Фитрат турк мактабига яқин бўлган. С.Айний бир муддат татар мактабида таржимон ҳам бўлиб ишлайди. Татар ва турк мактаблари ўртасида анча тафовутлар мавжуд...

“Эсдаликлар”да қайд этилганидек, Россия фуқароси амирлик ҳудудида жиноят қилса ҳам унинг таъқиб қилиниши, зиндонга ташланиши, миршаблар томонидан бошқача турдаги жазоларга тортилиши мумкин бўлмаган. Агар жуда хавфли жиноятга йўл қўйилса, Россия консулхонасига хабар берилиши мумкин бўлган. Эслатиб ўтиш жоиз, Самарқанд аҳли ҳам 1868 йилдан сўнг Россия фуқароси ҳисобланган. Улар амирлик ерларида ҳадиксирамай эркин ва даҳлсиз бўлганлари учун кўпгина маҳаллий кишилар уларга ҳавас билан қараган, баъзи бировлар жазодан кутулиш учун сохта рус паспортларини сотиб олишган.

Садриддин Айний икки тузумда яшади. Бадиий асарларида асосан ўтмиш мавзуи қаламга олинади. Янги тузум акс этган бобларда аниқ эсда қоладиган бирор бир ёрқин характерни кўрмаймиз. Ўтмиш ҳаёти ёзувчи учун битмас, туганмас “қайнар хумча”. Ўтмиш мавзусида ёзувчининг қалами равонлашади, тарих тилга киради, мозий кино тасмасидек кўз ўнгимиздан ўта бошлади. Қиёслашлар ҳаётий, конкрет. Ўйлаб топилган, ўқувчига мавҳум тушунча, таққослаш, ибора, ҳолат, манзара учрамайди. Ўхшатишлар, тасвирий воситалар қаҳрамонларнинг касб-коридан, кундалик турмушида кўриб, ишлатиб юрган нарса, буюм,

тушунчалардан олинадики, бу характер қиёфаларини очишда, таъсирдорликни кучайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Янги характернинг пайдо бўлиши янги асардан дарак беради. “Эсдаликлар”да бир-бирига ўхшамаган, бир-бирини такрорламайдиган, кўриниши, кийиниши, феъл-атвори ўзига хос юзлаб характерларни кўрамиз. Характерларнинг ёрқинлиги, портретларнинг тиниқлиги, руҳий ҳолатларнинг психологик асосланган ва ҳаётийлиги “Эсдаликлар”га бадий асар сифатида қарашга ундайди. Бу асарда тарихий ва бадий ҳақиқат деган тушунчалар ягона бир нуқтада бирлашиб, яхлитлик касб этганлиги туфайли 120-130 йил олдинги Бухорога кириб борасиз: мана Арк, Регистон майдони, мадрасалар, савдо расталари, Лаби Ҳовуз, Минораи Калон... “Эсдаликлар” қаламга олинган ҳаётнинг кўламдорлиги, универсаллиги, эстетик таъсирдорлиги, ҳаққонийлиги билан мухташам эпопеянинг эскизларини эслатади.

“Судхўрнинг ўлими”, “Эски мактаб”, “Эсдаликлар” – мутафаккир рассомнинг шох асарлари. Булар шунчаки музей деворига осилган жонсиз суратлар эмас. Унда XIX асрнинг жабру жафоларини, андуху аламларини елкасига ортиб, нураётган салтанатнинг харобалари аро адолат ва иймон излаб XX асрнинг жинкўчаларига кириб бораётган ижодкорнинг ўйчан, нуруний қиёфаси акс этган.

Садриддин Айнийнинг энг муҳим хизматларидан бири шундаки, у ўзбек ва тожик реалистик прозасининг шаклланиши ва ривожига муносиб улуш қўшди. Шўро замонида адабиётга қўйилган талаблар билан барча даврларга бирдек хизмат қила оладиган асарлар яратиш камдан кам ижодкорга насиб қилди. С.Айний, шубҳасиз, шундай ижодкорлар сирасига мансуб.

Хулоса. Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар айнийшуносликда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга бир қатор ишларда ўтган тузум мафкурасининг нуқтаи назари, адабий-танқидий қарашларининг руҳи етакчилик қилади, уларда асарлари поэтикасини ўрганишдан кўра ёзувчининг у ё бу тузумга муносабати масалаларига урғу берилади. Демократия ва ошкоралик аталган йилларда кўплаб ижодкорлар қатори С.Айний ижодига ҳам ноҳолисона муносабатда бўлинди, оқибатда бир неча йиллар давомида уй музейи эътиборсиз қолди, асарлари чоп этилмай келинди, мавжудлари дарсликлардан чиқарилди. Ю.Фучик, Л.Арагон, К.Федик, Л.Леоновлар эътироф этган, қолаверса, давримизнинг буюк адиби Ч.Айтматов устоз санаган адиб ҳар қуни туғилавермайди. Шундай экан, эндиликда бадий сўз шуқухини чуқур ҳис қилиб, асарга яхлит эстетик ҳодиса сифатида қараб, жаҳон адабиётшунослигининг ютуқлари асосида С.Айний ижодини ҳолисона ўрганишга киришсак, улкан адибимизнинг руҳини ёд ва шод этган бўлардик.

Ижодкор шахсияти алоҳида олинган вакуумда эмас, жамиятда камол топади. У жамиятдаги мавжуд ақидаларни ўзгартиради, қарашларни янгилайди. Унинг асари муайян бир даврда яратилса-да, ўша давр доирасида қолиб кетмайди. Замонлар, тузумлар ўзгариши баробарида бадий сўз ўзининг янги қирраларини намоён этаверади. Шу боис тарихга, ҳақиқатга, умуминсоний идеалларга таянган, аслияти ва айниятига содиқ қолган сўз санъаткорларининг асарлари, улар куйлаган чинакам инсоний дардлар, илгари сурган ғоялар, ҳаёт ато этган характерлар яшашда давом этади. Садриддин Айний ижоди бунга ёрқин мисолдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Айний С. 8 томлик. 3-том. Қуллар. –Т., Бадий адабиёт нашриёти, 1964.
2. Айний С. 8 томлик. 6-том. Эсдаликлар. III қисм. –Т., Бадий адабиёт нашриёти, 1965.
3. Айний С. Судхўрнинг ўлими. –Т., Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
4. Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. –Т., Ўзбекистон нашриёти, 1990.

Муродов Ғайрат Некович
филология фанлари доктори,
профессор (Ўзбекистон)

САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ РОМАННАВИСЛИК МАҲОРАТИ

Аннотация: Мақолада йирик сўз санъаткори Садриддин Айнийнинг тарихий романлари давр ва бадиий адабиёт муносабатлари нуқтаи назаридан ўрганилган. Ёзувчининг бадиий маҳорати, характер яратишдаги ўзига хос услуби ёритилган. Унинг янгича роман бадиий структурасини яратиш бўйича новаторлиги таҳлиллар давомида кўрсатилган.

Калит сўзлар. Тарихий наср, роман, бадиий характер, Шарқ эпоси, қолиплаш композицион усули, бадиий матн, эпик сюжет.

Аннотация: В работе исследуются исторические романы великого художника слова Садриддина Айна с точки зрения проблемы соотношения эпохи и художественной литературы. Освещаются художественное мастерство писателя, его неповторимый стиль создания национального характера. В ходе анализа показано его новаторство в создании художественной структуры нового романа.

Ключевые слова. Историческая проза, роман, художественный образ, восточный эпос, композиционный метод построения, художественный текст, эпический сюжет.

Abstract. The work examines the historical novels of the great artist of the word Sadriddin Aini from the point of view of the problem of the relationship between the era and fiction. The artistic skills of the writer, his unique style of creating a national character are highlighted. The analysis shows his innovation in creating the artistic structure of the new novel.

Keywords. Historical prose, novel, artistic image, oriental epos, compositional construction method, artistic text, epic plot.

Кириш. XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб собиқ иттифок худудидаги миллий адабиётларда марксча-ленинча мафкуранинг ҳукмронлик даври бошланди. Комфирқанинг бадиий адабиёт ҳақидаги махсус қарори (1925, 18 июнь) да “бизда умуман синфий кураш тўхтамаганидай... адабиёт frontiда ҳам тўхтамайди” деган ақида алоҳида таъкидланган эди.

Марказий Осиё, шу жумладан, ўзбек адабиёти намояндалари ҳам “партиявий ҳомийлик” таъсири ва оқибатларини сеза бошладилар. Чунки мустабид фирқанинг “тарихий” қароридаги 16-моддада аниқ қилиб “иттифоқимизнинг кўп сонли жумҳурият ва вилоятларида миллий адабиёт тараққиётига кучли эътибор бериш зарур” деб ёзиб қўйилган эди. Бу “эътибор” туфайли 1926 йили А.Қодирий устидан суд бўлиб ўтди ва айбсиз адиб бир неча ой қамоқда сақлаб турилди. 1927 йилда Чўлпонга ялпи ҳужум мавсуми бошланди. Унга “буржуа миллатчи шоири” тамғаси босилди. 1928 йили М.Шевурдин “Ўткан кунлар”га шўровий хуруж тарихини бошлаб берди. Шу йиллардан жадид адабиётига, унинг етакчи вакилларига ҳужумлар кучая бошлади.

Бундай вазият бадиий адабиётнинг барча соҳалари, шу жумладан, тарихий наср ва тарихий драматургия тараққиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

30-йилларнинг бошида турли адабий оқим ва ташкилотларни тарқатиб юбориб, ягона ёзувчилар уюшмасининг ташкил этилиши амалда адабиёт устидан шўровий сиёсатнинг якка ҳукмронлигига олиб келди. Бадиий адабиёт тўла-тўқис фирқа назорати остига олинди. Марксча-ленинча дунёқараш сўз санъатининг мафкуравий-назарий асоси бўлиб қолди.

Шўро адабий сиёсати “замонавийлик” талабини кун тартибига қўйди. Бу талабга кўра ҳар бир ижодкор тасвирланаётган ҳар қандай даврга марксча-ленинча назария асосида

баҳо бериши, даврнинг “илғор ғоялари”ни асарларининг бадий-эстетик концепцияси марказига қўйиши лозим эди. Аслида, “замонавийлик” заминида “янги давр” – шўро тузуми ҳақида кўпроқ асарлар ёздириш сиёсати турарди. Бу эса мозийга бағишланган бадий асарларнинг сезиларли даражада камайиб кетишига сабаб бўлди.

Шунга қарамай, сўз санъаткорлари тарихий воқеликни ижодий-бадий ўзлаштириш ҳаракатини тўхтатмадилар. Шеърят, эпос, драматургия жанрларида Ватан, халқ ўтмишини бадий ифода этган асарлар юзага келди. Марказий Осиё адибларидан Садриддин Айний, Абдулҳамид Чўлпон, Берди Кербобоев, Собит Муқонов ва бошқаларнинг қаламига мансуб бўлган роман, повесть, дoston, драмаларда Туркистон тарихининг турли қатламлари бадий инъикосини топди.

Уларнинг серқирра ва давр дунёқарашидан холи бўлмаган мураккаб ижодида жаҳон тарихий адабиётининг реалистик анъаналари, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат сингари катта санъаткорларнинг ижодий-бадий тажрибалари ривожлантирилди, адабий ворисийлик давом этди.

Йирик санъаткор Садриддин Айнийнинг “Дохунда” (1930), “Қуллар” (1933) романлари Марказий Осиё тарихий насрида алоҳида бир ўринни ишғол қилади. Бу тарихий романлар улкан бадий оламни ўз структурасига жо қилган, авлодлар давомийлиги ва “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари” ни реалистик принциплар асосида ёритган асарлардир.

Асосий қисм. С.Айний зуллисонайн – ўзбек ва тожик тилларини мукаммал билган адиб эди. У Бухоро мадрасаларида 20 йилга яқин ўқиган, турк, араб, форс-тожик маданияти, фани ютуқларини пухта ўзлаштирган, шу билан бирга, Европа маданияти, адабиётидан ҳам яхши хабардор эди. Жаҳон маданиятини, етук бадий ёдгорликларни ижодий-бадий ўзлаштирган адибнинг тарихий романларида Туркистон тарихининг маълум бир босқичлари ўз бадий ифодасини топган.

С.Айний тарихий романларида бадий тип ва характерларнинг мажмуини кўриш мумкин.

А.Қодирий эпик ижоди мисолида кўрганимиздай, Марказий Осиё романи асосида Шарқ эпоси намуналари туради.

Мана шу бадий замин йигирманчи асрнинг икки буюк санъаткори – Абдулла Қодирий ва Садриддин Айний қаламига мансуб йирик эпик шаклдаги бадий асарларни бирлаштиради, яқинлаштириб туради.

С.Айний эпик оламининг бадий-эстетик структурасига фольклор жанрлари, Шарқ мумтоз адабиётининг турли-туман бадий шакллари самарали таъсир ўтказган. Улкан адиб роман сюжети, композицияси, қаҳрамон структурасини барпо қилишга, фольклор ва мумтоз адабиёт анъаналаридан унумли фойдаланишга ва жаҳон сўз санъатида янги типдаги романнинг юзага келиши ва шаклланишига ўз ҳиссасини қўшишга эришди.

С.Айний “Дохунда” романида эпик сюжетни юзага келтириш учун Шарқ фольклори жанрлари (эртақ, афсона, ривоят, дoston) учун анъанавий бўлган “қолиплаш” усулидан самарали фойдаланган. “Дохунда” да бош қаҳрамон Ёдгорнинг отаси Бозор қисмати “қолиплаш” асосида ифода этилган.

“Ҳикоя” ичида “ҳикоя” келтириш (“қолиплаш”) усулини “Ўткан кунлар” романида ҳам кўриш мумкин. Марғилонлик шоҳидўз уста Олимнинг “ишқ достони” асар сюжети таркибига шу йўл орқали олиб кирилган.

Ҳинд, араб, форс, тожик, туркий адабиётлар учун анъанавий бўлган “қолиплаш композицион усули” шу тариқа роман бадий қурилмаси ҳудудига олиб кирилади ва жанрнинг поэтик-бадий имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Анъанавий “қолиплаш” усулини А.Қодирий ҳам, С.Айний ҳам ижодий-бадий жиҳатдан қайта ишлаб, романнинг ўзига хос мураккаб поэтик оламига мослаштирдилар.

Янги – Шарқ ва Ғарб эпик анъаналари, тажрибаларининг омухтаси (синтези) бўлган роман анъанавий усулни ўз ҳудудига қамраб олар экан, уни ўз композицион, сюжет

майдони хусусиятларига бўйсундиради, шу тариқа бу усул роман жанрининг тасвир воситаларидан бирига айланади.

Қаҳрамон типи, портрети, руҳий дунёсини яратишда ҳам С.Айний Шарқ лирик ва эпик адабиётининг анъанавий тасвир воситалари, образлари, рамзларига мурожаат қилади, бу бой бадиий хазинадан янги эпик шакл матнидаги бадиий тимсоллар қурилмасини юзага келтиришда фойдаланади.

Қаҳрамон суврати тасвиридаги ворисийлик “Дохунда” романи марказий персонажлари бадиий қиёфасида яққол намоён бўлган. Бош қаҳрамон Ёдгорнинг “тонг юлдузи каби чарақлаб турган кўзлари”, “қизил олмадай юзлари”, унинг севгилиси Гулнорнинг “қўнғироқдай овози”, “чарақлаб турган қора кўзлари”, “тўлин ойдаи порлаб турган юзи”, “нозли дудоклари”да мана шу бадиий ворисийликнинг аниқ ифодасини кўрса бўлади.

Айний Абдулла Қодирий каби Шарқ мумтоз шеъриятида кенг қўлланилган бадиий санъат – ташбихни йирик эпик шакл матнига олиб кирди, бу санъатга янги поэтик-бадиий вазифа юклади, роман қаҳрамонларининг ижобий, серқирра маънавий-ахлоқий дунёсини ташбих воситасида ёрқинроқ, аниқроқ кўрсатишга ҳаракат қилди.

«Дохунда» романининг ижобий қаҳрамонлари, “Ўткан кун”лардаги асосий персонажлар каби, ҳам жисман, ҳам ақлан, ҳам маънан етук, солим кишилардир. Уларнинг ташқи ва ички қиёфаси гўзал ва баркамол, хатти-ҳаракат, муомала-муносабатларини шарқона одоб-ахлоқ безаб туради.

Салбий персонажлар эса, аксинча, сувратдаёқ хунук, беўхшов, ёқимсиз кимсалиги маълум бўлиб туради. Агар А.Қодирийнинг салбий қаҳрамонлари “чўтир”, “пучук”, “махлук”симон кишилар бўлса, С.Айнийнинг салбий образлари ё “қора”, ё “семиз”, “паст бўйли” кимсалар тарзида тасвирланган.

Ёвузлик кучларини жисмоний ноқис тасаввур қилиш ва тасвирлаш- “асл эпос”, фольклор жанрларига хос муштарак хусусият. Бу хусусият Марказий Осиё романининг илк намуналарига кўчиб ўтди, инсонни бадиий тасвирлашга хизмат қилди.

“Дохунда”даги қаҳрамон, персонажларнинг суврати, композиция, сюжет унсурлари билан бирга асарнинг бутун бадиий қурилмаси, характерлар тасвири, образлар психологиясида Шарқ мумтоз адабиётининг асрий анъаналари бўртиб, жилоланиб туради. Шу билан бирга, “Дохунда” йирик эпик шакл сифатида Ғарб (Европа) романига хос асосий, етакчи жанр хусусиятларини ўз бадиий оламида мужассамлаштирган.

Тарихий ҳодисалар, тарихий шахслар роман бадиий матнининг айрим бўлақларида ифода топади. Бу аломатларнинг барчаси “Дохунда”нинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари каби “Вальтер Скотт романи” гуруҳига киришини кўрсатиб турибди. Роман шаклининг муштараклиги А.Қодирий ва С.Айнийга ижтимоий турмуш, шахс психологияси тасвиридаги алоқадорликни юзага келтирган.

Романнинг эпик кўламдорлиги, энг аввало, қаҳрамон образида намоён бўлади. Қаҳрамон руҳий олами, ҳаракатида тасвирланаётган даврнинг бош тамойиллари, тараққиёти ёки таназзули акс этади, роман асосини ташкил этган улкан воқеаларга унинг нигоҳи билан қаралади ва баҳо берилади. Қаҳрамоннинг бадиий образ сифатида пишиқ, комил яратилиши роман муваффақиятини таъмин этади.

“Дохунда”даги Ёдгор – йирик эпик шакл қаҳрамони хусусиятларини ўз бадиий қурилмасига жо қилган кўламдор, серқирра образ. Унинг характери тадрижи ҳам, асар сюжети йўлидаги марказий ўрни ҳам, ички дунёсининг теран ва батафсил тасвири ҳам романнинг асосий қаҳрамони эканлигидан дарак бериб туради.

Эпик қаҳрамон қиёфаси ва ҳаракатида, Гегель сўзлари билан айтганда, халқ руҳининг объективлиги намоён бўлади. Ёдгор характерининг жозибали, романтик бўёқдорликдан холи бўлмаган кенгликларида бир-бирига этник-генетик, маънавий-психологик жиҳатдан жуда яқин ўзбек ва тожик халқларининг муштарак руҳий-маданий олами тарихан аниқ ва объектив мужассам этилган.

Ёдгорнинг ички дунёси, тақдирида ўзбек ва тожик халқларининг йигирманчи асрнинг бошлари – мозийнинг энг чигал, зиддиятли босқичидаги соғлом, мардонавор руҳи, халқчил қиёфаси барқ уриб туради.

Европалик олим ва сайёҳлар томонидан “ҳуқуқсизлик мамлакати” деб таърифланган Бухоро амирлигидаги ижтимоий шароит “Дохунда” романи қаҳрамонининг тақдири ва руҳий кечинмалари орқали бадиий намоён бўлган.

“Дохунда” – романчиликдаги икки босқич – XX асрнинг 20- ва 30-йилларини бирига боғловчи, уларнинг муштарак ворисийлик хусусиятларини ҳам, фарқли, айри жиҳатларини ҳам кўрсатувчи асар.

“Дохунда”нинг инсонни тасвирлаш усулларида, мозийга муносабати, ўзи мансуб давр дунёқарашини акс эттириши, бадиий тилида тарихий романчиликнинг икки босқичи бир-бирига туташади, айрим ҳолларда эса зид келади.

Бадиий адабиётнинг инсонни тасвирлашдаги умумтипологик хусусиятлари, халқчиллик принципи, тарихий роман шакли, унинг генетик-шажаравий манбалари, сўз санъатининг ворисийлиги мозийни бадиий акс эттиришдаги “икки тўлқин” (босқич)нинг тарихий-генетик алоқадорлигини таъмин этган.

Шу билан бирга, “иккинчи тўлқин”га мансуб бадиий асарларда мавжуд бўлгани каби “Дохунда” романида ҳам давр дунёқараши, унинг сиёсий, мафкуравий тамойиллари ўз муҳрини қолдирган. Романда жадидлар ҳаракати, Бухоро халқ республикаси фаолияти, миллий озодлик ҳаракати, “колхозлаштириш” жараёнининг мураккаб муаммолари совет тузуми ақидаларига мувофиқ тасвирланган, адиб тарих ҳақиқатининг ҳамма қирраларини ҳам объектив, рўй-рост очишга имкон тополмаган.

Амирлик тузуми инқирозини реалистик эпик манзараларда ҳаққоний кўрсатишга эришган Айний “янги давр” – шўро замонасининг воқеалари тасвирида тузум дунёқарашига монанд иш тутишга мажбур бўлади. Бунинг оқибатида романнинг сўнгги бобларида романбоп тафаккур сусайиб, воқеа тасвири баёнчилик тусини олади.

Даврнинг устувор мафкуравий-сиёсий дунёқараши шу тариқа “Дохунда”нинг бадиий матнига, образлар қурилмасига ўз таъсирини ўтказган.

С.Айнийнинг навбатдаги йирик эпик асари – “Куллар” (1933) романида мозий воқеаларининг ҳаққоний манзаралари тасвирини ҳам, давр ва инсонга синфий-дифференциал муносабатни ҳам кўриш мумкин.

“Куллар” – ўз бадиий матнига улкан тарихий ҳодисаларни, индивидуал характер ва типларни жо қилган, сюжет ва композицион жиҳатдан пухта ишланган бадиий асар.

“Куллар” хронотопи – кенг ва серқирра. Унда бир асрдан кўпроқ тарихий вақт, улкан бадиий ҳудуд (Афғонистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон) ўз ифодасини топган.

“Куллар” романининг қаҳрамони – халқ. “Ўткан кунлар” романидагидай “Куллар”да ҳам халқ бадиий матнда фаол иштирок этади. Асарда халқнинг тарихий жараёндаги ўрни, маънавий-психологик тадрижи бадиий тадқиқ этилган.

Муаллифнинг улкан эпик маҳорати аниқ тарихий манзараларни, инсон психологиясини санъаткорона тасвирлаши яққол намоён бўлган.

Романда жамиятнинг турли қатлам ва табақалари вакиллари иштирок этиб, уларнинг ўзаро муомала, алоқалари, хулқ-атвори, ички ва ташқи дунёси теран тафаккур асосида таҳлил этилган.

Ижодкор эпик тасвирнинг ўзигача маълум бўлган бадиий восита, усуллари, принципларидан унумли фойдаланди ва йирик эпик шаклнинг изчил, бир бутун, ҳар томонлама мувофиқлашган яхлит қурилмасини юзага келтиришга муваффақ бўлди.

С.Айний – монологик тасвир устаси. “Дохунда”да ҳам, “Куллар”да ҳам персонажларнинг нутқи, руҳий кечинмалари, тафаккур тарзида муаллиф тафаккури, дунёқараши зухур этган бўлиб, мозий, унинг айрим воқеалари, шахслари шу асосда баҳоланган.

“Куллар”даги монологик тасвир С.Айнийнинг кўп қиррали, мураккаб давр зиддиятларидан холи бўлмаган бадиий дунёқарашини яққол кўрсатиб турибди. Бир

тарафдан, адабиётнинг инсонни тасвирлашдаги типологик хусусиятларини, умуминсоний принципларини, иккинчи тарафдан эса даврнинг етакчи синфий-фирқавий ақидаларини чуқур ўзлаштирган адиб роман сюжет доирасига кирган персонажларни бир-биридан тубдан фарқ қилувчи, бир-бирига муҳолифатда бўлган икки гуруҳ (эзувчи мулкдор, эзилувчи- камбағал)га ажратган ва улар орасидаги қарама-қаршиликлар асосида бадиий матннинг асосий зиддият(конфликт)ини юзага чиқарган.

Адиб синфий таълимотга асосланган жамият бағрида ижод қилган бўлса-да, адабиётнинг етакчи инсонпарварлик мезонларини четлаб ўтмаган. У йирик эпик асарнинг бадиий концепциясига асосан ҳар бир гуруҳ (“синф”) ичидан сўз санъатидаги гуманистик қарашларга мувофиқ келадиган қаҳрамон, персонажларни танлаб олган.

“Қуллар”даги салбий персонажлар ҳукмрон (“эзувчи”) синф вакиллари бўлгани учунгина эмас, ғайрияхлоқий, ғайриинсоний, хулқ-атвори, ҳарис, тамагирлиги сабабли қораланган. Адиб уларнинг фожиаси ва таназзулини аниқ эпик тасвирида – хатти-ҳаракатлари, суҳбат-мулоқотлари, руҳий дунёси тасвирида кўрсатиб берган.

С.Айний имтиёзли табақа намояндаларининг шахси фаолиятига бадиий адабиётнинг инсонпарварлик, маданий-маърифий қарашлари, меъёрлари нуқтаи назаридан қараган ва шу асосда уларнинг характери қурилмасини яратган.

С.Айний салбий шахсларни бадиий образ сифатида ишлашда “Дохунда”, умуман, Марказий Осиё тарихий романчилигининг “биринчи тўлкини”га мансуб асарлардан фарқли йўл тутган. Ташқи суврат, одатда, салбийлаштирилмайди, асосан, ҳаракат, нутқ, психологик ҳолатларнинг бадиий тасвири орқали уларга муносабат билдирилади.

Романдаги салбий персонажларнинг парадигматик тизимини бошлаб берган “эски сардор” ва “сўфи” Қилич халифа образи тасвиридаёқ бу бадиий усулни кўrsa бўлади.

Бир вақтлар сардор (аскарбоши) бўлган халифа (диний арбоб) кексайиб тоат-ибодат йўлини тутган, персонажлардан бирининг сўзлари билан айтганда, у “тангрининг севган қули, тун-кун намоз-ниёз билан машғул”. Давраларда “дунёнинг вафосизлиги, мусулмон банди учун охиратнинг кераклиги” ҳақида гапирди.

Халифанинг телпагига ўралган икки-уч печлик салла, салла устига қадалган мисвок, жойнамози устидаги узун тасбеҳ ҳам унинг сўфи, такводор эканини таъкидлаб туради. Бироқ халифанинг суҳбат-мулоқотларидан унинг табиатидаги асл моҳият – мунофиқлик намоен бўлади. Унда ўнта “хаёл” (хотин) бор (булардан тўрттаси “шаръий”, қолгани “сўфи қилинган”, яъни никоҳидан чиқарилган). Босқинчилик учун ўғиллари, дўғони (иниси)ни Астробод тарафга жўнатган. Улар “бирор иш қилиб келарлар”, яъни “ўлжа, асир” олиб келишлари керак.

А.Навоий лирик ижодида тасвир этилган “ғазабда сабу, шахват ичра баҳим” “сода шайх” тимсоли С.Айнийнинг эпик оламида янги романчилик мактабининг бадиий-поэтик тамойиллари, принципларига кўра қайта ишланган ва романбоп тафаккурнинг кўламдор, серқирра имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган.

С.Айний эпик санъаткор сифатида салбий шахслар образини бунёд этар экан, уларнинг психологик ҳолатлари, ҳаракат худудини ташкил этувчи асос – иқтисодий муаммолар, пул ҳукмронлигини чуқур ва муфассал ёритишга ҳаракат қилган. Пул ҳукмронлиги, иқтисодий муносабатларнинг чуқур, ҳар томонлама асосланган теран психологик таҳлили адиб эпик ижодини “француз жамиятининг котиби”, жаҳон реалистик романчилигининг улкан вакили Оноре де Бальзак асарларига яқинлаштирган. Бу типологик, шу билан бирга, тарихий-шажаравий алоқадорлик жаҳон романчилигининг муштарақ аломатларини таъкидлаб туради.

С.Айний тасвиридаги ҳар бир салбий персонаж характери қирраларини, психологик оламини, ҳаракат доирасини шахсий манфаат, иқтисодий фойда белгилайди. Бухоро амирлигининг иқтисодий қурилмасини, феодал-патриархал ва ниҳоят, эндигина шаклланиб келаётган капитал-буржуа муносабатларини яхши билган, уларнинг мураккаб, шафқатсиз қонуниятларини ўрганган С.Айний пул ҳукмронлигининг инсон руҳиятига, маънавий-

ахлоқий оламига ҳалокатли таъсирини муайян тип ва персонажлар тасвири орқали реалистик эпик бадиий манзараларда санъаткорона очган.

”Куллар” романининг ижобий қаҳрамонлари – ғайриахлоқий, ҳуқуқсиз давлат қурилмасидаги эзилган, жабрдийда, шу билан бирга, маънавий-ахлоқий соғлом халқнинг вакиллари дир. Адиб буюк замондоши А.Қодирий каби роман ижобий образларини адабиётнинг инсонпарварлик, халқчиллик принципларига мувофиқ барпо этган. Уларнинг хатти-ҳаракати, муомаласи, маънавий олами ҳар томонлама ижобийлаштирилган.

Натижалар ва муҳокама. С.Айний тарихий роман бадиий майдонига меҳнаткаш халқ орасидан ўз бадиий-эстетик идеали, асар бош концепциясига мувофиқ келадиган “прототип”ларни ажратиб олади ва уларнинг бадиий тимсолларини йирик эпик жанр сюжети, композицияси, концепциясига кўра ишлаб чиқади ва образлар тизмасига олиб киради.

“Куллар”даги ижобий қаҳрамонлар халқчил, умуминсоний хусусиятлари жиҳатидан бадиий сюжет ҳудудидаги салбий типларга қарши кўйилган ва шу асосда асарнинг етакчи конфликти юзага чиқарилган.

Бироқ, афсуски, адиб Бухоро амирлиги, кенгроқ олиб қаралганда, Туркистон тарихининг юз йилдан зиёд даврини реалистик эпик манзараларда тасвирлаб, баркамол бадиий характер ва типларни яратган бўлса-да, “Дохунда” романида бўлганидек, мозийнинг айрим йирик воқеаларини ҳаққоний баҳолаш ва талқин қилишда иложсиз қолади. У ўз қарашларини мустабид давр дунёқараши ва ақидаларига мослашга уриниши натижасида жадидчилик ҳаракатига, Бухоро халқ республикаси фаолиятига “Дохунда”дагига қараганда ҳам кескинроқ салбийроқ муносабатда бўлади. Тарихий ҳодисаларга бундай тенденциоз, бир ёқлама ёндашувни асардаги “коллективлаштириш” даври тасвирида ҳам кўриш мумкин. Роман сюжет тизимининг сўнгги бўлимига олиб кирилган Қутбия, Ҳамдамформа каби “синфий душманлар” фаолияти, асосан, умуминсоний қараш асосида эмас, синфий-фирқавий нуқтаи назардан баҳоланади, натижада уларнинг салбий шахс сифатидаги моҳияти, характерларидаги ички хусусиятлар етарли даражада очилмай қолади.

Хулосалар. Умуман, бундай нуқсонлар фақат С. Айний эпик ижодигагина эмас, 30-йиллардаги бутун Марказий Осиё, янада кенгроқ қаралганда, шўро романи бадиий структурасига хос. Бадиий адабиёт устидан фирқавий назорат, “ягона метод”га айлантирилган “социалистик реализм” ақидалари ижод жараёнига, давр, инсон тасвирига ўз ҳукмини ўтказди ва етук реалистик асарларда ҳам ўз таъсирини, муҳрини қолдирди. Шунга қарамадан, Марказий Осиё тарихий романининг шаклланиши ва бадиий тадрижида “Дохунда”, “Куллар” романлари ўзига хос ўринга эга. Улар йирик эпик жанр бадиий структурасидаги шакл ва мазмун ўзгаришларини, инсонни бадиий тадқиқ этишда янгича реалистик принциплар устувор бўла бошлаганини кўрсатиб турибди.

Адабиёт

1. Қаримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 437 б.
2. Айний С. Асарлар. 2-том. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1964. – 454 б.
3. Айний С. Асарлар. 3-том. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 532 б.

Ахмедова Шоира Нейматовна
 Бухоро давлат университети
 ўзбек адабиёти кафедраси профессори,
 филология фанлари доктори
 Email: axxxmedova@mail.ru

САДРИДДИН АЙНИЙ АСАРЛАРИ ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Аннотация: Талантли шоир, романнавис, публицист, танқидчи ва адабиётшунос, тарихчи, тилшунос, моҳир адиб Садриддин Айнийнинг номи ўзи тирик бўлган даврларданок жаҳонга машҳур эди. Ёзувчининг кўп асарлари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Шу билан бирга Айний ҳақида жаҳон адабиётининг йирик адиблари ҳурмат билан фикр юритишган. Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов, машҳур фаранг адиби Луи Арагон, чех халқининг миллий қаҳрамони Юлиус Фучик, немис адиби Альфред Курелла ва бошқалар адиб ижодига, шахсига ҳурмат билан қарашгани ва эътироф этишгани маълум. “Эсдаликлар” хорижий: қозоқ, эстон, поляк, булғор, арман, озарбайжон, грузин, можор, француз, қирғиз, туркман, қозоқ ва бошқа кўплаб тилларда таржима қилиниб чоп этилган.

Калит сўзлар: устод Айний, таржима масалалари, рус, украин, ҳинд, чех, поляк, булғор, арман, “Эсдаликлар”, “Судхўрнинг ўлими”, мемуар-биографик асар, тарихий-биографик метод, Шарқ адабиётшунослиги, бадий образ, жаҳон адабиёти, аслиятдан таржима.

Аннотация: Имя талантливого поэта, прозаика, публициста, критика и литературоведа, историка, лингвиста, искусного литератора Садриддина Айного было известно миру еще при его жизни. Многие произведения писателя переведены на многие языки мира. В то же время великие писатели мировой литературы уважительно отзывались об Айни. Известно, что кыргызский писатель Чингиз Айтматов, известный писатель-фаранг Луи Арагон, национальный герой чешского народа Юлиус Фучик, немецкий писатель Альфред Курелла и другие уважали и признавали творчество и личность автора. «Воспоминания» были переведены и изданы на иностранных языках: казахском, эстонском, польском, болгарском, армянском, азербайджанском, грузинском, мадыарском, французском, киргизском, туркменском, казахском и многих других.

Ключевые слова: мастер Айни, проблемы перевода, русский, украинский, индийский, чешский, польский, болгарский, армянский, «Воспоминания», «Смерть ростовщика», мемуарно-биографический труд, историко-биографический метод, восточное литературоведение, художественный образ, мировая литература, перевод с оригинала.

Abstract. The name of the talented poet, prose writer, publicist, critic and literary critic, historian, linguist, skilled writer Sadridin Ainy was known to the world during his lifetime. Many of the writer's works have been translated into many languages of the world. At the same time, the great writers of world literature spoke respectfully about Aini. It is known that the Kyrgyz writer Chingiz Aitmatov, the famous farang writer Louis Aragon, the national hero of the Czech people Julius Fucik, the German writer Alfred Kurella and others respected and recognized the creativity and personality of the author. «Memoirs» were translated and published in foreign languages: Kazakh, Estonian, Polish, Bulgarian, Armenian, Azerbaijani, Georgian, Magyar, French, Kyrgyz, Turkmen, Kazakh and many others.

Key words: Master Ayni, problems of translation, Russian, Ukrainian, Indian, Czech, Polish, Bulgarian, Armenian, «Memoirs», «Death of the usurer», memoir and biographical work, historical and biographical method, oriental literary criticism, artistic image. , world literature, translated from the original.

Кириш. Ушбу тадқиқотнинг мақсади С.Айний асарларининг жаҳоншумул аҳамияти ва дунё тилларига таржима қилиниши муаммосини ўрганишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

- устод Айний асарларининг хорижда таржима қилиниши ҳақида фикр юритиш;
- адиб асарларининг жаҳоншумул аҳамиятини мустақиллик нуктаи назаридан ёритиш;

- Айний асарларининг жаҳондаги йирик адиблар томонидан эътироф этилиши масалаларини ёритиш ва маълум хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, С.Айний ижоди ва асарларининг турли тилларга ўгирилиши ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш ва тарғиб қилиш масалалари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилмоқда.

Дунёга машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов бундан ўттиз беш йил муқаддам босилган “Икки санъаткор” номли мақоласида “Мен Мухтор Авезов билан Садриддин Айнийни доимо ҳурмат қилишимни, уларни севишимни китобхонлар олдида эътироф этмоқчиман. Уларнинг ҳар иккиси ҳам нодир ҳодисадир”, – деб ёзган эди.

С.Айний асарларининг турли тилларга амалга оширилиш жараёнини тадқиқ этиш бугунги адабий жараёнда фаолият кўрсатган ўзбек ёзувчи ва шоирлари ижодини хорижда тарғиб қилиш муаммоларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бу эса ўзбек мумтоз адабиёти, замонавий адабиёт намуналарини таржима қилиб, жаҳон миқёсига олиб чиқиш ривожига йўл очади.

Муҳокама ва таҳлил. Садриддин Айний ўз ижодий фаолияти давомида машҳур ёзувчи ва олим, улкан тарихчи ва публицист, адабиётшунос ва тилшунос, шарқшунос олим ва йирик жамоат арбоби сифатида бутун дунёга танилди. Адибнинг “Бухоро жаллодлари”, “Одина”, “Доҳунда”, “Судхўрнинг ўлими”, “Эски мактаб”, “Қуллар”, “Етим” ва “Эсдаликлар” каби йирик бадиий асарлари ўзбек ва тожик адабиётларигагина эмас, балки бутун жаҳон адабиёти ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Айнийнинг “ Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”, “Бухоро манғит амирлари тарихи”, “Муқанна кўзғолони”, “Темур Малик” сингари асарлари тарих фани учун қанчалик муҳим бўлса, “Тожик адабиётидан намуналар” номли антологияси, Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Бедил, Навоий, Ибн Сино, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ҳаёти ва ижодига доир рисолалари, илмий-танқидий мақолалари ҳам адабиётшунослик ва шарқшунослик учун бирдек муҳим аҳамиятга эгадир.

Садриддин Айний адабиётимизда улуғ Алишер Навоий бошлаб берган зуллисонайнлик – икки тилда ижод қилиш анъаналарини давом эттирди ва ўз ижоди билан уни юқори босқичга кўтарди. У икки халқ яратган бой адабий меросдан баҳраманд бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида яратган барча асарлари нафақат ана шу икки халқнинг, балки жаҳон адабий меросининг умумий мулкига айланиб қолди. Садриддин Айний кейинги ўттиз йиллик ижоди давомида тожик ва ўзбек адабиётларининг буюк арбоби сифатида танилди. Бу икки халқ миллий адабиётларини дунё миқёсига олиб чиқди ва бутун жаҳонга танитди.

XX асрдаги Марказий Осиё адиблари орасида Европа аҳли кашф этган адибларнинг дастлабки устод Садриддин Айний бўлган. Шу боис 1962 йилда Қоҳирада бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг халқаро конгрессида Айний номи ҳинд ёзувчиси Робиндранат Тхакур, хитой адиби Луи Синь ва араб ижодкори Тоҳо Ҳусайнлар қаторига қўйилган. Бундан ташқари устод таваллудининг 1978 йилда юз йиллиги нишонланганда ЮНЕСКО томонидан Садриддин Айний йили деб эълон қилиниб, адиб ижоди жаҳоний шухрат касб этган эди.

Немис адиби Альфред Курелла эса уни “Шарқ маданиятини пухта ўрганган буюк билимдони” ва вориси деб ҳисоблайди. Чех адиби Юлис Фучик унинг сиймосида ўз халқи дардини ҳам ифодалай олган адибни кўради. “Айний фақат сизнинг ёзувчингиз бўлиб қолмай, бизнинг ҳам ёзувчимиздир. Унинг китоблари биз учун фақат гўзал санъатгина бўлиб қолмай, шу билан бирга кўргазмали ўқув қуроли ҳамдир”.

Поляк адиби Бруно Ясенский адибни “мазлумлару ситамдийдалар куйчиси” деб атайди. Француз адиби Андре Воюрмсер, эрон ёзувчилари Саид Насафий ва Гулпочин Улфат ҳамда рус адиблари Константин Федин ва Л.Леоновлар Садриддин Айнийни жаҳон адабиётининг буюк вакиллари Жек Лондон, Редьярд Киплинг, Максим Горький ва Кнут Гамсинлар қаторига қўйишди. Бу далиллар Айний асарларининг хорижий мамлакатларда тарқалиш жараёнига дахлдордир.

Бу фикрлар Айний асарларининг хорижий мамлакатлар тилларига таржима қилиниши ва тарқалиш жараёни билан ҳам боғлиқдир. Биргина “Эсдаликлар” мемуар асари тўла ҳолида 1954-1978 йиллар орасида рус тилида 14 марта чоп этилган. Бу асар адибга шу қадар катта шухрат келтирдики, қисқа муддат ичида дунё тилларига таржима қилина бошлади. Поляк (1950), литва (1951), қозок (1951, 1953), украин (1952), булғор (1952), уйғур (1952, 1953, 1954, 1955), чех (1952), эстон (1953), хитой (1953, 1957), қирғиз (1954), немис (1955), туркман (1956), грузин (1956), француз (1956), можор (1956), арман (1957), араб (1957), озарбайжон (1958), япон (2010) тилларига таржима қилинган ҳолда чоп этилган. Бу асар Эрон ва Афғонистонда, шунингдек, пушту, ҳинд тилларига ўгирилган ва нашр қилинган.

Устод Айний “Эсдаликлар”ини ҳозир жаҳоннинг ўттиздан ошиқ тилларида ўқишади. “Судхўрнинг ўлими”, “Қуллар”, “Одина” асарлари жаҳоннинг қирқдан ортиқ тилларига ўгирилган. Адиб ижодига бундай жаҳоншумул қизиқишнинг асосий сабабларидан бирини профессор О.Сафаров “адиб асарларида халқ турмушини ўзига хос миллийлиги ва бутун мураккаблиги билан ҳаққоний акс эттира олганлиги...ва моҳирона” тасвирлаганлигида деб кўрсатади [3,137]. Ҳақиқатан ҳам Шарқ маданиятининг билимдони Айний Ғарб маданиятини ҳам ўзлаштириб олган, икки маданиятнинг ривожига муҳим роль ўйнаган адиб эди. Шу билан бирга Шарқ маданиятининг энг яхши томонларини тарғиботчиси сифатида танилганини жуда кўп адиблар эътироф этишади.

Техрон университети профессори Саид Нафисий Айний дийдорини кўришни орзу қилиб, асарларидан баҳраманд бўлганлигини, унинг Темур замонидан сўнг Марказий Осиё шоирларининг таржимаи ҳоли ва танланган асарларидан намуна бўлган “Тожиқ адабиёти намунаси” китоби бошқа баёзларга нисбатан диққатини кўп тортганлигини таъкидлар экан, китобда зикр этилган шоирлардан Эронда кўпчилик беҳабарлигини ҳам қайд этиб ўтади. Шарқ адабиётининг билимдони бўлган Айнийнинг Рудакий, Ибн Сино, Саъдий ҳақидаги китобларини ўқигандан сўнг руҳан Айнийга боғланганлиги, Тошкентда у билан икки марта учрашганлиги ва унинг улуғ инсонлигини хотираларида чуқур ҳурмат билан тасвирлайди: “Шундай қилиб, назаримда, Садриддин Айний бор ҳам, йўқ ҳам. Тўғри, завқ-шавқдан жўшган, чуқур билимдон бу сиймо дилга ёқувчи ширин суҳбатдош, дилга ором берувчи мулойим кўзлар бу жаҳонда йўқ. Аммо унинг бутунисича инсониятга хизмат қилувчи, маърифат оламида нур сочувчи асарлари ҳеч қачон сўнмайди, у яшамоқда, яшайди ва буюклигича қолади”.

1966 йилда немис адиби Альфред Курелла тантанали йиғилишда ўтириб, Айнийга бағишлаб бир рубой ёзади ва уни немис тилида ўқиб беради.

Ein nie gehorter Name ist zu ins gekommen, Aini!
 Dann haben Dein eignes Wort er si erstsnt Wir nommen Aini,
 In nener Gestast kom durch der osten Zu uns –
 Seitdem bist Du uns uls Westo“stlicher Nittler
 Wislibommen Aini!

Рубойининг насрий таржимаси қуйидагича:
 “Сенинг ҳеч қачон эшитилмаган номинг бизга келиб етди, Айний,
 Сўнг биз сенинг сўзларингни ҳайрон бўлиб билдик. Айний,
 Шарқни янги қиёфада сен орқали тасаввур этдик,
 Шундан бери сени Шарқ-Ғарбнинг улуғ воситачиси сифатида севамиз Айний.

“Сенинг ҳеч қачон эшитилмаган номинг” жумласидаги “ein nie” сўзи немисча “айний” деб талаффуз этилади” [1,37]. Альфред Курелла немис адабиётининг адабий-

сий журнали “Халқаро адабиёт” учун “Эсдаликлар”нинг иккинчи китобини таржима қилган. Бу таржима болалар нашриётида немис тилида тўлиқ икки томликнинг нашр этилиши учун туртки бўлганлигини, шу билан бирга Айний ижодига бўлган улкан ҳурматини эътироф этади.

Ёзувчи С.Айний юртдоши, ҳамфикр, ҳаммаслакларидан бири бўлган Файзулла Хўжаев билан узоқ вақт дўстона ижодий ҳамкорликда бўлган. Маърифатпарвар Ф.Хўжаевнинг тавсияси, дўстона маслаҳати билан С.Айний ўзининг 1922 йилда ёзган “Қиз бола ёхуд Холида” номли асарини 1924 йилда ўзбек тилида Берлинда нашр этирилишига муваффақ бўлган. Шунингдек, Ф.Хўжаевнинг самимий ёрдами билан адибнинг “Одина” қиссаси рус тилига таржима қилиниб, 1930 йилда биринчи марта Москвада нашр этирилган.

Ф.Хўжаев асарнинг русча нашрига ёзган сўзбошисида қиссанинг асосий моҳияти, ғояси ҳақида сўз юритиб, Айний ўз асарида мутлақо ҳуқуқсиз бўлган ва шафқатсизликка маҳкум этилган юз минглаб меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳаққоний равишда ҳеч қандай бўёқсиз тасвирлаб берганлигини таъкидлайди. Бухоро амирлиги кўл остида бўлган халқнинг турмуш даражаси ниҳоятда оғир эканлиги, айниқса, тожикларнинг ҳаёт кечириши ҳаммадан кўра аянчилюроқ эканлигини кўрсатиб беради.

Айний асарларининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида фикр юритганда, “Эсдаликлар”дан сўнг “Судхўрнинг ўлими” қиссасининг машҳур бўлганлигини таъкидламоқ зарур бўлади. Фикримизни машҳур фаранг адиби Луи Арагон адибнинг “Судхўрнинг ўлими” қиссаси ҳақида: “Садриддин Айний ўзининг бу ўлмас асари билан жаҳон адабиётининг буюк намояндалари Бальзак, Шекспир, Гётелар қаторида туради” деб ёзгани ҳам далиллайди.

Чингиз Айтматов ҳам хотираларида Айнийнинг ажойиб асарлари кўплигини таъкидлар экан, китобхонларни “унинг ғоят ажойиб сатирик повести – “Судхўрнинг ўлими” билан танишиб чиқишга қизғин” даъват этади: “Унда бениҳоя кучли ижтимоий заряд бор. Унда сатирикнинг Бухоро Гобсекини жуда яхши тасаввур этиш имконини берадиган улкан, буюк маҳоратини кўрамаиз”, – деб ёзган эди [1, 56].

Адабиётшунос олим М.Кўшхонов ҳам XX асрнинг 80-йилларида Қори Ишкамба образини Бальзакнинг Гобсеги билан чоғиштиради. Ҳар икки асарда ҳам бадиий ғояни ифодалайдиган образлар моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган номлар танланганини кўрсатади [4,83].

Бу масалага мустақиллик йилларида академик Н.Каримов сал бошқачароқ ёндошади: «Бальзак ўз қаҳрамони учун Жан Эстер Ван Гобсек исмини бежиз танламаган. Гобсек француз тилида очофат маъносини англатади. Гобсек очофатлиги туфайли француз жамиятидаги унинг ёрдамига муҳтож кишилар бойлигини ҳеч бир андишасиз, аксинча, судхўрлик қонуни асосида осон-гаров ўзлаштириб олади ва ўзи ҳам ана шу мудҳиш очофатликнинг қурбони бўлади.

С.Айний қаҳрамонининг номи аслида - Қори Исмаи. Лекин у ҳам Гобсек сингари очофат бўлгани учун баъзилар уни «Қори Исмати Ишкам», баъзилар «Қори Исмати Ишкамба», бошқа бирлар эса қисқартириб, «Қори Ишкамба», яъни «Қорин қори», дейдилар. Кўрамаизки, С.Айний Бальзак асаридан хабарсиз бўлганига қарамай, асар қаҳрамонига «Гобсек» – очофат сўзига ҳамоҳанг исми берган [2, 24].

Кўринадики, С.Айний жаҳон адабиётида хасислар галереясини ўзи маҳорат билан яратган образ билан тўлдирди ва Бальзак сингари адиблар қаторидан ўрин ола билди.

Хулоса. Бадиий сўз санъаткори, кўп қиррали ижод соҳиби бўлган Айний ўзининг бутун онгли ҳаёти ва ижодий истеъдодини халққа бағишлади. Икки қондош ва жондош ўзбек ва тожик халқининг донишманд фарзанди, шу халқлар адабиётининг дунёга танилишида улкан ҳисса қўшган улуғ адиб Садриддин Айний умри боқий асарлар яратган санъаткорлардан ҳисобланади. Бу эса Айний XX асрда адабий-ижтимоий тафаккурда феноменал ҳодисалардан бири сифатида дунё тамаддуни тарихида абадий қолишини кўрсатади.

Шундай экан, С.Айний сингари истеъдодли ва буюк ўзбек адибларининг асарларини дунё тилларига таржима этиш сингари хайрли ва эзгу ишларни амалга ошириш ўзбек адабиётини нодир ҳодиса сифатида дунёга танитишда пиллапоя вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

Адабиётлар:

1. Айний замондошлари хотирасида. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. –Тошкент. 1978.
2. Каримов Н. С.Айний ва Бальзак // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. № 2. –Б.4.
3. Сафаров О. Жаҳон назарига тушган сиймо (Устод Айний ижодига оид кузатишлар). / Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. (Мақолалар ва рисодалар). – Бухоро: Дурдона, 2015. – Б.137.
4. Қўшжонов М. Айний ижодининг эволюцияси. –Тошкент: Фан, 1988.
5. Akhmedova Sh. N. Progress of portrait writing in the period of globalization in literary studies // Russia-Uzbekistan. International educational and socio-cultural technologies: vectors of development. – 2019. – S. 12-14.
6. Akhmedova Sh. N., Norova N. About development and character of the genre of review // International scientific journal. – 2016. – P. 37.
7. Axmedova Sh. N. DEVELOPMENT OF PORTRAITS IN UZBEK AND FRENCH LITERATURE // International Journal of Word Art. – 2020. - Т. 6. - №.3.
8. Saidburhonovna K. N., Ne'matovna A. S. Style and skill: Critic's artistic ability //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 8. – №. 9 S3. – С. 1245-1250.

Ўраева Дармоной Саидахмедовна
Бухоро давлат университети профессори,
филология фанлари доктори
Email: darmon.uraeva@mail.ru

САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ ФОЛЬКЛОРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Аннотация: Мақолада Садриддин Айнийнинг адабиёт таракқиётида тутган ўрни, унинг асарларида келтирилган фольклор намуналари, хусусан, топонимик афсона ва ривоятлар, уларда жой номлари келиб чиқишининг бадиий изоҳланиши, халқ эртак, қўшиқ, болалар ўйинларининг ўзига хос ижро хусусиятлари ёритилган. Адибнинг “Эсдалик”ларида келтирилган фольклор намуналарининг мазмун-моҳияти, жанрий таркиби, уларнинг ижрочилари ҳақида фикр юритилган. Деҳқончиликка оид айрим халқ иборалари ҳам кўрсатиб ўтилган. Айний асарларида учрайдиган фольклорий парча ва мотивлар, фольклоризмларга аҳамият берилиб, шу орқали унинг фольклордан фойдаланишдаги эстетик тажрибаси, бадиий маҳорати баҳоланган.

Калит сўзлар: Айний, фольклор, афсона, ривоят, эртак, қўшиқ, болалар ўйинлари, мақол, нақл, бадиий маҳорат.

Аннотация: В статье освещено роль Садриддина Аини в развитии литературы, данные примеры фольклора в его произведениях, в частности, топонимические легенды и сказаний, художественная интерпретация происхождения в них имен место, специфические характеристики народных сказок, песни, детские игры. Как упоминается в «Эсдалике» писателя о сущности фольклорных образцов, жанровой состав, информация их исполнителей. Также показаны некоторые народные поговорки, связанные с сельским хозяйством. Большое значение придается фольклорным отрывкам, мотивам, фольклоризмам, данным в его произведениях, оценивается его эстетический опыт и художественное мастерство в использовании фольклора.

Ключевые слова: Аины, фольклор, миф, повествование, сказка, песня, детские игры, пословица, поговорка, художественное мастерство.

Abstract. The article discusses the role of Sadrididin Aini in the development of literature, examples of folklore in his works, in particular, toponymic legends and tales, artistic interpretation of the origin of place names in them, specific characteristics of folk tales, songs, children's games. The content, genre structure, and performers of the folklore examples presented in the writer's work «Esdalik» are discussed. Some folk sayings related to agriculture are shown as well. Great importance is attached to folklore excerpts, motifs, folklorisms given in his works, his aesthetic experience and artistic skill in the use of folklore are evaluated.

Key words: Aini, folklore, myth, storytelling, fairy tale, song, children's games, proverb, saying, artistic skill.

Кириш. Бухоролик Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби кўплаб ижодкорлар машхурликка, аввало, халқини севгани, аждодлари яратган илмий-бадиий меросга садоқатли муносабатда бўлгани ва уни янада ривожлантира олгани туфайли эришишган. Ўзбек халқининг шундай ардоқли фарзандларидан бири Садриддин Айний бўлиб, у ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Бу зуллисонайн таниқли адиб ижтимоий-сиёсий воқеалар шиддат билан кечган икки – XIX ва XX асрни кўриб яшади. Ундан бизга икки тилда улкан ҳажмдаги шеърый, насрий, тарихий, илмий ва публицистик асарлар мерос бўлиб қолди. Адиб асарларида оддий инсонлар турмуши ўзига хос миллийлиги ва бутун мураккаблиги билан ҳаққоний акс эттирилгани сабабли унинг ижодига жаҳон миқёсида

қизиқиш катта. Садриддин Айний ўз яратмаларида инсонларнинг эрк ва озодлик йўлидаги курашларини бадиий-эстетик, тарихий жиҳатдан тўғри баҳолай олган.

Садриддин Айний – серқирра ижодкор. У адабиёт тарихи тадқиқотчиси-адабиётшунос, тарихчи-этнограф, фольклоршунос, луғатчи-лексикограф, тилшунос, тарбияшунос-услубчи ва моҳир мураббий-педагог қиёфасида замонавий шарқшуносликни юкори поғонага кўтаришга муносиб хисса қўша олди.

Юксак истеъдод соҳиби бўлган Садриддин Айний, аввало, серқирра фаолияти давомида халқни маърифатли қилишни кўзлади. Бунинг учун у мактаблар очди, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратди. Энг муҳими, муттасил қизғин илмий ва бадиий ижод билан шуғулланиб, ўзи мансуб бўлган халқнинг бетакрор миллий-тарихий қиёфасини жаҳон бадиий тафаккури кўзгусида кўрсатишга муваффақ бўлди ва шу хизматлари эвазига эл томонидан устод дея эъзозланди [2].

Айний юртимиздаги тарихий хизматлари учун 2003 йилда Ватанимизнинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотландики, бу адиб даҳосининг буюклиги ва мангулиги шаҳодатидир.

Муҳокама ва таҳлил. Садриддин Айний томонидан яратилган асарлар ҳам болалар, ҳам катталар учун бирдай қизиқарли, бирдай завқлидир. Айтиш мумкинки, адиб асарларига мана шундай завқ-шавқни бағишлаган омиллардан бири унга хос халқона тил ва фольклор намуналаридан маҳорат билан фойдаланганидир. Агар шу нуқтаи назардан “Эсдаликлар” асари таҳлилга тортилса, ундан ўрин олган ранг-баранг жанрдаги фольклор намуналари алоҳида эътиборни тортади. Мазкур асарда ўзбек фольклорининг қуйидаги жанрларидан намуналар киритилган:

1. Болалар ўйин ва қўшиқ фольклори намуналари. 2. Эртақ. 4. Афсона. 5. Ривоят. 6. Нақл. 7. Мақоллар. 8. Олқишлар. Масалан: “Иним, минг яша! Ўлма!” каби. [1, 60].

Асарда келтирилган афсоналардан бири ҳозирги Бухоро вилояти Шофиркон тумани ҳудудидаги Тезгузар ариғининг номланиши билан боғлиқ. У ҳақда адиб шундай дейди: “Биз, қуриб қолган Жилвон рудидан сув оладиган ва ботил бўлиб қолган бир *арикча* етдик. Мен Жилвон рудини эшитган эдим, лекин у арикни билмасдим ва тоғамдан унинг номини сўрадим”. Шунда тоғаси унга бу *арик* сувлик бўлган вақтида Тезгузар деган кишлоқни суғорганидан “Тезгузар ариғи” дейишларини айтади.

Садриддин Айний сўзларнинг маъноларини ва номларнинг номланган нарсалар билан муносабатини билишга жуда қизиққан. Шу қизиқиши сабаб у кишлоқнинг нега “Тезгузар” деб аталишини тоғасидан сўраб, билиб олади. Тоғаси бу ҳақдаги афсонани айтиб беради. Афсонага кўра, қадим замонларда ҳалиги кишлоқда, бир бойнинг ғоят чиройли қизи арик бўйида қўлида бир коса бўлгани ҳолда ариқдан сув олиб ичиб ўтирган экан. Шу вақтда бир чўпон йигит ариқнинг нариги қирғоғидан пиёда ўтатуриб, қизнинг ҳусну жамолига мафтун бўлиб, унга қараб қолган. Қиз бу ҳолни кўриб чўпонга хитоб қилиб:

Ин чи нигоҳи ажиб,

Рўяма хўрди қариб? – деган. (Бу қандай ажабланиб боқиш? Қарийб менинг юзимни единг-ку).

Чўпон жавобда: **“Ошиқаму беқарор!”** (Мен беқарор ошиқман) – деган.

Қиз қўлидаги косани унга узататуриб: **“Косая бар зар биёр!** (Ошиқ бўлсанг, косани олиб олтин тўлдириб кел) – деган. Чўпон жавоб берган:

“Муфлисаму раҳгузар!” (Мен бир қашшоқ йўловчиман. Олтинни қайдан топаман) – деган.

Қиз юзини буриштириб: **“...Хурў тезгузар!”** (Куракда турмайдиган нарсани емай тез ўтиб кетабер!) – деган.

Ана шундай бўлиб ҳалиги кишлоқнинг номи “Тезгузар” (Тез ўтиб кет) бўлиб қолган.

“Эсдаликлар”да Жилвон чўли этагидаги “Чилдухтарон” мозорининг келиб чиқиши ҳақидаги афсона ҳам келтирилган. Негаки, Айний синчков инсон сифатида яқинида ҳеч бир кишлоқ, на экинзор бор бўлган бу мозорнинг номини, у ерга ўликни қаердан келтириб

кўмганларини билишга қизикқан. Бу ҳақда у тоғасидан эшитган “Чилдухтарон” (Қирққиз) афсонасини келтириб ўтади.

“Эсдалиқлар”да яна болалар ўйинларининг номи, болалар халқ кўшиқларидан келтирилган айрим парчалар ҳам учрайди. Жумладан, бир ўринда адиб ёзади: “Дехқон болалар кашшиқларга гўнг солиб, эшаклар билан экинзорларга олиб бориб бўшатмоқда ва қайтишда юкдан бўшаган эшакларни миниб, пойгага қўйиб, бир-бирлари билан “ким ўзади?” ўйинини ўйнамоқда эдилар. Яна ёзувчи болаларнинг “қочди, тутди” ўйинини кўйидагича изоҳлайди: “Бири қочар, бири қувар, тутилган ёки тута олмаган бола ютқизган ҳисобланарди”. [1, 17-18].

Адибнинг эслашича, сув келганини кўрган қишлоқ болалари қувонч билан чапак чалиб:

Сув келди-ю, сув келди,
Қишлоққа сулув келди.
Қирғоқни ювиб келди,
Кўпикни қувиб келди,
Сув келди-ю, сув келди,

– деб ашула айтганлар ва ариқ бўйлаб гоҳо сувнинг оқимиға, гоҳо оқимға қарши югуриб ўйнаганлар. [1, 73].

Садриддин Айний халқ эртақ ва афсоналарига алоҳида эътибор билан қараган. Унинг етук адиб бўлиб етишишида “эртақлар қони” бўлган саксон яшар кампир тўтаси айрича таъсир кўрсатган. Шу сабабли Айний уни ўз “Эсдалиқлар”ида махсус ёд этиб: “Уни бутун қишлоқ халқи “Тўтапошша” деб атади. Кампир бизга қизик-қизик ҳикоялар айтар ва ажойиб афсоналар ва эртақлар нақл қиларди. У Рустами достон, Исфандиёр, Сиёвуш, Абумуслим, Меҳтарбоди балво ва доғулилар афсоналарини ёддан биларди”, – дейди. Айний бу эртақчи бибидан бир неча марта “Доно малай ва фирибгар бой” тўғрисида эшитганини эслайди. “У ҳикоя жуда қизик бўлганидан ҳозиргача эсимдан чиқмаган ва уни нақл қилиб китобхонлар билан ўртоқлашсам зарар қилмаса керак”, – дейди адиб “Эсдалиқлар”да. [1, 31-33].

Тўтапошшанинг айтишича, ўтмишда бир фирибгар бой бор экан. У доим ўз қарол ва малайларини текин ишлатар экан. Агар бирор хизматчи ундан ҳақ талаб қилса, у бирон баҳона топиб, уни қарздор қилар ва хизматкор “қарз”ни тўламагунча, унинг кўлидан қутила олмас экан. Борди-ю, бирон қарол бундай қилинмаган қарзини бирор йўл топиб тўласа, бой яна бирон тухмат билан уни иккинчи бор қарздор қилар экан. Шу тариқа бу бойнинг кўлига тушган ҳар бир қарол ёки малай умри борича ундан қутила олмас экан.

Ахири ҳеч ким бойнинг хизматиға кирмай қўйибди. Шунда бой бир йигитни сени фарзанд қилиб оламан, қизимни бераман деб, кўндирибди. Бойнинг қизи ҳали беш яшар экан. Йигит қизчага келажакдаги хотини каби қараб, унга ҳар турли ўйинчоқлар ясаб бериб, яхши гаплар айтиб юраверибди. Лекин қизи вояга етгач, келган бой совчиларни кўриб, бой берган ваъдасини бузибди.

Йигит бойдан ҳақини талаб қилганда, имом ҳам “Қушлар тилини қушлар тушунадилар” деган мақолға мувофиқ, бойни қўллайди.

Қиз билан йигит эса аллақачон бир-бирига кўнгил боғлагани учун, гапни бир жойга қўйиб, қочиб кетдилар. Улар узоқ бир вилоятга бориб, жойлашиб олиб, қувноқ турмуш қуриб, муроду мақсадларига етадилар.

Адиб эртақчи момо – Тўтапошша ҳақида гапирар экан, унинг эртақларни ғоят равшан образлар билан, содда халқ тилида моҳирона тасвирлар орқали ҳикоя қилишини эътироф этади. Унинг эшитувчилари кичик ёшдагилар эканини айтади. Ҳатто “Мен ҳикоячиликда ўша саводсиз 80 яшар кампирни ўзимнинг биринчи устозим деб биламан ва уни ҳар вақт зўр ҳурмат билан эслайман. Тўтапошша эртақ ва афсоналарни нақл қилишда жуда хунарманд эди ва бирор муносабат билан эртақ, афсона ё халқ мақолини айтиб берар эди”, – дейди.

Бу эътирофдан кўринадики, ёшлигида эшитган фольклор намуналари Садриддин Айнийнинг етук ижодкор бўлиб шаклланишида мустақкам замин бўла олган. Шунинг учун у ёшлик хотиралари акс эттирилган “Эсдаликлар” асарида болалигида Тўтапошшадан ёки отасидан эшитган халқ ижоди намуналарини айнан келтиришга ҳаракат қилган.

“Ҳар бир ишнинг ўз вақти ва жойи бор” нақли ёзувчи хотирасида яхши сақланиб қолган ана шундай асарлардан биридир. Унда ўтмишда яшаб ўтган бир кашшоқ шоир ва унинг дўсти ҳақида ҳикоя қилинади. Шоирга бу дўсти ҳар доим ёрдам берар экан. Шунинг учун шоир йигит ҳам бу дўстига бир яхши зиёфат бериб, хушнуд қилишни истаркан. Кунлардан бир кун у хонасига кириб қолган ёввойи каптарни ушлаб, уни қовурмоқчи бўлибди. Аммо, каптар гўштини қовуриш учун шоирнинг ёғи йўқлиги сабаб, қўшнисидан ёғ қарз олибди. Каптарни ўша мойда қовуриб, қозонни ёпиб қўйиб, дўстини олиб келиш учун шошилиб кетганда, қўшниси унинг хужрасига кириб, қовурилган каптарни олибди-ю, ўрнига бир тирик каптарни қозонга солиб, қопқоғини аввалгидай ёпиб қўйибди.

Шоир бироздан кейин ўз меҳмонини олиб келиб, уни хужранинг тўрига ўтқазиб, қозонни очса, тирик каптар қозон ичидан учиб чиқиб, ҳавога парвоз қилибди. Шунда бечора шоир икки қўлини баланд кўтариб, осмонга қараб: “Худоё, худовандо! Ўлгандан кейин тирилиш ҳақ ва ростдир. Лекин вақти бор-да. Сўйиб қовурилган каптарни тирилтириб мени меҳмон олдида шарманда қилиб, лаззатли таомдан маҳрум қилиш сенинг шаънингга муносиб эмас эди, – дебди.

Тўтапошшанинг бу ҳикояси нақл жанрига мансуб бўлиб, унинг айтилишига Икромхўжанинг кампирни эртак айтишга бемаврид ундаши сабаб бўлади. Чунки нақллар табиатига кўра, беسابаб айтилмайди. Кампир йигитчага шу нақл орқали “Ўғлим! Ўша шоирнинг айтганига ўхшаш ҳикоя айтиб беришнинг ҳам вақти бор-да, касаллик чоғимда мени қистаб азоб беришингиз лозим эмас эди”, – дейди.

Агар болалар шу тарзда 80 яшар кампир Тўтапошшани бемаврид эртак айтишга қистаб, эртакгўйликни пайсалга солаётган онахоннинг боши ва оёғи остидаги ёстиқларни олиб қочиб, гавдасининг мувозанати бузилишига, ҳамма оғирлик белига юкланиб, азоб чекишига сабабчи бўлишса, у бундай мавридларда ўзини шум болалар кўлидан қутилтириш учун “Дев, пари ва ажиналар” тўғрисидаги қўрқинчли ҳикояларни айтишга киришган. Болалар эса бундай эртакларни эшита бошлагач, қочиб қолишган.

Айний кампирдан эшитган “Етти бошли дев”, “Дев, ажина ва аждархо” эртакларини шу ўринда ёдга олади ва уларнинг сюжети билан ўқувчиларни таништириб ўтади.

Шу ўринда Айний “Ғарибмозор” топонимига алоқадор афсона матнини ҳам келтириб ўтади.

Дев ва ажиналар ҳақида эшитган ҳикоялари сабаб Айний болалигида ҳатто ҳушидан кетиш даражасида қўрққанлигини айтади. Лекин отаси Шайх Саъдий таъбирига таяниб:

«Дев бо одам наёмезад, матарс!

Бал битарс аз одамони девсор!» –

“Дев одамнинг ишига аралашмайди – зарар етказмайди, қўрқма! Балки девга ўхшаган девсор одамлардан қўрқ!” мазмунидаги гапларини айтгач, ваҳимадан қутулганини таъкидлайди.

Айний Тўтапошшадан, отасидан жуда кўп халқона ҳикоялар эшитганини хотирлайди. Яна ўзининг бу каби эртак ва афсоналардан баъзиларини адабий асарларининг муносиб жойларига киритиб юборганини алоҳида таъкидлайди.

Асарда “Миракони хўжаларнинг тўйга бориши” ҳақидаги ривоят келтирилган. Ёзувчи уни нақл деб атаган. “Мен у вақтларда отам нақл қилган бу воқеанинг ясама ва ҳаддан ортиқ муболағалик эканини сезмай, эшитганимча ишонган эдим. Бироз улғайганимдан кейин, ясамалигини ва хўжаларнинг у тартибда ош еганларининг, ақл қабул қилмайдиган даражада, ёлғонлигини билган эдим, шунинг ила баравар ўз тажрибамга кўра бу воқеани кўпинча хўжаларнинг характерларига мос келганига қаноат ҳам ҳосил қилган эдим. Ҳар ҳолда отамнинг бу ясама эсдалиги ўз вақтида менга шундай таъсир қилган эдики, тирикчиликни ҳали ўрганмай туриб, насабпарастлик ва насаб устидан катталиқ қилишнинг

аҳмоқларча бир иш эканини фаҳмлаган эдим. Шахсий тажрибам одам табақаларининг хислат ва хусусиятларини ўрганишим бўлса, бу тушунчамни тасдиқ, таъкид ва мустаҳкам қилди”. [1. 126-125].

Айний “Эсдалик”ида деҳқончиликка оид халқ ибораларини ҳам келтирган. Улардан бирида шундай дейилади: “Ўза каландрав, жўхори уштурдав” деганлар. Яъни ўзани шундай экиш керакки, унинг туплари орасига бемалол кетмон бора олсин, жўхорини шундай экиш керакки, унинг поялари орасида туя бемалол югуриб юра билсин”. [1, 128].

Асарнинг “Одам кушиш хонаси” фаслида Пирак тилидан “Бухоро халқи бировни “арқон бозорига олиб бордилар” десалар, “уни ўлдиришга олиб бордилар” деган маънони англатадиган ибора келтирилган.

Адиб ёзишча, Бухоронинг бир номаълум (бекорчи – С.А.) шоири шу мазмунда шеър боғлаб қуйидаги тожикча байтни айтган:

Дил бурда аз кафам санами рисмонфуруш,
Ёрон кунун сари ману бозори ресмон. [1, 245].

Бухорода амирнинг зулми билан ўлдирилган кишиларнинг жасадларини замбарларга солиб олиб кетадиганларни “калбаччалар” дейишган. Халқ эса уларни “Жаноби олий (амир – Д.Ў.)нинг бойваччалари” деб аташган. Калбаччалар кўйлак-иштонсиз, иштон ўрнида – баданларининг белларидан куйисига бир эски латта ўралган. Уларнинг ҳар бири эгнида увода бир чопон бўлиб, беллари чилвир билан боғланган бўлган. Калбаччаларнинг гавдалари – оёқлари учидан кўзлари олдигача қорамтил кулга булангандек баданларининг туси билинмас, фақат кўзлари қорамтил мушукнинг кўзидай милтиллаб турарди. Улар ҳақида шундай байт тўқилган:

“Бароҳат гар дучор афтад, рақиб шуми бадкирдор”

Сараш аз тан жудо гардон, жасад болойи занбар бар! [1, 257].

Хулоса. Хуллас, Садриддин Айний Бухоро фольклори руҳида тарбия топган, уни севган ва ардоқлаган инсонлардан бири эди. Унинг ҳудуд фольклорига чексиз муҳаббати ва эътибори яратган асарлари бағридан ўрин олган халқ ижоди намуналари мисолида янада ёрқин исботини топади.

Адабиётлар:

1. Айний С. Эсдалиқлар. – Тошкент: Давлат нашриёти, 1953. – 310 б.
2. Мирвалиев С. Садриддин Айний. // Ўзбек адиблари (ихчам адабий портретлар). – Т., 1992. – Б.7-8.
3. Сафаров О. Жаҳон назарига тушган сиймо (Устод Айний ижодига оид кузатишлар). / Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. (Мақолалар ва рисоалар). – Бухоро: Дурдона, 2015. – Б.136-179.

Кувватова Дилрабо Ҳабибовна
БухДУ профессори, ф.ф.д.(DSc)
Email: dilrabo68@mail.ru

ЎЗБЕК НАСРИ ТАРАҚҚИЁТИДА САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ўзбек ва тожик халқининг донишманд адиби Садриддин Айний эпик тур тур тараққиётига катта ҳисса қўшган. Ёзувчи насри жанрий жиҳатдан ранг-барангдир. Унинг “Қуллар” эпопеяси, “Дохунда” романи, “Эсдаликлар” мемуари, “Эски мактаб” (автобиографик), “Одина” (тарихий-маиший), “Судхўрнинг ўлими” (сатирик) қиссалари бундан гувоҳлик беради. Бу асарларни ёзишда С.Айний халқ оғзаки ижоди сарчашмалари, Шарқ дидактик адабиёт анъаналаридан самарали фойдаланган. Шу жиҳатдан мақола зуллисонайн адиб Садриддин Айний насрига хос хусусиятларни ёритишга бағишланган.

Калит сўзлар. Ўзбек насри, зуллисонайн адиб, тарихий қисса, тарихий-автобиографик қисса, тарихий-ҳужжатли қисса, роман-эпопея, халқ оғзаки ижоди, Шарқ дидактик адабиёти.

Аннотация: Большой вклад в развитие эпического жанра внес мудрый писатель узбекского и таджикского народов Садриддин Айни. Жанрово разнообразна проза писателя, в том числе его эпопея «Рабыни», роман «Дохунда», мемуары «Воспоминания», «Старая школа» (автобиографическая), «Одина» (историко-бытовая), «Смерть ростовщика». (сатирический). При написании этих произведений С. Айний эффективно использовал традиции народного устного творчества и дидактической литературы Востока. В связи с этим статья посвящена выделению особенностей прозы двуязычного писателя Садриддина Айни.

Ключевые слова. Узбекская проза, двуязычный писатель, историческая повесть, историко-автобиографическая повесть, историко-документальная повесть, роман-эпос, фольклор, дидактическая литература Востока.

Abstract. Sadriddin Ainiy, a wise writer of the Uzbek and Tajik peoples, made a great contribution to the development of the epic genre. The writer's prose is diverse in terms of genre, including his epic *Slaves*, the novel *Dokhunda*, the memoirs *Esdaliker*, *The Old School* (autobiographical), *Odina* (historical and everyday life), *Death of a usurer*. (satirical). When writing these works, S. Ainiy effectively used the traditions of folk oral art and didactic literature of the East. In this regard, the article is devoted to highlighting the features of Zullisonine Adib Sadriddin Ainiy's prose.

Key words. Uzbek prose, bilingual writer, historical story, historical-autobiographical story, historical-documentary story, epic novel, folklore, didactic literature of the East.

Кириш. Ўзбек ва тожик халқининг донишманд фарзанди, зуллисонайн адиб, умрбоқий асарлари билан жаҳон адабиётига улкан ҳисса қўшган улуғ санъаткор Садриддин Айний ижодиётининг кадр-қиммати вақт ўтган сайин ортиб, теранлик сирлари бир-бир очилиб бормоқда. Айниқса, ўзбек насрининг шаклланиши ва тараққиёти улуғ адиб фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода Садриддин Айний ижоди ўзбек адабиётининг феноменал ходисасидир.

Муҳокама ва таҳлил. Адибнинг ижодий юксалиши, жаҳон адабиёти намояндалари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаши бир қатор объектив омиллар билан алоқадордир.

I. Садриддин Айний жаҳон адабиёти бадиий-эстетик тажрибалари асосида ўзбек насрига тарихий қисса, роман-эпопеянинг илк намуналарини олиб кирди. Бинобарин, адиб қиссаларининг мавзуй турлари ҳар хилдир. Уларни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Тарихий-автобиографик қиссалар. Бунга адибнинг “Эски мактаб” қиссаси мисол бўлади. Унинг автобиографик асарларни ёзишдаги маҳорати ўзбек насрининг “Болалик” (Ойбек), “Ўтмишдан эртактар” (Абдулла Қаҳҳор), “Кўрган-кечирганларим” ва “Наврўз” (Н.Сафаров) сингари намуналарининг бунёдга келишига ижодий замин ҳозирлади.

2. Тарихий қиссалар. Бунга “Бухоро жаллодлари”, “Муқанна исёни” ва “Темур Малик” асарлари мисол бўла олади. Устод Айний тарихнависликда истеъдодли адибу, ёзувчиликда тарихнинг улуг билимдони эди. У халқимиз ўтмишини худди ўзи яшаётган замондай мукамал билар, билганларини эса бадиият либосига шу қадар мохирона ўраб тасвирлардики, ундан замон руҳи тўлиқ уфуриб ва жаранглаб турарди. Унинг қалами тарихдаги ҳар бир нуқтадан жонли образ яратишга мохир эди.

Маълумки, Садриддин Айний – Бухоро фарзанди. Унинг ижоди амирлик тузуми даврида Бухоро адабий муҳитида шаклланди. Унинг отаси Саидмуродхўжа ҳақиқатпарвар, илмпарвар, халқпарвар ва ҳаётга фаол муносабатда бўлувчи киши эди. Шу фазилатлар болалигидан бошлаб ёш Айний руҳияти, қалби ва шуурига ҳам сингиб борди. Натижада унинг ижодида оддий халқ вакиллари ижоди бўй кўрсатди.

Зеро, “Бухоро жаллодлари” тарихий қиссанависликнинг дебчаси сифатида ўзбек адабиётида шундай қиссалар яратилиши учун асос вазифасини ўтади. Ёш Айний Бухоро амирлигида кечган воқеаларнинг кўпчилигини ўз кўзи билан кўрганлиги учун ҳам қиссадаги лавҳалар жонли ва ҳаётий ифода этилганлиги кузатилади. Академик М.Қўшжоновнинг таъкидлашича, “Бу асар яратилган даврда А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи Ўрта Осиёда кенг тарқалиб, ўзбек, тожик халқлари орасида тарихий тафаккурга қизиқиш ортган давр эди” (1, 18). Ҳақиқатан, бу қисса яратилган давр “Ўтмишимизнинг энг кир ва қора замонлари бўлмиш хон замонлари” (А.Қодирий) дан баҳс юритади. Зеро, Бухоронинг яқин ўтмишида юз берган хунрезликлар адабиёт майдонига кириб келган Айнийни ҳам бефарқ қолдирмади.

Қаҳрамонлик пафосига лиммо-лим “Муқанна исёни” ва “Темур Малик” тарихий-хужжатли асарларини муаллиф очерк тарзида тақдим этган эса-да, аслида бу асарлар хужжатли тарихий қисса намунаси сифатида маърифий характерга эгадир. Айний шу асарлари билан ўсмирларга мўлжалланган маърифий-тарихий насрни бошлаб берди. Улар тарихий илмий-бадиий қисса жанрининг илк намуналари бўлиб, Ўрта Осиё халқлари прозасида ҳам ўз даврида янгилик эди. Шу сабабли бу янгилик бошқа ижодкорларга таъсир ўтказа бошлади. Ҳамид Олимжон устоднинг “Муқанна исёни”дан ижодий таъсирланиб “Муқанна” тарихий драмасини, Мухтор Ашрафий “Темур Малик”дан илҳомланиб шу номда симфоник сютаси ва “Муҳаббат ва қилич” балетини, қолаверса, Мирмуҳсин “Темур Малик” тарихий романини яратдилар.

3. Тарихий-маиший қиссалар. Бунга “Одина”, “Судхўрнинг ўлими”, “Етим” қиссалари киради. Адибнинг “Етим” қиссаси оддий халқ ҳаётидан сўзлайди. Айтиш мумкинки, мазкур асар Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи яратилишида ҳамиртуруш вазифасини ўтаган. Бу асарлардаги сюжет муштарақлигидан ташқари бош қаҳрамонлар руҳий-маънавий ўхшашлигида ҳам кузатилади. Демак, мазкур қисса адабиётимизда шундай асарларнинг яратилишига асос вазифасини ўтаган.

Қайд этиш керакки, бу ижодий изланишлар натижасида адабиётимизда тарихий қисса жанрига асос солинди.

Маълумки, жаҳон адабиётида роман-эпопеялар ёзиш анча эрта бошланган. Агар Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” асари билан дунёда олтинчи романчилик мактабига асос солган бўлса, устод Айний ўзбек адабиётида биринчи роман-эпопеянинг муаллифидир. Ўзбек халқининг бир асрлик ҳаёти бадиий акс эттирилган “Қуллар” асари ҳозирга қадар ўзбек адабиётида йирик эпик полотно бўлиб қолмоқда. Ўзбек халқи ҳаётининг барча қатламлари қаламга олинган мазкур роман Айний бадииятининг ёрқин намунаси сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Айний насрини ўзига даврдош бўлган бошқа ижодкорлардан ажратиб турадиган муҳим хусусият – у яратган қаҳрамонларнинг оддий халқ вакиллари эканлигидир. Раҳимдод, Одина, Ёдгор сингари образлар мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради.

Айнийнинг адабиётимиз тарихидаги катта хизматларидан яна бири - “Эсдаликлар” мемуар асарини яратганлигидир. Асар адиб ҳаётининг сўнгги йилларида яратилган. Бунинг сабабини унинг ўзи қуйидагича изоҳлайди: “Менинг фикримча, эсдалик ёзиш роман ва ҳикоя ёзишдан қийинроқ бўлгани учун бу ишни кўпроқ тажриба олгунимга қадар қолдирган эдим” (1,96). Адабиётимиз тарихига назар ташласак, Заҳрирдин Бобур ҳам “Бобурнома”ни иншо этгунга қадар ўзи кўрган ва гувоҳи бўлган воқеаларни кундаликлар тарзида ёзиб борган. Шу кундаликлар машҳур “Бобурнома”ни ёзишда катта материал вазифасини ўтаган. Яъни Бобур ҳам бу асар бунёдга келгунга қадар анча-мунча ҳаётий тажриба орттирган.

II. Халқ оғзаки ижоди хазинаси адиб ижодининг, насрининг юксалишида муҳим омил вазифасини ўтади. Отаси Саидмуродхўжадан эшитган ривоятлар, Тўтапошша айтиб берган эртаклар руҳи кейинчалик адиб асарлари мазмунига сингди. Айниқса, бош қаҳрамон руҳиятини очиб беришга, миллий ҳаёт манзараларини таъсирчан ифодалашга хизмат қилган “Қуллар” романидаги халқ кўшиқлари, “Дохунда” романидаги айтишув, лапарлар мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради. Р.Воҳидов ва М.Маҳмудовларнинг ёзишича: “Раҳимдод чалган найнинг ноласи, у қуйлаган дардли кўшиқ Гулсум ва Хусайннинг баданларини жимирлатиб, маҳзун юракларга санчиқ солган мана бу мисралар ҳам “Қуллар” романига айрича нафосат, мунг, зеболик бахш этган:

Додлама, додлама, дод саси галди

Қаршининг чўлида ёр саси галди.

Ўлкадан ўлкага ел каби юрсам,

Гунларнинг бирида ёр юзин гўрсам...” (2,116; 3, 94-95) Ҳақиқатан, халқ кўшиғидан олинган “оғир дард самоларга таралган, қулликка маҳкум инсонлар қалбига ғулғула солган” (2,116) мунгли сатрлар Раҳимдоднинг кўнгил изтиробларини ўзида акс эттиради. Бундай мисолларни ёзувчининг деярли барча асарларидан келтириш мумкин. Демак, Айний халқ оғзаки ижодининг зукко билимдони сифатида унинг сарчашмаларидан баҳраманд бўлган ва миллий ҳаёт манзараларини жонли ифодалашга эришган.

III. Шарқ дидактик адабиёти анъаналари. Маълумки, XIX аср ўрталарида кенг қанот ёя бошлаган маърифатчилик, XX аср бошларида юзага келган жадидчилик ҳаракати адиб дунёқарашда кескин бурилишларни вужудга келтирди. У Бухорода жадид мактаблари очиш ишида жонбозлик кўрсатди. Бу амалий ҳаракат, албатта, ёзувчи ижодида ҳам акс этди. У шундай мактаблар учун дарсликлар ёзишга киришди. “Таҳсибус сибиён” (“Ёшлар тарбияси”), қизлар мактаблари учун “Қиз бола ёки Холида” асарлари шу ҳаракатлар самараси сифатида бунёдга келди. “Таҳсибус-сибиён” Шарқ адабий мактаби анъаналари таъсирида вужудга келган бадиий-ахлоқий асардир. Устоднинг ушбу китоби Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон” асарлари услубида яратилганлиги билан эътиборли. Шундай фикрни асарнинг ғоявий йўналиши ва ифода тарзи хусусида ҳам айтиш жоиздир. Унда насру назмга бирдай муносабат етакчилик қилади. Асарда имкон қадар ихчам ва содда фикр юритишга ҳаракат қилинади. Баён қилинган тарбиявий фикрлар кичик ҳикоялар гувоҳлигида мустаҳкамланади.

“Қиз бола ёки Холида” асари эса ўзбек қизи тўрт девор орасида мутеъ ва эркисиз сақланган бир даврда адибнинг маънавий жасорати эди. Шарқ дидактикаси руҳида ёзилган бу асарда Айний Холида мисолида қиз боланинг жамиятда тутган мавқеи, шаъни ва орзу-ҳаваслари ҳақида фикр юритади: “Қиз бола ота-онанинг энг севуқли бир мевасидур. Қиз бола ота-онанинг қайғулик чоғларинда энг меҳрибон бир сирдошидир. Қиз бола қавму қариндошларининг обрўи ва номусларидир. Қиз бола уйнинг зийнати ва хонадоннинг давлатидир. Қиз бола юртнинг боғи ва бутун элу улуснинг чироғидир” (4,4). Мазкур ибратнамо фикрлар бугунги кунда қизлар тарбиясида ҳам ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтайди.

Хулоса. Юқорида биз Садриддин Айний насрига хос муҳим хусусиятларни умумлаштиришга ҳаракат қилдик. Улкан адибнинг адабиётимиз олдидаги буюк хизмати шундаки, у ўтган аср бошларида ўзбек насрига янги саҳифалар очди: биринчи тарихий қисса ва роман-эпопеяни яратди. Бунинг натижасида замонавий ўзбек адабиётининг тамал тоши қўйилиб, жаҳон адабиёти билан бўйлаша оладиган асарлар яратилди. Шу билан бирга ўзбек халқи тарихининг муҳим қатламларини, миллий ҳаёт манзараларини бадиий акс эттиришда халқ оғзаки ижоди сарчашмаларидан маҳорат билан фойдаланди. Қолаверса, адиб Шарқ дидактикаси таъсирида гўзал асарлар битди. Бу жиҳатлар ёзувчи яратган насрий мероснинг умрбоқийлиги ва безаволлигини таъминлаб туради.

Адабиётлар:

1. Қўшжонов М. Айний бадииятининг эволюцияси. – Тошкент: Фан, 1988. – 158 б.
2. Воҳидов Р., Маҳмудов М. Устод Садриддин Айний сабоқлари. – Тошкент: Фан, 2004. – 318 б.
3. Айний С. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1964. – 454 б.
4. Айний С. Қиз бола ёки Холида. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб. 1964. – 24 б.

Файзуллоев Бахтиёр Бобожонович
 “Академик Бобожон Гафуров номидаги
 Хўжанд ДУ” ДТМ доценти, филология
 фанлари номзоди. (Тожикистон)
 Эл.почта: b.fayz.1961@mail.ru

САДРИДДИН АЙНИЙ – АДАБИЁТШУНОС

Аннотация: Садриддин Айний ўзбек ва тожик адабиётининг XX асрдаги такрорланмас йирик вакилидир. У фақат ёзувчи ва шоир бўлиб қолмасдан забардаст адабиётшунос олим ҳам эди. Айнийнинг адабиётшунослик мероси ҳозирга қадар илми аҳлини қизиқтириб келади. Айниқса, “Тожик адабиёти намуналари” китоби бу борада катта материал бера олади. Мақола устод Айнийнинг шу тазкирасидаги Алишер Навоийга бағишланган саҳифалари тадқиқига бағишланган.

Калит сўзлар. “Намунаҳои адабиёти тоҷик” (“Тожик адабиёти намуналари”), монография, мумтоз адабиёт, навоийшунос, темурий ҳукмдорлар, ғазал, рубоий, қасида, татаббуъ, тазкира

Кириш. Устоз Айнийнинг адабиётшунослик фаолиятида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш доимо биринчи ўринда бўлиб келганлигини таниқли навоийшунос устоз Абдуқодир Ҳайитметов ўринли қайд этган эди [6.18-21]. Алишер Навоий меросини Тожикистонда ҳам XX асрнинг 20 чи йилларидан бошлаб ўрганишга дастлабки қадамлар қўйилади. Бу ишни биринчи бўлиб, буюк адиб ва таниқли аллома Садриддин Айний бошлаб берган эди. Шу жиҳатдан устод Айнийни Тожикистондаги навоийшуносликка тамал тошини қўйган, унинг асосчиси дейиш ҳар жиҳатдан ўринлидир. Садриддин Айнийнинг 1926 йилда нашр қилинган “*Намунаҳои адабиёти тоҷик*” (“*Тожик адабиёти намуналари*”) номли фундаментал асарида Навоий ҳаёти ва ижодига доир қимматли маълумотларнинг берилиши диққатга сазавор. Устоз Айнийнинг 1948 йилда нашр қилинган “*Алишер Навоий*” монографиясида собиқ Шўролар даврида биринчилардан бўлиб Навоий асарларига холис илмий баҳо берилганлиги навоийшунос-ликда алоҳида қимматга эга.

Муҳокама ва таҳлил. Садриддин Айний зуллисонайн адиб сифатида ҳам ўзидан салмоқли мерос қолдира олди. Адибнинг бадиий асарлари қанчалик қимматга эга бўлса, адабиётшуносликка доир фундаментал тадқиқотлари ҳам шунчалик муҳимдир. Буни биргина “Тожик адабиёти намуналари” номли тазкира асари мисолида кузатиш мумкин. Тазкира ўтган асрнинг биринчи чорагида яратилган бўлиб, у бугунги кунга қадар ҳам ўз илмий қимматини асраб келмоқда. Тазкира композицион жиҳатдан қуйдагича: муқаддима, уч қисм ва хотимадан ташкил топган бўлиб, унда 250 нафардан ортиқ шоирлар ҳақида маълумот берилганлиги билан аҳамиятли.

Ушбу тазкира мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишда ва тадқиқ этишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Унда ўндан ортиқ зуллисонайн туркигўй шоирлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилганлиги бунинг далилидир. Унда келтирилган туркигўй шоирлар қуйдагилар: Султонхалил ибни Мироншоҳ ибни Амир Темур, Абулқосим Бобурмирзо ибни Бойсанқур, Низомиддин Алишери Навоий, Абдуллоҳон-волии Бухоро, Имомқулиҳон-волии Бухоро, Қосимхон ибни Хусравхон, Абдулазизхон-волии Бухоро, Субҳонқулиҳон-волии Бухоро, Бобораҳим Машраби Намангонӣ, Сўфӣ Аллоҳёри Каттақўрғонӣ, Нодираи Андичонӣ, Амир Умархон-волии Фарғона, Мирзоостонақул Дабири Каттақўрғонӣ, Муҳаммадъяқуб ибни Амир Дониёл ибни Манғит ва бошқалар.

“Тожик адабиёти намуналари” асарининг биринчи қисмида ўз даври адабиёти ва санъати ривожини учун арзирли ҳисса қўшган, девон ҳам тузган темурий шоҳзодаларидан

Халил Султон ва Абулқосим Бобур ҳақида алоҳида маълумот берилган [2,72-76]. Уларнинг форсий тилда битилган асарларидан намуналар тақдим этилган.

Шу ўринда қуйидаги мулоҳаза пайдо бўлади. Устоз Айний бадиий ижодга майли бўлган теурий ҳукмдор ва шохзодалар орасидан айнан Халил Султон ва Абулқосим Бобурга алоҳида эътибор қаратишининг боиси нимада эди? Бу ҳол шунчаки тасодиф эмас, албатта. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида муҳим саҳифани ташкил этган теурийлар даври адабиёти ривож ва раванқидан Айний домла жуда яхши хабардор эканлиги мазкур тазкира орқали яна бир бор маълум бўлади.

Садриддин Айний забардаст навоийшунос ҳам эди. У мутафаккир шоирнинг адабий ва илмий меросига доир мавжуд манбалардан мукаммал маълумотга эга эди. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” (“Тўзал мажлислар”) тазкирасининг еттинчи мажлисида шеърятимиз тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган, шеърӣ иқтидор эгалари бўлган 22 нафар теурий ҳукмдорлар ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтади [4,79-139].

Домла Айний алоҳида эътибор қараган Халил Султон ҳам шу рўйхатда эди. “Тожиқ адабиёти намуналари”да Халил Султон ҳақида тўхталиб, унинг форсий тилда ёзилган бир рубоӣси ва етти байтдан иборат ғазалини келтириб, уларни Давлатшоҳ тазкирасидан олинганлигини махсус таъкидлайди. Шунингдек, тазкирада Халил Султоннинг вафот этган санаси хусусида ҳам маълумотлар келтирилган.

Халил Султон Амир Теурунинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг фарзанди бўлиб, манбаларда қайд этилишича, у ўзининг ҳарбий салоҳияти, шеърӣ истеъдоди ҳамда зийраклиги билан бобосининг рағбатига сазовор бўлган ҳукмронлардан бири эди. Шунингдек, у шеърӣят ҳомӣси ва таъби назм эгаси бўлиб, бадиий ижод билан ҳам шуғулланган. Унинг девони борлигини Алишер Навоий ўзининг тазкирасида алоҳида қайд этади [4,163].

Аммо бу шохзоданинг ҳукмронлик даври қисқа бўлиб 28 ёшида вафот этади. Ўз амирлари томонидан зиндонга ташланади. Унинг шу даврдаги руҳӣ изтироб ифодаланган ғазалини зиндондалик вақтида Шохруҳга юборилганлигига домла Айний эътибор қаратиб, 7 байтдан иборат тожиқча ғазалини тазкирада келтириб ўтади.

“Тожиқ адабиёти намуналари”да Абулқосим Бобурмирзо ҳақида ҳам маълумот берилиб, унинг 741 ҳижрий йилда Эроннинг Машҳад шаҳрида вафот этганлиги қайд этилиб, сўнг беш байтдан иборат форс-тожиқ тилида ёзилган ғазали тақдим қилинади.

Амир Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида А.Бобур ҳақида ҳам тўхталиб, уни “дарवेशваш ва фонӣ сифат” киши эканлиги билан бирга, унинг тасаввуфга ҳам рағбати баланд бўлиб, шеърӣ истеъдоди ҳам борлигини алоҳида тилга олган. Тазкирада унинг форсийда битилган битта рубоӣсини келтиради. Айнан шу рубоӣ ҳам устоз Айнийнинг эътиборида бўлган ва “Тожиқ адабиёти намуналари”дан ўрин олган.

Тазкирадаги муҳим маълумотлардан яна бири Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ фикрлар бўлиб, унда Навоийнинг туғилган ҳамда вафот этган саналари ҳижрий (844-906) йил ҳисобида кўрсатилиб, сўнг шоирнинг форсийдаги машҳур қасидаларидан бири “Тухфат ул-афкор” (“Фикрлар тухфаси”)дан 13 байт келтирилган. Уни ҳам Давлатшоҳ асаридан олинганлиги қайд этилади.

Шу ўринда Айний домла яна бир нуқтага эътибор қаратганлиги кўзга ташланади. Унда шоирнинг номини “Низомиддин Алишери Навоӣ” тарзда берилиши ҳам алоҳида қимматга эгадир [2,79]. Зукко навоийшунос, филология фанлари доктори, профессор Абдусалом Абдуқодиров ўзининг илмӣ кузатишларида худди шу масалага ҳам ойдинлик киритишга ҳаракат қилган. Яъни тарихӣ манбаларда таъкидланишича, Хусайн Бойқаро 1472 йилда Навоийни вазирлик вазифасига тайинлаб унга Амир унвонини берган эди [1,122]. Амир сўзи амр этувчи, фармон берувчи маъноларини билдиради. Низомиддин сўзи эса, диннинг қонун-қоидаларини назорат қилувчи деган маънони англатиб, у ҳам Навоийга берилган динӣ унвон эди. Шунинг ўзиёқ, устоз Айнийнинг Навоий ҳаёти ва ижодига боғлиқ ҳар бир маълумотни масъулият билан синчиклаб ўрганганлигидан гувоҳлик беради.

Садриддин Айнийнинг Навоийнинг форсий тилда ёзилган “Тухфат ул-афкор” (“Фикрлар тухфаси”) қасидасига эътибор қаратиши тасодиф эмас эди. Бу қасида Навоий ижодида муҳим адабий-эстетик қимматга эга бўлиб, мазкур қасида устози Абдурахмон Жомийга бағишланган бўлиб, етук ижод намуналаридан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу асар Жомийнинг “Лужжат ул-асрор” (“Сирлар денгизининг туби”) қасидаси таъсирида ёзилган эди. Янада аниқроқроғи, ушбу қасида Амир Хусрав (1253-1325) нинг “Дарёи аброр” (“Яхши кишилар дарёси”) ва Жомийнинг юқорида тилга олинган қасидасига татаббуъ тарзда яратилганлиги навоийшуносликда қайд этилган.

Тазкирада Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”идан олинган учта рубоий ҳам берилган бўлиб, улардан биринчиси “Инсоф бидех, эй фалонӣ” деб бошланувчи рубоий бўлиб, у устоз Жомийнинг Хаж сафардан қайтиши муносабати билан Навоий томонидан табрик сифатида битилган мактуб бўлса, иккинчиси эса унинг яна бир бошқа мактубидан олинганлигига ишора қилинган. Давомида эса Навоийнинг яна форсий тилда ёзилган бир байти келтирилиб, сўнг шоир мактубига алоҳида эътибор қаратади. Бу каби мавжуд далиллар Айнийнинг Навоий меросини атрофлича ўрганиб тадқиқ этганлигидан гувоҳлик беради.

“Тожиқ адабиёти намуналари” тазкирасининг иккинчи қисми Қўқон хони Амир Умархон ҳақидаги маълумот билан бошланган. Умархоннинг иккита тожиқ тилидаги ғазали тазкирадан жой олган. Сўнг Амирийнинг фаолиятига тўхталиб, Қўқон адабий муҳитини ташкил этишдаги ролига баҳо беради. Чунончи, шуаро (шоирлар) ва фузалонинг мураббийси эди, бу даврнинг машхур шоири унинг тарбияси ва ҳомийлигида камол топди дея ёзади. Устоз Айнийнинг таъкидлашича, Амирий ўзининг қисқа умрида адабиёт ривожини ва равнақи учун катта ишларни амалга оширди. Биргина Фазлийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкирасининг дунёга келишида раҳнамолигини таъкидлаш жоиз. Умархон (Амирий) Амир Алишер Навойдан кейин Туркистонда ривож топмаган туркий шеърят Амирий даврида иккинчи марта юқори мавқега эга бўлганлигини алоҳида қайд этадики, бундай муҳим хулосалар ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида катта аҳамиятга эгадир.

Хулоса.

Биринчидан, Садриддин Айний замонавий форс-тожиқ адабиётининг зукко билимдони бўлиши билан бирга, ўзбек мумтоз ҳамда ҳозирги замон адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган алломалар қаторида туради. Шу билан бирга, Тожикистон Республикасида биринчилардан бўлиб, навоийшунослик тамал тошини қўйган таниқли адабиётшунос олим эди.

Иккинчидан, ўтган асримизнинг йигирманчи йиллари долғали йиллар бўлиб, адабий ҳаётида “сарой адабиёти”, “сарой шоирлари”, “сўфий шоирлар” бизлар учун керакми ёки керак эмасми? – деган мазмунда баҳсу мунозаралар бўлиб турган бир пайтда устоз Айний 1926 йили яратилган “Тожиқ адабиётидан намуналар” тазкираси билан юқоридаги илмий асосга эга бўлмаган мантиқсиз зарарли қарашларга илмий асосга эга бўлган хулосалари билан жавоб бера олган эди. Бу ҳол унинг забардаст адабиётшунос олим эканлигини тасдиқловчи далиллардан биридир.

Учинчидан, бугунги кунда дунё микёсида асарлари қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов бундан ярим аср муқаддам эълон қилган “Икки санъаткор” номли мақоласида “Мен Мухтор Авезов билан Садриддин Айнийни доимо ҳурмат қилишимни, уларни севишимни китобхонлар олдида эътироф этмоқчиман. Уларни ҳар иккиласи ҳам нодир ҳодисадир”, – деб ёзганда тамомила ҳақли эди. Бугун бу фикрларнинг нақадар тўғри ва ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Тўртинчидан, юқоридаги қисқача кузатишимизда тазкирадаги айрим туркигўй шоирлар ижоди хусусидагина айрим мулоҳазалар юритилди. Галдаги вазифа эса тазкирадаги бошқа туркигўй зуллисонайн шоирлар ижоди ва уларга устоз Айнийнинг ҳам олимона ҳам адибона муносабатини тадқиқ этиш ва янги илмий хулосаларга келиш ҳамда ёзувчининг бошқа асрлари бағрида ифода этилган адабий-назарий қарашларини ҳам

тизимли бир тарзда ўрганиш замонавий айнийшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоий. – Хучанд: Нури маърифат, 2013.
2. Айни С. Намунаҳои адабиёти тоҷик. – Душанбе: Адиб, 2010.
3. Айни С. Мир Алишери Навоӣ // Куллийёт: иборат аз 15 ҷилд. – Душанбе: Нашриёти давлатии Тоҷикистон, 1963. – Ҷилди 11. – Китоби 1. – С. 199-211.
4. Навоӣ А. МАТ (Мукамал асарлар тўплами), 20 томлик, 13-том. – Тошкент: Фан, 1997.
5. Ҷомий А. Баҳористон (Форсӣдан Ш. Шомухамедов тарҷимаси). – Тошкент: Ёзувчи, 1997.
6. Ҳайитметов А. Забардаст навоӣшунос // ЎТА, 2003, № 5.
7. Ҳайитметов А. Темрийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996.
8. “Садриддин Айни ва масъалаҳои рушди адабиёти навини тоҷик” (маҷмӯаи мақолаҳои конференсияи ҷумҳуриявии илмӣ-назариявӣ, бахшида ба 140-солагии Садриддин Айни). – Хучанд, ДДХ ба номи академик Бобочон Ғафуров, 6-7-уми апрели соли 2018) – Хучанд: Нури маърифат, 2018. – 520 с.

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Арипова Халима Ариповна
доцент БухГУ,
кандидат филологических наук

ОСОБЕННОСТИ ИЗУЧЕНИЯ ПОЭМЫ НА УРОКАХ ЛИТЕРАТУРЫ В 8 КЛАССЕ

Аннотация: В статье рассматривается методика изучения поэмы в общеобразовательной школе. Предложены учебные ситуации по изучению поэмы М. Ю. Лермонтова «Мцыри» в 8 классе. В методике преподавания литературы в школе одной из наиболее актуальных, дискуссионных и важных для понимания художественного текста является проблема литературного рода и жанра. Особую сложность для изучения представляют межродовые формы. Одним из таких синкретичных жанров является поэма.

Ключевые слова: поэма; урок литературы; изучение жанра; конспект урока; М. Ю. Лермонтов; «Мцыри», лироэпическая и лирическая поэма.

Аннотация: мақолада ўрта мактабда шеърни ўрганиш методикаси муҳокама қилинади. М.Ю.Лермонтовнинг 8-синфда «Мцыри» шеърини ўрганиш учун тарбиявий вазиятлар таклиф этилади. Мактабда адабиёт ўқитиш методикасида бадиий матнни тушуниш учун энг долзарб, мунозарали ва муҳимларидан бири адабий тур ва жанр муаммосидир. Интергенитал шаклларни ўрганиш айниқса кийин. Ушбу синкретик жанрлардан бири шеърдир.

Калит сўзлар: шеър; адабиёт дарси; жанрни ўрганиш; дарс хулосаси; М. Ю. Лермонтов; «Мцыри», лиро-эпик ва лирик шеър.

Abstract: The article discusses the methodology of studying the poem in a secondary school. Educational situations for the study of M. Y. Lermontov's poem «Mtsyri» in the 8th grade are proposed. In the methodology of teaching literature at school, one of the most relevant, debatable and important for understanding a literary text is the problem of literary kind and genre. Intergenerational forms are particularly difficult to study. One of these syncretic genres is the poem.

Keywords: poem; literature lesson; genre study; lesson summary; M. Y. Lermontov; «Mtsyri», lyroepic and lyrical poem,

В современном литературоведении и, как следствие, в методике преподавания литературы в школе одной из наиболее актуальных, дискуссионных и важных для понимания художественного текста является проблема литературного рода и жанра. Особую сложность для изучения представляют межродовые формы. Одним из таких синкретичных жанров является поэма. Уже в первые программы по словесности, а позднее – по литературе – включаются произведения жанра поэмы [1].

Первыми эпическими поэмами исследователи традиционно называют «Махабхарата» и «Рамаяна», «Илиада» и «Одиссей» Гомера. Со временем этот жанр гармонично вобрал в себя особенности лирического произведения (такowymi являются лироэпические поэмы (Дж. Байрона, А. С. Пушкина, М. Ю. Лермонтова и др.). Выдающиеся ученые в своих трудах уделяют внимание следующим аспектам изучения жанра поэмы: 1) постижению теоретико-литературных понятий (род, жанр) (А. Н. Соколов «Очерки по истории русской поэмы XVIII и первой половины XIX века», А. П. Квятковский «Поэтический словарь», Г. Н. Поспелов «Лирика среди литературных родов», О. И. Федотов «Основы теории литературы в 2ч.», Н. Д. Тамарченко «Теория литературы в 2х т.» и др.) и 2) обобщений в

практике преподавания в курсе словесности (Ф. И. Буслаев «Преподавание отечественного языка», В. И. Водовозов «Словесность в образцах и разборах» и др.).

Обобщая изложенные в методических работах подходы к изучению поэмы в школе, мы пришли к выводу, что организация работы по постижению поэмы как особого синкретичного жанра учащими средних классов предполагает: 1) сообщение историко-литературных фактов о поэме (история создания, общественные, политические, идеологические и др. факторы, повлиявшие на замысел писателя, первые отзывы критиков и читателей на поэму, место поэмы в творчестве писателя); 2) выявление первичного восприятия (в связи со сложностью восприятия из-за соединения лирического и эпического в поэме); 3) приемы активизации сотворчества учащихся (устное словесное рисование, беседа, сопоставление с произведениями других видов искусств, выразительное чтение и др.); 4) приемы анализа текста: аналитическое, комментированное чтение отдельных эпизодов поэмы, композиционный анализ с целью выявления эстетических функций лирических отступлений и их связь с сюжетом поэмы, сопоставление с произведениями других авторов и т.д.; 5) применение эвристического (частично-поискового) и проблемного методов для выделения существующих подходов к определению поэмы как жанра и выявления индивидуальных особенностей стиля разных писателей; 6) творческое задание на завершающем этапе изучения поэмы. В связи с этим в методических работах существуют различные мнения о том, что же такое поэма как жанр литературного произведения, о ее родовой принадлежности. В современном литературоведении достаточно полно и подробно охарактеризованы жанровые признаки лироэпической поэмы. Так, О. И. Федотов говорит о том, что «...лиризм служит неперенным компонентом эпических и драматургических произведений, а также синтетических интерродовых образований, таких, как лироэпическая и лирическая поэма «...» во втором случае лиризм реализует жанровую структуру произведения на равных с эпическим и драматическим компонентами». Таким образом, исследователь отмечает, что лироэпическая поэма – это результат влияния лирики на эпос, но в то же время указывает на самостоятельность лироэпического жанра [7, с. 171].

Н.Д.Тамарченко же определяет лироэпическую поэму как неканонический жанр литературы, представляющийся в разнообразии форм: поэма-баллада, лироэпическая поэма и лирический эпос [6, с. 323].

Таким образом, Н. Д. Тамарченко, подытоживая свои рассуждения, говорит, что «... во всех трех поэзных разновидностях следует говорить ... о варьировании меры эпического и лирического начал, отходе от родовой чистоты и неосинкретических тенденциях», и тем самым соглашаясь с О. И. Федотовым и уточняя разновидности лироэпической поэмы [6, с. 324].

На наш взгляд, мы должны согласиться с мнениями всех исследователей, и особенно обратить внимание на размышления Г. Н. Пospelова, так как в жанровой классификации для нас главенствующий критерием отнесения произведения к тому или иному жанру является его содержательная сторона. Не умаляя важности формальных сторон произведения для определения жанра (большой объем, стихотворная форма), важно подчеркнуть в лироэпическом произведении равенство лирического и эпического начал. Поэтому далее для нас также важна точка зрения Н. Д. Тамарченко, который определяет лироэпическую поэму как интерродовой жанр, не относя его ни к эпосу, ни к лирике, так как оба эти начала в такой поэме равнозначны. Сопоставляя аспекты, в свете которых изучаются поэмы, выделим общее. «Песня про царя Ивана Васильевича, молодого опричника и удалого купца Калашникова» М. Ю. Лермонтова изучается как историческая поэма, имеющая фольклорную основу: «Быт и нравы XVI в. в поэме. Исторический сюжет и герои песни. ... Связь поэмы с устным народным творчеством. Романтическое изображение природы как фона событий. «Песня...» как лироэпическое произведение» [2], [8].

Организуя изучение поэмы М. Ю. Лермонтова «Мцыри», учитель сталкивается с рядом проблем. Во-первых, это сложность в определении родовой принадлежности данного

жанра. Согласно первому дидактическому принципу обучения – принципу научности – учителю следует опираться на достижения литературоведческой науки.

Однако на сегодняшний день в литературоведении нет единого определения лиро-эпоса, универсально подходящего для всех произведений, нетединого подхода к произведениям жанра поэмы, созданным в различные исторические периоды: «В литературоведении до сих пор нет единого мнения по вопросу разграничения лироэпических жанров, и даже унифицированного написания этого термина (лироэпический или лиро-эпический)» [5, с. 108].

«Несмотря на этот факт, школьные программы составлены таким образом, что учитель довольно часто вынужден обращаться именно к этим «спорным» текстам, поскольку лиро-эпические произведения составляют около 30% от общего количества произведений, изучаемых в основной средней школе. Во-вторых, учитель в рамках ограниченного программой количества часов должен познакомить восьмиклассников с историей создания произведения, сообщить о месте и роли поэмы в творчестве Лермонтова, проследить связи биографии и творчества, организовать анализ композиции, стиля, способов создания образа героя, привести к пониманию романтической природы произведения. Одним из способов разрешения трудности может быть отбор целесообразных для каждой конкретной учебной ситуации методов, приемов обучения, форм работы, видов заданий. Отметим, что для постижения романтической природы поэмы «Мцыри» необходим материал, который изучается в 9 классе. Учителю необходимо избрать подходящую форму знакомства с признаками романтического произведения и разработать задания для закрепления этого нового материала. Вопросы и задания, согласно требованиям ФГОС, должны быть такими, чтобы восьмиклассники сами пришли к формулировке ключевых мыслей, идей и тезисов, обобщающих наблюдения над тем или иным аспектом. Таким образом, существует ряд сложностей в ходе организации изучения поэмы М. Ю. Лермонтова в школе. Мы предприняли попытку предложить вариант их разрешения.

Освоение нового материала мы предлагаем организовать как слово с элементами беседы. История создания сообщается учителем. Данный материал взят из учебника «Литература, 8 класс» (1ч.). [9, с. 141]. Педагог обращает внимание учеников на задумки М. Ю. Лермонтова по созданию поэмы. Также используем материал из «Лермонтовской энциклопедии» для получения учащимися новых знаний [4, с. 324]

Так, первая тема «Мцыри» – высшее достижение романтической поэмы М. Ю. Лермонтова». Учащиеся получают возможность познакомиться с историей создания поэмы, узнать, каковы истоки происхождения названия произведения. Такие виды работы, как рассказ педагога об истории создания поэмы, вопросы не менее важны, чем аналитические наблюдения, т.к. именно на вступительном этапе создается необходимая атмосфера и появляется настрой у учащихся на дальнейшее изучение произведения и его адекватное восприятие [9, с. 141]. На первом уроке мы избираем коллективную форму работы – лекцию с элементами беседы. После прослушивания истории создания задаем вопросы:

– Как и когда впервые Лермонтов задумался о написании поэмы, которую мы сегодня изучаем?

– Сразу ли он реализовал свой замысел? - Какие варианты заголовка были о писателя?

– Где происходит действие поэмы? Почему автор обратился именно к этим реалиям?

– Какой случай из биографии Лермонтова помог воплотить замысел поэмы «Мцыри»?

– Известно ли вам, какое реальное место, художественно преобразованное, вошло в поэму? После беседы с классом организуется работа с учебником [9, с. 141]. Вопрос 1 учебника обращает внимание учеников на смысл названия поэмы. «Мцыри» – это не имя, в переводе с грузинского означает «послушник». На этапе анализа выявляется также тема и идея произведения. На этапе аналитических наблюдений происходит активное обращение к тексту, т.к. согласно рекомендациям методистов, в средних классах текст должен звучать на уроке, без текста невозможно приблизиться к объективному анализу. Следующий этап

урока – словарная работа. Выявляем знания терминов и понятий, а также актуализируем знания о ранее изученных понятиях с целью подготовки к главной теоретической проблеме урока – толкованию жанра поэмы с помощью работы со словарем в учебнике-хрестоматии, школьным литературоведческим словарем, с помощью комментария учителя. Термины «поэма», «тема», «идея», «сюжет», «композиция» ученики находят в конце учебника и записывают в тетрадь. Учитель комментирует каждое определение для лучшего понимания учениками.

В данной модели урока большую роль играет организация индивидуальной подготовки к уроку (пересказ части поэмы, выписывание цитат из текста). Смена говорящего (учитель, ученик) помогает избавиться урок от монотонности, помочь учащимся сконцентрировать внимание. Для этого даны вопросы, сопровождающие слово учителя: - Какова цель побега Мцыри? Какие эпизоды трехдневных скитаний Мцыри вы считаете особенно важными? Почему? Почему погиб Мцыри? В качестве домашнего задания мы предлагаем подготовить пересказ «Жизнь Мцыри в монастыре. Характер и мечты юноши-послушника» и ответить на следующие вопросы: Какова цель побега Мцыри? (Выписать цитаты в тетрадь.) Какие эпизоды трехдневных скитаний Мцыри вы считаете особенно важными? Почему? Почему погиб Мцыри?

Содержание второго урока направлено на анализ романтического образа Мцыри, выявление прообраза главного героя. На вступительном этапе учащимся обязательно демонстрируется связь содержания первого и второго уроков. На втором уроке мы предлагаем использовать прием эвристической беседы, который реализуют частично-поисковый (эвристический) метод (по типологии Н. И. Кудряшева). Считаем его наиболее подходящим для реализации данного материала: поэма М. Ю. Лермонтова «Мцыри» – благоприятный материал для усвоения особенностей романтического произведения, романтического героя. Восьмиклассники могут осуществлять самостоятельные поиски в тексте. Подводим школьников к мысли, что романтизм Лермонтова бунтарский: герой его поэмы «Мцыри» бросает вызов судьбе. В этом заключается пропедевтическая функция изучения романтического произведения, так как учитель подготавливает учащихся к получению новой информации, давая общее представление.

Романтизм как литературное направление изучается только в 9 классе. Знакомство с поэмой «Мцыри» в 8 классе позволяет не только расширить представления учеников о творчестве М.Ю.Лермонтова, подготовить к восприятию его произведений, которые станут предметом изучения через год, но и носит пропедевтический характер, позволяя сформировать первичные представления о романтизме как творческом методе. Мы предлагаем раздать каждому ученику карточки, содержащие признаки романтического произведения, которые они вклеят в тетрадь:

1) Подчеркнутое внимание к личности человека, его индивидуальности, внутреннему миру. 2) Изображение исключительного характера в исключительных обстоятельствах, сильной, бунтарской личности, непримиримой с миром. 3) Культ чувств, природы и естественного состояния человека. Отрицание рационализма, культа разума и упорядоченности. 4) Существование «двоемирия»: мира идеала, мечты и мира действительности. Между ними существует непоправимое несоответствие, конфликт

5) Обращение к народным сюжетам, фольклору, заинтересованность в историческом прошлом, поиски исторического сознания.

6) Развернутые описания экзотической природы, бурных стихий, а также образы «естественных» людей, «не испорченных» цивилизацией [4, с. 324].

Ученикам предлагается прочитать и ответить на вопрос: «Как вы понимаете признаки романтического произведения?» (в ходе фронтального опроса ребята высказывают предположения, а учитель корректирует их при необходимости). Когда признаки романтического произведения разобраны, предлагаем учащимся проверить, какие из названных признаков можно обнаружить в поэме «Мцыри».

1. Первое, на что следует обратить внимание: Мцыри – это исключительный герой, который представлен автором в исключительных обстоятельствах.

Вопрос: «Можем ли мы это доказать?»

Лермонтов не пытается объяснить, каким образом в стенах монастыря сформировался такой непримиримый характер; напротив, бунтарская натура Мцыри сформировалась вопреки обстоятельствам, а не под их воздействием. Герой поэмы бросает вызов судьбе, миру и даже Богу, потому что воспринимает стены Его обители как «тюрьму».

2. Романтизм предполагает изображение исключительного характера в исключительных обстоятельствах.

Вопрос: «Как вы понимаете данную особенность?»

С помощью материала, изученного на предыдущем уроке, ученики смогут ответить на этот вопрос: не случайно композицию поэмы называют «вершинной» [9, с. 141]. Лермонтов показывает главного героя не в протяжённом процессе обыденной жизни в монастыре, а в короткий миг высшего проявления его личности. Мы считаем целесообразным уделить особое внимание сцене побега как ключевому эпизоду, позволяющему понять сущность мощной и страстной натуры Мцыри, а также продемонстрировать специфику романтического двоемирия. 3. Своеобразие романтического конфликта – конфликта с миром, противостояние внутренне свободной личности окружающим, живущим в повиновении, страхе, слепой вере [9, с. 113]. 4. Важное внимание на этом этапе урока уделяется работе с текстом. Учащимся предлагается выписать из текста цитаты, подтверждающие свободолобивую натуру Мцыри. Совместно с учителем ученики приходят к выводу, что, по Лермонтову, главная свобода заключается в возможности самостоятельно вершить свою судьбу. При этом необходимо сосредоточить внимание учащихся на связи героя со своим народом. Учитель дополняет представление о мотиве свободы как концептуальном в творчестве поэта иллюстрацией из поэмы «Демон» и стихотворений автора.

5. Для воплощения своих общечеловеческих, универсальных идей романтики нередко используют образы-символы. Ученикам необходимо назвать и охарактеризовать сцены, имеющие в поэме символическое значение (в скобках перечислить).

6. Как представлена в поэме идея трагичности судьбы? Можно ли сказать, что он словно движется по замкнутому кругу? К какой исходной ситуации постоянно возвращается герой? Есть ли у человека возможность противостоять трагически-разрушительной силе судьбы? В каком случае? Какими качествами он должен обладать?

Понятие «внутренняя свобода» (записываем в словарь) является очень сложным для понимания учениками 8 класса, поэтому его следует пояснить: в жизни нередко бывает так, что обстоятельства оказываются сильнее нас, и внутренняя свобода проявляется в способности человека не позволить им сломить себя, пасть духом, изменить своим принципам и убеждениям. Мцыри, без сомнения, внутренне свободен: даже перед лицом смерти он не изменяет своей мечте и не испытывает зла к тем, кто удерживал его в неволе:

...И стану думать я, что друг
Иль брат, склонившись надо мной,
Отёр внимательной рукой
С лица кончины хладный пот,
И что вполголоса поёт
Он мне про милую страну...
И с этой мыслью я засну,
И никого не прокляну! [8, с. 208]

Такой волнующий воображение героический и трагический текст не могли обойти стороной композиторы и художники. Предлагаем учащимся сопоставить портрет Мцыри, созданный разными иллюстраторами (И. С. Глазунов, П. П. Кончаловский, М. Н. Орлова-Мочалова, Л. О. Пастернак) и подумать над следующим вопросом «Кто из художников наиболее точно передал трагическую судьбу и свободолобивый характер Мцыри?».

7. Следующий этап урока – работа над седьмым вопросом учебника. Предметом разговора становится исповедь Мцыри старику-монаху. Основное внимание уделяется стилистическим фигурам (риторическим обращениям, восклицаниям, вопросам, инверсии, антитезе) и тропам (метафорам, эпитетам). Выявляется их особенность, композиционная, характерологическая и идейная функции. Фразы Мцыри осложнены, экспрессивны (записываем в словарик), они передают силу, страстность, неуёмную жизненную энергию героя даже перед лицом смерти. После наблюдения над изобразительно-выразительными средствами в поэме предлагаем ребятам сформулировать ответ на вопрос: какую роль найденные вами тропы играют в характеристике героя? Почему речь героя в поэме становится важным средством создания образа? Важно, чтобы ученики связали свои наблюдения с материалом предшествующего урока, обратив внимание на то, что значительная часть поэмы – рассказ Мцыри, события, данные с его точки зрения («его глазами»). 8. Восьмой вопрос учебника также направлен на выявление художественно-стилистических особенностей текста.

Ответ на этот вопрос требует закрепление полученных стиховедческих знаний: понимание проблемы ритма, выраженного, в частности, в размере и типах рифмовки. Ученики под руководством учителя приходят к выводу, что четырёхстопный ямб и то, что все рифмы в поэме парные, мужские, подчеркивает «мужественность и непреклонность героя» [8, с. 208].

Ценным для педагога считаем рекомендации В. Ф. Чертова: «Через выразительное чтение учитель обращает внимание учеников на чёткость размера и твердость рифм. Таким образом, педагог должен подтвердить, что стих поэмы, по словам В. Г. Белинского, «звучит и отрывисто падает, как удар меча, поражающего жертву. Упругость, энергия и звучное однообразное падение его удивительно гармонируют с сосредоточенным чувством, несокрушимую силою могучей природы и трагическим положением героя поэмы» [9, с.116].

9. Просим подумать и ответить учеников на следующие вопросы:

– Как вы относитесь к финалу поэмы?

– Согласны ли вы с автором, что бунтарство Мцыри неизбежно ведёт его к смерти?

Данные вопросы особенно важны, они побуждают учеников к интерпретации текста поэмы, поиска в нём нравственные проблемы, которые не могут быть истолкованы однозначно. Романтический герой не может пойти на компромисс. Лермонтов задаётся целью «прославить поиски, могущество воли, мужество, мятеж и борьбу, к каким бы трагическим результатам они ни вели» (Д. Е. Максимов). 10. Можно ли согласиться с высказыванием В. Г. Белинского о главном герое поэмы «Мцыри»: «Это любимый идеал нашего поэта, это отражение в поэзии его собственной личности» (индивидуальное задание)?

«Так жизнь скучна, когда боренья нет» («1831-го июня 11 дня»)[9, с. 151-154].

При подведении итогов актуализируем полученные знания о творчестве Лермонтова и поэме «Мцыри». Повторяем признаки романтического произведения. Поэма М. Ю. Лермонтова «Мцыри» (как и прочитанная в 7 классе «Песня про царя Ивана Васильевича, молодого опричника и удалого купца Калашникова») становится уроком и упрёком своему поколению, «дремлющему в бездействии» (В. Г. Белинский), и в общечеловеческом смысле – действенной формой борьбы с миром пассивности, тирании и зла. Объединив пройденный материал, подводим итог, что враждебному миру Лермонтов противопоставляет три неоспоримые ценности, которые оказываются сильнее смерти: ПРИРОДУ, ЛЮБОВЬ и СВОБОДУ (эти выводы необходимо записать в тетрадь). Домашнее задание: Письменно ответить на вопрос: «В чём видит счастье герой поэмы?».

Вывод. Для создания предложенных нами в данной работе материалов урока была использована технология критического мышления, которая позволяет учащимся самим находить ответы на вопросы, делать выводы. Данный метод позволяет выделить приёмы, которые использовались на двух уроках: вопрос-ответ, проблемный вопрос, эвристическая беседа.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Буслаев Ф. И. Преподавание отечественного языка [Электронный ресурс] // Программа русского языка и словесности. Режим доступа: http://az.lib.ru/b/buslaew_f_i/text_1848_programma_russkogo_yazyka.shtml (дата обращения 20.09.2022 г.)
2. Курдюмова Т. Ф. Литература. 5-9 классы: рабочая программа / Т. Ф. Курдюмова, Н. А. Демидова, Е. Н. Колокольцев. – М.: Дрофа, 2017. – 115 с.
3. Кутузов А. Г. Программа по литературе для образовательных учреждений (5-11 классы) . – М. : Дрофа, 2010. – 80 с.
4. Мануйлов, В. А. Лермонтовская энциклопедия / В. А. Мануйлов. – М.: Сов. Энцикл., 1981. – 746 с.
5. Никкарева Е. В. Проблема изучения лиро-эпических жанров в средней школе // Материалы III всероссийской научно-практической конференции, посвященной 1000-летию Ярославля и Году учителя. - Ярославский государственный педагогический университет им. К.Д. Ушинского; Науч. ред. : И. Ю. Лученецкая-Бурдина. – 2010. – С. 107-117.
6. Тамарченко Н. Д. Теория литературы в 2х т. Т. 2 / Н. Д. Тамарченко. – М.: Академия, 2004. – 368 с.
7. Федотов О. И. Основы теории литературы: в 2 ч. / О. И. Федотов. – М.: Владос, 2003. – 240 с.
8. Чертов В. Ф. Литература. Рабочие программы. Предметная линия учебников. 5–9 классы: пособие для учителей общеобразоват. Организаций –М. : Просвещение, 2015. – 160 с.
9. Чертов В. Ф. Уроки литературы. 8 класс: пособие для учителей общеобразоват. организаций /. – М.: Просвещение, 2015. – 256 с.

Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич
БДТИ академик лицейи ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
e-mail: kamalovixtiyor@gmail.com

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ЗАМОНДОШЛАРИ НИГОҲИДА

Аннотация: ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳақида маълумот берувчи XV-XVI асрда яратилган тарихий манбалар ҳақида сўз боради. Айтиш мумкинки, Бобурни ўз кўзи билан кўрган, у билан суҳбатда бўлган Гулбаданбегим, Хондамир, Мирзо Ҳайдар сингари муаррихларнинг асарларидан шоҳ ва шоирнинг биографияси тўғрисида қимматли маълумотларни олишимиз мумкин. Мақолада шу борада фикр юритилган.

Калит сўзлар: Бобур, “Бобурнома”, тарихий манба, мемуар асар, “Тарихи Рашидий”, “Ҳумоюннома”, “Ҳабиб ус сияр”.

Аннотация: в данной статье говорится об исторических источниках, созданных в 15-16 веках, в которых представлены сведения о жизни Захириддина Мухаммада Бабура. Ценные сведения о биографии царя и поэта мы можем получить из работ таких историков, как Гулбаданбегим, Хондамир, Мирзо Хайдар, видевших Бабура своими глазами и беседовавших с ним. В статье об этом говорится.

Ключевые слова: Бабур, «Бабурнаме», исторический источник, мемуары, «История Рашиди», «Хумаюннаме», «Хабиб ус сияр».

Abstract: this article refers to historical sources created in the 15th-16th centuries, which provide information about the life of Zahiruddin Muhammad Babur. We can get valuable information about the biography of the king and the poet from the works of such historians as Gulbadanbegim, Khondamir, Mirzo Khaidar, who saw Babur with their own eyes and talked with him. The article talks about it.

Key words: Babur, «Baburname», historical source, memoirs, «History of Rashidi», «Humayunname», «Khabib us siyar».

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт ва ижод йўли, у қолдирган буюк маданий мерос, кудратли салтанат тарихи мана бир неча асрларки жаҳон шарқшунос, тарихшунос ва адабиётшуносларининг диққатини жалб қилиб келмоқда. Миллат, тил, дин, чегара билмас инсоний фазилатлар тараннум этилган бадий хазина, ҳар қандай замон кишиси учун ўрнак бўлишга арзигулик ҳаёт тарзи сабаб шоҳ ва шоирни ўрганишга бўлган қизиқиш бир зумга ҳам сусайгани йўқ. Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: «Бобур Мирзо – халқимизнинг буюк фарзанди. Адабиёт, илм, маърифат нуқтаи назаридан у ҳамон яшайпти. Ўзлигимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз» [1].

Ўзбек бобуршунослиги мактабида шоҳ ва шоир биографияси, салтанати, қолдирган маънавий меросини ўрганиш унинг ўзи яшаган даврдан бошланиб, бугунги кунга қадар давом этмоқда. Айниқса, Бобур билан бир даврда яшаб, шахсан кўришиш ва суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлган муаллифларнинг асарларидаги қимматли маълумотлар буюк аждодимизнинг шахсиятини тўлиқроқ ўрганиш йўлида муҳим аҳамият касб этади. Бу даврда яратилган асарлар асосан тарихий-бадий характерга эга. Бобур ҳақида энг кўп ва энг аниқ маълумотларни берувчи асар шубҳасиз «Бобурнома» бўлса, Бобурни кўриб, бевосита мулоқотга қиришган шахс сифатида у ҳақида қимматли фактлар келтирилган XVI асрда яратилган манбаларга Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий», Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома», Ҳофиз Кўҳакийнинг «Тарихи оли Чингиз», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарларини санаб ўтишимиз мумкин. «Ҳумоюннома» Бобурнинг қизи Гулбаданбегим томонидан буюк бобурийзода Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида ёзилган. Адибанинг қайд этишича, бобурийзода Акбар ўз салтанати, хонадони

тарихини абадийлаштириш мақсадида саройидаги барча олимларга, қариндош-уруғларига «Бобур подшоҳ ва Ҳумоюн подшоҳ даври ҳақида «нимаики билсангиз, ёзингиз» деб ҳукм қилган» [5, 3]. Шу сабабли Гулбаданбегим отаси ва укаси тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи китоб битишга қарор қилган. Бу ҳақида муаллиф қуйидагича ёзади: «Фирдавсмакон Ҳазрат фоний дунёдан абадий дунёга рихлат қилганларида бу ҳақир саккиз ёшда эди, шунинг учун юз берган воқеалардан эсимда оз қолган, эшитган ва эсда қолган воқеалар подшоҳ ҳукмига биноан шу китобда ёзилди» [5, 29]. Даставвал, Гулбаданбегим ўз китобини «Аҳволи Ҳумоюн Подшоҳ» деб атади, аммо кейинчалик асар «Ҳумоюннома» номи билан машҳур бўлиб кетади. Форс тилида ёзилган ушбу қимматли манба асосан Ҳумоюн Мирзо тарихини ёритишга қаратилган бўлса ҳам, отаси, қолаверса, сулола асосчисининг тарихига тўхталмасликнинг иложи йўқ эди. Қолаверса, асарнинг қимматли манба эканлиги шундаки, у «Бобурнома»да тўлиқ ёритилмаган ёки тушиб қолган тарихий жараёнларларни тўлиқроқ англашимизга ёрдам беради.

«Ҳумоюннома»нинг Бобур даврида Ҳинд диёрида содир бўлган воқеаларга бағишланган қисми 38 саҳифадан иборат бўлиб, бунда муаллифнинг мана шу қисқа сатрлари фақат унинг ўзигагина хос услубда, форс-тожик тилида сермазун иборалар воситаси билан баён қилинган. Китобнинг тили ва услуби содда бўлсада, асар мазмуни гоятда чуқур ва сезмазмундир. Ўта қимматли фактларга тўла бу манба ўша замонда ёзилган бошқа тарихий асарлардан ажралиб туради. «Ҳумоюннома» услуби ва сюжетини «Бобурнома» баёнига солиштирсак, бу ҳар икки мемуар услубининг бир бирига жуда яқин эканлигини сезамиз. Чунки «Гулбаданбегим отасининг эсдаликларига эргашиб, ўз хотираларини «Бобурнома» усули ва услубига тақлид қилиб ёзган» [2]. Бобур қизи учун фақатгина ота эмас, балки унинг ўрта аср Шарқ тарихида аёллардан чиққан илк тарихнавис олима бўлиб шаклланишида намуна бўлган устоз ҳам бўлган. Зеро, «Ҳумоюннома» саҳифаларидан бирида биз Гулбаданбегимнинг «...гарчи бу воқеалар отам ҳазратларининг китоблари «Воқеаннома»да ёзиб қолдирилган бўлса ҳам, биз уларни табаррук билиб келтирдик»[5, 2], деган жумлаларини ўқиймиз. Бу эса олиманинг падари қолдирган хотирноманинг асл нусхаларидан яхшигина хабардор бўлганлигидан, ўз асарини форс тилида ёзган бўлишига қарамасдан, «Ҳумоюннома»ни ўқиган китобхон Гулбаданбегим она тили бўлмиш туркийни ҳам мукамал даражада билганлигига гувоҳ бўлади.

Гулбаданбегим ўз китобида отасининг Ҳиндистондаги сўнгги ярим йиллик ҳаётини шахсий кузатишлари асосида холис тасвирлайди. Асарнинг Бобур биографияси ҳақида ҳикоя қилувчи айнан шу қисми қимматли фикрларга бойдир. Зеро, Бобур ҳақидаги бошқа манбаларда учрамайдиган далилларга айнан шу асарда дуч келамиз. Жумладан, Бобур оиласининг Аграга келиши, Секри жанги, Ҳиндистонда юритган сиёсати тўғрисида бу манба кенг маълумотларни ёритади. Қолаверса, «Ҳумоюннома» ўша давр сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаётини, халқларнинг турмуш тарзи ҳамда урф-одатларини ўрганиш учун қимматли манбадир. Демак, «Ҳумоюннома» Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи қимматли манба бўлиб, ўзбек бобуршунослигини бошлаб берган асарлардан биридир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан шахсан кўришиб, унинг шахсияти, ҳаёт йўли ҳақида асар ёзган муаррихлардан бири – Хондамирдир. У теурийлар даври етук тарихчиси сифатида машҳурдир. Тахминан 1473-1475 йиллар оралиғида туғилган. Она томондан машҳур тарихчи Мирхонднинг набираси ва шогирдидир. Отаси Хўжа Ҳумомиддин Муҳаммад теурий Маҳмуд Мирзо вазири бўлган [10]. Хондамир 15-16 ёшлиги чоғида Алишер Навоийнинг эътиборини қозонади ва унинг хизматида ишга қабул қилинади [3, 204]. 1498 йилда мудирлик лавозимида, 1503 йилдан бошлаб Балхда Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамон Мирзо саройида фаолият юритади. 1512 йилда Мовароуннаҳр Бобур кўлидан кетгач, Гарчистон (Шимолий Афғонистон)га бориб, Башт кишлоғида адабий ижод билан шуғулланади ва у ерда 1514 йилгача истиқомат қилади. 1514–1517 йиллари Муҳаммад Замон мирзо (Бадиуззамон мирзонинг ўғли) билан бирга бўлади ва унинг шахсий котиби бўлиб хизмат қилади. Муҳаммад Замон мирзо Сафавийлардан енгилгач, Хондамир яна Гарчистонга боради ва илмий фаолиятини давом эттиради. 1521 йилда вазир

Ҳабибуллоҳ Соважий таклифи билан Ҳиротга бориб, ўзининг тарихга оид «Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар» («Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст») асарини ёзишни бошлайди. Хондамир 1524 йилгача Бобур билан гоҳ Балх яқинидаги юришлар даврида, гоҳ Ҳиротдаги сафавий ҳукмдорлар номидан Қобулга элчи сифатида бориб учрашади. У 1527 йилда Ҳиротни тарк этиб, Ҳиндистонга боради. Қишни Қандаҳорда ўтказиб, 1528 йилнинг охирида Аграга келади ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур хизматида қабул қилинади [8, 4]. Бобур вафотидан кейин унинг ўғли Ҳумоюн Мирзо хизматида бўлади. Хондамир 1535 йилда вафот этади ва васиятига кўра Дехлида шайх Низомиддин Авлиё мазоридида – Хусрав Дехлавий ёнига дафн этилади. Хондамирнинг энг йирик асари «Ҳабиб ус-сияр» 1520–1524 йиллар мобайнида ёзилган ва вазир Ҳабибуллоҳ Соважийга бағишланиб, асар номи ҳам қисман шу вазир исми билан боғланган [6, 250]. Муаррих асар устида бир неча йиллар давомида ишлаб, уни 1529 йилда ёзиб тугатади. «Ҳабиб ус сияр» асарида Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон ва Ироқда бўлган воқеалар акс эттирилган. Асар Хуросон ва Мовароуннахрнинг XV аср охири – XVI аср 20- йилларини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. «Ҳабиб ус-сияр» асари муқаддима, хотима ва уч бобдан иборат [11]. Асарнинг учинчи бобида эса Чингизхон ва унинг авлодлари, унга замондош бўлган бошқа сулолар, Амир Темур ва темурийлар даври, Бобур ва Шайбонийхон муносабатлари, Исмоил Сафавий даври баён этилган [4, 33-37].

Муаллиф асар номланишидаёқ уни китобхонга «дўст» деб атаб, ўтмишдаги буюк шахслар, жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихи, гўзал шахсияти, таржимаи ҳоли ҳақида қимматли маълумотлар беради. Уларда «Бобурнома» ёки бошқа манбалар орқали етиб келмаган, биров мавҳум бўлган, қолаверса, ўзи шахсан кўриб, бевосита иштирок этган воқеаларни баён этган. «Бобурнома»да ҳам Бобур ва Хондамирнинг кўришганликлари, биргаликдаги фаолиятлари, шоҳ ва шоирнинг муаррих ҳақидаги фикрлари берилди. Жумладан, Бобур ўз эсдаликларида 1528 йил воқеаларини хотирлаш чоғида Хондамирнинг Аграга келишини қайд этади: «Тонгласи муаррих Хондамир...муддати мадид эдиким, мулозамат дояси била Ҳиридан чиқиб эдилар, келиб мулозамат қилдилар» [9, 237]. Ҳаттоки, Хондамир ва унинг сафдошлари ҳақида байт ҳам келтирилади:

*«Шайху Мулло Шихобу Хондамир,
Келинг уч-уч, икки-икки, бир-бир».*

Шу билан бирга тарихчининг илми ҳақида ҳам жуда илиқ фикрларни билдириб ўтади: «Хондамир муаррихким, турфа киши эди. Тасонифлари борким, халқ орасида машҳурдур: «Ҳабиб ус-сияр» ва «Хулосат ул ахбор» ва «Дастурул анвор» ва ўзга таснифлари ҳам бор» [9, 267-268]. «Ҳабиб ус-сияр»да ҳам, ўз навбатида, Бобурнинг ҳаёт йўли, ёш бўлишига қарамасдан, сиёсат домига тортилиши, юксак ижодий, ҳарбий ва ҳукмдорлик қобилиятига муносиб таърифлар келтирилган: Хусусан, унинг дунёга келишини гўзал ташбеҳлар билан тасвирлайди: «Салтанат ва донгдорлик тизимида нур сочувчи бир дур тизилди ва куёш ёғдули бир гавҳар халифалик ва мақсади ҳосиллик уфқидан порлаб чиқди. Балким соҳибқиронлик осмонидан бир офтоб бани башар аҳли ҳаёти юзи сари чараклаб бордиким, мамлакат олувчилик чўққилари сар кўтарилиувчилар умид кўзини ёруғлантирди ва бир мақсади ҳосил инсон йўқлик қаъридан вужуд бўстонсаройига қадам кўйдиким, лутфу карам соясини бани одам тойифаси боши узра ташлади» [8, 36]. Шоҳ ва шоирни асарнинг кўп ўринларида «Саодат насабли подшоҳ», «Сулаймон маконли Ҳазрат», «Заҳир ус-салтана ва дин» деб таърифлаган Хондамир Бобурнинг халқ ва Ватан олдидаги буюк хизматларини, ислоҳотлари, саховатпешалиги ва камтарлигини алоҳида қаламга олади. Шу боисдан ҳам, Бобур шахсияти ва ижодини ҳолисона баҳолашда уни ўз кўзи билан кўрган, бирга фаолият юритган Хондамирнинг «Ҳабиб ус сияр» асари алоҳида қийматга эга асардир.

Буюк салтанат, улкан адабий мерос ва ўрнат олишга арзирли ҳаёт йўлини қолдириб кетган улуғ аждодимиз биографиясини тўлиқ таҳлил қилиш, «Бобурнома» асарининг узилиб қолган қисмларини қайта тиклаш бўйича жуда қимматли маълумот берувчи ана шундай асарлардан бири – XVI аср муаррихи Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асаридир.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо (1499–1551 йилларда яшаб ўтган) аслида Бобурнинг қариндоши – холаваччасидир. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним ва Ҳайдар мирзонинг онаси Хўб Нигорхонимлар опа-сингиллар бўлиб, ўз даврининг машҳур ва мўғуллар орасидан чиққан энг маърифатли хонлардан бири – Юнусхоннинг қизлари бўлишган. Икки қариндош орасидаги фарқ 16 йил бўлиб, Бобур ота-онасидан эрта етим қолган Муҳаммад Ҳайдар мирзога фақат ака эмас, балки меҳрибон ота сифатида ғамхўрлик қилади, унинг таълим-тарбия олишига ҳомийлик ва айтиш мумкин бўлса, устозлик ҳам қилади. Бу ҳақида Ҳайдар Мирзо ўзининг «Тарихи Рашидий» асарида қуйидагича хотирлайди: «Мен Бобур Подшоҳнинг хизматида келганимда унинг бахт нурлари балкиб турган назари менга тушгани заҳоти чексиз раҳм-шафқат ва поёнсиз меҳр-муҳаббат туфайли инжулардек кўз ёшлари нурли кўзларидан ипга тизилган дурлардек тўкиларди...У мени раҳм-шафқат қучоғига олиб, оталик меҳри билан бағрига босди. У менга шундай меҳр-шафқат кўрсатиб, шунчалик илтифотлар қилдики, етимлик ғам-ғуссаси, дарбадарлик азоблари юрагимдан батамом ғойиб бўлди» [7, 343]. Бу парча Бобурнинг юксак инсоний қиёфасини намоён этиб туради. Муҳаммад Ҳайдар мирзо тўғрисида эса «Бобурнома»да қуйидаги фикрларни учратишимиз мумкин: «Ҳайдар мирзо...менинг мулозаматимда 3-4 йил бўлди. Хат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва зиҳир ҳар нимага илиги часпондур. Таъби назми ҳам бордур. Манга арзадошти келиб эди, иншоиси ҳам ёмон эмас». [9, 39]

Юқоридаги фикрлар Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг шахс сифатида шаклланишида Бобурнинг беқиёс ўрни бўлганини, унинг «Тарихи Рашидий» асари ёзилишида ҳам «Бобурнома»нинг таъсири бўлганлигини айтиш мумкин. Аммо бу икки асар орасида маълум тафовутлар ҳам мавжуд. Хусусан, Бобур ўз асарини туркий тилда, Ҳайдар Мирзо эса форс-тожик тилида битган. Қолаверса, «Бобурнома»да муаллиф асарнинг бошдан-оёқ барча қисмларида воқеаларга гувоҳ сифатида тўлиқ иштирок этса, «Тарихи Рашидий»да Ҳайдар мирзо ўзи ҳақида асарининг баъзи қисмларида сўз юритади. Шу билан бирга «Бобурнома»да қомусий, мемуарлик(эсдалик) ва тарихий жараёнларга бироз бўлсада шахсий ёндашув бўлса, «Тарихи Рашидий» эса тўлиқ тарихий асардир.

«Тарихи Рашидий» Заҳириддин Муҳаммад Бобур биографияси ҳақида маълумот берувчи ўз даврининг энг муҳим тарихий манбаларидан биридир. Бунинг асосий сабаби – «Бобурнома» нинг йўқолиб қолган ёхуд бизгача етиб келмаган қисмларида тушиб қолган 18 йиллик тарихий жараёнлар, шу йиллардаги Бобурнинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотларни биз айнан Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг китобидан топишимиз мумкин. Ушбу жиҳатдан бу асар шоҳ ва шоирнинг қизи Гулбадан Бегимнинг «Хумоюннома» асаридан ҳам анча устунлик қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Руспубликаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Андижон вилояти «Боғи Бобур» истироҳат масканида сўзлаган нутқидан. 05.06.2017.
2. Азимжонова С. ГФР Жаҳон Шарқшуносларининг 32-конгрессидаги нутқидан. – Гамбург, 1988.
3. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. –Т.: Ўқитувчи, 2001. – 204 б.
4. Аҳмедов Б. Хабиб ус-сияр – Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. –Т.: Фан. 1985. – С. 33-37.
5. Гулбаданбегим. Хумоюннома. – Т.: Маънавият, 1998. –3 б.
6. Маънавият юлдузлари. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, – 250 б.
7. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. –Т.: Шарқ, 2010. – 343 б.
8. Хондамир. Буюклик хислати. Т.: Шарқ, 2011, – 4 б.
9. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент: Шарқ, 2002. – 39 б.
10. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Xondamir>
11. <http://www.vostlit.info/haupt-Dateien/index-Dateien/H.phtml?id=2062>

Amonov Ulug'murod Sultonovich
Buxoro Davlat Pedagogika Institutini
dotsenti, f.f.f.d.(PhD)
Saparova Shahlo Ramazonovna
Buxoro davlat universiteti
tayanch doktoranti,
E-mail: saparova.shahlo@mail.ru

ELBEK – BOLALAR ADABIYOTINI O'QITISH METODIKASINING ASOSCHISI

Annotatsiya: Bu maqolada XX asrning boshlarida yashab ijod qilgan jadid adabiyotimizning yirik namoyondasi Elbekning hayoti hamda boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun yaratgan "Go'zal yozg'ichlar" o'qish kitobi haqida yoritilgan. Elbekning bu darsligida ko'plab ijodkorlar, jadid adabiyoti vakillarining eng sara asarlaridan namunalar keltirilgan bo'lib, maqolamizda ularning mundarijasi keltirib o'tilgan. Shuningdek, "Hunarsiz kishi o'limga yaqin" hikoyasining "Go'zal yozg'ichlar" o'qish darsligi va amaldagi boshlang'ich sinf ona tili va o'qish savodxonligi darsligi bilan hamohang ekanligini ko'ramiz.

Kalit so'zlar: Jadidchi Elbek, "Til" she'ri, "Go'zal yozg'ichlar" darsligi va mundarijasi, "Hunarsiz kishi o'limga yaqin" hikoyasi

Abstract: This article describes the life of Elbek, a major representative of our modern literature, who lived at the beginning of the 20th century, and created the reading book "Go'zal yozg'ichlar" (Beautiful writings) for primary school students. In this textbook, there are the best examples of works of many representatives of modern literature, and their content is cited in our article. We also can see that the story "Hunarsiz kishi o'limga yaqin" (An unskilled person is close to death) from the reading book the "Go'zal yozg'ichlar" (Beautiful writings) textbook is aligned with the current elementary mother tongue and reading textbook.

Key words: Jadidchi Elbek, poem "Til" (Language), textbook and contents of "Go'zal yozg'ichlar" (Beautiful writings), story "Hunarsiz kishi o'limga yaqin" (An unskilled person is close to death).

Аннотация: В данной статье рассказывается о жизни крупного представителя нашей современной литературы Эльбека, жившего в начале 20 века и создавшего книгу для чтения «Гё'зал ёзг'ичлар» («Прекрасные сочинения») для учащихся начальных классов. В этом учебнике собраны лучшие работы произведений многих представителей современной литературы, а их содержание приводится в нашей статье. Мы также можем видеть, что рассказ «Хунарсиз киши о'лимга якин» (Неумелый человек близок к смерти) из книги для чтения учебника «Го'зал йозг'ичлар» (Красивые писания) соответствует нынешнему начальному родному языку и чтению учебника.

Ключевые слова: Джадидчи Элбек, поэма "Til" (Язык), учебник и содержание "Go'zal yozg'ichlar" (Красивые сочинения), повесть "Hunarsiz kishi o'limga yaqin" (Неумелый человек близок к смерти).

Kirish: XX asrning boshlarida jadidlar yangi usuldagi maktablar ochib, shu maktablar uchun o'zlari darsliklar va o'quv qo'llanmalar yaratishgan. Jadid vakillaridan biri Elbek o'zining darsliklarini "Chig'atoy gurungi" dasturi asosida yozgan. "Bilim", "O'rnak", "Go'zal yozg'ichlar", "Imlo masalasi", "Yozuv yo'llari", "Boshlang'ich maktabda ona tili" kabi darslik va o'quv qo'llanmalari shular jumlasidandir. Shuningdek, ko'plab tadqiqotchilar tomonidan ham e'tirof etilayotgan, qatag'on bo'lishiga sabab qilib ko'rsatilgan ayblovlardan biri "Til" she'ri ham shu dasturga asoslangan va Cho'lpon she'riga javob tariqasida yozilgan.

Mungli qushim, sayrab-sayrab kel, anglat –
Kimlar erur turk tilini sotg'uvchi?
Bulbul kabi sayrab turg'on bu tilni

Uyalmayin bu o'lkadan otg'uvchi?!
 Boldan totli, jondan tunuk turkchani
 Tushunmayin xo'rlab-xo'rlab yotg'uvchi?!
 Ochunlarda boyligin ko'rsatmasdan
 Kimdir bunga: «Yordi, yoramas» degan?
 Munqli qushim, unlarni qo'y, sen sayra,
 Turk tilining dong'in chiqar ko'klarga!
 Qo'y ularni, ular yo'ldan ozsunlar,
 El ichida bo'sh-bo'g'ozlik sotsunlar [1, 25]

Asosiy qism: Elbek (asl ismi Mashriq Yunusov) 1898-yili Toshkent viloyati Bo'stonliq tumani go'zal Xumson qishlog'ida dunyoga kelgan. Ular oilada besh o'g'il va bir qiz bo'lgan. Eski maktabda savod chiqarish bilan bir qatorda Elbek dehqonchilik ishlarida otasi Yunus akaga yordam bergan, oilani boqishga ko'maklashish uchun 1911-yilda Toshkentga borib gazeta sotuvchisi, bosmaxonada yugurdak, odamlarning uylarida qarol bo'lib ishlagan. Shunga qaramay ilmga chanqoq, mehnatsevar yosh Mashriq Yunusov dastlab rus-tuzem, jadid maktabida hamda Munavvarqorining ikki yillik "Namuna" maktabida o'qiydi. So'ng jadid maktablarida o'qituvchilik bilan birga ijodiy faoliyatini ham olib borgan.

Elbek Shermuhamedovlar oilasi bilan ancha yaqin bo'lib, 1921-yilda bu oilaning kenja farzandi Muborak (1905-1978) bilan turmush qurib, bir nafar o'g'il farzand(ba'zi manbalarda nomi Ulug'bek deb ko'rsatilgan) ko'rishgan.

Elbek o'zbek bolalar adabiyotining yaratuvchisi, yirik pedagog, shoir, yozuvchi, tilshunos olim, folklorshunos bo'lib, bir necha asarlari tarjimoni hamdir.

Elbekning ijodi tarixshunos olim Haydarali Uzoqov ("Momaguldurak", "Tanlangan asarlar"), Nurmuhammad Qobulov ("Elbek"), Ulug'murod Amonov ("Armug'on yolqinlar", "O'zbek folklorshunosligi xrestomatiyasi"), Ulug'bek Dolimov ("Elbek ijodining chet ellarda o'rganilishi"), Ahmad Aliyev ("Elbek va davr adabiy jarayoni"), Salohiddin Mamajonov, Sherali Turdiyev, Rahmatilla Inog'omov, Tohir Qahhor, Salimxon Tillaxonov, Siddiq Asqarov, Abul Bozorov, G'afurjon Mahmudov, Jo'ra Xudoyberdiyev, Hilola Zoirova, Gulchehra Aliyeva, Ibrohim Rahim, Ashurali Zohiriy(olim), Abdulaziz Ahmedov kabi bir necha yosh tadqiqotchilar tomonidan u yoki bu darajada o'rganilgan.

Elbek ijodining katta qismi bolalar uchun yozilgan quvnoq she'rnlardan, masallardan va boshlang'ich maktablarning o'quvchilari uchun yozilgan darsliklardan tashkil topgan. Elbek boshlang'ich sinflarda o'qishni o'qitish metodikasi bo'yicha "Bilim", "O'rnak", "Go'zal yozg'ichlar" kabi darsliklar yaratgan.

Elbek «Go'zal yozg'ichlar» to'plamini 1925-yilda nashr ettirib, uning muqovasiga "Boshlang'ich maktablarning 4nchi bo'limlari uchun tuzilgan o'qish kitobidir" deb yozilgan. Unda o'quvchining yoshi, bilim darajasini, dunyoqarashini hisobga olgan. Cho'lponning "Oydin kechalarda" hikoyasi bu to'plamda ikkinchi bor nashr etilgan va Elbek tomonidan ba'zi so'zlarga o'zgartirishlar kiritilgan. Masalan "hamma" o'rnida "barcha", "qalbini" so'zlari o'rnida "yuragini" kabi.

"Go'zal yozg'ichlar" darsligining 1925-yil nashr qilingan arab yozuvidagi shakli Elbekning quyidagi so'zlari bilan boshlangan:

"Go'zal yozg'ichlar" otli bu asarning bosilib maydong'a chiqq'aniga hali ko'p vaqt o'tmadi yolg'iz ikki oy vaqt o'tdi. Ikkigina oy orasida, olti ming nusxa bosilg'on bir kitobning tarqab tugalishi, chindanda sevinarlik bir ish!

Biz bu kitobning ko'p tarqalishin ko'rар ekan, elimizning kitobga bergan ahamiyat va e'tiborlarini ko'z oldig'a keltirib sevinmasdan o'ta olmadiq. Chindanda sevinarlik bir ish.

Bu kungi, elimizda boshlang'on ilmga ko'ngil qo'yish va qiziqish kelgusida bir kitobning ikkinchi bosilishin emas, balki o'nlab va elliklab bosilishig'a yo'l ochadi.

Bu yog'dan biz juda quvong'an va tinchig'anmiz".

Elbek "Go'zal yozg'ichlar" o'qish kitobida Cho'lpon, Fitrat, Abdulla Avloniy va boshqalarning sara asarlaridan namunalar keltirgan. Shuningdek, o'zining "Qo'zg'al",

“Kuchsizlar dunyosi”, “Alanga”, “Ko`klam chog`ida yaproqlar”, “Erk qizig`a”, “Ot ila odam”, “Mozor”, hamda turmush o`rtog`i Muborak Yunusovning “Tuyg`unoy” nomli asarlari berilgan. Quyida kitobning to`liq mundarijasi berilgan:

O`zbek qizi (Botu).....	1
Bahorning kelishi (Kultegin)	2
O`gut (Fitrat).....	3
Ulug` bayram (Choy).....	4
O`zbek qizi (Cho`lpon).....	5
Turmush ko`rinishlari (Mirmulla).....	6
Baynalmillal ashulasi	7
Hunarsiz kishi o`limga yaqin (A.Avloniy).....	8
Martsiya (Botu).....	9
Maqtanchoq kishi (G`ulom Zafariy).....	10
Qo`zg`al (Tuzguchidan).....	25
Oydin kechalar (Cho`lpon).....	26
Yetar endi (Botu).....	30
Omonat (O`zgartguchi Mahmud Suboy)	31
Kuchsizlar dunyosi (Tuzguchidan)	35
Temirchilar (V.Mahmud)	37
Alanga (Tuzguchidan).....	38
Kamunizm chechaklar (Mirmullo)	39
Tinch ish (Julqunboy)	45
Shifoli suv (Abuvaraja)	52
Ko`klam chog`ida yaproqlar (Tuzguchidan).....	54
Vulqon (Muhsin).....	55
Erk qizig`a (Tuzguchidan).....	56
Qo`sh qo`shig`i (ruschadan. Ikki o`rtoq).....	57
Paranji (Botu).....	60
O`qug`uchi tovushi (Shokir Sulaymon).....	63
Qor qo`ynida lola (Cho`lpon).....	63
Ot ila odam (Tuzguchidan).....	71
Binafsha (Ruschadan).....	74
Ey qo`biz (Tikan).....	78
Jinlar bazmi (Julqunboy).....	81
Mozor(Tuzguchidan).....	85
Tuyg`unoy(Muborak Yunusova).....	87
Men va boshqalar (Cho`lpon).....	89
Uloqda (A.Qodiriy)	90
Fol ko`rguchi chol (Devayifdan)	99
Baxtsiz erkinoy (Murattab: Kavkab).....	105

1-rasm

Ayniqsa, kitobdagi Abdulla Avloniyning “Hunarsiz kishi o`limga yaqin” hikoyasi oradan 1 asr o`tib 2020-yil nashr etilgan A.Shojalilov, S.Matchonov va boshqalar boshchiligidagi 4-sinf o`qish kitobida “Hunarsiz kishi o`limga yaqin” ertagi, 2-sinf ona tili va o`qish savodxonligi darsligida “Hunarning foydasi” rivoyati nomi bilan berilgan hamda “Hunarmand shahzoda” o`zbek multifilmi ishlangan. Bu hikoya o`quvchini mehnatsevarlikka, kasb-hunar egasi bo`lishlikka undaydi. Albatta, ota-bobolarimizning bir yigitga qirq hunar ozlik qiladi deganlaridek, shoh bo`lishiga qaramay, gilamdo`zning qizi yigitning hunarsizligi sabab rad javobini beradi.

Shundan so'ng, asardagi e'tiborimizni tortgan tomoni shundaki, hattoki podshoh jahll qilib turgan vaqtida ham o'zini o'qitgan ustoz bilan shu ishning maslahatini qiladi. Oddiy gilamchi qizga yetishish uchun shahzoda gilam to'qishni o'rganib ham sevgilisiga erishadi, ham joni omon qoladi. Asarning bosh qahramonlaridagi ustozga bo'lgan hurmat-e'tibor, rostgo'ylik, mardlik, vatanparvarlik va aql-farosat o'quvchilarga ijokorlardan meros bo'lib o'tadi.

Shuningdek, Ortiqboy Abdullayev, "O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan madaniyat xodimi", Filologiya fanlari nomzodi hamda O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi, Elbek nomidagi maktab va bog' uchun chin yurakdan kurashgan insondir. U kishining quyidagi so'zlari ham ahamiyatlidir.

"1921-yillardan boshlab Elbek pedagogika bilim yurtlarida rahbar lavozimlardan biri sifatida ishlab O'zbekistonda maktab maoriflarining rivojlanishi uchun katta hissa qo'shgan. Uning "Sovg'a" degan bolalar uchun, boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun tuzgan darsligi o'n yillab, o'n martalab qayta-qayta nashr qilingan. Mashhur yozuvchimiz Pirmiqul Qodirov "men maktabga borganimda birinchi o'qigan kitobim Elbekning "Sovg'a" kitobi, u odam g'oyaviy ustozlarimdan biri", – deb menga bir necha marta aytib, juda xursand bo'lib yurardi" [5, 31].

Natijalar va muhokama: Turkiyada Elbekni ikkinchi Cho'lpon sifatida tanishadi. Chunki, Elbek boshqa jadidlar qatori serqirra ijod sohibidir. Bugungi kunda biz foydalanayotgan boshlang'ich sinf darsliklarimizning poydevorini Elbek va boshqa jadid ajdodlarimiz qo'yishgan. Yuqorida ta'kidlab o'tilgan "Go'zal yozg'ichlar" o'qish kitobining ichida chindan ham eng sara, go'zal namunalar keltirib o'tilgan. Har bir hikoya, she'rlarni o'qiydigan istalgan zamonning boshlang'ich sinf va boshqa o'quvchilari darslikda keltirilgan asar mualliflari va qahramonlari singari yuksak didli, ma'naviyatli, mehnatsevar va vatanparvar bo'lib yetishadi.

Xulosa: Elbek (Mashriq Yunusov) 40 yillik umrining yarmini ijodkorlikka bag'ishladi. U Ivan Andreyevich Krilovning "Fil va laycha", "Ko'zgu va maymun" kabi masallarini, Aleksandr Sergeyeovich Pushkinning "Baliqchi haqida ertak", "Oltin xo'roz haqida ertak" singari adabiy ertaklarini, Nikolay Alekseevich Nekrasovning "Unutilgan qishloq", "Bolalar yig'isi", "Rusiyada kimlar yaxshi yashaydilar" nomli she'rlarini tarjima qildi. Afsuski turli bo'htonlar bilan qatag'onga uchragan Elbek 1938-yilda (ba'zi manbalarda 1939-yil) Magadanda og'ir xastalikdan vafot etadi. Bugungi kunda uning haykali Toshkent viloyati Bo'stonliq tumanining markazi G'azalkentda qad ko'tarib turibdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Amonov U.S. "Elbek. Armug'on yolqinlar". Toshkent. "Turon zamin ziyo" 2017. 55-bet.
2. Amonov Ulugmurod Sulstonovich. "Noviye grani tvorcheskogo naslediya Elbeka". "Til va adabiyot ta'limi" jurnali. 2020-yil. 4-son. 62-63-betlar.
3. Amonov U. S. O'qish darslarida maqol janridan foydalanish usullari va ahamiyati: DOI: 10.53885/edinres. 2021.53. 34.124 US
4. H.Uzoqov. "Istiqlol yo'lida uzilgan navo". Kitobda: Elbek. Momaguldirak. Toshkent: "Cho'lpon", 1993-yil, 132-140-b. Yana: H.Uzoqov. Erk yo'lida erksiz ketgan fidoiy. Kitobda: Elbek Tanlangan asarlar. Toshkent: "Sharq", 1999. 2-20-betlar.
5. Saparova Sh.R. "Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun Elbekning yaratgan darsliklari". Ta'lim va innovatsion tadqiqotlar. aprel., 2023
6. Saparova Sh.R. "Elbekning boshlang'ich sinf darsliklarini yaratishdagi xizmatlari (ona tili va o'qish darsliklariga oid materiallari asosida) BuxDU. 5A111701-Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich ta'lim) mutaxassisligi bo'yicha magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya (Ilmiy rahbar: f.f.f.d. (PhD), dotsent, Amonov U.S.) Buxoro – 2022.
7. U.S.Amonov, Sh.R.Saparova. The mother tongue textbook of the primary school in Elbek's interpretation. ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal. Vol.11, Issue 6, June 2021. Impact factor: SJIF 2021=7,492. p-403. <https://saarj.com>

8. U.S.Amonov, Sh.R.Saparova. “FILOLOG OLIM, MUALLIM, BOLALAR SHOIRI ELBEK” Boshlang’ich va maktabgacha ta’lim sifati va samaradorligini oshirish muammolari: innovatsiya, raqamli texnologiyalar va xalqaro tajribalar» xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari. 2022-yil 13-14-may. 363-bet. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6568979>
9. Xudoyberdiyev J. “Tahrirchi Cho’lponmi yoki Elbek?” Milliy tiklanish. 1996.12-mart.
10. Shahlo Saparova. “The classification of Elbek poems in 5 directions”. “Pedagogik mahorat” jurnali. 2021-yil, dekabr. 175-177-betlar.ped_mahorat@umail.uz
11. Sh.R.Saparova. “Ham ijodkor, ham murabbiy”. “Tafakkur va talqin” Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy anjuman to’plami. Buxoro-2021. 1593-1597-betlar.

Sharipova Raxima Muxtorovna
 NavDPI O`zbek tili va adabiyoti kafedrası
 katta o`qituvchisi f.f.f.d (PhD)
sharipovaraxima801@gmail.com

YANGI O`ZBEK SHE'RIYATIDA QOR TASVIRINING BERILISHI

Annotatsiya: Dunyo adabiyotshunosligida tabiat ramzlarining istoraviy, semantik ma'nolari, inson ruhiyati, tuyg'u-kechinmalari ifodachisi sifatida ifodalagan umumbashariy va milliy jihatlari, peyzaj lirikasining bir muhim qismi ekanligini aniqlash, ularning yil fasllari bilan bog'liq tomonlarini tekshirish kabi masalalar bo'yicha muayyan izlanishlar olib borilmoqda. Shu ma'noda lirikada katta o'ringa ega bo'lgan tabiat ramzlari tasviridagi o'ziga xosliklar, kelib chiqish asoslari, timsoliy ma'nolari, ular bilan yonma-yon keladigan lirik obrazlar mohiyatini ilmiy-nazariy jihatdan o'rganishga alohida diqqat qaratilmoqda. Zamonaviy o'zbek she'riyatida shamol, yomg'ir, qor, bulut singari tabiat ramzlari talqini alohida o'rin tutadi. Bu timsollar inson ruhiyati, his kechinmalarini ochib berishning obrazli vositasidir. Maqolada yangi o'zbek she'riyatidagi shamol, yomg'ir, bulut kabilarning timsoliy-ramziy ma'nolari bahor, kuz, qish fasllari talqini bilan uyg'unlikda ochib berilgan.

Kalit so'zlar. Motiv obraz, shamol, bulut, yomg'ir, tashxis, lirik qahramon, ramz, ruhiyat.

Аннотация: В мировом литературоведении ведутся определенные исследования по таким вопросам, как определение метафорических, смысловых значений символов природы, их выразителей общечеловеческих и национальных аспектов человеческой психики, чувств и переживаний, как важной части пейзажной лирики, исследование их граней, связанных с временами года. В этом смысле особое внимание уделяется научно-теоретическому изучению своеобразия в изображении символов природы, основ их происхождения, образных значений, сопутствующих им лирических образов, которым отводится большое место в лирике. В современной узбекской поэзии особое место занимает интерпретация природных символов, таких как ветер, дождь, снег, облака. Эти эмблемы являются образным средством раскрытия человеческой психики, чувств. Статья раскрывает символические значения ветра, дождя, облаков и т.д. В работе современной узбекской раскрыты гармонии с интерпретацией весны, осени и зимы.

Ключевые слова. Мотив изображения, ветер, облако, дождь, диагностика, лирический герой, символ, психика.

Abstract: In modern poetry, it is revealed that the image of the wind expresses the mood of the lyrical hero who yearns for spring, the beginning of a new day, the transience and brevity of human life, the message of happiness, and the bond that connects yesterday and today. In modern Uzbek poetry, interpretation of natural symbols such as wind, rain, snow, clouds occupies a special place. These emblems are a figurative means of revealing the human psyche, feelings. The article reveals the symbolic meanings of wind, rain, clouds, etc. In the work of in modern poetry, harmonies with the interpretation of spring, autumn and winter are revealed.

Keywords: image motive, wind, cloud, rain, diagnostics, lyrical hero, symbol, psyche.

KIRISH: Ushbu tadqiqotning maqsadi har bir xalq yoki elatning turish-turmushi, urf-odat, dunyoqarashi o'ziga xos, ular uzoq davrlar mobaynida shakllangan. Bu narsa hatto rangga bo'lgan munosabatda ham namoyon bo'ladi. O'rta Osiyoda xususan, o'zbeklarda yorqin ranglarga ijobiy ma'no yuklanadi. Shular jumlasidan, oq rangga ham. Oq rang – ezgulik, soflik, ma'sumlik, pokizalik belgisi sanaladi.

Tadqiqotning ilmiy yangiligi shundaki, qor lirik qahramonning mahzun kayfiyatini, hayotsevarlik ruhini, lirik qahramon tuyg'u-kechinmalarini ifodalab keladi.

Qor peyzaj tasviri sifatida lirik qahramonning ko'tarinki kayfiyatini aks ettiradi, rizq-ro'z manbai, o'tib borayotgan umr ramzi bo'lib kelgan, tog' cho'qqisidagi erib tushayotgan qorlar bahorning tashrifini ifodalaydi, lirik qahramon go'zallikni tuyadi, muhabbatdan ozorlangan ko'ngilning erimagan qorga qiyos etiladi

Muhokama va tahlil. Adabiyotda tabiat va u bilan bog'liq tushunchalarning berilishi bu har qanday asarning yuragi hisoblanadi. Inson tabiatning tarkibiy qismi va farzandi sifatida vujudga kelgan va rivojlangan. Insoniyat o'z his tuyg'ularini, kechinmalarini ta'sirliroq ifodalash maqsadida she'riyatdan foydalangan. Turli ramzlar, obrazlar, timsollarni keltirish ularni yanada o'qimishli bo'lishiga yordam bergan. Zamonaviy she'riyatda tabiat hodisalari tasvirida qorning berilishi she'rga o'zgacha jilo baxsh etadi. Qor tabiatning eng go'zal ijod namunalaridan biridir. Bunday nafis shaklni yasash o'ta mashaqqatli ish. Masalan, qor yoqqanda millionlab bunday uchqunlar yerga tushadi, ammo ular orasidan ikkita bir xil uchqunni topishni imkoni yo'q.

Boshimdan **qor** erimadi, onajon!

Kuyma, senga quyosh beraman, bolam!

Ko'zimdan yosh arimadi, onajon!

Sen chidaysan, barodosh beraman, bolam! [1,54]

Shoiraning muvaffaqiyatli misralarida ifodalangan qor ramziydir. Shoira "boshimdagi qor" iborasi orqali hayot tashvishlarini, sovuqlik va yolg'izlikni ramzlantirgan. Qor nega sovuq? Qor qanday paydo bo'ladi?

Qor muzlagan suvdan boshqa narsa emas. Uning sovuqligi ham shundan. Qor donalari muzning kichik kristallchalaridan tarkib topgan va yorug'lik uning behisob qirralaridan qaytgani uchun ham qor donalari shaffof emas, oq bo'lib ko'rinadi. Qor parchalari olti qirrali bo'lib, tabiatda ikkita bir xil qor donasini topish qiyin. Qor hamisha ham oq rangda bo'lavermaydi. Dunyoning ko'pgina mintaqalarida qizil, yashil, zangori va hatto qora qorlar ham yog'ib turadi. Uning bunday turfa rangda bo'lishi sababi shundaki, qor donalari yerga tushayotganda, havoda mavjud mayda bakteriyalar, zamburug'lar va changni yutadi.

Adabiyotda "qora qor" ramziy iborasining uchrashi ham shundan. Unda salbiy bo'yoqdorlik kuchli bo'lib, odatda, juda tushkun vaziyatda ishlatiladi.

Oy suzadi. Muzlagan kecha.

Qor ufurar.

Tumanlarda bir yulduz muncha

G'amgin turar. [5,84]

Shoirilar, asosan, qor tasvirini berishda muzlagan, sovuqlik, qahraton kabi so'zlar bilan birgalikda tasvirilaydilar. Bunda ham she'rning jilodorligi oshadi, ham qahramonning ruhiy holati to'laligicha ochib beriladi. She'rda o'ying harakatini suzishga, tunni esa sovuqlikka monandlikda tasvirlangan. Shoirning "qor ufurar" deya ta'kidi ham she'rni go'zalligini yana bir bor oshirgan. Ya'ni ko'chada yog'ayotgan qor dimoqqa uriladi, demoqchi shoir. Shuningdek, tumanni adabiyotda ifodalanishining turli qirralari mavjud. Tuman tushgan paytda hech qayerni ko'rishni imkoni bo'lmaydi. Lekin shunday vaziyatda ham shoir g'amgin yulduzni ko'rmoqda.

Aylanib tushar **qor** yo'limga,

Qo'lingni qo'ygil yor, qo'limga. [5,90.]

Yuqoridagi misralarda yor-qor so'zlari bir-biriga mos tarzda mahorat bilan tanlangan. Qor qish faslida yog'adi. Qish esa odatda, ayriliq ma'nosini ifodalaydi. Lirik qahramon ayriliqning sovuq nafasi kelmasdan turib, yorining qo'llariga talpinmoqda.

Shamol uvillaydi,

Qor, bo'ron toshib,

Tepalik to'shiga o'zni uradi.

U yerda tuproqqa bag'rini bosib

Tanho bir sag'ana ma'yus turadi.[3,68]

Har bir tabiat hodisasining o'z xarakter xususiyati mavjud. Masalan, shamolda ovoz chiqarish xususiyati bo'lganligi uchun unga nisbatan "uvillamoq" so'zi ishlatiladi. Bo'ron ko'p

talofat yetkazishi uchun “toshmoq” soʻzlari qoʻllanadi. Sheʼrda qor va boʻronning toshib, hamma yoqni boshiga koʻtarishiga qaramasdan qabriston va undagi sagʻanalar jim, sukunatda.

Yoʻq, koʻrilmaymiz, xayr endi,
Ortiq koʻrilmaymiz yuzma-yuz.
Sahrolarda sevgimiz qoldi,
Qor ostida qoldi sevgimiz.
Qor ostida qoldi sevgimiz,
Shoʻrlik sevgi topmadi omon.
Yakka-yakka boʻldi ismimiz,
Har xil yoʻldan ketdik har tomon.[5,78.]

Rauf Parfi ijodi rang-barang ramzlarga, timsollarga burkangan. Shoirning mahorat shundaki, u aynan kerakli soʻzni ishlatmasdan turib ham kitobxonni oʻz yoʻnalishiga boshlay oladi. Yuqoridagi misralardan ayonki, shoir ayriliq va qorni sinonim tarzda qoʻyadi. Teranlik bilan nazar solinsa har ikkalasida ham oʻxshashliklar mavjud. Jumladan, sovuqlik, yolgʻizlik singari. Qor uyumi ostida qolgan nihol unmagani kabi ayrilgan sevgining yana qayta birlashishi ancha dushvor.

Eslaysanmi izgʻirin kecha,
Darchaga **qor urar** besabr.
Yiroq oʻylar edi ketgancha,
Yiroq oʻylar edi bir ogʻir.
Yiroq oʻylar edi bir ogʻir,
Qargʻar edi balki sukunat.
Erimagan qor kabi bagʻir,
Buni hozir angladik faqat.[5.64.]

Qorning foydali jihatlari ham mavjud. Masalan, nabotot olami uchun. Adabiyotda esa ayniqsa, sheʼriyatda u tushkunlik, sovuqqonlik ramzini aks ettiradi. Bu xususiyatlar uning tabiatidan kelib chiqqan holda olingan. Ushbu sheʼrda Rauf Parfi koʻngilni erimagan qorga qiyos etadi. Qor yoqqanidan soʻng bir muddat oʻtib erib ketadi, lirik qahramonning koʻnglidagi ogʻriqlar esa hali erib ketmagan, qalbidagi ozorlar erimaganini esa endigina anglamoqda.

Pagʻa-pagʻa **oppoq qor** yogʻar,
Bogʻlar kiymish ilohiy libos.
Yuragimni bir otash dogʻlar,
Quyosh tutib kelayotir yoz.[5,98.]

Sheʼrda qorning tabiiy jarayoni yaʼni pagʻa-pagʻa boʻlib yogʻishi aytilmoqda. Bunda shoir qorni ilohiylashtirgan. Buning sababi uning oq rangida. Birinchi misrada ham “oppoq qor” taʼkidi keyingi misra uchun zamin hozirlagan.

Har bir xalq yoki elatning turish-turmushi, urf-odati, dunyoqarashi oʻziga xos, ular uzoq davrlar mobaynida shakllangan. Bu narsa hatto rangga boʻlgan munosabatda ham namoyon boʻladi. Oʻrta Osiyoda xususan, biz – oʻzbeklarda yorqin ranglarga ijobiy maʼno yuklanadi. Shular jumlasidan, oq rangga ham. Oq rang – ezgulik, soflik, maʼsumlik, pokizalik belgisi sanaladi. Masalan, oʻtmishda asir tushgan yoki yengilgan qoʻshin oq bayroq koʻtarishgan. Rauf Parfi ham shunga ishora qilib, oppoq qor yogʻgan bogʻ ilohiy bir joziba baxsh etib turganligini taʼkidlamogda.

Har bir tabiat hodisasining ijobiy va salbiylik xususiyatlari mavjud va bu xususiyatlar ularning qirralarida yotadi. Ushbu qirralarni kashf qilib yangicha iboralar, tashbehtar yaratgan shoirlarning sheʼrlarigina oʻz yashovchanligini yoʻqotmay, hamisha sevib mutolaa qilinadi. Xulosa qilib aytganda, Yangi oʻzbek sheʼriyat milliy istiqlol bergan ijod erkinligidan foydalanib, mavzular qamrovini yanada kengaytirib borayotgan, turli timsollar, ramzlar vositasida kitobxonlar ruhiyati va shuuriga yoʻl ochayotgan sheʼriyatdir.

Adabiyotlar :

1. Guljamol Asqarova “Onam bilan koʻzim suhbatlari”
2. Рауф Парфи. Сўнги видо. – Т.: Ўзб. Миллий кутубхонаси, 2006.

3. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
4. Жўраев А. Онажон. – Т.: Ўзбекистон, 2013.
5. Rauf Parfi. Sakina (she'rlar). – Т.: Muharrir, 2013. – 376 b.
6. Qo'shjonov M., Meli Suvon. Abdulla Oripov. – Т.: Ma'naviyat, 2000. – 136 b.
7. Qayumov A. She'riyat jilolari. –Toshkent: O'qituvchi, 1996 – 128 b.
8. Davronova M. Hozirgi o'zbek she'riyatida individual uslub poetikasi. (U.Azim, I.Mirzo, Faxriyor va A.Qutbiddin she'riyati misolida). Filol .fan. dok. diss. avtoref. – Samarqand, 2019. – 66 b.

Azimova Muhabbat Samadovna
BuxDU izlanuvchisi,
Buxoro shahridagi Prezident maktabi o'qituvchisi
E-mail: muhabbatsamadovna@gmail.com

SADRIDDIN SALIM BUXORIY SHE'RIYATIDA BADIY SAN'ATLAR

Annotatsiya: Badiiy san'atlarning qo'llanish o'rni, she'riy asar badiyatini oshirishdagi ahamiyati shoirlar uslubining o'ziga xosligini aniqlashda muhim o'rin tutadi. Badiiy san'atlar mumtoz she'riyatda yoki bugungi she'riyatda faol qo'llanayotganiga ko'ra ham alohidalik kasb eta oladi. Maqolada mumtoz she'riyatda qo'llangan, bugungi she'riyat misolida kam tadqiq qilingan badiiy san'atlar shoir Sadridin Salim Buxoriy she'rlari asosida tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: she'riyat, badiiy san'at, chor dar chor, murabba', mazhabi kalmiy, tashbeh, jonlantirish va intoq, ariz, anafora, izdivoj, ishtiyoq.

Аннотация: Место использования художественных элементов, их значение в повышении художественного качества поэтического произведения играет важную роль в определении своеобразия стиля поэтов. Изобразительное искусство можно отличить по тому, активно ли оно используется в классической поэзии или в современной поэзии. В статье на примере стихов поэта Садриддина Салима Бухари исследуются художественные приемы, используемые в классической поэзии, малоизученные на примере современной поэзии.

Ключевые слова: поэзия, художественные приёмы, чор дар чор, мурабба', мадхаби калами, ташбех, ревитализация и инток, ариз, анафора, издиводж, иштикак.

Abstract: The place where artistic elements are used, their importance in enhancing the artistic quality of a poetic work plays an important role in determining the originality of the style of poets. Literature can be distinguished by whether it is actively used in classical poetry or in contemporary poetry. In the article, on the example of the poems of the poet Sadridin Salim Bukhari, the artistic techniques used in classical poetry are studied, little studied on the example of modern poetry.

Key words: poetry, artistic techniques, chor dar chor, murabba', madhabi kalami, tashbeh, revitalization and intok, ariz, anaphora, izdivoj, ishtikak.

Kirish. She'riyat shoirning betakror tasavvuri, tafakkuri, ko'plar ko'rmagan manzaralarni ko'rib, so'zlar yordamida ifoda etishi, ruhiyatida qaynab turgan ohanglardan satrlar tizishi orqali yuzaga keladi. Shoirning mahorati badiiy san'atlarni o'z o'rnida qo'llash orqali shakl va mazmuni boyitishida ham ko'rinadi. Aslida shoir badiiy san'at qo'llay deb xayol qilmaydi. U tasavvuri va tafakkuri hosilasi bo'lgan, ruhiyati ishtirokida yuzaga kelgan she'rni she'rxoniga taqdim qiladi. Ilm yoki ta'lim jarayonida shoirning mahorati sifatida badiiy san'atlar kashf etiladi. Tug'ma iste'dod sohibi Sadridin Salim Buxoriy she'riyati badiiy jihatdan pishiq ekani bilan e'tirofga munosib.

Kim seni yor etdi, yor bo'ldi oqibat,
 Kim seni zor etdi, zor bo'ldi oqibat.
 Ey Buxoro! Bu ne hikmatdur, ajab,
 Kim seni xor etdi, xor bo'ldi oqibat! [4, 23]

Asosiy qism. Shoirning mahorati sabab yuqoridagi satrlarda bir vaqtning o'zida bir necha san'at qo'llangan: anafora, nido, chor dar chor. Dastlabki ikki san'at ko'pchilikka ma'lum bo'lgani sabab faqat chor dar chor san'atini izohlashni lozim topdik. 6+6 tarzida turoqlanib kelgan she'rda ritm misrani teng tarzda ikkiga bo'lgan, natijada dastlabki ikki misra teng to'rt qismga bo'lingan. Bu badiiy san'at dastlab mumtoz she'riyatimizda uchragan. "Chor dar chor (to'rtga to'rt) – she'riyat tarixida kam uchraydigan san'at. ...G'azal yoki qasida baytlaridagi har ikki misra bir xil

vazndagi to'rt qismdan iborat bo'ladi, (to'rtga to'rt) [3, 258-259]. Olimning aytishicha, bu istiloh faqat Zayniddin Vosifiyning "Badoye' ul-vaqoye'" asarida tilga olinar ekan, bu san'atni yaratish naqadar murakkab ekanligi ta'kidlangan.

Natijalar va muhokama. Mumtoz adabiyotshunos olim Y.Is'hoqov Qoriy Qunduziyning murabba'sida chor dar chor qo'llangan deb hisoblaydi:

Ul yori jonim ham xonumonim,

– – V/ – – / – – V/ – –

Ul mehribonim, kelsa bu kecha.

– – V/ – – / – – V/ – –

G'amni bayonin sharhi ayonin

So'rsam – o'ldirur, so'rmasam – o'lam...

Urinishlarimiz natijasida yuqoridagi satrlarning vaznini arizi musaddasi axrabi aslam deb bildik. Ma'lumki, ikki ruknli bahrlar hazrat Navoiy fikricha, sakkizta. Bobur hazratlari amiq va arizni qo'shganlarini inobatga olsak, ikki ruknli bahrlarning o'nta ekaniga guvoh bo'lamiz. Aruzshunos olim A.Hojjahmedov fikricha, ariz bahri mafo'iylun va fa'uvlun ruknining ketma-ket takroridan yuzaga keladi. Olim "Muxtasar"da arizi musammani solimga misol keltirilganini aytib, misolni havola qiladi [2, 8-9]. Qoriy Qunduziyning murabba'sida mafo'iylun aslining axrab, fa'uvlun aslining aslam noasli ketma-ket ikki bor kelgan. Natijada bayt vazniga ko'ra teng to'rtga bo'lingan. Bizningcha, bu san'at faqat vaznga emas, balki qofiyalanishga ham bog'liq. Unda ritm misrani teng ikkiga bo'lgan, qofiya yordamida bir xil tenglikdagi go'zal ohangdorlik yuzaga kelgan. Ushbu san'at barmoq she'riy tizimidagi she'rlarda ham uchrashi mumkinligini Sadridin Salim Buxoriy ijodidan keltirilgan misollar dalillay oladi:

Ilohiy dargoh – ostonasi yo'q,

Alloh lomakon – koshonasi yo'q.

Mehr-u muhabbat ilohiy ne'mat,

Mehr-u muhabbat korxonasi yo'q. [5, 112]

Bunda misralarning har biri bir xilda 4ta so'zdan iborat. Buni hozirgi o'zbek she'riyatida chor dar chorning o'ziga xos ko'rinishi desak bo'ladi, ya'ni nafaqat vazn 4 qismdan iborat, balki har bir satrda so'z 4ta.

Vo ajabki, men bilan birga

Maysa kelmish, atirgul kelmish.

Gilam kabi to'shalib qirga,

Zerikma, deb chekibdi tashvish. [5, 73]

Sadridin Salim Buxoriyning yana bir she'ri besh bandli bo'lib, to'rt bandi "Vo ajabki" kirish so'zi bilan boshlangan. Bu kirish so'zi beshinchi bandning ikkinchi satrida kelgan. Ularning barchasi mazhabi kalomiy bo'la olmaydi, albatta. Mazhabi kalomiy ma'naviy san'atlardan biri bo'lib, "o'z matlabining isboti uchun latofat bilan dalil keltirishdan iborat. Dalil aniq bo'lmog'i, shuningdek, faraziy bo'lishi ham mumkin. G'azalda mazhabi kalomiy, ko'pincha, bir bayt doirasida qo'llanadi. Dalil keltirish uchun turli ko'makchi so'z va bog'lovchilar (nedinki, ne uchunkim, chunkim, ne tong, g'arib emas, ne ajab, ajab ermas, kimki va h.) vositasida amalga oshiriladi" [3, 69]. Shoir musofirlikda yurgan lirik qahramonning holatiga u bilan maysa va atirgul borganini dalil qilib keltiradi. Ammo dalil baytda emas, bandda keltirilgan. Mazhabi kalomiy bilan bir qatorda o'xshatish, jonlantirish va intoq ham qo'llangan. "Maysa va atirgulning qirga gilam kabi to'shalishi" tashbehni, tashvish chekishi jonlantirishni, "Zerikma", – deb aytishi intoqni hosil qilgan. Quyidagi satrlarda ham mazhabi kalomiy bor:

Tikan gullaganda sam-sariq sahro –

O'zni bog' deb gumon etsa, ne ajab!

Tog'ning cho'qqisiga chiqqan har tariq

O'zni tog' deb gumon etsa, ne ajab?! [5, 118]

Bu san'atga Atoullah Husayniy shunday ta'rif beradi: "Mazhab-i kalomiy kalomda o'z matlubining isboti uchun kalom ilmi ahli uslubi bila dalil keltirmaktin iboratur. Ul uslub andog'durkim, dalil haqiqiy bo'lmog'i kerak, e'tiboriy emas, ya'ni so'zlaguvchi e'tiqod bila

xaqiqatga dalil deb ishong'ay, dalil ermas deb bilmagay va ani latiflik bila dalil qilg'ay, dalil ham aniq bo'lmog'i keraktur" [1, 137]. Shoir ilmiy asosga ega darajadagi dalilni keltiradi, ya'ni eng kichik narsa tog' yuksakligida tursa, o'zini juda qudratli his qilishi tabiiy. Demak ulug'lik bilan yonma-yon turganda zarra ham o'zida quvvat his qiladi. Mahoratni ko'ringki, satrlardan she'rxon kuch olishi ham mumkin, ayni damda, kibrni kinoya orqali tanqid qilish ma'nosini anglashi ham o'rinli.

Sadriddin Salim Buxoriy she'riyatidagi o'ziga xosliklardan biri shuki, hikmat, o'git misralar mag'zi-mag'ziga singib ketgan. Natijada qator she'rlarida, ayniqsa, to'rtliklarida kalomi jomi san'ati yuzaga kelgan:

Illat izlaganga illatdur dunyo,
G'urbat izlaganga g'urbatdur dunyo,
Kim neni izlasa, topar begumon,
Hikmat izlaganga hikmatdur dunyo. [5, 118]

"Kalomi jomi' andog' kalomdurki, o'gut, hikmat va zamon-u birodarlardan shikoyat kibi bir nima bila shira-yu zeb berilgan bo'lur" [1, 136]. Birinchi misolda o'git, hikmat bor, ammo zamondan, birodarlardan shikoyatga o'xshash zeb yo'q. Sadriddin Salim Buxoriy yuzaga keltirgan kalomi jomi'ning o'ziga xosligi shundaki, shoir zamondan, birodardan shikoyat qilmaydi. Shoir zamon Allohnikani ekanini, undan shikoyat qilib bo'lmasligini anglaganini sabab shikoyatni boshqa usulda beradi. Bir qaraganda shikoyat yo'q, ammo zamondagi, insonlardagi nuqson shunday ifodalanganiki, shikoyat qilmagan holda "shikoyat kibi bir nima bila shira-yu zeb berilgan". Bu shoirning mumtoz she'riyatda qo'llangan kalomi jomi'ga xoslikni to'laligicha saqlay olganini ko'rsatadi:

Senga qarab tosh otganga non ot, bolam,
Boyligini qizg'onganga kon ot, bolam,
Shafqatli bo'l, shavkatli bo'l, pastlik etma,
Obro'yingdan kuyganlarga shon ot, bolam. [4, 64]

"Tosh otgan", "boyligini qizg'ongan", "obro'sidan kuyganlar" borligining o'zi shikoyatga loyiq holat borligini anglatadi. Tasavvuf ta'limotini chuqur bilgan, umri davomida unga amal qilgan shoir tasviri shunday bo'lishi tabiiy:

Bizni yomon deganlarga
Bizdan salomlar bo'lsin,
Bizni qarg'ab yurganlarga
Shirin kalomlar bo'lsin. [5, 196]

Yuqoridagi misralarda kalomi jomi'dan tashqari anafora, matniy tazod bor. Birinchi va uchinchi satrlarda "bizni" so'zining aynan kelishidan anafora yuzaga kelgan bo'lsa, banddagi har ikki satrda holat o'zaro zidlangan. Shoir kalomi jomi'ni aruz she'ry tizimida yaratilgan she'rida ham qo'llagan. Hazaji musaddasi solimda yozilgan ushbu satrlarda kalomi jomi'dan tashqari nido san'ati ham bor.

Ayo zohid, mag'rur bo'lma namozingga
qabul bo'ldi yo bo'lmadi, Xudo bilar,

Mag'rur bo'lma sadaqa-yu niyozingga

Qabul bo'lar yo bo'lmaydi Xudo bilar. [5, 196]

Izdivoj (juftlashmoq) – lafziy go'zalliklar jumlasidan bo'lib, mohiyati baytda ikki yoki undan ortiq qofiyadosh so'zni yonma-yon yoki bir-biriga yaqin qilib keltirishdan iborat. [2, 44]

Ittifoqsiz ittifoqda
O'tdi umrim, vo darig'!
Men nifoqsiz, oh, nifoqda
O'tdi umrim, vo darig'!
Men-ku erkin qush misoli
Charx urardim ko'k aro,
Osmonim ham tuzoqda
O'tdi umrim, vo darig'!

Xulosa. Mazhabi kalomiy, izdivoj, tashbeh, ishtiyoq qo`llangan bu satrlardagi mazmun betakror. Shoirning mahorati shundaki, badiiyat ko`magida ulug` falsafani, tasavvufiy qarashlarni zamonaviy libosda taqdim qiladi. Shoir bu badiiy san`atlarni zamonaviy she`riyatda, barmoq she`riy tizimida yaratilgan she`rlarda qo`llash mumkinligini dalillab berdi.

Adabiyotlar:

1. Atoullloh Husayniy. Badoyi`u-s-sanoyi`. – Toshkent: G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti, 1981. – 337 b.
2. Hojiahmedov A. O`zbek aruzi lug`ati. – Toshkent: Sharq NMK, 1998. – 245 b.
3. Is`hoqov Y. So`z sa`nati so`zligi.– T.: O`zbekiston, 2014. – 124 b.
4. Sadriddin Salim Buxoriy. Durdonalar. Buxoro, 2005. – 92 b.
5. Sadriddin Salim Buxoriy. Hikmatdir dunyo. – Toshkent: G`afur G`ulom nomidagi MIU, 2011. – 456 b.

Кудратова Муборак Шухратовна
 БухДУ мустақил изланувчиси
muborqudratova@gmail.com

АСҚАР МАҲКАМ ШЕЪРИЯТИДА ИЛОҲИЙ-ИРФОНИЙ МОТИВЛАР ТАДРИЖИ

Аннотация: XX аср ўзбек шеърлятида ўз овозига эга Асқар Маҳкам лирикаси шубҳасиз адабиётимиз хазинасига кўшилган дурдона асарлардан саналади. Бу давр иждокорлари ўз шеърлярида яхшилик, инсоф, диёнат, ростгўйлик каби ҳақиқий инсоний хислатлар тараннумини бадиий тафаккурнинг турли поэтик унсурлари воситасида мисраларга сингдирган. Асқар Маҳкам ижодидаги диний-маърифий ғоялар ўз-ўзидан дунёга келган эмас, аввало, иждокор фитратигади исломий руҳ унинг ҳис-туйғусида, тафаккурида бўй кўрсатади. Ушбу мақоламизда шоир шеърлятида учрайдиган илоҳий-ирфоний мотивлар хусусида тўхталамиз.

Калит сўзлар. Ислом дини, мустабид тузуми, тасаввуф, нафс, ижтимоий-ахлоқий муаммо, ҳаёт, илоҳиёт, ишқ, иймон, кўнгил.

Аннотация: Лирика Асқара Маҳкама, находящая свой голос в узбекской поэзии XX века, несомненно, является одним из шедевров, пополнивших сокровищницу нашей литературы. В своих стихах творцы этого периода воплощали восхваление реальных человеческих качеств, таких как добро, честность, благочестие, правдивость, в стихах с помощью различных поэтических элементов художественного мышления. Религиозно-просветительские идеи в творчестве Асқара Маҳкама не пришли в мир сами по себе, прежде всего, исламский дух в натуре творца отразился в его чувствах и мышлении.

Ключевые слова. ислам религия, система мустабидов, мистика, эго, социальная и моральная проблема, жизнь, теология, любовь, вера, сердце.

В данной статье речь пойдет о богословско-мистических мотивах, встречающихся в поэзии поэта.

Abstract: The lyrics of Askar Mahkam, which finds its voice in the Uzbek poetry of the twentieth century, is undoubtedly one of the masterpieces that have replenished the treasury of our literature. In their poems, the creators of this period embodied the praise of real human qualities, such as kindness, honesty, piety, truthfulness, in poetry with the help of various poetic elements of artistic thinking. Religious and educational ideas in the work of Askar Mahkam did not come into the world on their own, first of all, the Islamic spirit in the nature of the creator was reflected in his feelings and thinking. This article will focus on the theological and mystical motifs found in the poet's poetry.

Keywords. islam religion, mustabid system, mysticism, ego, social and moral problem, life, theology, love, faith, heart.

Кириш. Асқар Маҳкам шеърлятига чуқур назар солсак унинг асосий лейтимотиви, моҳияти, фалсафаси илоҳий-ирфоний мотивлардан иборат эканлиги кўринади. Чунки шоир форс-тожик ва туркий мумтоз адабиётнинг чуқур биимдони, Шамсиддин Табризий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Амир Саййид Али Ҳамадоний, Шерали Лойик ижодининг беназир таржимони сифатида ҳам машҳур. Айниқса, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг олти китобдан иборат “Маънавий Маснавий”нинг биринчи жилдини аслиятга яқин таржима қилганлиги маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлган эди. Сабаби “Маънавий Маснавий”даги ҳар бир байтни Куръони Карим ва Ҳадислар асосида ҳаволаларда шарҳини берган. Бу иждокордан катта илм сабр заҳмат талаб қилади. Фикримизнинг яна бир далили сифатида шоир китобларининг номланишига ҳам диққат қилсак, иждокорнинг эътиқод, маслақ ва фалсафаси бир қадар аёнлашади: “Ҳақ”, “Аналҳақ”, “Ваҳдат куйи”...

Асосий қисм. Асқар Маҳкам таржималари ва шеърятининг ботинидан англаш мумкинки, у илоҳий таълимотлардан, айниқса, ислом тарихи, тасаввуф, тариқатлардан яхшигина хабардор бўлган. Шеърлари таркибида учрайдиган исломий ва тасаввуфий истилоҳлар ҳам фикримизни далиллайди (Ҳақ, тамҳид, тадорик, тажаллий, таважжух, нафс, таъма, қаноат, тазарру, ориф, сўфий тариқат, шариат, ҳақиқат, ваҳдадул вужуд, аналҳақ, ризо, зикр, мавлавия, нақшбандийя, ва ҳ.к).

Фикримизни Асқар Маҳкамнинг айрим шеърлари таҳлили орқали асослашга ҳаракат қиламиз. Шоир “Одий ҳол” шеърда ёзади:

Илонларнинг қайтсиз заҳарин
Ким туймаган бир бор дабида?
Мусибатнинг тузлуғ жигарин
Қовурмаган кўкраклариди?
Ким кўксини бериб ётмаган,
Кўқарганда ажодлар қабри?
Ўз-ўзини ким йўқотмаган
Жалолиддин Румий сингари? [1.71]

Ушбу шеърда ижтимоий фикр билан – мустабид тузумдан норозилик кайфияти ва илоҳий-ирфоний мотивлар қоришиқ бўлиб келган. “Илонларнинг қайтсиз заҳарин” мисрасида шоир босқинчиларни назарда тутган, учинчи мисрадаги “Мусибатнинг тузлуғ жигари” фикрни даражалайди ва нисбатан ошқор қилади. Унда халқлар турмаси бўлган собиқ иттифокнинг бошқа миллатларга зулми назарда тутилган. “Кўқарганда ажодлар қабри” жумласида исломий қадриятларга ишора бор. “Ўз-ўзини ким йўқотмаган” сатрида сўфийликдаги самоъ ракси – ўз-ўзини йўқотиш (эхстас – жазба) ҳолати эслатилган. Бу ерда ҳам яширин илоҳий-ирфоний маъно ишоралари мавжуд. Шоир илоҳий-ирфоний ғояларини образга ўраб фикрини даражалаб бораркан, замон фожиаларига ишора қилади:

Аёл каби хомуш азонлар
Йиғламаган ким йўлдошига?
Хазонрезда зардоб хазонлар
Қуйилмаган кимнинг бошига?[1.72]

Биринчи мисрадаги азонларда ийҳом санъати мавжуд. Яъни биринчи азон – тонг сахар, иккинчи маъноси эса номозга чақириш вақти. Бу сатрда мустабид тузумдаги даҳрийликка ишора бор. Чунки у вақтларда азон ўқилмас эди, исломий қадриятлар таъқиқланган, масжидлар ёпилган, мазорлар қаровсиз. Ҳатто шундай даврлар ҳам бўлдики, раҳбарлар ўз ота-онасининг охирги манзилига кузатиш учун қабристонга боришга ҳам кўркиб қолишди. Даҳрийлик шу даражага бориб етдики, исломга даҳли бўлмаган халқларнинг уч минг йиллик тарихга эга бўлган Наврўз байрами “Эскилик сарқити” сифатида “Навбахор”га айлантирилди... шунинг учун ҳам у даврдаги “азон”лар – аёл каби хомуш.

Шеър давомида илоҳий-ирфоний мотив янада кучая боради:

Урётана Одам ва Ҳавво
Соҳилларда кезган мисоли,
Рутубатли туманлар аро –
Изғимаган кимнинг ҳаёли?[1.72]

Бу бандда одамзотнинг ерда урён – яланғоч, чорасиз қолганлигига ишора бор. Чунки собиқ шўро даврида миллий республикалардаги халқлар чиндан ҳам чорасиз эди. Шоир параллелизм асосида Одам Ато ва Ҳаввонинг жаннатдан қувилиб, ерда чорасиз, гирён кезганини, ўша давр тузуми кишиларнинг динидинан, Худосидан мосуво қилиниб, нажотсиз қолганлиги билан ёнма-ён келтириб, образли тасвирлайди.

Олисларда қолган юртини
Ким тангридай ёт ётмаган жим?
Кўтаролмай дўст тобутини,
юрагини тишламаган ким?[1.72]

Шоир ушбу бандда ҳам ўзининг фикрларини образларга яшириб ифодалайди. Ушбу мисраларда шоир “Олисларда қолган юртини Ким тангридай ёт этмаган жим?” дея олисда қолиб, унутилган юртни Тангрига ўхшатади. Бу ташбеҳ қатида собиқ шўро даврида диний таъйиқлар авж олиб, одамлар Аллоҳдан, ўз яратувчисидан узоқлаштирилди.

Қуръонлар беркитилди, ёқилди Аллоҳни, динни эслатгувчи нимаики бўлса, барчаси таъқиқланди. Айнан шу аччиқ, тарихий ҳақиқатлар шеърда маҳорат билан сингдирилган.

Шоирнинг куйида келтирилган “Жалолиддин Румийнинг одами” шеърининг сарлавҳасидаёқ тасаввуфий оҳанг сезил турибди.

Шамол эди тун бўйи тинмай –
Мажусийнинг жулдур яқоси.
Харобатий каби ўкинмай
Гумбазларда ўзини осди.
Миноралар бақирар, гўё
Кесилгандай муаззин бўғзи.
Минг йил бурун ўлган авлиё
Суяклари кулдай тўзғирди.[1.145]

Шоир ушбу илоҳий-ирфоний мавзудаги воқеабанд шеърда Жалолиддин Румий образига мурожаат қилади. Шеърда минг йил бурун ўлган авлиё – Румийнинг “қайтиш” тасвири келтирилади: “*Миноралар бақирар, гўё Кесилгандай муаззин бўғзи. Минг йил бурун ўлган авлиё Суяклари кулдай тўзғирди...*”. Кейинги сатрларда бу ҳодисадан ларзага келган Рум диёри ва нималар рўй бераётганини тушуниб етмаган, кўрқувдан ўзини тамоман йўқотиб, таҳликага тушган Рум аҳли, балки олам аҳли тасвири чизилади.

“Таҳоратга чиққан тожирлар
Қўлларида мислик офтоба.
Рум ҳоки бу. Ногоҳ ҳачирлар
Чўчиб тушди сирли шарпадан.
Таҳоратсиз қочди тожирлар
Иштонларин йиғиштирмасдан.
– Иблис, деди ювиқсиз сарбон,
Юзларига тортиб этагин...”. [1.145]
“Иблис, – деди иблисфеъл хожа,
Кўзларига тикиб қўлини”. [1.145]

Румийни бутунлай, аллақачонлар унутган, унинг шарпасини кўриб “Иблис” дея орқа-олдига қарамай қочаётган эл узра Румийнинг безовта руҳи ниманидир, кимнидир излаб, тентирарди. Шу ўринда шеърда эпиграф сифатида келтирилган Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асаридан олинган парчани келтирамыз. “...Агар дер эмишларки, мен бу жисм эмасменки, ошиқлар назарида манзурмен, балки ул завқ ва хушлукменки, муридлар ботинида менинг каломимдан бош урар... Чун ул дамни топсанг ва ул завқни топсанг, ғанимат тут ва шукр қилки, мен улдирмен” [1.145]. Румий ўзи айтганидек, ошиқлар назарида манзур бўладиган бир жисм эмас, балки ошиқлар ботинидаги ишқий калом ва нурдир. Аммо на у тоифани, на бу тоифани топиб бўлмайдиган бу даврда Румий руҳи безовта бўлади. Шоир Рум диёри мисолида, аслида мусулмон мамлакатларни, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, яқиндагина, озодликка, хурфикрликка эришган, ҳали собиқ шўро даврларидаги мустабидлик, кулик, эътиқодсизлик, динсизлик, маърифатсизлик асоратларидан тўла чиқиб кетолмаган, ўзлигини тарихларга қолдирган миллатини, халқини назарда тутган эди. Румий ана шундай халқ ичидан ботинида, каломиди ўзи яшайдиган, бир “Одамий зот”ни изларди. Шоир Румийнинг бу ҳолатини тасвирлар экан, истиора санъатидан фойдаланиб, уни “синган ой”, “куйган ой”га менгзайди.

Жалолиддин Румий. Синган ой
Ерда эса, бирор одам йўқ.
Жалолиддин Румий. Куйган ой
Ерда эса, бирор одам йўқ...

“Жалолиддин Румий. Синган ой, Жалолиддин Румий. Куйган ой” тимсоллари остида бир неча йиллар унутилишга маҳкум қилинган, ислом динига ишора қилади.

Асқар Маҳкамнинг “Яссавий” [1.181], “Ишқ” [1.103] радифли ғазали, “Тазарру” [1.188], “Дарбадарлик битди – дарлар билмади” [1.200] деб бошланувчи ғазали, “Сўфиёна” [1.240] каби шеърлар ҳам илоҳий-ирфоний мазмун, образлар, бадий санъатлар билан уйғун, юксак бадийликда ифодаланган.

“Ҳақ истаган Девона” радифли ғазалида шоир Ҳаққа ошиқ – Девона (Дарвеш, Ҳақ йўлига кирган сўфий ёки мурид) образи орқали бу дунёнинг ўткинчилиги устидан истехзоли кулиб, Ҳаққа эришиш йўлидаги риёзатлари, муножотлари тасвирланган.

Накшбандий Мавлавий ё Чиштиё Бихиштиё

Эрдингми хо эрдингми Ҳақ истаган Девона... [1.347]

Кўринадики, ғазалнавис шоир ушбу шеърда тасаввуф таълимотида мавжуд тўртта тариқат номини келтираркан улардаги илоҳий-ирфоний маъно – мақсадга диққат қаратади. Яъни барча тасаввуф тариқатларининг бош мақсади комил инсон – “Вахдат ул вужуд” фалсафасига ишорадир. Шоир Еттинчи байтда талмеҳ санъатидан фойдаланиб машҳур сўфий Мансур Ҳалложга ишора қилади.

Мансур тутди илқиндан “Аналҳақ” де дилинган

Дедингми хо дедингми Ҳақ истаган Девона... [1.347]

Шу ўринда ғазалнинг сўфиёна оҳангига ҳам эътибор қаратиш лозим. Ғазалнинг ритми Шарқ мумтоз адабиётининг буюк тасаввуф вакиллари, жумладан, Шамсиддин Табризий, Ҳофиз Шейрозий, Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий оҳанглари эслатади. (масалан: “Илоҳо подишоҳо, кирдигоро, санга очик ниҳону ошкоро...” – А.Навоий). Шунингдек, шоирнинг “Хушрўй” [1.354], “Эй ёр келиб кетдик” [1.360] радифли ҳамда “Кўнглим менинг истаган ёр йўк” [1.1354] деб бошланувчи ғазалларида ҳам юқоридагидек сўфиёна руҳ ва оҳанг устивор.

Нагизалар ва муҳокама. Асқар Маҳкам истеъдодидан далолат берадиган шеърларнинг энг асосий фазилати уларда илоҳий-ирфоний мотивлар билан қоришиқ ҳолда серқатлам ижтимоий-ахлоқий муаммоларнинг ҳам уйғунлашуви кузатилади.

Улар одам овлар девор ортида

“Мусулмон ови” бу – қиёмат қойим...

Менинг кампир бувим ўқлар остида

Намоз ўқиётир Худойим...

Биринчи сатрда шоир “улар” деганда даҳрийликни байроқ қилиб олган собиқ тоталитар тузум мафкурачиларини назарда тутган. Чунки у мустабид даврида ошкора намоз ўқиш, ибодат қилишга руҳсат йўк эди. Шоир буни образли тарзда, ташбеҳ қўллаб мусулмон одам учун “қиёмат қойим” дея атайди. Лекин мусулмон кишининг эътиқод ва иймони шу даражада мустаҳкамки, у “қиёмат қойим”ни эслатадиган қаттол замон ўқлари остида ҳам “намоз ўқиётир Худойим”. Ушбу шеърнинг учунчи бандида миллий ва умуминсоний фожиа янада теранроқ англатилади.

Деразадан боқар моҳтоб кунгура

Хуркак мушук боқар овчи оғзига...

“Худойингни...” дея сўкар у сўнгра

Этигини артар жойнамосига... [1.370]

Бу муболаға эмас, кечаги тарихимиздан жонли фажиавий картина. “Деразадан боқаётган ой” – бу исломий нур, ҳидоят, маънавий қадриятлар, “овчи” – босқинчи, “Худойингни” деб бутун бир мусулмонни таҳқир этувчи – даҳрий жамият ва унинг иблиснамо вакиллари. “Жойнамозга этагин артувчилар” эса мустабид тузумнинг малайлари, иймонсиз Худосизлардир.

Хулосалар. Асқар Маҳкамнинг “Ассалом, эй мусибатхона...” “Руҳлар кетди” деб бошланувчи ҳамда “Тоғ қизи”, “Қабр” каби шеърларида илоҳий-ирфоний мотивларни мумтоз адабиёт қолипларига солиб ифодалаган ўринлар ҳам мавжудки, бундай шеърлар илоҳий-ирфоний мавзудаги асарлари орасида энг сараларидир.

Дедим – Қазо недир
 – Тийри камондир
 Дедим – Жазо недир
 – Охир замондир...
 Дедим – Айт Ишқ недир
 – Азал савдодир
 Дедим – Суймоқ недир
 – Азим балодир...
 Дедим – умр недир
 – Турфа хангома
 Дедим – Ўлмоқ недир
 – Туғилмоқ яна... [1.423]

Шоир ушбу “Савол-жавоб” шеърисида инсон умри давомида энг кўп учрайдиган ва ўзин қийнаб келадиган мазкур саволларга образли тарзда энг тўғри ва мақбул жавобларни танлайди. Шеърдаги ҳар бир фано ва боқийлик орасида туғиладиган, туғилишдан то ўлимга қадар бўлган йўлда ўзимиз гоҳ англаб, гоҳ англамай тўқнаш келадиган саволларга илоҳий ва фалсафий нуқтаи назардан қараб жавоб берадики, ҳар бир жавоб, ҳар бир сатр қатида сингдириб юборилган ҳаёт ва илоҳиётнинг асосий меъзонлари кишини чуқур мушоҳадага ундайди. Шеърни ўқиётган киши бу тарзда содда ва раволик билан, бадиийлик меъзонларига солинган илоҳий-ирфоний “қазо”, “жазо”, “охир замон”, “ишқ”, “савдо”, “иймон”, “кўнгил” каби мотивлардаги шоир айтмоқчи бўлган ёки назарда тутган ҳодисотларни дарҳол англайди ва ҳулоса чиқаради.

Асқар Маҳкам умрининг сўнгги йилларда илоҳий-ирфоний мавзуларга кўп мурожаат қилади. Бу даврда яратилган шеърларининг деярли бачасида тасаввуфий руҳ, Ҳаққа ва ишққа ташналик сезилиб туради. Жумладан, “Хилват” [1.422], “Бир дарвешнинг шоҳ қопқаси қошида деганлари” [1.425], “Термиз авлиёлари” [1.436], “Маҳбуб ул қулуб” [1.447], “Баҳоуддин Нақшбанд дейди” [1.450], “жумъа” [1.468] каби бир қатор шеърларида ҳам илоҳий-ирфоний мотивлар тасвирий-ифодаларга бой тарзда бадиийлик меъзонларидан оғишмаган ҳолда, гўзал услубда яратилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Асқар Маҳкам. Ҳақ. – Душанбе, «Адиб», 1998. – 71-б.
2. Даврон Х. Осмонга талпинган шоир // <https://kh-davron.uz/ijod/maqolalar/xurshid-davron-osmonga-talpingan-shoir.htm>
3. Саййид Неъматуллоҳ Иброҳим. Руҳнинг сангин садолари // Асқар Маҳкам. Ҳақ. – Душанбе, «Адиб», 1998. – 4-б.

Saidova Nodira Mustakimovna
Buxoro davlat universiteti
Boshlang'ich ta'lim nazariyasi kafedrası
o'qituvchisi
[Email id: saidova@mail](mailto:saidova@mail)

RAHIM VOHIDOVNING “YOG‘DI O‘T USTIGA QOR...” TADQIQOTIDA TAHLIL VA TALQIN MAHORATI

Annotatsiya: Maqola navoiyshunos olim Rahim Vohidovning “Yog‘di o‘t ustiga qor...” nomli risolasi sharhiga bag‘ishlangan. Shu bilan birga Alisher Navoiy g‘azallari tahliliga doir mazkur majmuadan o‘rin olgan lirik merosining tahlili hamda mumtoz matn tadqiqida hermenevtik yondashuvning samarali jihatlari o‘rganilgan. Adabiyotshunos olim Rahim Vohidovning mumtoz matn talqinidagi mahoratiga, uning mohir talqinshunos olim ekanligiga, tadqiqot uslublariga alohida urg‘u berilgan. Badiiy matn tahlilida hermenevtik yondashuvning afzallik tomonlari tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: Nazm, navoiyshunoslik, talqin, tahlil, tadqiqot, hermenevtika, g‘azaliyot, tushunish, sharhlash

Аннотация: Статья наваиста Рахима Вахидова “выпал снег на траве...». В то же время анализ лирического наследия Алишера Навои, содержащегося в этом комплексе газелей, а также эффективные аспекты герменевтического подхода в исследовании классического текста были изучены. Особый акцент ученого-литературоведа Рахима Вахидова в интерпретации классического текста сделан на том, что он является опытным ученым-интерпретатором. По сей день ведутся исследования, чтобы читатели заинтересовались трювчеством хазрата Навои. Изучены преимущества герменевтического подхода к анализу художественного текста.

Ключевые слова: творчество, наваистика, интерпретация, анализ, исследование, герменевтика, газель, комментирование, интерпретация

Abstract: The article by the Navoi scientist Rahim Vakhidov “snow fell on the grass ...». At the same time, the analysis of the lyrical heritage of Alisher Navoi contained in this complex of gazelles, as well as the effective aspects of the hermeneutic approach in the study of the classical text were studied. Special emphasis is placed on the skill of the literary scholar Rahim Vakhidov in interpreting the classical text, on the fact that he is an experienced scientist-interpreter, on research methods. To date, research is underway on the actions of the reader in the newspapers of Hazrat Navoi. The advantages of the hermeneutical approach to the analysis of a literary text are studied.

Keywords: Nazm, Navoi science, interpretation, analysis, research, hermeneutics, ghazaliyat, understanding, interpretation

Kirish. Ta’kidlash kerakki, Sharq adabiyotida she’riyatga alohida muhabbat bilan qaralgan. Albatta, buning asosi bor. Payg‘ambarimiz Muhammad (s.a.v)ning hadislarida “So‘zda sehr, she’rda hikmat” borligi ta’kidlangan. Mazkur hikmat Rasuli Akram tomonlaridan so‘z va she’riyatning qudratiga berilgan aniq va lo‘nda ta’rif bo‘lishi bilan birga ijodkorlar uchun yuksak mezon ham sanalgan. Shuning uchun bo‘lsa kerak, Sharq adabiyotida nazmga nasrga qaraganda ko‘p murojaat qilingan va ijod qilingan. Bundan tashqari, she’riyatda so‘zning ilohiy qudrati va ta’siri turli rangin bo‘yoqlarda namoyon bo‘lishi ham badiiy so‘z san’atida nazmning ustivorligini ta’minlaydigan omil deb qarash mumkin.

Turkiy adabiyotdagi ilk tazkira sifatida baholangan “Funun ul -balog‘a”ning muallifi Shayx Ahmad Taroziy: “Va har odamekim, aning ko‘ngli nutqpazir va nutqi dilpazir ermas, insoniyat doirasindin tashqaridur. Va ulamo qoshinda nutq ikki nav’dur: *nasr va nazm*. Onikim,

istisvob bobinda murattab ko‘rdilar, «nazm» atadilar. Va onikim, *avro visoinda* parishon topdilar, «nasr» dedilar” [7,28], deya nazm va nasrga baho beradi.

Jahon, jumladan, Sharq adabiyotida ham badiiy asar, ayniqsa, lirik asar matnini o‘rganish, ularni sharhlash orqali talqin qilish borasida juda ko‘p tajribalar orttirilgan. Shu harakatlar natijasida navoiyxonlik, bedilxonlik, fuziylixonlik va mashrabxonlik suhbatlari yuzaga kelganligi bu an‘ananing uzoq tarixga egaligidan dalolat beradi. Bundan tashqari, Abu Nasr Farobiyning “Fozil odamlar shahri” asarida she‘r va shoirlik haqida, lirik asarlarning badiiy-estetik xususiyati haqida qimmatli ma‘lumotlar keltirilgan. Alisher Navoiyning “Mezon ul-avzon” hamda “Majolis un-nafois”, Zahridin Muhammad Boburning “Muxtasar” asarida ham lirik asarlarda mavzu, janr, vazn hamda poetik xususiyatlarning namoyon bo‘lishiga oid qaydlarning berilishi nazmiy asarlarga oid tahlil va talqinlarning qadimiyligini ko‘rsatib turibdi. Shunday tadqiqotlar zamonaviy adabiyotshunoslikda, xususan, navoiyshunoslikda bugungi kunga qadar amalga oshirilib kelinmoqda.

Turkiy adabiyotni ham janr, ham mavzu va g‘oya, ham hajm jihatidan yuksak cho‘qqiga ko‘targan Alisher Navoiy merosining katta hajmini lirik asarlar tashkil qiladi. G‘azal esa ulug‘ shoirning eng ”ko‘p va xo‘p” murojaat qilgan janri. G‘azal shoirning o‘zi e’tirof qilganidek, ”hamdard rafiq, ko‘ngli o‘tig‘a oromi...”dir. Ya’ni g‘azal eng og‘ir damda “maxfiy o‘tni oshkoro etish” vositasi sifatida shoirga qo‘l kelgan. Navoiyning g‘azalga e’tibori va muhabbati shu darajada kuchli ediki, u o‘z davridagi devon tuzish an‘analaridan chekinib, devonlarini qasida bilan emas, balki g‘azal bilan boshlaydi. Alisher Navoiyning g‘azalnavislikda yuksak natijaga erishishining, albatta, ma‘lum bir omillari mavjud. Bu, birinchidan, ulug‘ shoirga buyuk iste’dodning in‘om qilingani, ikkinchidan, turkiy, fors-tojik g‘azalnavislikda to‘plangan boy tajribalar, ilg‘or an‘analarning samarali ta’siridir. “Ulug‘ shoir o‘zigacha bo‘lgan arab, fors va turkiy adabiy-ma’naviy meros bilan puxta tanishib chiqqan. Ularning eng yaxshi an‘analaridan saboq olib, ta’sirlanib, adabiy tajribasida rivojlantirdi” [3,75].

Asosiy qism. Ta’kidlash kerakki, Navoiy lirikasining turli qirralari tasavvufshunos olim, prof.N.Komilov, prof.M.Muhiddinov, prof. Y.Is’hoqov, prof.I.Haqqulov, R.Vohidov, S.Olimov, D.Salohiy, Sh.Sirojiddinov va boshqa adabiyotshunos olimlar tomonidan ham tadqiq qilindi.

Adabiyotshunos olim, Navoiy ijodining yirik tadqiqotchisi Abduqodir Hayitmetov o‘zining “Navoiy lirikasi” asarida shoir g‘azallarini keng jamoatchilikda tadqiq qiladi, ulug‘ shoir g‘azallarining mavzusi, hajmi, kompozitsiyasi, matla’ va maqtasi, taxallusning qo‘llanishi, obrazlar tizimi, qofiya tizimi, radif kabi masalalarni tadqiq qiladiki, bunday ilmiy-nazariy qarashlari Navoiy g‘azallari tahlil va talqinlari uchun juda muhim sanaladi.

Ma’lumki, har bir xalqning ulug‘ ijodkorlari qoldirgan ma’naviy meros barcha zamonlarda nafaqat qalam ahllari, balki butun millat uchun ibrat va saboq maktabi, intilish nuqtasi bo‘lib kelgan. Shuning uchun ular asos solgan ijod maktabining an‘analarini o‘rganish va targ‘ib qilish borasida nazariy va amaliy ishlar amalga oshirilgan va oshirilmoqda. Navoiy lirikasi tadqiqi filologiya fanlari doktori, professor R. Vohidov ilmiy faoliyatning alohida yo‘nalishi sanaladi. Olimning ulug‘ shoir lirik merosining mavzular rang-barangiligi, obrazlar olami, badiiy mahoratiga oid bildirgan ilmiy mulohazalari navoiyshunosligimiz uchun juda muhim. Bunday muvaffaqiyatlarning omili esa: birinchidan, olimning Alisher Navoiy ijodiga bo‘lgan muhabbati bo‘lsa, ikkinchidan, bugungi kun o‘quvchisini Navoiyga yaqinlashtirish orqali har tomonlama kamol topgan shaxsni tarbiyalashni o‘zing kasbiy hamda insoniy burch sifatida qarashidadir.

Sir emaski, bugungi kunda *globallashuv* va tez sur‘atlar bilan o‘zgarib borayotgan murakkab hamda shiddatli bir davrda “zamonaviy” o‘quvchini mumtoz asarlarni o‘qishga va va tahlil qilishga o‘rgatish bilan bog‘liq muammolar ko‘zga tashlanadi. “Albatta, bunday muammolarning sabablarini bir tomondan, matnning mumtozligi, asarlari tilining murakkabligi, ilohiy-irfoniy, falsafiy qarashlarining murakkabligi bilan izohlasak, ikkinchi tomondan, o‘quvchilarda mumtoz asarlarni o‘qishga bo‘lgan qiziqishning pastligidir [4.3]. Shu bois, adabiyotshunosligimizda badiiy matnni o‘ziga xos metod va yondashuvlar asosida o‘rganishga e’tibor qaratildi. Jumladan, badiiy matnga germenevtik yondashuv mumtoz asarlar tahlilida qo‘llanila boshlandi. Badiiy asarni, ayniqsa, lirik asarlar tahlilida germenevtik usuldan keng

foydalanila boshlandi. Germenevtika - matnni tushunish, tushuntirish va talqin qilishga asoslanar ekan, u asarning poetik konsepsiyasi, ijodkor niyatini keng qamrovda o'rganishga imkon beradi.

Natija va muhokama. Professor R. Vohidovning ulug' shoir Alisher Navoiy g'azallari tadqiqiga bag'ishlangan "Yog'di o't ustiga qor..." [1] (Alisher Navoiy g'azallari tahliliga doir majmua) nomli risolasi ta'kidlangan muammolarni bartaraf etishga hamda bugungi kun o'quvchisini hazrat Navoiy g'azaliyotiga oshno qilish maqsadida yaratilganligi bilan ahamiyatlidir.

Rahim Vohidovning "Yog'di o't ustiga qor..." tadqiqoti ulug' shoirning ulkan xazinasidagi go'zal g'azallar tahliliga bag'ishlangan. Olim Navoiy lirik merosidagi turli janrdagi she'rlarni bugungi o'quvchi uchun tushunarli qilib tahlil qilishni maqsad qiladi. Ana shunday tahlil va taqinlarni o'z ichiga olgan mazkur to'plamda Alisher Navoiy g'azallardagi obrazlar haqida, mavzu va badiiy mahorat masalasi, janr xususiyatlari xususida birma-bir to'xtalib o'tiladi. To'plamda ulug' shoirning 19 ta lirik g'azali tahlil qilinadi. Har bir g'azal tahlil alohida-alohida sarlavha ostida beriladi. Bu esa har bir g'azal tahlilini alohida tadqiqot sifatida qarash imkonini beradi.

Olim tahlillarda har bir g'azalning mavzusi va tuzilishiga ko'ra turi, vazni, yozilish davri, obrazlar tizimi, tasviriy vositalar hamda har bir so'zning lug'aviy ma'nolariga izoh beradiki, bu bugungi o'quvchi uchun ancha qulaylik tug'diradi. G'azallarning botiniy va zohiriy ma'nolarining ham izohlanishi to'plamdagi tahlillarning saviyasini oshirishga xizmat qilgan.

Lirik asar tahlili murakkab jarayon. Boisi, u o'z muallifning oniy lahzadagi his tuyg'usi, qalb kechinlarining ifodasi bo'lib qog'ozga tushadi. Kitobxon mutolaa jarayonida "oniy lahza"ning keng va yangi manzaralarini kashf etadi. Bu esa uning qalbida hayrat uyg'otadi, tafakkur dunyosining yangi sarhadlariga yo'l ochadi. Filologik germenevtikada tushunilgan va anglangan matn zamiriga singdirilgan badiiy-falsafiy g'oya, mavzu, badiiyat, mahorat, so'z, hatto tovush orqali in'ikos etilgan ma'no-mohiyat tadqiq qilinadi.

Ta'kidlash kerakki, o'tmish va zamonaviy adabiyotshunosligimizda lirik asarlarga turli darajadagi sharhlar yozib kelingan. Bunday sharhlarning xususiyati to'g'risida zamonaviy adabiyotshunosligimizda fikrlar bildirilgan. Jumladan, tasavvufshunos olim N. Komilov "Sharhlarni oddiy (izoh) va murakkab sharhlar"ga ajratgan bo'lsa [5,26], filologiya fanlari doktori N. Jumaxo'ja Alisher Navoiyning lirik merosi misolida talqinni shartli ravishda uch turga ajratadi: 1. Ommaviy talqin. 2. Ilmiy talqin. 3. Qomusiy talqin.

"G'azalga oid ilmiy ma'lumotlarni ommaga ma'qul va tushunarli shaklga solib taqdim etish ommaviy talqinning xos fazilati" bo'lsa, ilmiy talqinda g'azalning "obrazlar tizimi, ko'p ma'nolilik xususiyatlari, falsafiy asoslari, kompozitsion qurilishi, badiiyatiga doir muammolar"ni keng tekshirish bilan birga, shoir ijodxonasiga chuqurroq nazar solish, g'azalning takomil bosqichlarini ham yoritish muhimdir". Qomusiy talqin esa "o'zida usluban ommaviylikni, mazmunan va mohiyatan ilmiylikni mujassamlashtirmog'i, ommaviy va ilmiy talqinlarda mavjud zarur ma'lumotlarni ixcham shaklda qamrab olmog'i kerak" [2,7].

Ta'kidlash kerakki, badiiy asar yaratildimi, u o'z o'quvchisi tomonidan o'rganiladi, tahlil va talqin qilinadi. Talqin tahlilning natijasidir. Chunki matn tushunilgan (tahlil)dan keyingina tushuntiriladi, ya'ni talqin qilinadi. **Talqin** – 1. Din, shariat masalalari bo'yicha va'z, nasihat. 2. Umuman, pand-nasihat, o'git. 3. Ilmda biror masalani turli kishilar tomonidan xususiy tushuntirish shakli [8,302]. Tahlilni talqinsiz, talqinsiz tahlilning qiymati yo'q. Adabiyotshunosligimizda talqin interpretatsiya atamasi sinonim sifatida qo'llaniladi. **Interpretatsiya** (lot. interpretatsion – tushuntirmoq) – talqin; adabiy asar mazmunini idrok qilish, uning mazmuni, badiiy konsepsiyasini anglash, tushunish. Keng ma'noda interpretatsiya o'zga tomonidan aytilgan gap, yozilgan asar (ilmiy, falsafiy, diniy, badiiy va h.) mazmunini bir butun sifatida tushunish va tushuntirib berish ma'nosini bildiradi [8,119].

"Yog'di o't ustiga qor" risolasida hazrat Navoiy g'azallari germenevtik yondashuv asosida sharhlangan. Bu sharhlardan ko'zlangan maqsad esa mavzuni soddalashtirish orqali tushunishni osonlashtirishdir. Flatsius ta'kidicha, "Tushunish – germenevtik san'atning maqsadi, sharhlash esa metodi".

Ma'lumki, Alisher Navoiy g'azallarining mavzu doirasi keng. Ularda ishq (majoziy va haqiqiy), ijtimoiy, falsafiy, axloqiy mavzular shunchalik mahorat bilan yortilganki, natijada har bir g'azal badiiy tafakkurning o'ziga xos mujassamiga aylangan. Alisher Navoiy o'zining g'azallari bilan o'zbek she'riyatidagi g'azal yozish an'anasini rivojlantirdi. Navoiyona uslubda yozilgan bunday g'azallarda ruhiy kechinmalarning samimiy va haqqoniyligi, pand-nasihati yoki mav'izaning mavjudligi hamda badiiy tasvir vositalaridan mahorat bilan foydalanilgan. Shoir g'azallari ramz-u ishoralar, matnning tag ma'nolariga ishora qilinishi bilan ajralib turadi. Shuning uchun shoir g'azallarida "yalong'och" bir baytni topish imkonsiz. Mana shunday zabardast she'riyatni tahlil va talqin qilish katta mehnat va ilmiy salohiyatni talab qiladi.

R. Vohidov Navoiy g'azallari tahliliga o'ziga xos tarzda yondashadi. Buni dastlab risolaning "Yog'di o't ustiga qor..." deb atalishida ham ko'rishimiz mumkin. Har bir g'azal sharhiga bag'ishlangan tahlillarga ham o'ziga xos tarzda nom beriladi: "Ashkdan ochilgan g'uncha", "Toshni ham titratgan hijron", "Bulbul – nolon, Gul-yoqavoyron", "Kofir ko'zlar nedin qizardi?"... Mazkur sarlavhalar ostidagi sharhlar mumtoz matnning germeneytik tadqiqi orqali amalga oshirilgan. Bu tahlil hamda talqinlar Navoiy va zamonamiz kitobxonlari o'rtasida vositachi vazifasini bajaradi.

Risoladagi dastlabki g'azal tahlili ulug' shoirning mashhur "Orazin yopg'och ko'zimdin sochilur har lahza yosh" misrasi bilan boshlangan g'azaliga bag'ishlanadi. Mazkur tahlil "Alisher Navoiy dahosiga Mavlono Lutfiy bahosi" deb nomlanadi. Tanlangan sarlavhaning o'ziyiq Alisher Navoiy va zamonasining "malik ul-kalomi" Mavlono Lutfiy o'rtasiga tarixiy ma'lumotlarga ishora qiladiki, bu sarlavhani o'qigan o'quvchida qiziqish paydo qiladi. Mazkur g'azal tahlilidan ko'zlangan maqsadni olim quyidagicha izohlaydi: "Alisher Navoiy yoshlik ayyomi ijodining go'zal namunasi bo'lgan o'sha g'azal – chindan ham katta iste'dodning mevasi. Mazkur she'r haqida gap boradigan barcha ishlarda uning matla'i keltiriladi, xolos. Biz esa eslatganimiz she'rdan o'zimiz olgan zavqni zukko o'quvchilar bilan baham ko'rish maqsadida g'azal matnini to'la ko'chirib, imkon qadar uni mukammalroq g'oyaviy-badiiy tahlil qilishni lozim topdik." Keltirilgan iqtibosdan olimning badiiy matnga juda e'tibor bilan yondashganligi ko'rinadi. Birinchidan, olim g'azal mutolaasidan ko'nglida paydo bo'lgan zavq-u shavqni o'quvchi bilan baham ko'rishni istaydi. Bundan ko'rinadi, badiiy matn tadqiqi uni o'qishdan boshlanadi. Nazariyotchi olim D. Quronovning ta'kidlashicha, "Adabiyotshunos ham talqinni o'quvchi sifatida boshlaydi, ya'ni u ham talqinni talqin qiladi – obrazlar vositasida aks ettirilgan voqelikni tasavvurida qayta yaratadi" [10]. Ikkinchidan, iqtibosdagi "imkon qadar uni mukammalroq g'oyaviy-badiiy tahlil qilishni lozim topdik" tarzidagi ta'kid ham e'tiborni tortadi. Bu o'rinda olim badiiy matnning tahlili cheksiz ekanligini, har bir o'quvchi yoki tadqiqotchi unga o'ziga xos tarzda yondashishi mumkinligini yaxshi anglagan. Chunki har qanday tahlil va talqin asl matnning o'rnini bosa olmasa-da, manba muallifining ijod laboratoriyasi bilan, undagi kitobxon uchun sirli va murakkab bo'lib tuyulgan jihatlarni oydinlashtirishi bilan ahamiyatlidir.

Ulug' Navoiy ijodi muhiblarini zamonaviy talablarga muvofiq keladigan mufassal sharh-u talqinlar bilan oshno qilishni istagan olim, dastlab g'azalning mavlono Lutfiy tomonidan berilgan ta'rifiga to'xtaladi. Lutfiy tomonidan badiiy ijod olamiga jo'shqin ilhom bilan kirib kelayotgan navqiron qalamkashga berilgan yuksak baho, nafaqat shoirning birgina g'azaliga, balki butun ijodiga berilgan baho bo'lib, uning haq ekanligini asoslash uchun ham olim mazkur g'azalni teran nazardan o'tkazmoqni niyat qiladi.

Olim g'azalning mavzusiga ko'ra oshiqona ekanligini, unda qo'llangan tashbehlar an'anaviy bo'lsa-da, ifoda tarzi o'zgacha, o'ziga xos ekanligini ta'kidlaydi. G'azalning dastlabki, Orazin yopg'ach, ko'zimdin sochilur har lahza yosh,

Bo'ylakim, paydo bo'lur yulduz, nihon bo'lgach quyosh, – baytida tasvirlangan manzarini o'quvchi ko'z oldida gavdalantirish uchun sodda uslubda hayotiy hodisani so'z yordamida chizishga harakat qiladi. "Oshiqning hijron damlarida to'kkan ko'z yoshlari yulduzlarni xotirga keltiradi va ular kabi behisob. Hijron onlari – tun zulmat, visol onlari – oydin kun. Quyoshning yotog'iga bosh qo'yishi – yulduzli tunning asosi. Ana shu hayotiy haqiqat ishq-u oshiqlik olamiga

ko'chirilgan. Sayyoraning soyada qolishi – yulduzli tunni vujudga keltiradi. Ma'shuqa jamolining parda bilan to'silishi oshiqning ko'z yoshlariga bo'sdir" [1,7].

Nazmiy matndagi tasvir, his – tuyg'u, voqelik va manzara olim tomonidan qilingan nasriy sharhga ko'chgan. "Go'zallik tekshirilmaydi, quruq va sovuq bir mantiq bilan chaynalmaydi, balki kashf etiladi" [8] Mashhur baytning nasriy talqini ham shunday xulosaga kelishga asos bo'ladi. Olim shakllangan uslubiga tayangan holda badiiy matnga erkin va ijodiy yondashadi. Olim baytdagi "oshiq yuzidagi ko'z yoshlar quyosh botganidan keyin paydo bo'lgan yulduzlarga o'xshatilishi"ni "Quyoshning yotog'iga bosh qo'yishi – yulduzli tunning asosi" tarzidagi sabab va oqibat bog'lanishli ifoda bilan beradi.

Germenevtik talqin insonga go'zallik, muvozanat va ularning asosida turgan oddiy insoniy mehnri tuyish, his qilish uchun harorat va kuch bag'ishlaydigan hissiyotni o'zida, o'z ichki dunyosida yaratishi lozimligini uqtiradi. Mumtoz adabiyotning eng muhim g'oyasi o'sha cheksiz, bitmas-tuganmas mehr tafti va go'zalligining illyuzion-tasavvur boyligini atrofdegilarga ulashishga qaratilgan edi [6,217]. Ayonlashadiki, har qanday badiiy matn tahlili va talqinida estetik did – nafosat, go'zallik targ'ibi yotadi. Badiiy matnning tahlil va talqinida "uni o'zlashtiriyotgan" shaxsning etik va estetik yondashuvi yaqqol ko'zga tashlanadi.

R.Vohidov g'azal tahlili va sharhi jarayonida diniy va folklor materiallariga ham murojaat qiladi. Albatta, bunday ilmiy asosga ega fikr-mulohazalar o'quvchini mumtoz she'riyatni tushunishga, undan zavqlanishga undaydi. Bu esa R. Vohidovning mohir talqinshunosligidan darak beradi. Tahlil va talqinda muallif badiiy niyatini to'g'ri anglanganligi, unda badiiy ifodasini topgan mavzu va g'oya, badiiyat unsurlarining asosli sharhiga oid qarashlarga yashovchanlik xususiyatiga ega bo'ladi. Aytmoqchimizki, R.Vohidov tahlillarida ham mana shunday xususiyat yarq etib ko'rinadi.

Xulosa. R.Vohidovning Navoiy g'azallariga yozgan sharhlarining asosiy xususiyati quyidagilarda ko'rinadi:

Olim ulug' shoirning har bir g'azali sharhiga katta tayyorganlik bilan kirishadi. O'zining ilmiy va g'azaldan olgan tuyg'ularini sodda va samimiy ifodalashga harakat qiladi.

Sharh jarayonida asl matndan uzoqlashmaslikka, tahlil uchun tanlangan matn boshqa bir ijodkorning ijod mahsuli ekanligi, badiiy matnda ilgari surilgan g'oya ifodasida ulug' shoir dahosining namoyon bo'lishini nazardan qochirmaydi.

G'azallarni sharhlash jarayonida olimning ilohiy-irfoniy, diniy manbalardan xabardorligi, ilmiy tafakkurining kengligi yaqqol ko'zga tashlanadi. Bu esa har bir g'azal sharhi Navoiyni anglash va tushunishda bugun kun kitobxoni uchun ko'makka keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Воҳидов Р. Ёғди ўт устига қор... –Т.: “Зарқалам”, 2005.
2. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
3. Ражабова М. Алишер Навоийнинг шеърӣ дурдонаси. – Т.: Фан, 2008.
4. Ражабова М., Амонова З. Навоийшунослик. “Дурдона”. Бухоро – 2021.
5. Комилов Н. Бир шарҳ хусусида // Таржима назарияси масалалари. ТошДУ илмий ишлар тўплами. № 606. – Т.: 1979.
6. Тожибоев М. Герменевтика ва бадий нутқ. Филология фанлари д-ри... (DSc) диссертацияси. – Т.: 2022.
7. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. (“Балоғат илмлари”) / Масъул муҳаррир Б. Ҳасанов / – Т.: Ҳазина, 1996.
8. Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. Тошкент. “Давр пресс” ҲМУ, 2013.
9. Ҳаққулов. И. Бадий матн ва таҳлил муаммолари. <https://www.e-adabiyot.uz/maqola/838>.

TILSHUNOSLIK VA TARJIMASHUNOSLIK MUAMMOLARI

Шахабитдинова Шохида Хошимовна
Андижон давлат университети профессори ф.ф. д.,
(Ўзбекистон) shohidas3@mail.ru
Қосимова Мадина Зайнобидиновна
ф.ф.ф.д. PhD,
Андижон давлат чет тиллари институти
(Ўзбекистон) kosimovamadina88@gmail.com

**«БАХТЛИЛИК ВА БАХТСИЗЛИК» КОНЦЕПТУАЛ БИНАР
ОППОЗИЦИЯСИ ИФОДАЛОВЧИЛАРИНИНГ ЛУҒАТЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ**

Аннотация: Когнитив тилшуносликнинг ривожини кейинги йилларда тил бирликлари билан ишлашда бир қатор атамаларни анча фаоллаштирди. Хусусан, оламнинг лисоний манзараси, концепт, фрейм, когнитив сценарий кабилар. Ушбу мақолада бахт ва унинг антиконцепти этимологияси, семантик ривожини, шунингдек, табиатига хос бўлган ўзгаришларни далиллаш имконини берувчи омиллар ҳамда бахтлилик ва бахтсизлик концептлари бадий асарлар ҳамда изоҳли фразеологик, паремиологик, фалсафий луғатлар яратиш жараёнларининг мукаммаллашувида аҳамиятли эканлиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: концепт, лексема, оппозиция, изоҳли луғат, контекст, синоним, этимология, диахроник таҳлил, бахтлилик ва бахтсизлик.

Аннотация: Развитие когнитивной лингвистики в последние годы сильно активизировало ряд терминов в работе с языковыми единицами. В частности, языковой ландшафт мира, концепт, фрейм, когнитивный сценарий и др. В данной статье говорится об этимологии счастья и его антиконцепте, его смысловом развитии, а также о факторах, позволяющих обосновать изменения, заложенные в его природе, и значении понятий счастья и несчастья в совершенствовании процессов создания художественных произведений и толковых фразеологических, паремиологических, философских словарей.

Ключевые слова: концепт, лексема, оппозиция, толковый словарь, контекст, синоним, этимология, диахронический анализ, счастье и несчастье.

Abstract: The development of cognitive linguistics has greatly activated a number of terms in working with language units in recent years. In particular, the linguistic landscape of the world, concept, frame, cognitive scenario, etc. This article talks about the etymology of happiness and its anti-concept, its semantic development, as well as the factors that allow to prove the changes inherent in its nature, and the importance of the concepts of happiness and unhappiness in the improvement of the processes of creating artistic works and explanatory phraseological, paremiological, philosophical dictionaries.

Key words: concept, lexeme, opposition, explanatory dictionary, context, synonym, etymology, diachronic analysis, happiness and unhappiness.

Кириш. Муайян концептнинг «хотираси»га мурожаат қилмасдан туриб, миллий концептосферада унинг қандай ўрин тутганини аниқлаш мумкин эмас. Этимологик таҳлил ёрдамида концептнинг тилдаги эволюцион ривожини, йўқолиб кетган ёки янги пайдо бўлган семантик белгилари ҳаракатининг динамикасини аниқлашдек муҳим жараён амалга ошади. Демак, концепт этимологияси унинг семантик ривожини, шунингдек, табиатига хос бўлган ўзгаришларни далиллаш имконини берувчи омилдир. Концептнинг муайян тилдаги этимологик таҳлили унинг номинатив майдонини аниқлашдаги илк қадамдир.

Асосий қисм. Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган «бахт» ва унинг антиконцепти генезиси ҳақида сўз юритилар экан, айтиш жоизки, эски туркий адабий тили босқичигача бўлган даврда бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш деярли хос бўлмаганлиги туфайли мазкур лексик бирликлар учрамайди [1,117]. Қадимги туркий тил учун хос бўлиб, «бахт, толеъ» маъноларида қўлланилган «қут» лексемаси ва унинг ҳосилалари эски туркий адабий тили давригача фаол қўлланилган. Мазкур лексеманинг диахроник таҳлили шуни кўрсатдики, этимологик луғатларда асосан унинг ҳосилалари изоҳланган, фақат Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «қут – бахт, давлат» сифатида таърифланса, В.М.Наделяев ва бошқалар таҳрири остида чоп этилган «Древнетюркский словарь» изоҳли луғатида унинг семантикаси ҳақида батафсилроқ маълумот берилган:

QUT I 1. душа, жизненная сила, дух; 2. календ. элемент;

QUT II 1. счастье, благо, благодать, благополучие; удача, успех, счастливый удел; 2. перен. достоинство, величие; 3. рел. состояние истинного бытия, блаженства [2,471].

Ушбу лексеманинг генезиси ҳақида яна ҳам кўпроқ маълумот олиш мақсадида Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг талқини устида изланиш олиб борган қозок тилшуноси А.Т.Хамраев тадқиқотларига мурожаат қилдик. Олимнинг таъкидлашича, қадимги туркий адабий тилда «qut» кўп маъноли сўз бўлиб, туркий тилларнинг кўпчилигида мавжуддир. Уларнинг барчасида «қут» *руҳ, руҳий куч, жасорат, омад, толеъ, фаровонлик, давлатнинг буюклиги, куч-қудрат* сингари мафкуравий концептларни ифодаловчи анъанавий ва муқаддас тушунча сифатида қўлланилган [3,51].

Яна бир қизик ҳолат шуки, қадимги туркий адабий тил давридан буён мавжуд бўлган «қутқар», ҳозирги уйғур тилидаги «қутраш» (ўйланмоқ), «қутулсун» («халос бўлмоқ») ва ҳ.к. каби паронимик вариациялар туркий тилларнинг деярли барчасида фаол (қирғиз, қозок, татар, туркман ва ҳ.к.). Шунингдек, туркий тилларнинг кўпчилигида форс тилидан ўзлашган «Худо» сўзи ҳам, гарчи кўплаб тилшунослар томонидан этимологик ўзаклари умуман бошқа сўз сифатида талқин қилинса-да, қозок ва қирғиз тилларида ўша маънони ифодаловчи, бироқ орфоэпик ва орфографик жиҳатдангина фарқли бўлган «Қўдай» лексемаси билан илдизлари бир бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Сабаби, форс тили ҳам бу бирликни қадимги Ҳинд тилларидан ўзлаштирган ва қадимги турк тилидаги «Qut», «qudur» «qutyr», араб тилидаги «qutrat» ҳозирги замон туркий тилларда фаол бўлган «худа», «қўдай» ва «қўда» лексемалари илдизи бир бўлган, бироқ метаморфозга учраган бирликлар бўлиши мумкин деган фараз ҳам йўқ эмас. Кўплаб тилшунослар таъкидлашича, мазкур сўзлар дастлаб диний-илоҳий характер хос бўлган вазиятлар учун қўлланилган. «Қут» сўзи VI–IX асрлар қадимги туркий руник кўлёмаларда Худонинг ердаги элчисига нисбатан ишлатилган. Маълумки, қадимги уйғур халқи асос солган давлат Идикут («Муқаддас қутлар, яъни илоҳлар юрти») дея аталган. Демак, айтиш мумкинки, мазкур халқ талқинида ҳам «қут» худди туркийлар тилидаги «худа», «қуда», «қудай» сўзлари каби илоҳий куч билан боғланган ва бахт ва фаровонликнинг юқори чўққиси билан боғлиқ талқинга эгадир. Бу эса, шундан далолат берадики, инсонлар дастлаб бахтни илоҳий кучларнинг иштироки билан боғлаган бўлиб, бу ўша даврга хос дунёқарашни тўлиқ акс эттиради. Одамлар тафаккурида ўша даврларда мифологик дунёқараш ривожланган бўлиб, табиий равишда, бахт илоҳий инъом сифатида талқин қилинган. Мифологик тасаввурларнинг инкирози билан, «тақдир» мифологемасининг десакрализацияга юз тутуди ва бахт тушунчасини омадли ҳодиса, омад сифатида талқини доминант ўринга келади [4,260].

Эски туркий адабий тили босқичга келиб, тил қурилиши жиҳатидан илк туркий адабий тилга хос бўлган баъзи лексик-грамматик шакллар эски туркий адабий тилда истеъмолдан чиқиб қолади ёки истеъмол доираси ниҳоятда чекланиб қолади, форс-тожик ва араб тилларидан ўзлашган сўзлар кўлами кенгайиб боради ва, ҳатто, қадимги туркий тилдаги айрим сўзларнинг эски ўзбек тилида тожикча синонимлари пайдо бўлади: чечак (туркий) – гул (тожикча), ёғоч, йиғоч (туркий) – дарахт (тожикча), олтин (туркий) – тилла (тожикча), қиров (туркий) – шабнам (тожикча) ва ҳ.к.. Мазкур сўзларнинг кўпчилиги соф туркийча жуфтликларнинг истеъмолини пассивлаштиради. Бизнингча, «бахт» лексемасининг кириб

келиши соф туркийча «кут» сўзининг нутқда қўлланилиш частотасининг муайян даражада пасайишига олиб келган [5,13].

Этимологик манбаларнинг хабар беришича, «бахт» лексемаси зардуштийликнинг муқаддас китоби Авесто матнида «*bhaga*», «*bhagada*» шаклларида учрайди ва «*тақдир, насиб*» маъноларида қўлланилади. Форс-тожик тилидан ўзлашган «бахт» сўзи, А.А.Потевня фикрига кўра, славян тилларидаги «бог» (рус) билан узвий алоқадаги лексема бўлиши мумкин, чунки ушбу лексема этимологияси қадимги ҳинди тилидаги «*bhag*» – *ажратмоқ, бўлиб бермоқ*, ва «*bhagas*» – *толеъ, бахт* маъноларини англатувчи лексемаларига бориб тақалади [6,12].

В.С.Расторгуева, Д.И.Эдельман муаллифлиги остида нашр қилинган «Этимологический словарь иранских языков»да қуйидаги маълумотлар келтирилган:

bāga - 'доля, часть; (земельный) надел' – позднее значение 'сад' – из арийск. bhāga-, ср. др.-инд. bhāgā- м.р. 'часть; участь,доля – судьба': ав. г. бага- 'доля, пай'; др.-перс. bōga- (из арамейского источника) 'земельный надел; участок земли'; хс. бага- 'часть, доля' (возможно, индоарийское заимствование)

Вторичные производные от bāga- 'доля, надел':

bag-ta- > зап.-иран. baxta- ~ вост.-иран. *vayda- (лексикализованное прич. прош. вр. от *bag-) 'наделенный, выделенный.предназначенный' 'судьба', ср. др.-инд. bhaktá- 'выделенная часть, доля; полученный; подаренный'; ав. п. baxta- 'предназначенный, выделенный в качестве доли, части; участь; судьба'; (ср. также в сочетаниях ав. п. bayō.baxta- 'предназначенное Богом, богами'; baxta- и.с. (из эламского источника) – сокращенное от составного имени собственного, содержащего в качестве одного из компонентов baxta- 'судьба, предназначение'; скиф. *baxta 'удел; счастье'; парф. bxtg 'разделенный' (<baxta-ka-) \ cora, bxt 'счастье, удача' (и bxc и.с.), согд. ман. but- 'данное'.

В более поздние эпохи в части языков с рефлексамии причастия *bag-ta- совпадают рефлексии имени действия bag-ti- 'наделение':

ср.-перс. baxt [b'ht, bht) 'судьба, удел; счастье';

ср.-перс. baxt [b'ht, bht) 'судьба, удел; счастье';

кл. перс., дари, тадж. baxt\ совр. перс. bāxt; тат.-евр. bāxt 'доля, судьба; счастье'; лур. baxt 1) 'счастье'; 2) клятва, заклинание'; заимствования из перс.: бел. зап. baxt 'судьба; удел'; курд. курм. (включая курд. Арм.), курд. сор. baxt 1) 'счастье'; 2) 'участь, судьба'; авр. baxta\ тал. baxt / bāxt 'счастье; доля, судьба'; гил. baxt 'судьба'; джав. baxt 'судьба; счастье, удача [7,51].

Кўринадики, бахтлилик ва бахтсизлик қадим-қадимдан инсоният томонидан тақдир томонидан инъом этилган улуш, илоҳий инъом сифатида талқин қилиниб, даврлар оша бахт бахтсизлик майдони кенгайган, инсонлар лисоний онгида антропоцентриқ қарашлар ривожланган, пировард натижада концептга турли маъно оттенкалари қўшилган, бахтлилик ва бахтсизлик меъёрлари ҳам ўзгариб борган, бу эса, ўз навбатида, лисонда аксини топган.

«Бахт» ва унинг антиконцептининг ҳозирги замон ўзбек тили лексикографик изоҳларига тўхталадиган бўлсак, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қуйидаги таъриф келтирилади:

БАХТ – (форс тилидан ўзлашган *тақдир, насиба, улуш*). 1. Кишининг ўз фаолияти натижаларидан, ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиши, яшаш тарзидан мамнунлиги, муайян мақсадга етгани, орзу-умидининг ушалиши сифатида намоён бўладиган маънавий-ахлоқий тушунча. 2.Ҳаёт(турмуш)дан тўла мамнунлик ва беармонлик ҳолати; саодат, кут. *Меҳнат бахт келтирар (мақол)*. Бахти кулмоқ (ёки очилмоқ) - бахтиёр ҳаётга, хушнуд онларга эришмоқ; бахтли, бахтиёр бўлмоқ. Бахтинг очилсин ёки бахтингни берсин ёшларга муҳаббат ва ширин оилавий турмуш тилаш шакли. Бахти қора (қаро)- турмушдан ёлчимаган; бахтсиз. 3. Омад, толеъ; иқбол. (бахтига, бахтимизга – содир этилган ёки этиладиган воқеа-ходиса, ҳаракатнинг кўнгилдагидек бўлиши, бахти кулмоқ(чопмоқ)-омади чопмоқ, бахти очилмоқ – оилали бўлмоқ) Эл боқса, бахтинг кулар, Эл боқмаса, тахтинг кулар [8,178].

Бахтсизлик эса инкор, бўлишсизлик ифодаловчи аффикси орқали ясалган сўз бўлиб, бахт ифодалаган тушунчалар билан оппозитив муносабатни ифодалайди. Хусусан:

БАХТСИЗЛИК 1. Бахти кулмаганлик, бахтга эришмаганлик; омадсизлик. *Бахт билан бахтсизлик етаклашиб юраркан-да доим* (Ҳошимов Ў.). Яъни инсон тўлақонли бахтли бўлиши қийин экан-да, энди бахтга эришдим деганда, бир савдо бошга тушаман дейди, бироқ бу ҳам ўткинчи, маъносида;

2. Кўнгилсиз, нохуш ҳолат ва унинг сабабчиси бўлган воқеа, ҳодиса. *Адолат ҳам кейинги воқеалар қандайдир катта бахтсизликдан хабар бераётганини тушуниб, бўшашиб кетди.* (Раҳим И.) Ушбу мисолда «катта бахтсизлик» бирикмаси қандайдир жиддий ёқимсиз, эҳтимол, ўткинчи воқеа-ҳодисага ишора бермоқда, инсоннинг тақдирдан норизолик ҳисси назарда тутилмаяпти [9,178].

Маданий жиҳатдан актуал концептларнинг кўпчилиги ўзларининг концептуал инвариантларига эга бўлади. Мазкур маънодош инвариантлар синонимлар орқали ифодаланади, таянч сўз билан маъно муносабатларига мувофиқ равишда қайсидир бирлари ядро, бошқалари эса периферик зоналардан жой олади. А.Н.Приходько синонимларнинг қўлланилиши концептнинг лисонда субъектив баҳо билан акс эттириш воситаси деб ҳисоблайди. Бу нуқтаи назар, бизнингча, ядро лексемалари учун, шунингдек, кўчим асосига қурилган синонимик фразеологизмларга хос, чунки синонимларнинг барчаси ҳам бахтлилик ва бахтсизлик учун референт вазиятларга тўла мос кела олмайди. Бу масалада контекст муҳимроқ роль ўйнайди деб ҳисоблаймиз. Масалан, бахтсиз сўзининг тўлиқ синоними сифатида пешонаси шўр иборасини қиёсласак, албатта, иборанинг образли тарзда субъектив баҳо воситаси эканлигига шубҳа йўқ, бироқ лексик синонимияга мурожаат қилсак, контекст нақадар муҳим эканлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, бахтли сўзининг вазият ҳоли вазифасида қўлланилганда, унинг синоними сифатида фаровон лексемасини бир хил контекстга қўйиб, таҳлил қилинса, қуйидаги фарқлар намоён бўлади:

1. *Улар бахтли яшашга муносиб эмасми?*

2. *Улар фаровон яшашга муносиб эмасми?*

Кўриниб турганидек, фаровон сўзи бахтли сўзи билан тўлиқ синоним бўла олмайди ва моҳиятан у каби кенг ифода планига эга эмас. «Бахтли ҳаёт» гап кетаётган шахслар бахтни қандай меъёрга нисбатан ўлчаса, ўша кўламдаги барча нарса назарда тутиляпти, «фаровон ҳаёт» эса «ҳар жиҳатдан тўла-тўқис таъминланган» маъносида қўлланилиб бахтнинг майший-моддий планига кўпроқ алоқадор бўлган периферик бирлик эканлигига гувоҳ бўламиз. [10,85]. Субъектив баҳо иккинчи мисолимизда борми? Балки, бордир, бироқ синоним сўзнинг семантикаси буни аниқлашимизга тўсқинлик қилади.

Таҳлилларимиз яна кўрсатдики, синонимик лексемаларнинг уюшиб келиши қуйидаги мақсадларда хизмат қилади:

А) контекст таркибида айнан бахтлилик ва бахтсизлик концептларининг моҳиятига тўлиқ мос манзарани ҳосил қилиш воситаси сифатида кўпинча периферик синонимларнинг уюшиб, бир-бирининг «вакуум»ларини тўлдириш учун:

Ахир, биров мушугини пишт демаса, кун ора учрашиб, ҳол-аҳволдан хабардор юрса, оғирини енгил, узогини яқин қилса... (Абдуллаев А., 155)

Ҳалиги одам шаҳар айланибди. Қараса, бир одам ниҳоятда яхши яшаяпти, олдида ўғиллари хизматга бел боғлаган, егани олдида, емагани ортида. У шу одамга ҳавас қилиб, ҳазратга бориб, «Фалончини биласизми, тақсир? Фалон кўча, фалон маҳаллада яшайди. Ўша одамга ҳавас қилдим, шунга ўхшаб яшагим келяпти, дуо қилинг», дебди. Ҳазрат шундай дебдилар: «Майли, дуо қиламан. Лекин сен шошмагин, болам. Бориб, у одам билан бир гаплашиб кўргин. У одамни бирон муаммоси, бир дарди бўлмасин тагин. Дуо қилсам, ундаги неъмат билан қўшилиб, дарди ҳам сенга ўтиб қолмасин, кейин қийналиб юрма».

Бу одам яна бориб, ўша бой билан гаплашибди. Мен ҳазратнинг ҳузурларига бориб, сизга ҳавас қилганимни, сизга ўхшаб яшашимни сўраб, дуо қилишларини сўрасам, сизга юбордилар. Сизда ҳеч бир дард, муаммо йўқдир ҳар ҳолда?» дебди. У гапини тугатар-тугатмас, ҳалиги бой, ўзига тўқ, ҳаётдан хурсанд, мамнун бўлиб яшаётгандек кўринган

одам йиғлаб юборибди, «Бу дунёда мендан бахтсиз одам бўлмаса керак. Келиб, мендан сўраб тўғри қилибсиз» деб, ўзининг тарихини айтиб берибди [11,85]

Ҳар иккала контекст ҳам бахт тўғрисида муаллиф наздида референт вазият учун хос бўлган «комплекс» тарзида тасаввур уйғотиш интенцияси билан концептуал майдон ядро ва периферик бирликларининг мувофиқ жамланмасига мурожаат қилмоқда. Хусусан, бахтни ифодаловчи умумий бирликлардан ташқари (*мушугини пишт демаса, егани олдида, емагани кетида, дард, муаммо, хурсанд, мамнун-яқин периферия*), воқелик тасвири ҳам бор (*кун ора учрашиб, ҳол-аҳволдан хабардор юрса, оғирини енгил, узогини яқин қилса, олдида ўғиллари хизматга бел боғлаган- узоқ периферия*): муайян концептни ифодалаш учун номинатив бирликка тўғридан-тўғри мурожаат қилиш шарт эмас.

Б) маъно кучайтириш, жумлага ҳиссий-экспрессив бўёқдорлик бериш учун:

Севгилиси доимо оғзига қараб, айтганини муҳайё қиларди, жонидан ортиқ кўрарди, меҳрини аямасди. Аммо бу гамхўрлик унга камдай туюлди, озига

қаноат қилолмади(Абдуллаев А., 161). *Қумрихон опанинг қандоқ артист эканини билар, унинг учун театрдан кетишдан ортиқроқ жазо, фожиа, бахтиқаролик йўқлигини яхши тушунар эди* (Холмирзаев Ш.,166).

Бу каби коммуникатив интенция шуни талаб қиладики, муаллиф томонидан коммуникатив жиҳатдан энг аҳамиятли ҳисобланган лексема биринчи тилга олинади, кўпинча градация стилистик воситаси жумланинг яна ҳам услубий бўёқдор чиқишига кўмак беради. Бундай вазиятларда концептни акс этирувчи таянч сўзлар ўзларига тегишли синонимик қаторларнинг гипероними вазифасини ўтайди, яъни фаровонлик, омад, саодат сўзлари бахт лексемасининг гипонимлари бўлса, ўз навбатида, бахт сўзи улар учун гипероним вазифасини ўтайди. Синонимик қатордаги ҳар бир сўз индивидуал концептлар ҳисобланади, айтайлик, омад сўзи, ўз ҳолича концепт сифатида таҳлил қилинса, бахт унинг яқин периферик бирлиги статусини олган бўлур эди.

Натижалар ва муҳокама. Бахт концептининг юқорида келтирилган лексикографик изоҳларидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, уларни лексик майдониға хос бўлган синонимик бирликлар куйидаги фрейм-сценарий гуруҳларига бўлинади:

А) ижобий ҳис-туйғуларни ифодалаб, инсонни ўз ҳаётидан умумий қониқиш, тақдирдан ризолик ҳиссини ифодаловчи лексемалар: *бахт, иқбол, толеъ, саодат, масъудлик, фаровонлик;*

Бу она қизининг саодатидан бошқа нарсани билмайдирган оналардан эди. Дунёда қандай яхшилик ва хайриятлик бўлса, ҳаммасини шу биргина қизи учун истар ва орзу қиларди (Чўлпон, 6). *Саодат* сўзи ядро зона бирлиги сифатида онанинг қизи ўз ҳаётидан умумий мамнунлик ҳиссини ҳосил қилиб, «қийинчиликсиз, фароғатда яшаши» фрейм-сценарий тасвири учун таянч лексемадир. Мазкур категория бирликларининг асосий қисми бахт концептуал майдонининг ядросидан жой олади, бироқ *масъудлик* ва *фаровонлик* каби лексемалар бахт сўзининг гипонимлари бўлгани туфайли, семантикаси у каби кенг қамровли эмас.

Б) омад ва муваффақиятни ифодаловчи сўзлар: *иноят, муваффақият, омад, галаба, имконият, зафар, тантана, музаффарият;*

Мен «омад» деган сўзга ишонмайман, лекин «омад келиши» рост бўлса, шу сафар менинг омадим юришган экан! Менга айни ўзим тилаб юрган саволлар тушган эди: биринчи савол – саккизинчи синф программасидан Ньютон қонуни, иккинчиси қаршилик кучи, учинчиси осонгина бир мисол!. (Ёқубов О.,6).

Омад, омад келиши, омади юришган, ўзи тилаб юрган саволларнинг тушиши – бахт лексик майдонининг «Б» категория сценарий-фреймининг ҳосил қилиш воситалари сифатида келмоқда. Маълумки, *омад* сўзи лексикографик манбаларда «ишнинг ўнгидан келиши, илгари босиши; бахт, толеъ» каби изоҳланади, шунинг учун ҳам мазкур сўз кенг семантикаға эга, синонимик қатор доминантаси ва уларга гипероним сифатида ядро бирликдир; қолганлари муайян вазиятлар учун қўлланилади ва периферия ҳисобланади.

В) қувончли ҳодисаларни ифодаловчи лексемалар: *шодлик, хуррамлик, хурсандчилик, хушнудлик, масрурлик, хушхабар, мужда, фарах, сурур, қувонч, севинч, беҳбудлик.*

1) *Акбаровлар келишидан икки кун олдин Наиманинг ўзи ҳам таътилга чиқиб, у ёқда Камол ҳам отпуссага чиқиб, хотини ва ёш ўғилчаси билан келиб қолишиди. Уй тўлиб, хурсандчиликнинг чеки бўлмади. Сўнг Собирова она бўлажак фотиҳа ҳақида уларга гап солди* (Холмирзаев Ш., 45).

2) *Хумор момога кун тугди.*

3) *Ёлғиз ўғил аскардан келар бўлди.*

4) *Остонасидан суюнчихўр аримади.*

5) *Хушхабар олиб келгувчилар бировига тўн ёнди, бировига белбоғ ўради, бировига дўпти кийгизди* (Тоғай Мурод, 228).

«В» категория фрейм-сценарийнинг ўзига хос томони шуки, муайян вазиятлар учунгина хос бўлган, эҳтимол, муддатли давомийлигига эга ҳодисалар учун қўлланилади. Мазкур гуруҳ лексемаларининг барчаси периферик бирликлар ҳисобланади. *Уй тўлди* (қариндошлар келиб, бағри тўлди) ва *кун тугди* (яхши хабар эшитди, қувончли вазиятни бошдан кечиряпти, омади келди маъносида) иборалари ҳам, *хушхабар* сўзи ҳам қувончнинг бирдан келишини тасвирлайди.

Бахтсизлик концепти ҳам куйидаги фрейм-сценарийларни ҳосил қилувчи синонимик каторлардан иборат:

А) ҳаётдан қониқиш ҳиссининг мавжуд эмаслигини ифодаловчи бирликлар: *бебахтлик, бахтиқаролик, толеъсизлик, накбат, шўрпешоналик;*

1) *Фарбда аёллар тенг ҳуқуқчилиги (феминизм) учун олиб борилган узоқ курашлар аёлларга бахт-саодат, хуррият, оилавий фароғат ўрнига чексиз кулфат, бахтиқаролик, оналик саодатидан мосуволик ва хўрлик олиб келганини ҳеч ким инкор эта олмайди* [12]

2) *Не меҳнат бор аниким роҳати йўқ,*

Не накбатким сўнгинда давлати йўқ? (Лутфий)

Мазкур жумлада тақдирдан норозилик фреймини воқеалантирувчи лексемаларнинг турли хили уюшиб, ўқувчи ёки тингловчи онгида вазият учун хос бўлган бахтсизликни мукамал ва батафсил, яъни «комплекс» сифатида тасаввур қилишга хизмат қилади. Контекст таркибидаги кулфат сўзи аслида «В» фрейм учун хос, бироқ у билан «чексиз» аниқловчисининг қўлланилиши мазкур вазият тавсифини тўлдирмоқда.

Б) омаднинг кетишини тасвирловчи бирликлар: *омадсизлик, омаднинг юз ўғирishi, муваффақиятсизлик;*

Аммо тагин омадсизлик юз кўрсатди: бола ўлик тугилди. Ноумид – шайтон, дебдилар; улар номи чиққан докторлар, нафаси ўткир домлаларни излаб топдилар, ўшаларга эотиқод қўйдилар. Уч йилдан кейин аёл ҳомиладор бўлди. Тўққиз ойдан кейин дунёга келган ўғилларига боболари номи (Порсохон)ни беришиди.

Омадсизлик ва унинг гипонимлари бахтсизликнинг яқин периферияси ҳисобланади, яъни омадсизлик ўзбекча талқинда бахтсизлик дегани эмас: изоҳли луғатларда форс-тожикчадан ўзлашган *омад* лексемасининг бирламчи маъноси «ишнинг ўнгидан келиши, илгари босиши»; «бахт, толе» каби изоҳи иккиламчи маъносидир. Мазкур сўз ва унинг ҳосилалари бахтлилик ва бахтсизлик ва уларга боғлиқ бошқа бирликлар билан уюшиб келганда бинар оппозицияларнинг таянч маъносига ишора қилади, айро ҳолда эса ишнинг режадагидек кетмаслиги, хоҳиш-истакнинг амалга ошмай қолгани, турли тўсиқларга дуч келганликни акс эттирувчи фрейм бирликари саналади. Юқоридаги мисолда ҳам *омадсизликнинг юз ўғирishi – фарзанднинг нобуд бўлиши* ўткинчи бир савдонинг бошига тушганини ифодаламоқда, чунки, биринчидан, мазкур бирлик «А» ва «В» фрейм бирликлари билан уюшиб, комплекс шаклда туб бахтсизликни ифодаламаяпти, иккинчидан эса, контекст мазмуни ушбу ҳолат ўткинчи бўлганлигини, омадсизлик ариганини кўрсатмоқда.

В) ёқимсиз, бахтсиз ҳодисаларни ифодаловчи лексемалар: *мусибат, гам, кулфат, фожеа, фалокат, ташвиш, савдо, бало, андух, маҳзунлик, хафалик, шумхабар.*

Менинг ҳеч бир нолийдиган ерим йўқ эди. Толеимдан хафа эмас эдим, бу орада мана бу Фазилат тугилди. Бола деган ота-онани бир-бирига боғлайди... Фазилат тугилгандан кейин мен жуда хурсанд эдим. Худди ўша пайтларда онам ўлди. Отам ҳажга кетиб, у ерда қолди. Шунча **мусибатларни** қийналмасдан ўтказдим. Нимага десангиз, уйимдан кўнглим тўқ эди... (Чўлпон, 45)

«Мотамсаро ташвиш», «кулфат» маъноларини ифодаловчи **мусибат** сўзи ва барча унга уядош лексемалар инсонни қийнайди, азоб-уқубатга солувчи, тушкунликка туширувчи воқеа-ҳодисаларни англатади. Хавола этилган адабий парчада ҳикоя қахрамони мусибатларни бошдан кечирса ҳам, ўзини тўлақонли бахтсиз ҳис қилмаган (*уйимдан кўнглим тўқ эди...*), сабаби, бахтлилик ва бахтсизлик концептуал майдонининг энг марказида оилавий ҳаётдан кўнгли тўқлик универсалияси ётади. Агар баҳо ўзгача тус олса, яъни туб оилавий бахтнинг йўқлиги тасвирланганида эди, «В» фрейм ташкил қилувчилари алоҳида олиб қўлланилмаган бўларди: уюшиқ бўлақлар, ядро зона образли фразеологик воситалари ёки «А» фрейм бирликлари қўлланилиши мумкин эди.

Сўз туркумлари кесимида бахт концептуал майдон бирликлари қуйидаги синоним муносабатли сўзларни ўз ичига олади:

Сифат ва равиш шакллари: *бахтли, бахтиёр, саодатли, толели, толеи баланд, масъуд, фаровон, иқболли, иноятли, омадли, шод, хуррам, хурсанд, хушнуд, масрур, фарахбахш, сурурли, қувончли.*

*Лекин, гап кўндалангига ҳал қилинишига тўғри келиб қолган кезларда, миқ этмай ўтирар, унинг назарида, буларнинг ҳам ҳаётида яқин келажакда қандайдир, қизиқ бир ўзгариш бўладигандай туюлар, улар антиқа бир ҳаёт огушида **бахтли** ҳаёт кечирадигандек бўлар эди (Холмирзаев Ш., 29).*

Бахтсизлик концептининг сифат ва равиш шаклидаги бирликлари: *бебахт, бахтиқаро, бадбахт, толейсиз, шўрпешона, омадсиз, мусибатли, гам-андуҳли, қайгули, кулфатли, ташвишли, маҳзун, хафа (ҳолда, тарзда).*

*Оҳ! Қандай **бахтиқаро** эканман, нечук **толесиз** эканманки, бу кунда маним кўшиларим интибоҳ азонин эшитиб уйгонгон ва ўз саодатлари сари югурмоқда бўлгон ҳолда, маним бахтсиз авлодим бир-бирлари билан нифоқ ва адоват кучи билан таллашиб, ёқалашиб, охири ҳориб, кучсизланиб жаҳолат тўшагинда ҳануз ухламоқда ва жонсиз гавдалар каби ҳануз ётмоқдалар... Ай туркистонли турк ўғлонларим! Энди турингиз! Жаҳолат уйқусиндан уйгонингизки, кичик қиёмат кўпди! [14]*

Бахтлилик ва бахтсизлик концептуал майдони бирликлари ичида сифатлар нисбатан фаол ҳисобланади. Аффиксация (-ли, -сиз, бе-, бад-) композиция (*бахтиқаро, шўрпешона*) усулига қараганда, айниқса, маҳсулдор ҳисобланади. Тожик тилидан ўзлаштирилган сўзлар таркибидаги сифат ясовчи аффикслар эса асрлар давомида тилимизга сингиб кетиши натижасида ўзбекча сўзлардан ҳам сифат ясай олади. Бу аффикслар эндиликда ўзбек тилининг фаол сўз ясовчилари қаторига ўтган: *бебахт, бадбахт, донгдор, салмоқдор, билимдон, серсув,* каби

Ушбу сўз туркумларига тегишли энг кўп қўлланиладиган бирликлар – бахтли ва бахтсиз лексемалари бўлиб, «саодатли/саодатсиз», «толели/толесиз», «иқболли/беиқбол», «иноятли/иноятсиз» инвариантлари билан энг яқин маънодош бўлиб, ядро зонага тегишли, қолганлари эса периферик бирликлар ҳисобланади.

Равишга хос вазифалар эса сифат сўз туркуми орқали ифодаланиши ёки сифатга *тарзда, ҳолда, равишда, билан* каби ёрдамчиларни кўшиш орқали бажарилади: *масрурлик билан, қувончли ҳолда, қайгули тарзда* ва ҳ.к.

Бахт концептининг феъл шакллари (феъл асосли иборалар): *бахтли қилмоқ, бахтиёр айламоқ, масъудлик бағишламоқ, шод этмоқ, сарафроз этмоқ, кулмоқ, жилмаймоқ, (қувончдан) кўзига ёш олмоқ, йиғламоқ, толей ёр бўлмоқ, омад ёр бўлмоқ* ва ҳ.к.

*Мутални **бахтли қилишнинг** бирдан-бир йўли шу эди. Ўша кеча Эътибор мижжса қоқмади. Яна бошиқа тадбирлар ҳам қидириб чиқди. Энг сўнги тадбир, Муталнинг кўнглини ўзидан совитиш, безор қилиш бўлди (Саид Аҳмад. Таъзим, 9).*

Синглим раққосалар либосида даврага чиқиб келди. У рақсни шунчалар берилиб ижро этдики, тадбирга келганларнинг барчаси лол бўлиб қолди. Ёнимда туриб синглимни кузатиб турган онажоним эса **қувончдан йиглаб юборди** [15].

Бахтсизлик концептининг феъл шакллари(феъл асосли иборалар) эса куйидагилардир: *бахтсиз қилмоқ, бахтсизлик келтирмоқ, бахтиқаро қилмоқ, бебахт қилмоқ, бахтни қочирмоқ, кулфат келтирмоқ, балога гирифтор қилмоқ, гам-андухга ботирмоқ, йигламоқ, кўзига ёш олмоқ* ва ҳ.к..

Рост, – деди Собирова она ичида зил кетиб, кейин бирдан кўзига ёш олди. – Кўрмайсизми, Унсиноважон, мана шундай қилиб қўйишиди мени. Жамиятдан чиқариб ташлашди. Худоё душманларимнинг кўзига чўп суқилсин!(Холмирзаев Ш.,43)

Хулоса. Бахтлилик ва бахтсизлик концептуал майдон бирликлари орасида феъл ва феъл асосига қурилган иборалар жуда фаол динамикага эга. Феъл сўз туркумига тегишли ядро бирликлар асосан аналитик шаклда ясама кўшма феъл кўринишида *қилмоқ, этмоқ, айламоқ, бўлмоқ* каби ёрдамчи феъллар орқали ясалади. Бунда ясама кўшма феъл таркибидаги от ёки сифат сўз туркумига тегишли бирликлар қадимги вақтларда ҳаракат қаратилган объект билан ҳаракат муносабатини аниқлаган, кейинча бу муносабат йўқолиб, ҳар икки элемент қўшилган ва бир сўз ҳолига келиб қолган. Улар семантик жиҳатдан боғланиб, бир бутунликни ташкил қилади. *Кулмоқ, жилмаймоқ, кўзига ёш олмоқ, йигламоқ* каби бирликлар эмоционал концептларнинг кўпчилиги учун гоҳ ядро, гоҳ периферик қатламда қўлланилади. Тадқиқотимиз объекти бўлмиш бахтлилик ва бахтсизлик учун ҳам хос(инсон қувончдан ҳам, қайғудан ҳам йиғлаши ёки қулиши мумкин, хусусан, хос тасвирловчи ифодалар қўшилганда контекстсиз ҳам референт вазият равшанлашади: «ширин кулгу», «захарханда кулгу» ва ҳ.к.) периферик феъллар ҳисобланиб, объективация хусусиятига кўра паралингвистик бирлик, бироқ мазкур воқеаланиш тасвири лисонга кўчганда, тавсифловчи феъллар қаторига қўшишни лозим топдик.

Адабиётлар:

1. Бакирова Г. А. Вербализация концепта «счастье» в татарском и английском языках (на примере благожеланий): автореф. дис. канд. филол.наук. – Казань. (Приволж.) федер. ун-т, 2011.

2. Ващеулова А. С. Динамика концепта СЧАСТЬЕ в американской культуре и ее представленность в языке //Проблемы межкультурной коммуникации в теории языка и лингводидактике. – 2006.

3. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Талқин, 2005.

4. Надеяев В. М. и др. Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, Ленинградское отделение, 1969. – С. 471.

5. Расторгуева С.Р., Д.И.Эдельман. Этимологический словарь иранских языков. Т. I. – М.: Восточная литература, 2000. – С. 51-53.

6. Гурсунов У., Уринбаев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.117.

7. Ҳамраев А.Т. Имперсональные мегаобразы Баласагуни // Мысль. - 2017. - №10

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 178-179.

9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 178-179.

10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – М.: Рус тили, 1981. – Б.85-86.

11. <http://muslim.uz/index.php/maqolalar/hikoyalar/item>

12. <http://info.islom.uz/yangiliklar/item/1438-zamonaviy-feminizm.html>

13. <https://azon.uz/content/views/ay-suyukli-uglonlarim-uygoningiz-uygonin>

14. <https://hordiq.uz/2020/05/04/ulmay-turib-kumilgan-singlim/>

Абузалова Мехринисо Кадировна
Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги ва
журналистика кафедраси профессори, ф.ф.д (DSc)

ГРАММАТИК ВАЛЕНТЛИК ВА УНИНГ СИНТАКТИК ҚУРИЛМА ТУЗИЛИШНИ БЕЛГИЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Грамматик валентлик тил бирликлари муносабатларида жуда муҳим ўрин тутадиган бирикиш/бириктириш тури бўлиб, нафақат лексемаларнинг синтактик валентлигига, айни пайтда улар ифодалаган маъноларнинг стилистик жиҳатларига ҳам таъсир қилади. /WF/ маълум бир синтактик қурилма марказида турган ва унинг таркибини белгилайдиган лисоний бирлик рамзидир.

Калит сўзлар: валентлик, сўз шакли, синтактик қурилиш, валентлик муносабатлари, сўзшакли тузилиши, семантик-синтактик гуруҳлар (ССГ), субстанциал ёндашув, формал-функционал тилшунослик, /WF/, лингвистик бирлик белгиси.

Аннотация: Занимающая весьма важное место в отношениях языковых единиц грамматическая валентность влияет не только на валентность лексем в этих отношениях, в то же время, она оказывает влияние и на стилистические оттенки выражаемых ими значений. /WF/ является символом языковой единицы, которая находится в центре определённой синтаксической конструкции и предопределяет её структуру.

Ключевые слова: валентность, словоформа, синтаксическая конструкция, взаимодействия валентностей, структура словоформы, семантико-синтаксические группы (ССГ), субстанциальный подход, формально-функциональное языкознание, /WF/, символом языковой единицы.

Abstract: Occupying a very important place in the relations of linguistic units, grammatical valency affects not only the valence of lexemes in these relations, at the same time, it also affects the stylistic shades of the meanings they express.

/WF/ is a symbol of a language unit that is at the center of a certain syntactic construction and predetermines its structure.


Key words: valency, word form, syntactic construction, valency interactions, word form structure, semantic-syntactic groups (SSG), substantive approach, formal-functional linguistics, /WF/, symbol of a language unit.

Кириш. Тилга субстанциал ёндашиш нафақат луғавий шаклларда, балки морфологик (грамматик) шаклларда ҳам валентлик қонуниятининг мавжудлиги ҳақидаги фикрни илгари суришга асос бўла олади. Тилшуносликда **грамматик валентлик** тушунчаси грамматик шаклнинг маъновий ва синтактик томонини диалектик бирликда кўриш натижасида пайдо бўлди [1].

Лексемалар каби грамматик шакллар ҳам валентликка эга бўлиб, улар лексема валентлигини ўзгартириши, унга таъсир қилиши мумкин. **Грамматик валентлик деганда морфологик шакл ва синтактик мавқе (позиция)нинг ўзига хос бирикувчанлиги, бошқа сўз ёки бўлак билан кенгайишни талаб қилиши ва лексеманинг семантик-синтактик валентлигига таъсири, уни ўзгартириши тушунилади.** Бошқача айтганда, грамматик (морфологик) шаклларни ҳосил қилишга хизмат қиладиган воситалар ва аффиксал морфемаларнинг бошқа бўлақлар билан бирикиши, лексик-семантик валентликка таъсир қобиляти грамматик шакл валентлигидир*. Қуйида таркибида турли хил грамматик

*Биз грамматик валентлик ҳамда морфологик шакл валентлиги атамаларини тенг қийматли синонимлар сифатида қўллаймиз.

шакллар мавжуд бўлган сўзшаклларнинг бирикув имкониятларини кузатайлик.
(Қаранг: 1-2-3-чизмалар)



Сўз шаклларнинг бирикув имкониятлари

Для понимания природы различий между биологическими и культурными аспектами пола категории «маскулинность» и «феминность» имеют особое значение. Они включают в себя социальные представления и стереотипы о мужском и женском, нормы и модели поведения, предписываемые мужчинам и женщинам, то есть характеризуют половые различия с социокультурной стороны. Именно это доказывает необходимость выделения и анализа терминов «маскулинность» и «феминность» как самостоятельных категорий социогуманитарного знания.

Этимологически термина «маскулинность / феминность» и «мужественность / женственность» очень близки между собой: первые происходят соответственно от латинского *masculus* – «мужской» и *femina* – «женский». В связи с этим некоторые исследователи оспаривают правомочность выделения маскулинности и феминности как самостоятельных категорий социогуманитарных наук, считая их лишь необоснованной заменой привычных терминов «мужественность» и «женственность» иноязычными словами.

И.В. Костерина по этому поводу замечает, что «в научном дискурсе существует терминологическая путаница, связанная с параллельным употреблением понятий “мужественность” и “маскулинность”. Одни исследователи используют их как синонимы, другие употребляют слово “мужественность” для обозначения неких объективно существующих “качеств”, присущих индивидам мужского пола, а слово “маскулинность” – для обозначения различных типов поведения и идентичности» [10, С. 117].

Результаты и обсуждение. На наш взгляд, введение в оборот гуманитарных наук терминов «маскулинность/феминность» вполне оправданно, так как оно позволяет избежать оценочных коннотаций, характерных для терминов «мужественность/женственность». Как справедливо отмечает И.С. Кон, «понятие мужественности является не только и не столько описательным (дескриптивным), подразумевая совокупность черт, предположительно отличающих мужчин от женщин, сколько предписательно-нормативным, подразумевая систему представлений о том, каким должен быть “настоящий мужчина»» [9, С. 29]. То есть, как и всякая бинарная оппозиция,

пара «мужественность – женственность» содержит в себе оценочный момент, не позволяющий использовать эти категории для объективной характеристики личности и общественных отношений. Причем, что характерно для восприятия биполярных оппозиций человеческим сознанием в целом, один из полюсов данной пары (мужественность) традиционно оценивается положительно, а второй (женственность), – соответственно, негативно. И.С. Кон по этому поводу замечает: «Русские слова “мужество” и “мужественность” обозначают не просто совокупность специфически “мужских” (не важно, реальных или воображаемых) качеств, но и морально-психологическое свойство, одинаково желательное для обоих полов... Выражение “мужественная женщина” звучит очень хорошо, а “женственный мужчина” – очень плохо» [9, С. 42].

И.С. Кон рассматривает маскулинность и феминность «как особую социальную идентичность, которая существует исключительно в определенном социуме, изменяется вместе с ним» [8, С. 571]. Он выделяет три разных значения понятий «маскулинность» и «феминность»:

1) маскулинность и феминность как дескриптивные, описательные категории, обозначающие совокупность поведенческих и психических черт, свойств и особенностей, объективно присущих мужчинам в отличие от женщин и женщинам в отличие от мужчин.

2) маскулинность и феминность как аскриптивные категории, обозначающие один из элементов символической культуры общества, совокупность социальных представлений, установок и верований о том, чем являются мужчина и женщина, какие качества им приписывают.

3) маскулинность и феминность как прескриптивные категории – системы предписаний, имеющих в виду не среднестатистических мужчин и женщин, а идеальных, «настоящих», некий нормативный эталон [8, С. 132].

Согласно словарю гендерных терминов, маскулинность и феминность – «комплекс характеристик поведения, возможностей и ожиданий, детерминирующих социальную практику той или иной группы, объединенной по признаку пола» [12]. Соответственно, маскулинность – это то, что добавлено к анатомии для получения мужской гендерной роли, феминность – к женской. Таким образом, феминность и маскулинность являются не только признаками конкретных биологических организмов, но и социально и культурно обусловленными концептами, позволяющими рассматривать их как бинарную оппозицию, содержащую не только наличие / отсутствие определенного признака, но и категорию оценки [7]. Так, Ш. Берд определяет маскулинность как «социально-сконструированные ожидания, касающиеся поведения, представлений, переживаний, стиля социального взаимодействия, соответствующего мужчинам, представленные в определенной культуре в определенное время» [1, С. 6]. Подобных взглядов придерживался и американский исследователь Р. Коннелл, который понимал маскулинность как культурный образец, который лежит в основе практик пола [16, С.71].

Исходя из данных различий в понимании маскулинности и феминности, сформировались различные их каноны, в зависимости от того, в какой научной парадигме они рассматриваются. В современной науке существует четыре главные парадигмы маскулинности/феминности: биологическая, психоаналитическая, социально-конструктивистская и постмодернистская. При этом первые две парадигмы можно условно отнести к эссенциалистским, так как они рассматривают маскулинность и феминность как производные от биологической разницы между мужчиной и женщиной. Последние две парадигмы условно называют конструктивистскими, так как они рассматривают маскулинность и феминность как общественный конструкт, который происходит из гендерной идеологии общества и сформирован под влиянием традиционных взглядов на мужскую роль и конкретной социокультурной ситуации.

Психоаналитическая парадигма маскулинности/феминности утверждает, что мужские и женские свойства, хотя и универсальны, но заданы не биологически, а предопределены процессом индивидуального развития человека под воздействием

социальных отношений. Как полагают сторонники этого подхода, к которым можно отнести З. Фрейда, К.Г. Юнга, Ж. Лакана, Г. С. Салливан, маскулинность и феминность на психологическом уровне формируются с помощью механизмов идентификации: девочки вырабатывают гибкую личную идентификацию со своими матерями, тогда как мальчики, постепенно осознавая свой отличный от женщин природный и социальный статус, следуют негативной позиционной идентификации, усваивая разрозненные аспекты обобщенной мужской роли. Именно поэтому, с точки зрения сторонников психоанализа, у мужчин чаще встречаются отклонения от природного стандарта маскулинности, которые вызваны неподобающим воспитанием или слишком интенсивным общением с носителями феминных черт. Также в психоаналитическом подходе сформировалось представление о том, что на самом деле маскулинность не монолитна, а внутренне противоречива, так как обязательно включает в себя отдельные заведомо феминные характеристики.

В процессе формирования гендерных категорий особую роль играют гендерные представления как разновидность социальных представлений об устройстве мира носителей определенной культуры. По мнению Ю.Е.Гусевой, гендерные представления – это «суждения о взаимоотношении ролей и статусов мужчин и женщин, обусловленные социально-историческими изменениями, происходящими в обществе, а также социальной политикой государства в отношении мужчин и женщин [4, С.31]. Они включают в себя собственно представления, образы и понятия, а также связанные с ними оценки и коннотации. И.Е.Герасименко рассматривает гендерные представления как «сеть понятий, взглядов, утверждений и объяснений о социальном статусе и положении в обществе мужчин и женщин, обусловленные социальным контекстом [2, С.41]. В языке гендерные представления структурируются на основе когнитивных механизмов концептуализации и категоризации. Гендерная категоризация представляет собой «приписывание» пола, а затем и рода. Она является неизбежной базовой практикой повседневного взаимодействия и представляет собой «неосознанный, нерелексированный фон коммуникации» [4, С.177].

Концептуализация определяется как «процесс познавательной деятельности человека, заключающегося в осмыслении поступающей информации и приводящего к образованию концептов, концептуальных структур и концептуальной системы в мозгу человека [11, 93].

Для гендерной категоризации актуальными представляются два вида пропозициональных структур: культурные постулаты, закрепленные в языке в различных типах дискурса в форме идиоматических выражений, и невербальные высказывания, не будучи сами выражены словесно. При этом различные типы дискурса актуализируют разные типы пропозиций. Например, в русском менталитете наряду с пропозицией «женщина – слабая (слабый пол)», существует пропозиция «женщина – сильная» (*коня на скаку останавит*). Пропозициональные схемы производны от опыта как коллективного, так и индивидуального, которые постепенно обрабатываются, обобщаются и фиксируются в виде сценариев.

Представления включают в себя стереотип – суждение, в котором в обобщающей форме приписывают определенной категории людей те или иные качества с ярко выраженной эмоциональной амплитудой. Гендерные стереотипы являются частным случаем стереотипа. Они влияют на формирование ожиданий от представителей того или другого пола определенного типа поведения и регламентируют его, что часто выражается в языке существовании устойчивых выражений.

С точки зрения когнитивной лингвистики стереотипы можно представить как особый вид ментальных репрезентаций широко распространенных мнений, получивших статус знания и потому закрепившихся в языке. Значит, стереотип является результатом особой формы концептуализации, которая сопровождается переживаниями и оценкой, обязательно имеет аксиологическую природу. Действуя по принципу кратчайшего пути, стереотипы облегчают понимание окружающего мира, формируя основу для контекстуальных импликаций.

Гендерные стереотипы важны для концептуализации образов мужчины и женщины, поскольку они определяют культурные ожидания: отклонение от стереотипа воспринимается как отклонение от нормы. Стереотипы отличаются от прецедентных феноменов и типичных примеров. За прецедентными феноменами всегда стоит конкретный феномен, за стереотипом же стоит абстрактный, собирательный образ. Типичные примеры используются неосознанно, автоматически, не являются предметом публичного обсуждения и не меняются заметно в течение жизни человека, в то время как стереотипы носят осознанный характер, могут меняться с течением времени и становиться предметом споров и разногласий в обществе.

Е.С.Гриценко демонстрирует процесс гендерной категоризации на основе типичных примеров: идиоматические характеристики внешности и поведения представителей одного пола через другой. Когда о женщине говорят «*ходит по-мужски*», а о мужчине – «*краснеет как девушка*», то констатируют, что ее/его походка/внешность/поведение не типичны для представителей данного пола. Поскольку гендерные знания структурированы в форме полярных оппозиций, нетипичное женское воспринимается как типично мужское, а нетипичное мужское как типично женское [3, С. 188]. Вместе с тем исследователи отмечают, что в процессе гендерной концептуализации граница между стереотипами и типичными примерами фактически стирается. Гендерно типичное в функции прототипа формирует определенные культурные ожидания и, таким образом, становится стереотипичным.

Определенный пласт гендерных представлений отражен в гендерных идеалах. Под гендерными идеалами понимается идеализированные представления о предназначении, поведении и чувствах мужчин и женщин, свойственные данной культуре [13, С. 472]. Лингвистическим маркером идеала служат конструкции слов «настоящий», «просто», «прямо». Основанные на гендерных идеалах модели поведения усваиваются в процессе социализации и влияют на языковое сознание человека.

Стереотип и идеал служат основанием нормативной оценки. Семантическая категория нормы отражает присутствующие в языковом сознании коллектива и регулярно выражаемые при помощи специализированных языковых средств стереотипные представления о количественных и качественных характеристиках объекта того или иного класса, а также о его месте в картине мира. Специфика выражения названной категории состоит в том, что значение отношения к норме выражается в языке чаще путем обозначения аномалий, чем соответствующей норме ситуаций [5, С. 24].

Выводы. Таким образом, маскулинность и феминность являются частью гендерных понятий и представлений об устройстве мира и включают в себя собственно представления, стереотипы и идеалы, которые служат основанием гендерной оценки. Современные представления о маскулинности и феминности свидетельствуют о комплексности и неоднозначности данных категорий. Анализ научной литературы показал, что гендерная лингвистика считает важным в общественной системе не собственно биологический пол индивида, а совокупность социальных функций и ролей, предписываемых представителям этого пола, и те гендерные поведенческие стратегии, которые использует сам человек.

Список литературы:

- 1.Берд Ш. Теоретизируя маскулинности: современные тенденции в социальных науках // Гендерные исследования. – 2000. № 14. – С. 5-33.
- 2.Герасименко И.Е. Концепты «мужественность» и «женственность» как основа гендерной культуры и ментальности // Вестник Челябинского государственного университета. – 2008. № 20. – С.40-43.
- 3.Гриценко Е.С. Язык как средство конструирования гендера: дисс. ... док. филол. наук. – Н.Новгород, 2005. – 401 с.

4. Гусева Ю.Е. Влияние социально-исторических изменений в обществе на трансформацию гендерных представлений в популярной прессе: дис. ... канд.пед.наук. – Санкт-Петербург, 2007. – 200 с.
5. Ефанова Л.Г. Категория нормы в русской языковой картине мира: автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Томск, 2013. – 41 с.
6. Кирилина А. В. Гендер: лингвистические аспекты. – М.: Ин-т социологии РАН, 1999. – 189 с.
7. Кирилина А.В. Гендерные исследования в зарубежной и российской лингвистике. Философский и методологический аспекты // *Общественные науки и современность*. – 2000. – № 4. – С. 134.
8. Кон И. А. Мужские исследования: меняющиеся мужчины в изменяющемся мире // *Введение в тендерные исследования: Учебное пособие* / Под ред. И. Жеребкиной. – Харьков: ХЦГИ, 2001. – Ч. 1. – С. 562–605.
9. Кон И. С. Мужчина в меняющемся мире. – М.: Время, 2009. – 496 с.
10. Костерина И.В. Практики маскулинности в молодежных группах // *Социологические исследования*, 2010. № 1. – С. 116-126.
11. Кубрякова Е.С. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: Изд-во МГУ, 1996. – 245 с.
12. Словарь гендерных терминов [Электронный ресурс]. URL: <http://www.owl.ru/gender/>.
13. Смелзер Н. Социология: пер.с англ. – М.: Феникс, 1994. – 688 с.
14. Фомин А. Г. Психолингвистическая концепция гендерной языковой личности: автореф. ... дис. д-ра фил. наук / А. Г. Фомин. – Барнаул, 2004. – 48 с.
15. Халеева И. И. Гендер как интрига познания // *Гендерный фактор в языке и коммуникации*. – Вып. 446. – М., 1999. – С. 7–14.
16. Cornel R. W. *Masculinities*. 2nd ed. – University of California Press, 2005. – 324 p.
17. Stoller R. *Sex and Gender: On the Development of Masculinity and Femininity*. – New York: Science House, 1968. – 383 p.

Yuldasheva Dilorom Nigmatovna
Buxoro davlat universiteti o'zbek tilshunosligi va
jurnalistika kafedrası professori, pedagogika
fanlari nomzodi e-mail: diloromxon.68@mail.ru

SUKUT LINGVOPRAGMATIK BIRLIK SIFATIDA

Annotatsiya: Nutqiy muloqotga situativlik xos, shuning uchun uning shakllari ham, ifodaviyligi ham serqirra. Vaholanki, lison va uning hosilasi bo'lmish nutq kommunikativlik, ekspressivlik, akkumulyativlik bilan bog'liq faoliyat bo'lganligi uchun uning natijasi ham nutqning ta'sir kuchi, nutqdan ko'zlangan maqsadga erishilganlik bilan xarakterlanadi. Nutqiy muloqot lisoniy imkoniyatlarning muayyan moddiy shaklda shunchaki voqelanishidan farqlanishi ayon.

Hozirda o'zbek tilshunosligida lingvokognitologiya yangi yo'nalish sifatida tadqiq ishlarini olib bormoqdaki, unda lisoniy birliklarning kognitiv xususiyatlarini aniqlashga kirishilgan. Milliy til va milliy tafakkur mushtarakligidan kelib chiqqan holda har bir lisoniy hodisaning kognitiv, ekspressiv, akkumulyativ jihatlarini tekshirish mazkur yo'nalishning asosiy vazifasiga aylangan. Zero, o'zbek muhitida ham tilni o'z sohibi bilan birga ijtimoiy muhit, madaniyat, milliylik kabi omillar mushtarakligida tahlil etishni davr taqozo etmoqda.

Ushbu maqolada tilning lingvopragmatikani amalga oshirish vositasi sifatida evfemik, (masalan, tibbiy evfemik) ma'nolarni yuzaga chiqarishga xizmat qiluvchi noverbal birlik (sukut) sinonimiya, graduonimiya, antonimizatsiya, perifraza, metafora, metonimiya, sinekdoxa, kinoya, frazeologizm, evfemizatsiya kabi verbal birliklar bilan muqoyasada tahlilga tortilgan.

Kalit so'zlar: *nutqiy muloqot, tibbiy evfemik ma'no, sinonimiya, graduonimiya, antonimizatsiya, perifraza, metafora, evfemizatsiya, noverbal vositalar: ohang, sukut*

Аннотация: Речевому общению присуща ситуативность, поэтому и его формы, и выразительность многообразны. Однако, поскольку речь Лисона и ее производная—это деятельность, связанная с коммуникативностью, выразительностью, аккумулятивностью, ее результат также характеризуется силой воздействия речи, тем, что из речи достигается намеченная цель. Понятно, что речевое общение отличается от простого воплощения языковых возможностей в той или иной материальной форме.

В настоящее время в узбекской лингвистике лингвоконитология проводит исследовательскую работу как новое направление, в рамках которого приступают к определению когнитивных характеристик языковых единиц. Изучение когнитивных, экспрессивных, аккумулятивных аспектов каждого языкового явления в силу общности национального языка и национального мышления стало главной задачей этого направления. Ведь узбекская среда также диктует период анализа языка вместе с его владельцем в сообществе таких факторов, как социальная среда, культура, национализм.

В этой статье невербальная единица (по умолчанию) языка, служащая для выявления эвфемистических, (например, медицинских эвфемизмов) значений языка как средства реализации лингвопрагматики, подвергается анализу в сравнении с такими вербальными единицами, как синонимия, градуонимия, антонимизация, перифраза, метафора, метонимия, sinekdoxa, ирония, frazeologizm, эвфемизация.

Ключевые слова: *вербальная коммуникация, медицинское эвфемистическое значение, синонимия, градуонимия, антонимия, перифраза, метафора, эвфемизм, невербальные средства: тон, тишина*

Abstract. Situationalness is inherent in speech communication, therefore both its forms and expressiveness are diverse. However, since Leeson's speech and its derivative is an activity associated with communicativeness, expressiveness, accumulativeness, its result is also characterized by the power of the influence of speech, by the fact that the intended goal is achieved

from speech. It is clear that verbal communication differs from the simple embodiment of linguistic possibilities in one or another material form.

Currently, linguocognitology is conducting research work in Uzbek linguistics as a new direction, within which they begin to determine the cognitive characteristics of language units. The study of cognitive, expressive, accumulative aspects of each linguistic phenomenon, due to the commonality of the national language and national thinking, has become the main task of this direction. After all, the Uzbek environment also dictates the period of analysis of the language together with its owner in the community of such factors as the social environment, culture, nationalism.

In this article, the non-verbal unit (by default) of the language, which serves to identify euphemistic (for example, medical euphemisms) meanings of the language as a means of implementing linguopragmatics, is analyzed in comparison with such verbal units as synonymy, graduonymy, antonymization, paraphrase, metaphor, metonymy, synecdoche, irony, idiom, euphemization.

Key words: *verbal communication, medical euphemistic meaning, synonyms, gradonyms, antonyms, paraphrase, metaphor, euphemism, non-verbal means: tone, silence*

Kirish. Har qanday tilning boyligi o'sha til birliklarining qo'llanilish imkoniyatlari darajasi bilan o'lchanadi. Milliy til o'sha til egalari ma'naviyati, madaniyati, saviyasini belgilovchi; millatni millat qilib shakllantiruvchi, xalqni xalq sifatida yuksaltiruvchi beqiyos omildir, zero. Ma'lumki, muayyan millatning paydo bo'lishi, shakllanishi va yuzaga chiqishi etnomadaniy hodisa hisoblanmish milliy til bilan chambarchas bog'liq. Millatparvar yurtdoshimiz Abdurauf Fitrat to'g'ri ta'kidlaganidek: «Millatning o'zligini, dunyoda borligini, o'ziga xosligini belgilovchi omillardan asosiysi uning ona tilidir» [1].

Demak, til millat bilan vobasta. Millatning yaratuvchisi onalarimiz. Shuning uchun ham tilga nisbatan *ona tili* birligi ishlatilishi tabiiy hol. Ha, tilga *ona tili* darajasining berilishi unga xalq tarafidan, uning sohiblari tomonidan ko'rsatilgan yuksak ehtirom namunasidir. Dunyo tillari ichida o'zbek tili tilning asosiy funktsiyalari – kommunikativ, ekspressiv hamda akkumulyativ vazifalarini bajarishda, ya'ni rang-barang nutqiy voqeliklarni yuzaga chiqarishda, butun olamning o'zbekcha lisoniy manzarasini yaratishda o'ziga xos keng imkoniyatlarga ega. Buni mazkur tilning axborot berish va axborot qabul qilish (lokutiv), muayyan muloqot nutqida tinglovchiga emoional-ekspressiv ta'sir ko'rsatish (lingvopragmatik), yozma manbalarda biror voqelikni, predmetlikni yoki harakat-holatni tasvirlash yoki tavsiflash (simvolik) usullarida aniq kuzatish mumkin.

Shu o'rinda e'tiborimizni tilning lingvopragmatik xususiyatiga qaratamiz. (Tanlangan mavzu bilan bog'liq tarzda keltirilgan misollarda soha lingvistikasiga, jumladan, shifokorlar va ularning nutqidagi lingvopragmatik jihatlarga e'tibor qartamiz.)

Muhokama va tahlil. Lison va uning voqeligi bo'lmish nutq shunchaki gapirish yoki nimanidir yozib qo'yish emas. Lison insonning, qolaversa, butun boshli xalqning madaniyati, ma'naviyati, uning tarbiyalanganlik darajasini ko'rsatuvchi oyna sanaladi. Odatda, kundalik hayotimizda ma'lum bir voqelik haqidagi axborotni, shuningdek, shu voqelikka bo'lgan munosabatimizni, hissiy kechinmalarimizni ifodalashda turli lingvistik yoki paralingvistik vositalardan foydalanamiz. Zero, voqelikni ifodalashda bir qancha usullar mavjud bo'lib, ular kommunikativ intenyoning yuzaga chiqishiga xizmat qiladi. Tilshunoslikda kommunikativ intenyoning yuzaga chiqishiga xizmat qiluvchi sinonimiya, graduonimiya, antonimizatsiya, perifraza, metafora, metonimiya, sinekdoxa, kinoya, frazeologizm, evfemizatsiya, epitet kabi bir qancha hodisalar mavjudligi tilshunoslarga yaxshi ma'lum. Jumladan,

Sinonimlar, shaklan har xil, ammo aynan bir tushunchani turli bo'yoq va ottenka tusi bilan ifodalaydigan birliklar sifatida nutqni boyitib turadi. Lug'aviy ma'nodoshlik sememasi tarkibidagi atash va vazifa semalari bir xil, ifoda semalari har xil bo'lgan, bir turdagi narsa-buyum, belgi-xususiyat, harakat-holatni ifodalovchi leksemalararo munosabatdir. Masalan, *kasal* (arabcha so'z) – *bemor* (forscha so'z) – *notob* (forscha so'z) – *betob* (forscha so'z) – *nosog'* (forscha so'z) – *xasta* (forscha so'z).

Ba'zan bu so'zlarga ma'nodosh sifatida *tani xasta* birligi ishlatiladiki, u *bemor* yoki *kasal* so'zlariga nisbatan ma'noni ta'sirliroq ifodalaydi.

Hayotimiz va **tani xasta** salomatligimiz yo'lida o'z huzur-halovatidan kechib xizmat qiladigan bu sharaflig kasb egalari har qancha e'tirof etsak arziydi. Ayniqsa bugungi pandemiya davrida tunu kun mehnat qilib kasallikka qarshi kurashishda jasorat ko'rsatayotgan, bemorlarning salomatliklari yo'lida ko'rsatayotgan fidoyiliklari tahsinga sazovor.

Yaratgan egam, sendan qalbi ko'r, qalbi bemorlarga va **tani xastalarga** shifo berishingni so'raymiz. Bizni bu dardlardan yiroq qil!

Graduonimik lug'aviy birliklar o'zaro ma'noviy munosabatiga ko'ra ma'lum bir darajalanish qatorini hosil etishi fanga qadimdan ma'lum. G'ayrilisoniy omilning mohiyati shundaki, borliqdagi narsa, belgi-xususiyatda sifat farqi bilan birga miqdor farqi ham mavjud. Masalan, **bo'lmag'ur** (holat) – **be'ma'ni** (odat) – **noma'qul** (farzand) – **nodurust** (yumush) – **tuban** (kishi) – **jirkanch** (jinoyat) – **rasvo** (ko'rinish) – **yaramas** (odat) – **razil** (odam) – **qabih** (ish).

Bo'lmag'ur leksik birligida yaramaslik yoki jamiyat belgilab qo'ygan odob-axloq me'yorlaridan, insoniy fazilatlardan chekinish holatini ko'rsatuvchi belgining pastroq darajada ifodalanishi kuzatiladi. Masalan,

Sohada shifokorlarning bemorlar sog'ligiga befarq bo'lishi, xodimlarning korrupsiyaga berilishi kabi bo'lmag'ur holatlar kuzatilganligini inkor etib bo'lmayapti. (<https://t.me>)

Shifokorning bemordan nimanidir tama qilib turishidek bo'lmag'ur holatni ko'rgan emasman. (<https://twitter.com>)

Razil yoki *qabih* leksik birliklarida esa sanab o'tilgan illatlar belgisi yuqori darajada ekanligini kuzatamiz. Masalan,

Xullas, shifokor to'g'ri odam bo'lganligi uchun bu razil odamlarni o'zidan uzoqlashtiribdi.

...Nasiba opa avval bolalar xonasiga, keyin jonlantirish bo'limiga kirib chiqdi. Bola erda ham, ko'kda ham yo'q, izziz g'oyib bo'lgan edi. Ertasi kuni tongda xiyobonni tozalashga kelgan farrosh o'rindiqlardan birida sovuqdan muzlab qolgan chaqaloq jasadini topdi. Bu «mehribon» shifokorning qabih ishi edi... (<http://darakchi.uz/>)

Tabiatdagi rang va boshqa belgilar shunchalik xilma-xilki, bo'yoqchilar birgina qora rangning hatto o'ndan ortiq turini ajratadilar. Insonning faol ongi ana shu miqdoriy va sifatiy farqni aks ettiradi. Til onging ifodasi bo'lganligi bois u ongdagi aks ettirilgan mana shunday miqdoriy farqlarni ham ifodalashi lozim. Bunday miqdoriy farq turli usul bilan, jumladan, alohida-alohida leksema bilan ham ifodalanadi. Chunonchi, *shifo-davo* – *malham* kabi.

Antonim leksemalar asosida borliqdagi qarama-qarshi hodisaning in'ikosi bo'lgan qarama-qarshi tushuncha yotadi. Masalan, *Yurtimizda tajribali shifokorlar ko'p.* – *Umrin bino bo'lib bunday no'noq do'xtirni ko'rmagan edim.*

Perifrazalar nutqda o'z nomiga ega bo'lgan denotatni baholovchi, bo'yoqdorlik asosida qayta nomlovchi birliklardir. Masalan, *Hozirgi tahlikali kunlarda, butun dunyo ahli ko'rinmas yov bilan kurashayotgan bir darvrda, ayniqsa, jonlarini garovga qo'yib, betoblarga yordam ko'rsatayotgan shifokorlarning sharaflig va mashaqqatli kasbini yana bir bor madh etish ayni muddao bo'lsa kerak.* (<http://uchildiz.uz/>)

Salomatlik – tuman boylik, degan hikmat zamirida olamcha ma'no mujassam. Inson sog'lom bo'lsa hayot tatiydi, baxt tatiydi. Zamondoshlariga ana shunday baxt ulashayotgan salomatlik posbonlariga hamisha omad tilab qolamiz. (<http://uchildiz.uz/>)

Dunyoda mutaxassisliklar ko'p. Shulardan biri shifokorlikdir. Butun er shari aholisi pandemiya holatini boshdan kechirayotgan bir paytda bu kasb egalari har qachongidan ko'proq ehtiyoj sezildi. Inson omili bosh masalaga aylandi. Zero, inson omili, avvalo, uning jisman, ruhan salomatligi bilan bog'lanishi sir emas. Buyuklarimiz bejizga aytishmagan: «Sog'lom inson tabiatning eng noyob bo'lagidir». Balki shu sabablidir boshqa kasblarga (masalan, o'qituvchilik, murabbiylik yoki muhandislikka) nisbatan shifokorlik kasbi bilan bog'liq tibbiy metaforalar, tibbiy o'xshatishlar, tibbiy frazeologizmlar yoki tibbiy evfemizmlar o'zbek nutqida ko'proq

uchraydi. Zero, hayotda ham «bitta mohir vrachning tajribasi ko'pchilik jangchi-askarlar mahoratiga teng». (Gomer)

Metaforalar o'zaro o'xshashlik asosida ko'chadi, ya'ni nutq mexanizmi, biror leksema denotatining tashqi, zohiriy o'xshashligi asosida boshqa ma'noni ifodalash uchun ishlatilishidir. Har bir sohaning o'z metaforalari mavjud. Jumladan, tibbiyot sohasiga tegishli metaforalarga quyidagilarni misol keltirish mumkin:

Hozirgi pandemiya sharoitida metiniroda shifokorlarimiz ko'rinmas yov oldiga birinchilardan bo'lib kurashga chiqdilar. (<http://uchildiz.uz/>)

Eng muhimi, azalqo'rg'on xalqimiz sog'-salomat bo'lib, bu hayotdan mamnun yashasinlar. Shu ezgu maqsad yo'lida yengilmas tog' shifokorlarimiz kunu tun el xizmatida. (<http://uchildiz.uz/>)

Frazeologik birliklar leksik-semantik jihatdan tildagi turg'un birikmalar bo'lib, tibbiy frazeologizmlarga quyidagilarni misol keltirish o'rinli:

*Men sizdan davo topdim, jonga jon shifokorlar,
Maqsadi salomatlik, mehribon shifokorlar.*

*Insonning hayotiga chang solsa agar bir xavf,
Ilmini qurol qilgan posbon shifokorlar.* (P.Mo'min)

O'zbek nutqida tibbiy evfemizmlar eng ko'p uchraydi. Bunday birliklarni nutq egalarining o'zi nutqiy sharoitga moslab yasab olishaveradi, desak mubolag'a bo'lmaydi. Nutqqa ta'sirchanlik va yoqimlilik bag'ishlovchi, aytilmoqchi bo'lgan axborot (fikir, mulohaza)ni yumshoq va odobli qilib ifodalashga xizmat qiluvchi birliklar evfemizmlar sanaladi. Evfemizmlarda qo'pol, beadab, ta'qiq so'z yoki ibora madaniy shaklda pardali qilib aytiladiki, bu hol, bir tomondan, nutq madaniyati bilan bevosita bog'liq bo'lsa, ikkinchi tomondan, o'zbek xalqining milliy o'zligi bilan aloqador.

Ha, «yaxshi gapirmoq», «silliq so'zlamoq» ma'nolarini beruvchi *evfemizim* atamasi muloqot jarayonida so'zlovchining nutqini qo'pol, madaniyat doirasidan tashqaridagi so'zlarni qo'llashdan yoki tinglovchining «ko'ngliga tegishi mumkin» bo'lgan noqulay so'zlarni ishlatishdan saqlash bilan bog'liq, ammo bu evfemizmlar qo'pol, noqulay ma'noni beruvchi so'z ifodalagan mantiqni bermaydi degani emas. Zero, evfemizim ifodaga ijobiy yondashuv orqali yuzaga keladi [1;2;15].

Kuzatishlarimiz shuni ko'rsatadiki, evfemizmlardan muayyan kasb egalari, ayniqsa, yozuvchi va shoirlar ko'proq foydalanadilar. Ammo shu o'rinda ta'kidlash lozimki, ijtimoiy hayotimizda faoliyat ko'rsatayotgan har bir kasb egasi, qolaversa, o'zini madaniyatliman deb hisoblagan yoki shunday hisoblanishni istagan har bir kishi evfemizmlardan to'g'ri va o'rinli foydalanishga harakat qilmog'i zarur. Va yana nutqda evfemizmlardan foydalanish kishining farosatlilik darajasini belgilovchi me'yorlardan biri hamdir.

Demak, inson istalgan davraga, avvalo, o'z so'zi bilan kirib boradi. SHu boisdan nafaqat o'zbek tilshunosligida, balki jahon lisonshunosligida ham til va madaniyat munosabati, til tizimidagi milliy o'ziga xos elementlar hamda til sohibi nutqi tadqiqiga bag'ishlangan ishlar dolzarblik xususiyatini yo'qotmaydi. Chunonchi, evfemizmlar, ularning kasbiy xoslanishi ham shular jumlasidan.

Kundalik hayotda turli toifa, turli yosh va turfa dunyoqarashga ega kishilar bilan eng ko'p muloqot qiladigan kasb egalaridan biri – shifokorlar.

Boshi yostiqa etgan inson zoti borki, davo istab shifokorning og'ziga qaraydi. Shifokorning bir og'izgina so'zi yo bunyod etadi, yo barbod qiladi. Demak, nutqiy evfemizmlarga boshqa kasb egalaridan ko'ra shifokorlar ko'proq ehtiyojmand.

Azal-azaldan shifokorlar o'zlarining iliq muomalalari va yuksak bilimlari bilan bemorlarning dardiga malham bo'lishgan, ularni davolashgan. Tib ilmining bilimdoni Ibn Sino bu xususda shunday yozib qoldirgan ekan: «Shifokor bosiq, sinchkov va, albatta, shirinsuxan bo'lishi zarur. Agarda u shirin so'zlari bilan bemorini davolanishiga ishontira olsa, dardga qarshi bemor hamda shifokor bir yoqadan bosh chiqarib kurashadi va dardni albatta engishadi. Mabodo, shifokor bemorini o'z gapiga ishontira olmasa, unda dard bemorni ruhan o'ziga sherik qilib oladi.

Ular birlashib shifokorga qarshi turadi. Tabiiyki, bunda muolaja ancha qiyin kechadi, ba'zan samara bermasligi ham mumkin».

XXI asr tibbiyoti bemorning dardiga davo topishda faqat ilmiy asoslangan tibbiy bilimlarga tayanish samara bermasligini, bu borada, avvalo, bemorning ruhiyatini so'z bilan davolash, ya'ni uning psixologiyasiga lingvota'sir singishi muhimligini to'la-to'kis asosladi. Zero, bugun haq gapni bilishning o'zigina kifoya emas. Haq gapni tinglovchiga qanday etkaza olish haq gapning o'zidan-da muhimroq. Fikrimizni qadim rivoyat asosida dalillaymiz:

Bir podshoning tushida barcha tishlari to'kildi. Bu tushdan nihoyat xafa bo'lib, erta bilan ta'bichini chaqirib, ko'rgan tushini aytib berdi.

Ta'birchi dedikim:

–Podshoning barcha bolalari va xotinlari, yaqinlari o'z undan oldin o'ladilar.

Podshoni bu ta'bir juda qattiq qayg'uga soldi. Podshoning buyrug'i bilan ta'birchining barcha tishlarini ombir bilan sug'urdilar va tilini kesdilar. Boshqa ta'birchini chaqirtirib, ul tushni bunga ham bayon etdilar. Ikkinchi ta'birchi juda dono va xushtabiat kishi erdi. Ul dedi:

– Ey podshoh, bu tushingiz umringizning uzoqligidan dalolatdir. Siz barcha bolalaringiz, xotiningiz va yaqinlaringizdan ko'ra uzoqoq umr ko'rasiz.

Bu ta'bir podshoga yoqib, unga ot va kiyim bilan ming tanga pul berdi va dedikim:

– Agarchi bu ikki ta'birning mazmuni birdir. Lekin birinchi ta'birchi yomon iborat bilan so'zlab, o'zini halokat chohiga tashladi. Ikkinchi ta'birchi esa, yumshoq so'z bilan ishora qilib, davlat bayrog'ini ko'kdan oshirdi. (<http://xorazmiy.uz/>)

Asab asrida yashayapmiz. Odamlarga bir gap kamlik, ikki gap ko'plik qiladi. Shunday sharoitda inson, ayniqsa, shifokorlar «topib gapirish»ni bilishlari juda-juda zarur. Oliy tibbiy ma'lumot olgan har bir shaxsdan tortib yuqori malakali yaxshi vrachgacha barcha-barchasi bemorlar bilan doimiy muloqotda bo'ladi. Demak, kasb taqozosi ulardan nafaqat jiddiy maxsus tayyorgarlikni, balki yuksak g'oyaviy va axloqiy xislatlar egasi bo'lishni ham talab qiladi. Butun er yuzida shifokorlik hurmatli kasb egasi bo'lgan va shunday bo'lib qolaveradi.

Shifo ahlining bemorga xayrixohligi, iliq muomalasi, insoniy munosabati, avvalo, shifoga muhtoj kishining ruhiy dunyosida muvozanat o'rnatadiki, bu bemorning o'z dardiga to'g'ri munosabatini shakllantiradi. Abu Ali ibn Sino ta'biri bilan aytganda, vrach – bemorning do'sti, ustoz va yordamchisidir. Mas'uliyatli bu vazifani bajarish uchun unda kasbiy bilim va tajribadan tashqari, insoniy fazilatlar – rahm-shafqat, vijdon, iymon-e'tiqod, bir so'z bilan aytganda yuksak darajada madaniyat va ma'naviyat shakllangan bo'lishi zarur.

Ko'pincha, bemorning nozik tana a'zolarida illat, dard paydo bo'lishi bemor va shifokor muloqotini og'irlashtiradi. Ana shunday paytlarda tibbiy efemizmlar mazkur jarayon uchun yordamga keladi. Buni ba'zi misollarda ko'ramiz.

Havo o'tkazmaydigan har qanday tagliklar esa yorg'oqning qizib ketishiga olib kelib, o'g'il bolalar jinsiy rivojiga salbiy ta'sir etishi bois xatarli hisoblanadi. (“Shifo-info”, 2016. №13. – B.34.)

Ro'y bergan avariya qizning ko'payish a'zosiga qattiq ta'sir ko'rsatgan. Biz uni zudlik bilan jarrohlik stoliga yotqizishimiz kerak.

Sochiqlardan foydalanishda ham e'tiborli bo'lish foydadan xoli bo'lmaydi. Nozik sohalar uchun sochiqlar ham toza, yumshoq va, eng asosiysi, shaxsiy bo'lmog'i zarur. (“Shifo-info”, 2016.№20. –B.34.)

Bemorda peshob tutilishi kuzatilgani bois unga uqstostoma o'rnatiladi. SHu usulda adenomaning peshob chiqarish kanalini bevosita ezib turuvchi qismi olib tashlanadi. (“Shifo-info”, 2016. №20. –B. 47.)

Bo'qoq kasalligini vaqtida davolamasangiz, agar siz tug'ruq yoshida bo'lsangiz, homilador bo'lishingiz muammoga aylanadi, chunki yod tanqisligi ayolning nasl qoldiruvchi xususiyatiga ham ta'sir ko'rsatadi. (“Doktor press”, 2016.№26. –B. 7.)

Keltirilgan misollardagi **yorg'oq, ko'payish a'zosi, nozik sohalar, peshob chiqarish kanali, nasl qoldiruvchi xususiyat** kabi tibbiy metaforik efemizmlarni nutq jarayonida qo'llash bemor uchun ham, shifokor uchun ham noqulaylik tug'dirmaydi. Misollardan ko'rinadiki, milliy

dunyoqarash tilning metaforik tayanchlari bilan uyg'un, ikkilamchi nominatsiya mexanizmi va mahsuli bo'lgan ko'chimlarda evfemizmlar etakchi o'rin egallaydi.

Shu o'rinda metaforik evfemizmlar xususida biroz to'xtalamiz.

Metaforik evfemizmlar milliy-mental munosabatning borliqni aks ettirishida namoyon bo'ladi, u madaniy qadriyatlarning tilda namoyon bo'lishini ko'rsatadi, metaforada aniqlik va ta'sirchanlik, jozibadorlik bilan birga mavhum munosabat ham kuzatiladi. Shunisi muhimki, metaforik evfemizm nutqiy shaxsning qanday lingvomadaniy muhitga daxldorligi, tafakkur tarzi va til bilimiga bog'liq holda sodir bo'ladi. Metaforali evfemistik ifodalar asosiy axborot mazmuni va uning ustida qavatlangan konnotativ ma'no hamda munosabatdan tashkil topadi. Axborot evfemistik konnotativ ma'no bilan murakkablashadi, konnotativ ma'nolar sirasida metaforik obrazga asos bo'lgan salbiy yoki ijobiy munosabatdan biri etakchilik qiladi. Konnotativ ma'noning kuchayishi denotativ va funktsional ma'noning kuchsizlanishiga ko'ra vujudga keladi.

Shifokor, aslida yaxshigina notiq, psixolog, pedagog bo'lishi kerak. To'g'ri, aslida shifokor ham oddiy inson. U ham ota, ona, kimningdir turmush o'rtog'i yoki yaqini. U turmush ikir-chikirlari, xizmat vazifasi davridagi qiyinchilik, kasalga tashxis qo'yish bilan aloqador murakkabliklar boshdan kechiradi, ertalabdan kechgacha ishlashdan jismonan toliqadi, ba'zan stress holatiga uchraydi. Demak, bunday vaziyatlarda shifokor, avvalo, murakkab psixiologik holatdan o'zini o'zi olib chiqishi kerak. Bu esa vrachning kuchli irodasi, ma'naviy madaniyatining rivojlanganlik darajasi bilan uzviy bog'liq.

Garchi tibbiy diskurs ham boshqa preskriptiv va direktiv hujjatlar diskurslariga qo'yiladigan talablarga bo'ysunsa ham, uning barcha ko'rinishlariga har doim ham rioya qilinmaydi. Diskursning mezonlari hamisha ham mutlaq va qotib qolgan holatda emasligiga ushbu dalillar asos bo'la oladi:

Bemorning orqa chiqaruv yorig'idan chiqqan gemroidal tugunlar mustaqil o'z joyiga tushmaydi va uni faqat bosim ostida o'z joyiga tushirish mumkin. (<http://tmatm.uz/>)

Gapiradigan kasallik (gemorroj) to'g'ri ichak pastki qismlari va orqa chiqaruv teshigi atrofidagi vena qon tomirlarining kengayib, shishish kasalligi hisoblanadi. (<https://daryo.uz>)

Demak, tibbiy diskursda nutqiy muloqot madaniyati birliklarini muayyan sharoitda bemorning ahvoli, jinsi, ruhiyatiga qarab shifokorning o'zi yaratadi. Tom ma'noda, tibbiy evfemizm – shifokor va bemor muloqoti jarayonida aytilishi uyat, qo'pol yoki muloqot a'zolarini noqulay holatga soladigan (so'z, ibora, so'z birikmasi, gap ba'zan matn kabi) birliklar hamda kasallikning maxfiyligini saqlash uchun tibbiyot terminlari o'rnida qo'llaniladigan, shuningdek, bemor ruhiyatiga shikast etkazmaslik maqsadida, odatda, shifokor tomonidan ishlatiladigan nutqiy hosilalar. Ya'ni shifokorning metaforik tafakkurda o'z kasbi bilan bog'liq yangi obraz yaratishi. Metaforik tibbiy evfemizmlar – nutqiy san'at, yaratilma, zaruriy topilma. Zero, so'zlovchi ichki sezimining kuchi, idrokining teranligi metaforada, bu kuch va teranlik darajasi esa ularning metaforik topilmalarida yuzaga chiqadi. Metaforaning qimmatli noodatiyligi va hamisha yangilanib turishidir. Tibbiy metaforik evfemizmlar bemorning holati haqidagi yalang'och haqiqatni yangi – muloyim, silliq shakl qoliplariga solish demakdir.

Umuman, tibbiy metaforik evfemizmlar shifokordan tafakkurning yuqori darajasiga ko'tarilishni, voqelikni ifodalashda reallik hamda noreallikni muvofiqlashtirishni, aniqrog'i, ulardagi muvofiqliklarni anglashni talab etuvchi tafakkur usulidir.

Inson qalbiga, botiniy dunyosiga qanchalik chuqur kirib borilsa, shunchalik yangidan-yangi qirralar kashf etilaveradi. Demak, tibbiyot xodimlari eng avvalo, inson qalbiga chuqur kirib borishi, unga yo'l topishi kerak. Shifokorlar zimmasida aholining sihat-salomatligi va hayotini saqlashdek g'amxo'rlik mas'uliyati bor ekan, ular o'z kasblariga halol, yuksak mas'uliyat hisi bilan yondashishi, ma'naviy burchlari va deontologik madaniyatiga sodiq bo'lishlari muhim.

Vaholanki, davo jarayonida so'z qudratli qurol, tengsiz malham, yarim shifo demakdir. Odamzodga so'z ta'siri har qanday malhamdan yuqoriroq turishi sir emas. So'z ruhni davolaydi. Buqrot hakim aytganidek: "Inson ruhini davolamay turib, tanga shifo berib bo'lmaydi". (<https://beproclub.com.pl/pediatriyada-hamshiralik-ishi-kitobi/>)

Ammo diskursda tibbiy evfemizmlarni qo‘llashning o‘zigina kifoya emas. Shifokorning so‘zlash ohangi, hatto saqlagan sukuti ham o‘rinli, nutqiy sharoitga mos bo‘lishi zarur. Agar shifokorning so‘zlash ohangida beparvolik, qo‘pollik, bepisandlik yoki nosamimiylik sezilsa, har qanday evfemik birlik ham ta‘sir kuchini yo‘qotadi.

Nutqning asosiy noverbal komponentlaridan biri ohangdir. Murakkab va, ayni paytda, mazmunan, shaklan va mavzu doirasi jihatidan nihoyatda rang-barang, betakror nutqiy muloqotda verbal vositalar bilan birga noverbal vositalar ham muhim o‘rin tutadi. Ba‘zan nutq jarayonining shakli faqat noverbal bo‘lishi ham mumkin. Albatta, bu nutqiy sharoit, ijtimoiy muhit, kommunikantlarning til sezgirligi kabi qator faktorlarga bog‘liq.

Masalan,

Kechasi allamahalda Qodirali otaning umr yo‘ldoshi Hafiza ayaning ahvoli og‘irlashib qoldi. Chaqirilgan “tez yordam”chilar ancha kechikib kelishdi. Qodirali ota oq xalatli vrach bilan xamshiraga yo‘l boshlar ekan, yo‘l-yo‘lakay xotining holatini tushuntirishga urindi...

–Vahima qilmang, ota, qon bosimi keksalarning ko‘pida bor, – dedi beparvo ohangda vrach... (<http://shifokorvahayot.uz/>)

Parchadan ma‘lum bo‘ladiki, so‘zlovchi (shifokor)ning gap ohangidagi *beparvolik ohangi* tinglovchi (bemorning yaqini)gayoq salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. SHifokorning o‘z kasbiga mas‘uliyatsizligi uning so‘z ohangidan bilinib turibdi.

Misol.

–Kecha nima ovqat yegandingiz?

Asablarim taranglashib ketdi. Yana shu savolmi? Ertalabdan buyon barcha ko‘rgan shifokor shu savolni berdi. Ammo natija bo‘lgani yo‘q. Onamdan oldin javobga shoshdim.

–Ilgari kuni anorli salat bilan osh eganlar. Kecha manti qilgandim.

*–Tushunarli,–dedi shifokor mening jahlimga qarshi o‘laroq **samimiyat bilan**. – Onaxonni qabziyat qiynayapti. Manavi doridan ikki dona olib chiqing. Tuzalib ketadilar.*

... Ko‘p o‘tmay onajonimning ko‘zlari porlab, oyoqqa turdilar.

Shifokor:

*– Yaxshisi, – dedi shifokor menga **iltimos ohangida** xuddi o‘z onasi haqida qayg‘urayotgandek, – onaxonga tez-tez suyuq ovqatlar tayyorlab bering. Salomat bo‘linglar! (<http://fsh.uz/>)*

Shifokorning bosiqligi, o‘z kasbining bilimdoni ekanligi, asosiysi, muomala-munosabati bemorga ham, uning yaqinlariga ham ijobiy ta‘sir ko‘rsatganligini parchadan anglab olish qiyin emas.

Agar diskursda so‘zlovchining maqsadi nutqda ifodalanayotgan biror fikrni asosiy nutq voqeligiga aylantirmoqchi (gap qo‘zg‘amoqchi, e‘tibor qarattirmoqchi, ba‘zan shu orqali biror axborotga ega bo‘lmoqchi) bo‘lganda rag‘batlantiruvchi ohangdan foydalanadi. Misol,

*–Eh, yengilgina dardga ham odam cho‘zilib yotaveradimi? – dedi xona kirib kelgan shifokor **ko‘tarinki ohangda** xuddi eski qadrdonlardek.*

Karim so‘lg‘in jilmaydi. Endi dardini boricha aytmasa bo‘lmasligini angladi.

Nutqning asosiy noverbal komponentlaridan yana biri sukutdir. Har qanday faoliyat o‘zining amaliy qimmatini bilan ahamiyatli. Nutq muloqot faoliyati bo‘lganligi uchun uning samarasi ham nutqning ta‘sirchanligi, ma‘lum bir maqsadga erishganligi bilan belgilanadi. So‘zlovchi va tinglovchi (kommunikant)larning bir-biriga ta‘siri, ma‘lum maqsadni yuzaga chiqarish darajasi muloqot jarayonining amaliy samarasi hisoblanadi. Zero, nutqiy muloqot oddiy nutq(lisoniy imkoniyatlarning muayyan moddiy shaklda voqelanishi)dan farqlanuvchi, o‘zining murakkabligi, verbal va noverbal, shuningdek, milliy, etik, estetik, etnografik, psixologik, ijtimoiy kabi tarkibiy qismlarning o‘zaro uyg‘unlashuvidan iborat bo‘lgan situativ pragmatik butunlikdir.

Sukut birligiga o‘ta murakkab, o‘ziga xos oniylik (situativlik), muayyan kommunikantlar, zamon va makon, shart-sharoit, maqsad/sabab va oqibat bilan uzviy bog‘langan o‘ta qisqa bir zamonda sodir bo‘ladigan pragmatik sistema bo‘lgan nutqiy muloqotning asosiy tarkiblaridan biri sifatida qaralishi zarur [5;6;7].

Shifokor va bemor o'rtasidagi diskursda sukut – muhim noverbal kommunikativ vosita turi. Tibbiyotning otasi Gippokrat shunday yozgan edi: «..*hakim, tashxis qo'yish va davolashning katta ko'lamiga, bemorning nafaqat joriy kasalligini, balki, undan avvalgi yuz bergan betobliklarini va ulardan qolga asoratlarni ham hisobga olishi zarur. Hakim bemor ham boshqa barcha odamlardek oddiy odam ekanligini, uni anglash uchun boshqalarni ham anglash lozimligini unutmaslik kerak. Uning uchun haattoki **bemorning sukuti** ham ko'rsatma bo'lib xizmat qilishi kerak*».

Tom ma'noda, sukut ham tibbiy evfemik ma'nolarni yuzaga chiqaruvchi, tibbiy evfemizmlarning ta'sir kuchini oshiruvchi noverbal pragmalingsvistik hodisa sifatida baholanishi o'rinli.

Xulosa. Demak, har qanday tilning boyligi o'sha til birliklarining qo'llanilish imkoniyatlari darajasi bilan o'lchanar ekan, bemaolol ayta olamizki, o'zbek tilning ijtimoiy-ruhiy ta'sir doirasi nihoyatda keng va rang-barangdir. Insonning jismi joni, ruhiyati, ma'naviyati, ma'rifati bilan bog'liq holda faoliyat yuritadigan istalgan yo'nalish vakillari, jumladan, tibbiyot xodimlari o'z sohalari nuqtayi nazaridan olamning milliy lisoniy tasvirlarini sintezlashga va ularni o'z faoliyatlariga mos holatda olib kirishga erisha olmoqlari muhim.

Zero, olamning milliy lisoniy tasvirlarini sintezlash insoniyat ongida uning olam bilan barcha aloqalari asosida shakllanadi va rivojlanadi. Bu borada tilning verbal (sinonimiya, graduonimiya, antonimizatsiya, perifraza, metafora, metonimiya, sinekdoxa, kinoya, frazeologizm, evfemizatsiya va b.) va noverbal (ohang, sukut) birliklari lingvopragmatikani amalga oshirish vositasi sifatida xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. [Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. https://ziyouz.uz](https://ziyouz.uz)
2. Махмудов Н. Термин, образли сўз ва метафора// Ўзбек тили адабиёти. – Тошкент, 2013. – №4. – Б. 5.
3. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Raupova L., Qurbonova M., Abuzalova M., Yuldasheva D. Hozirgi o'zbek tili. Darslik. – Germaniya: “Globe Edit international Publishing Group” ISBN: 978-620-0-61410-0. – 2020.–555 b. <http://yuldasheva.buxdu.uz/>
4. R.K.Ashurbaeva. Ways of effective Implementation of Integration. Middle European Scientific Bulletin. Volume 10, March 2021. ISSN 2694-9970. Pag.45-51. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/308>
5. Dilorom Nematovna Yuldasheva. Problems of national language education at school. Volume 4 Issue 3 BSU 2020 (3) Published by 2030 Uzbekistan Research Online, 2020 <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss3/15/>
6. Дилором Юлдашева. Нуткий мулоқотда сукутнинг ўрни. [Образование и инновационные исследования](http://interscience.uz/index.php/home). Том 1 № 1 (2020). <http://interscience.uz/index.php/home>
7. Дилором Юлдашева (Dilorom YULDASHEVA). Профессиональные фразеология (Professional Phraseology). International conference on academic studies in philology (BICOASP) 26-28 September 2019 Bandırma <https://d1wqtxts1xzle7.cloudfront.net/60539392/>
8. Юлдашева Д. Н. Сукут нуткий мулоқотнинг таркибий қисми сифатида //Сўз санъати халқаро журнали. – 2020. – Т. 3. – №. 3. www.tadqiqot.uz
9. Tueva Zulfiya Nozimovna, Yuldasheva Dilorom Nigmatovna. Statement and about its types. International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 93 published January 30, 2021. – Pag.72-77. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44644256>
10. YULDASHEVA DILOROM NIGMATOVNA. Silence-is a nonverbal unit of speech communication. Impact Factor (SJIF 20 20= 6.156) “American Journal of Research”, 2020, 11-12 issue of the Journal.– Pag.87-95. https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/12/2020_11_12-AJR_11.pdf

11. Юлдашева Дилором Нигматовна. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.–Тошкент, 2007.–124 б.

12. Dildora Yunus kizi Yusupova. About Polisemantic Words (on the example of the poems of the Uzbek poetess Khalima Khudoyberdiyeva). Middle European Scientific Bulletin. Volume 10, March 2021. ISSN ISSN 2694-9970. Pag.384-389. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/367>

